

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**М.Э. ПЎЛАТОВ, Г.М. ШАДИЕВА, Ш.А. СУЛТОНОВ, З.С. АРТИКОВ,
А.П. ҲАЗРАТОВ, Л.У. МАХМУДОВ**

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ

Ўқув қўлланма

СамИСИ 2021

УО'К 332.1(575.1)(075)М 52

КВК 65.04(5Ў)я7

Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма / М.Э. Пўлатов, Г.М. Шадиева, Ш.А. Султонов, З.С. Артиков, А.П. Ҳазратов, Л.У. Махмудов – Самарқанд: “СамИСИ”, 2021. – 232 бет.

Тақризчилар: Самарқанд давлат университети “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори, и.ф.д. **Н.У. Арабов** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси доценти, PhD **Б.Б. Мардонов**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистоннинг иқтисодий минтақалари, уларнинг ҳолати, мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини модернизация ва диверсификация қилиш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, ижтимоий ҳамда демографик ҳолатни ўрганиш, мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини юксалтириш масалалари, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва йўллари акс эттирилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлири талаба ва ўқитувчиларига ҳамда докторантларига мўлжалланган. Ундан профессор-ўқитувчилар ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш муаммолари билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган. Баённома № “3”, “28” октябрь 2021 йил.

ISBN: 978-9943-7642-5-5

© “СамИСИ” 2021
“Fan bulog’i” нашриёти 2021 й.

КИРИШ

"Минтақавий иқтисодиёт" иқтисодиётнинг янги тармоқларидан биридир. Яқин йилларгача иқтисодчилар жуда кўплаб муаммоларни тадқиқ этишган бўлсада, бироқ ҳудудий ўзгаришлар таҳлил этилмаган. Географлар эса, муаммоларнинг оддий таърифини бериб харитада тасвирлашади. Шаҳарлар ривожланишини режалаштирувчилар ҳам шаҳар макетини яратиш билан боғлиқ бўлган машғулот билан чекланиб қолишган. Охирги ўн йилликда турли касб эгалари - иқтисодчилар, географлар, экологлар, шаҳар ва минтақа иқтисодчилари долзарб муаммолар устида умумлашган ҳолда тадқиқот ишларини олиб боришди. Хусусан, 1940 йилда У.Айзард томонидан минтақашунослик фанига асос солинди. Макон (жой) характериға эға бўлган иқтисодий тизимларни ўрғанади. Минтақавий ёки "макон (жой)" иқтисодиёти куйидаги савол билан ифодаланиши мумкин, "Нима, қаерда ва нима учун?". "Нима" саволи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир туриға тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа турдаги бизнес фаолияти, уй хўжалиги, хусусий ва жамоат ташкилотларини "қаерда" жойлашувини ўрғанади. Турли касб эгалари - иқтисодчилар, географлар, экологлар, шаҳар ва минтақа ривожланишини режалаштирувчилар, минтақашунос олимлар ва урбанизация билан шуғулланувчи мутахассислар шаҳар ва минтақаларнинг ниҳоятда муаммоли вазиятларини ўрғанадилар. Минтақа иқтисодиётида табиий ресурслар ва ишлаб чиқаришнинг концентрацияси, транспорт ва коммуникация тизимини шаклланишиға оид долзарб муаммоларни ўрғанади. Макон (жой) ёки минтақа иқтисодиётини ўрғанишда қандай долзарб муаммолар бор? Улар биз кўришимиз мумкин бўлган турли даражаларда вужудға келади. Ҳудудий муаммолар макроиқтисодиёт даражасида, уй хўжаликлари ёки бизнес фирмаларида қарорларни қабул қилишда юзаға келиши мумкин¹.

Жумладан, бизнес фирмаси бозор, материал манбалари, ишчи кучи, хизматлар ва бошқа ҳудудий омиллар билан боғлиқ бўлган қулай жойни танлайди. Бизнес фаолияти билан шуғулланмайдиган ташкилотлар, уй хўжалиги, ижтимоий тармоқлар ҳам жой танлаш муаммоси билан тўқнашади. Бунда нарх-наво ва фойда нуқтаи назаридан қулай бўлган жой танлаш билан боғлиқ бўлган қизиқишлар юзаға келади. Шу сабабдан минтақавий иқтисодиёт фанида барча ижтимоий-иқтисодий объектларнинг жойлашуви муҳим тадқиқот иши сифатида ўрғанилади.

Минтақавий иқтисодиёт фанида жойға баҳо беришда транспорт ва алоқа хизматларининг роли юқоридир. Хусусан, товар ва хизматларнинг ҳудудий жойлашуви долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, бир қатор омилларға – транспорт, транспорт ва алоқа воситаларининг техник

ҳолати, логистика хизматларига боғлиқдир. Шу сабабдан, минтақавий иқтисодиёт фани транспорт омили нуқтаи назаридан турли хил жойларнинг имкониятларини ўрганади. Айнан алоҳида минтақада иқтисодиётнинг шаклланиши иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқдир.

Минтақавий иқтисодиёт фани ҳудудий маконда нарх-наво билан боғлиқ бўлган қарорларни ва талабни таҳлил қилиши муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу таҳлил иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатларини баҳолаш имкониятини кенгайтириб, нарх-навонинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ҳудудий ечимларни беради. Таҳлил натижалари барча иқтисодиёт тармоқларининг жойлашган моделларини тушуниш имкониятини беради. Жумладан, нефт қазиб олувчи технологияларни сотиш нефт-газ саноати ривожланган ҳудудларда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Минтақаларда нарх-навонинг шаклланиши ҳудудий имкониятларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, иқтисодиётни ҳудудий концентрациялашувининг турли хил кўринишлари таҳлили шуни кўрсатадики, табиат ва табиий шароитлар минтақаларда ва жойларда жойлаштириш қарорларини қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ҳар бир иқтисодий фаолият маълум бир жойни талаб этади. Мазкур ўқув қўлланмада жой ва масофа бир ўлчов бирлигида таҳлил этилади. Ҳудудда жой ва масофа икки томонлама рол ўйнайди. Биринчи томондан, масофа қиймат ва ноқулайликни ўзида акс эттиради. Инсонларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида масофа билан боғлиқ бўлган тўсиқларни бартараф этишда транспорт ва алоқа воситалари муҳим рол ўйнайди. Мисол учун, маҳсулотни бозорга олиб бориш зарурияти юзага келганда масофа билан боғлиқ бўлган ноқулайликларни бартараф этишда транспорт муҳим рол ўйнайди. Ҳар қандай инсон фаолияти учун маълум бир жойни танлаб олиши зарур. Шу сабабдан айнан бу масалалар ўқув қўлланманинг тадқиқот йўналишлари ҳисобланади.

Минтақавий иқтисодиётда жой ёки ҳудудни танлашга бўлган рақобатнинг юзага келиши асосий қонуниятлардан бири ҳисобланади. Бу эса, маълум бир жойда ёки бирон бир нуқта атрофида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот йўналишларини ўрганиш заруриятини юзага келтиради. Мисол учун, бозор маркази атрофида қишлоқ хўжалиги зоналарининг жойлашуви ёки бир қатор саноат тармоқларининг жойлашуви ҳам ердан фойдаланиш соҳасининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади. Минтақавий иқтисодиётда бир қатор ўрганиладиган муаммолар ердан фойдаланиш билан боғлиқдир. Ер майдонидан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Бироқ, фирма, уй хўжалиги ёки саноат корхонаси қайси манзил бўйича яхшироқ жойлашган? " - бу масалани ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас.

Бунинг моҳиятини англаш учун ҳар бир тадқиқотчи, ер эгалари, тадбиркорлар локал миқёсда қандай жараёнлар содир бўлаётганини ўрганиши зарур.

Ердан фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш шаҳарларда иқтисодий фаолиятни ҳудудий ташкил этиш моҳиятини англаш имкониятини юзага келтиради. Шу сабабдан, мазкур ўқув қўлланмада ердан фойдаланишда ресурсларни тақсимлаш ва шаҳарлар ҳудудий таркибининг фундаментал асосларини шакллантириш тамойиллари ўрганилади. Бу таҳлил шаҳарсозлик билан боғлиқ муаммолар ечимида муҳим рол ўйнайди.

Таъкидлаш лозимки, минтақавий иқтисодиёт алоҳида минтақа доирасида урбанизация қонуниятларини - шаҳарлар функцияси ва унинг ўлчамлари, шаҳарлар жойлашувини тадқиқ этади. Катта шаҳар ўзининг функциясини қандай бажармоқда? Ёки ҳудудий таркибда унинг ўрни қандай бўлмоқда? Қандай ўлчамдаги шаҳарлар давлат объектлари ва бизнес фаолияти учун яхши жой ҳисобланади? Ривожланган ёки ривожланмаган ҳудудларда қандай ўлчамдаги ва таркибдаги шаҳарларни жойлаштириш зарур? Мазкур саволлар минтақавий иқтисодиёт фани бўйича яратилаётган ўқув қўлланманинг дорлзарблигини янада оширади.

Мазкур ўқув қўлланма “Минтақавий иқтисодиёт” фанини ўрганувчи бакалавр талабалари учун мўлжалланган. Ундан ИТИ олиб боровчи катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва мустақил илмий тадқиқот олиб боровчи илмий ходимлар, талабалар, малака ошириш маркази тингловчилари, соҳа мутахассислари ва бошқа минтақавий иқтисодиёт билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

I БОБ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1.1. Минтақавий иқтисодиёт фанида «жой» ҳудудий маконни ўрганиш долзарблиги

1.2. Фан предмети доирасида ўрганиладиган муаммолар

1.3. Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиёт фанининг шаклланиш даври

1.1. Минтақавий иқтисодиёт фанида «жой» ҳудудий маконни ўрганиш долзарблиги

"Минтақавий иқтисодиёт" иқтисодиётнинг янги тармоқларидан биридир. Яқин йилларгача иқтисодчилар жуда кўплаб муаммоларни тадқиқ этишган бўлсада, бироқ уларнинг ҳудудий ўзгаришлари таҳлил этилмаган. Географлар эса, муаммоларнинг оддий таърифини бериб харитада тасвирлашади. Шаҳарлар ривожланишини режалаштирувчилар ҳам шаҳар макетини яратиш билан боғлиқ бўлган машғулот билан чекланиб қолишган

Охирги ўн йилликда турли касб эгалари - иқтисодчилар, географлар, экологлар, шаҳар ва минтақа иқтисодчилари долзарб муаммолар устида умумлашган ҳолда тадқиқот ишларини олиб боришди.

Хусусан, 1940 йилда У.Айзард томонидан минтақашунослик фанига асос солинди. Макон (жой) характериға эға бўлган иқтисодий тизимларни ўрганади. Минтақавий ёки "макон (жой)" иқтисодиёти қуйидаги савол билан ифодаланиши мумкин.

"Нима, қаерда ва нима учун?"

"Нима" саволи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир туриға тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа турдаги бизнес фаолияти, уй хўжалиги, хусусий ва жамоат ташкилотларини "қаерда" жойлашувини ўрганади.

Турли касб эгалари-иқтисодчилар, географлар, экологлар, шаҳар ва минтақа ривожланишини режалаштирувчилар, минтақашунос олимлар ва урбанизация билан шуғулланувчи мутахассислар шаҳар ва минтақаларнинг ниҳоятда муаммоли вазиятларини ўрганадилар. Минтақа иқтисодиётида табиий ресурслар ва ишлаб чиқаришнинг концентрацияси, транспорт ва коммуникация тизимини шаклланишиға оид долзарб муаммоларни ўрганади.

Макон (жой) ёки минтақа иқтисодиётини ўрганишда қандай долзарб муаммолар бор? Улар биз кўришимиз мумкин бўлган турли даражаларда вужудға келади. Ҳудудий муаммолар макроиқтисодиёт даражасида, уй

хўжаликлари ёки бизнес фирмаларида қарорларни қабул қилишда юзага келиши мумкин.

Жумладан, бизнес фирмаси бозор, материал манбалари, ишчи кучи, хизматлар ва бошқа ҳудудий омиллар билан боғлиқ бўлган қулай жойни танлайди. Бизнес фаолияти билан шуғулланмайдиган ташкилотлар, уй хўжалиги, ижтимоий тармоқлар ҳам жой танлаш муаммоси билан тўқнашади. Бунда нарх-наво ва фойда нуқтаи назаридан қулай бўлган жой танлаш билан боғлиқ бўлган қизиқишлар юзага келади. Шу сабабдан минтақавий иқтисодиёт фанида барча ижтимоий-иқтисодий объектларнинг жойлашуви муҳим тадқиқот иши сифатида ўрганилади.

Минтақавий иқтисодиёт фанида жойга баҳо беришда транспорт ва алоқа хизматларининг роли юқоридир. Хусусан, товар ва хизматларнинг ҳудудий жойлашуви долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, бир қатор омилларга – транспорт ва алоқа воситаларининг техник ҳолати, логистика хизматларига боғлиқдир. Шу сабабдан, минтақавий иқтисодиёт фани транспорт омили нуқтаи назаридан турли хил жойларнинг имкониятларини ўрганади. Айнан алоҳида минтақада иқтисодиётнинг шаклланиши иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқдир.

Минтақавий иқтисодиёт фани ҳудудий маконда нарх-наво билан боғлиқ бўлган қарорларни ва талабни таҳлил қилиши муҳим тадқиқот йўналишлардан ҳисобланади. Бу таҳлил иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатларини баҳолаш имкониятини кенгайтириб, нарх-навонинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ҳудудий ечимларни беради. Таҳлил натижалари барча иқтисодиёт тармоқларининг жойлашган моделларини тушуниш имкониятини беради. Жумладан, нефт қазиб олувчи технологияларни сотиш нефт-газ саноати ривожланган ҳудудларда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Минтақаларда нарх-навонининг шаклланиши ҳудудий имкониятларининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, иқтисодиёт ҳудудий концентрациялашувининг турли хил кўринишлари таҳлили шуни кўрсатадики, табиат ва табиий шароитлар минтақаларда ва жойларда жойлаштириш қарорларини қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ҳар бир иқтисодий фаолият маълум бир жойни талаб этади. Мазкур фанда жой ва масофа бир ўлчов бирлигида таҳлил этилади. Ҳудудда жой ва масофа икки томонлама рол ўйнайди. Биринчи томондан, масофа қиймат ва ноқулайликни ўзида акс эттиради. Инсонларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида масофа билан боғлиқ бўлган тўсиқларни бартараф этишда транспорт ва алоқа воситалари муҳим рол ўйнайди. Мисол учун, маҳсулотни бозорга олиб бориш зарурияти юзага келганда масофа билан боғлиқ бўлган

ноқулайликларни бартараф этишда транспорт муҳим рол ўйнайди. Ҳар қандай инсон фаолияти учун маълум бир жойни танлаб олиш зарур. Шу сабабдан айнан бу масалалар минтақавий иқтисодиёт фанининг тадқиқот йўналишлари ҳисобланади.

Минтақавий иқтисодиёт фанида жой ёки ҳудудни танлашга бўлган рақобатнинг юзага келиши асосий қонуниятлардан бири ҳисобланади. Бу эса, маълум бир жойда ёки бирон бир нуқта атрофида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот йўналишларини ўрганиш заруриятини юзага келтиради. Мисол учун, бозор маркази атрофида қишлоқ хўжалиги зоналарининг жойлашуви ёки бир қатор саноат тармоқларининг жойлашуви ҳам ердан фойдаланиш соҳасининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади. Минтақавий иқтисодиёт фанида бир қатор ўрганиладиган муаммолар ердан фойдаланиш билан боғлиқдир. Ер майдонидан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Бироқ, фирма, уй хўжалиги ёки саноат корхонаси қайси манзил бўйича яхшироқ жойлашган?" - бу масалада ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг моҳиятини англаш учун ҳар бир тадқиқотчи, ер эгалари, тадбиркорлар локал миқёсда қандай жараёнлар содир бўлаётганини ўрганиши зарур.

Ердан фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш шаҳарларда иқтисодий фаолиятни ҳудудий ташкил этиш моҳиятини англаш имкониятини юзага келтиради. Шу сабабдан, мазкур фанда ердан фойдаланишда ресурсларни тақсимлаш ва шаҳарлар ҳудудий таркибининг фундаментал асосларини шакллантириш тамойиллари ўрганилади. Бу таҳлил шаҳарсозлик билан боғлиқ муаммолар ечимида муҳим рол ўйнайди.

Таъкидлаш лозимки, минтақавий иқтисодиёт фани алоҳида минтақа доирасида урбанизация қонуниятларини - шаҳарлар функцияси ва унинг ўлчамлари, шаҳарлар жойлашувини тадқиқ этади.

Катта шаҳар ўзининг функциясини қандай бажармоқда? Ёки ҳудудий таркибда унинг ўрни қандай бўлмоқда? Қандай ўлчамдаги шаҳарлар давлат объектлари ва бизнес фаолияти учун яхши жой ҳисобланади?

Ривожланган ёки ривожланмаган ҳудудларда қандай ўлчамдаги ва таркибдаги шаҳарларни жойлаштириш зарур? Мазкур саволлар минтақавий иқтисодиёт фанини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

Умуман олганда, минтақавий иқтисодиёт иқтисодий фаолиятни ҳудудий ташкил этиш ва бу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганади

1.2. Фан предмети доирасида ўрганиладиган муаммолар

Ҳозирги замонавий иқтисодиёт фанлари тизимида "Минтақавий иқтисодиёт" янги ва мустақил фан сифатида шаклланмоқда. Ҳар бир

мамлакатда табиий шароит, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи турли-туман ҳудудларнинг жойлашуви минтақавий тадқиқотларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Минтақавий иқтисодиёт фани доирасидаги дастлабки тадқиқотлар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва иқтисодий ҳудудлаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилган эди.

Бугунги кунда "Минтақавий иқтисодиёт" фанида минтақавий диагностика, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш, прогнозлаштириш, дастурлаштириш, стратегик таҳлил ва стратегияларни ишлаб чиқиш, ҳудудий бошқарув каби янги тадқиқот йўналишлари шаклланиб бормокда.

Минтақавий иқтисодиётнинг *тадқиқот объекти* турли ҳудудий-иқтисодий объектлар, жумладан, минтақалар, иқтисодий ҳудудлар, вилоятлар, қишлоқ туманлари бўлиши мумкин. Бу объектлар мамлакатимизда бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ҳудудий жиҳатларини, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини ўзида акс эттиради. Минтақавий иқтисодиётнинг тадқиқот кўламига ва қўйилган мақсадга қараб туриб, унинг объекти сифатида йирик иқтисодий ҳудуд, республиканинг алоҳида минтақаси ёки вилоят, қишлоқ тумани, шаҳарлар ва бошқа ҳудудий бирликларини ажратиш олиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири ўзаро алоқадорликда ва бир – бирини тўлдириб боровчи ҳудудий бирликлар мажмуаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, минтақавий иқтисодиёт алоҳида минтақаларнинг иқтисодиётини, хусусан, минтақанинг иқтисодий ривожланишидаги мавжуд объектив шарт-шароитлар (географик жойлашуви, табиий шароити, демографик, ишлаб чиқариш ва ресурслар салоҳияти) ёки ички ва ташқи омиллар, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа ва аҳолининг яшаш шароитлари, хўжаликни жойлаштириш тизими ва унинг бошқарув механизмини ўрганувчи фандир.

Минтақавий иқтисодиёт фани ишлаб чиқариш омилларининг ҳудудий жиҳатлари, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш қонуниятлари, ҳудудий ривожланиш салоҳияти ва унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ўрганади.

Шунингдек, макроиқтисодий прогнозлаштириш, тармоқлар иқтисодиёти ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фанларнинг тадқиқот йўналишларини ҳам ўрганади. Ушбу фан ўз тадқиқот предмети доирасида минтақаларнинг иқтисодий муаммолари билан бирга, экология, ижтимоий соҳа, ҳудудий бошқарув масалаларини ҳам кенг миқёсда қамраб олади.

Минтақавий иқтисодиёт фани доирасида қуйидаги муаммолар ўрганилади:

- давлатнинг вилоят, ҳудудларга нисбатан иқтисодий сиёсати ва унинг мазмун-моҳияти;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш ва ҳудудий бошқарувни ташкил этиш механизми, уни такомиллаштириш масалалари;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизми;

- стратегик режалаштириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш муаммолари;

- узоқ ва ўрта муддатда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш ва прогнозлаштириш масалалари;

- ҳудудий ихтисослашувнинг самарадорлиги, минтақа иқтисодиётини диверсификациялаш ва модернизациялаш муаммолари;

- минтақаларни комплекс ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлилигини таъминлаш масалалари;

- минтақалар иқтисодиётининг интеграциялашуви ва иқтисодий ҳудудлаштириш масалалари;

- табиий-иқтисодий салоҳият ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳудудий жиҳатлари ва бошқа муаммолар.

Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети кенг қамровли бўлиб, ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- алоҳида минтақа иқтисодиёти;

- минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар;

- ҳудудий тизимлар (бу ерда миллий иқтисодиёт ўзаро алоқадорликда бўлган минтақалар тизими сифатида қаралади);

- ишлаб чиқаришни жойлаштириш масалалари;

- иқтисодий фаолият, шунингдек, молия, инвестиция жараёни, меҳнат фаолияти, турмуш даражасининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади.

1.3. Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиёт фанининг шаклланиш даври

Таъкидлаш лозимки, ўтиш даврида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча таркибий ўзгаришлар бевосита минтақалардаги табиий-иқтисодий салоҳият, ҳудудий омиллар ва ички имкониятларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан минтақавий иқтисодиётнинг *асосий мақсади* минтақалар ўртасида меҳнат тақсимотини оқилона жорий этиш, ҳар бир минтақада аҳоли турмуш даражасини ошириш ва яшаш шароитларини бирдай яхшилаш, улар ўртасидаги тафовутни бартараф этишдан иборат.

Шунга кўра, минтақавий иқтисодиётнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Минтақаларнинг ички ва ташқи омилларини, табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, уларнинг иқтисодий ўсишига бўлган таъсирини ўрганиш.

2. Республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш, юзага келаётган ҳудудий диспропорцияни аниқлаш, уни бартараф этиш бўйича илмий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш.

3. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини ва уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

4. Минтақалар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш, ҳудудий бошқарувни такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий кўрсатмалар ва таклифларни ишлаб чиқиш.

5. Узоқ муддатда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг концептуал асосларини ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишга илмий - услубий кўмак кўрсатиш.

Республика ҳудудларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш, унинг илмий-услубий ёндашувларини такомиллаштириш. Минтақавий иқтисодиётнинг фан мақомида шаклланиши унча катта тарихга эга эмас.

Мазкур фаннинг шаклланиши ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг классик ғоялари юзага келиши билан бевосита боғлиқдир. 1826 йилда немис олими И.Тюнен биринчи марта иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиб, шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳалқасимон жойлаштиришни асослаб берди. Кейинчалик ишлаб чиқаришни жойлаштириш ғоялари бошқа немис олимлари - А. Вебер (саноат стандарт), В.Кристаллер (марказий ўринлар), А.Лёш (иқтисодий ландшафтлар) томонидан ривожлантирилган. Аммо у даврда яратилган ғоялар мажмуи алоҳида фан доирасида ўзлаштирилмаган эди.

Шу сабабдан минтақавий иқтисодиётнинг дастлабки шаклланиш даври 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. XX асрнинг 50-йилларида америкалик иқтисодчи олим У.Айзард томонидан ғарб мамлакатларида "Минтақавий фанлар" тушунчаси киритилди. Бу фан минтақаларни яхлит бир тизим сифатида ўрганишга қаратилган эди. Шу нуқтаи назардан "минтақа" иқтисодиёт, география, сотсиология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, психология каби фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланган.

Минтақавий иқтисодиёт минтақашунослик фанларининг бир қисмидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда минтақавий иқтисодиёт фани иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, иқтисодий ва ижтимоий география, демография, экология,

сотсиология, менежмент, статистика каби бир қатор фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланмоқда, Мазкур фан уларнинг тадқиқот методлари ва илмий- услубий ёндашувларидан фойдаланади. Умуман олганда, минтақавий иқтисодиёт фани иқтисодиёт фанлари тизимида макро ва микроиқтисодиётнинг учинчи йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиёт фанининг шаклланишида С.К.Зиёдуллаев, К.Н.Бедринсев, З.М.Акрамов, М.А.Абдусаломов, А.С.Солиев, Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқовлар катта ҳисса қўшишган.

Таъкидлаш жоизки, 1998-2004 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида профессор А.Солиев ташаббуслари билан дастлаб "Минтақавий иқтисодиёт" йўналиши бўйича бакалаврият таълими йўлга қўйилган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида "Минтақавий иқтисодиёт" курсларини ўқитиш йўлга қўйилган. Минтақавий иқтисодиёт соҳаси бўйича йирик илмий тадқиқот марказларидан бири-бу "Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти" ҳисобланади. Институтнинг "Узоқ ва ўрта муддатларда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлилигини таъминлаш" лойиҳасида республика минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини баҳолаш, стратегияларини ишлаб чиқиш, табиий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича бир қатор илмий-услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Миллий иқтисодиёт таркибини таҳлил ва тадқиқ қилишда ишлаб чиқариш ҳудудий таркибининг турли шаклларида фойдаланилади. Уларнинг барчаси давлатнинг бошқарув функциясини ва унинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда хизмат қилиши мумкин. Бироқ, бу нуқтаи назардан расмий маҳаллий ҳокимият тизимига эга бўлган маъмурий иқтисодий ҳудудлар жуда қўл келади. Шу билан бирга, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, геосиёсий тузилмаси обектив ҳолатда шаклланган иқтисодий ҳудудларга (минтақаларга) асосланиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ҳудудининг табиий географик жиҳатдан турли-туманлиги унинг «географик геометрияси», ҳудудий иқтисодиётининг шаклланишига сабаб бўлади.

Жумладан, Республика майдонининг 70 фоиздан кўпроғини текисликлар ташкил этиши, анъанавий суғорма деҳқончилик учун керак бўлган сув ресурсларининг нотекис тақсимланиши, аҳоли ва ишлаб чиқариш зич жойлашган воҳа ва водийлар билан бир қаторда яхши ўзлаштирилмаган чўл минтақасининг мавжудлиги ички ҳудудий-иқтисодий тузилманинг шаклланишини белгилаб беради. Шунингдек, бунга мамлакат геоқиёфаси (ҳудудининг конфигурацияси, шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилганлиги), чегара чизиғи, унинг оддий ва мураккаблиги ҳам таъсир этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат ҳудуди ички тузилмасининг табиий жиҳатдан ҳар хиллиги унинг иқтисодий ривожланишида ижобий аҳамиятга эга. Чунки, бундай табиий географик ҳолат иқтисодий географик вазиятнинг шаклланиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига имкон беради. Зеро, ҳар қандай мукамал тизим бир тусдаги таркибий қисмларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки уларнинг турли-туманлигидан ташкил топади.

Айнан ана шундай шароитда ҳудудий бирликлар бир-бирини тўлдиради, улар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнига эҳтиёж туғилади ва шу асосда иқтисодиётнинг ҳудудий самарадорлиги вужудга келади. Бирор-бир мамлакатнинг ҳудуди табиий ва иқтисодий жиҳатдан мутлоқ бир хил бўлмайди. Худди шунга мос равишда ишлаб чиқариш кучлари ҳам ҳудуд бўйича бир текис жойлашмайди. Нотекислик эса, ўзига хос ҳудудий-иқтисодий ривожланиш омилидир. Қизиғи шундаки, ҳар қандай мамлакат ёки вилоят ўзининг ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини бир текис жойлаштиришга, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга ҳаракат қилади, аммо мутлоқ ҳолда бундай тенглик ҳеч қачон амалга ошмайди.

Сиёсий мустақилликка эришган мамлакатларда иқтисодий мустақилликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш уларнинг ичидаги меҳнат тақсимотини зарурият қилиб қўйди. Чунки, илгариги тизимда республикалар иқтисодий макони ички жиҳатдан турланмаган, асосан муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёки хом ашё базасига йўналтирилган эди. Натижада сиёсий мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш муаммоси энг долзарб бўлиб қолди. Иқтисодий мустақиллик эса, макроиқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат (дон), йўл-транспорт тизимини жадал ривожлантириш, мамлакат ички салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, минтақаларнинг бозор муносабатларига тезроқ мослашуви, уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишни тақозо этади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий «йўлдоши» бўлган ихтисослашув натижасида иқтисодий ҳудудлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини ташкил қилади. Аммо ҳудудий таркиб фақат иқтисодий ҳудудлар қаторидан иборат эмас, у маъмурий бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин. Иқтисодий ҳудудлар минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсатнинг объекти ҳисобланади. Агар илгари иқтисодий ҳудудлаштириш халқ хўжалигини режалаштириш мақсадида ажратилган бўлса, ҳозирги шароитда улар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг асосий шакли, давлат минтақавий сиёсатининг объекти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиб бориш ва бошқариш учун зарур.

Қолаверса, иқтисодий ҳудудларсиз мамлакат ҳўжалиги ички тузилиши, ҳудудий таркиб ва тизимини ўрганиш ҳам қийин. Айнан ана шу мақсадларда иқтисодий ҳудудлаштиришнинг амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий - сиёсий ташкил этиш ва бошқариш юзасидан маъмурий- ҳудудий жиҳатдан ажратиш, иқтисодий ҳудудлаштириш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий ҳудудлаштириш мамлакат ҳудудининг катта-кичиклигига унчалик боғлиқ эмас, энг муҳими, иқтисодий макон ички жиҳатдан турланган бўлиши керак. Ички тафовутлар қанчалик катта бўлса, иқтисодий ҳудудлар тури ва тизими ҳам шунча ривожланган бўлади. Чунончи, майдони жуда катта бўлган Австралия мамлакатада жуда кўп иқтисодий ҳудудларни ажратиш қийин, ваҳоланки унга қараганда анча кичик бўлган европа давлатларида бир қатор ҳудудлар шаклланган.

Иқтисодий ҳудудларнинг турлари ва шакллари ҳар хил, улар бутун мамлакат ҳудудини ўз ичига олиши (унда майдон, иқтисодий аҳамиятидан қатъий назар, турли қисмларга бўлинади) ёки унинг алоҳида жойларида, яъни дискрет ҳолда ажратилади.

Бундан ташқари, иқтисодий ҳудудлар умумий (интеграл) ва тармоқ ҳудудларга бўлинади. Шунингдек, мамлакат ҳудуди ижтимоий-иқтисодий ва социал ҳудудларга ҳам ажратилиши мумкин. Аммо, бу ҳудудларинг ҳудудий кўлами бир-биридан фарқ қилади. Одатда, иқтисодий ҳудудларга кўра ижтимоий-иқтисодий ҳудудлар кичикроқ, улардан эса социал ҳудудлар янада кичикроқ бўлади. Бундай фарқлар ҳар хил турдаги ҳудудлардаги ҳудуд ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ.

Таянч сўз ва иборалар: миллий иқтисодиёт, минтақа, урбанизация, макон ва жой, меҳнат тақсимот.

Мавзунинг такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Минтақашунослик фанига ким томонидан асос солинган?
2. Минтақавий иқтисодиётнинг тадқиқот обектига нималар киради?
3. Минтақавий иқтисодиёт фани доирасида қандай муаммолар ўрганилади?
4. Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети ўз таркибига нималарни олади?
5. Минтақавий иқтисодиётнинг асосий вазибалари нималардан иборат?

II БОБ. МИНТАҚАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

- 2.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар
- 2.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари
- 2.3. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари

2.1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан ғоят унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан шунга мос юксак ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам юзага келтиради. Иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради. Ҳар бир кишининг миллий бойликни ошириш маъсулиятини кучайтиради, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради. Эркин бозор муносабатларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни лебераллаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини тўғри ва оқилона ташкил этиш давлатнинг илмий асосланган иқтисодий сиёсати асосини ташкил қилади. Муайян макон ва замондаги ижтимоий-иқтисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш негизида унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Бинобарин, самарали, барқарор ривожланиб боровчи ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни назарда тутати. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг мақсад-моҳияти ҳам мамлакат минтақаларида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жиҳатдан тўғри ва оқилона ташкил этиш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси томонидан кенг муҳокама қилинган мазкур Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йўналиш доирасида қамраб олганлиги ва "ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан

комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Илмий манбаларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг қуйидаги асосий тамойиллари ажратилади:

➤ ишлаб чиқариш тизимларини хомашё манбалари, ёқилғи ва энергия ресурсларини истеъмол минтақаларига яқин жойлаштириш;

➤ юқори самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тизимини барпо қилиш;

➤ мамлакат ва минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиатдан фойдаланишнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

➤ халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш ва қулай геостратегик мавқеидан самарали фойдаланиш асосида халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокини чуқурлаштириб, кенгайтириб бориш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш;

➤ йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ривожланишини тартибга солиш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги табақаланиш жараёнини бошқариш, иқтисодиёт тармоқлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш асосида юқори фойда берувчи самарали ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги ғоялар узоқ тарихга эга бўлса-да, саноатлашган ишлаб чиқаришнинг қарор топиши билан “штандорт”, яъни жойлаштириш тўғрисидаги таълимотлар ҳам юзага келди. И.Тюнён, А.Вебер, Т.Паландер, А.Лёш ва бошқаларнинг саноатлашган ишлаб чиқариш тизимига бағишланган асарлари юзага келиши билан “штандорт” сўзи янги мазмунда ифодаланиб, ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш тўғрисидаги таълимотга айланди.

Дастлабки “штандорт” назарияси И.Тюнённинг 1826 йилда чоп этилган “Алоҳида давлат, унинг қишлоқ хўжалиги ва миллий иқтисодиётга муносабати” номли китобида ёритилган бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги қуйидаги уч омил бўйича тадқиқ қилинади. 1. Ишлаб чиқариш сарфлари (ишлаб чиқариш харажатлари); 2. Тупроқ унумдорлиги (тупроқнинг табиий унумдорлиги) ва ўсимликлар хусусияти; 3. Бозор нархларига нисбатан транспорт харажатлари; И.Тюнён бозор марказига нисбатан қишлоқ

хўжалигининг жойлаштирилиши қонуниятини шу бозорга нисбатан ихтисослашган минтақалардан (доиралардан) иборат бўлиши лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, И.Тюнен биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг жойлашишини асослашда математик ҳисоб-китобларни қўллайди. Немис иқтисодчиси А.Вебер “Саноат штандорти назарияси” номли асарида саноатни жойлаштиришнинг қуйидаги учта омил ёки йўналиши ажратиб кўрсатади: 1. Транспорт йўналиши, яъни мулкдорлар ўз корхоналарини транспорт харажатлари энг кам бўлган аҳоли манзилгоҳларида кўришга интиладилар. 2. Ишчи йўналиши, яъни мулкдорлар ўз корхоналарини энг арзон ишчи кучи мавжуд аҳоли манзилгоҳларида қуришга интиладилар. 3. Агломератсия, яъни мулкдорлар ўз корхоналарини бошқа саноат корхоналари тўпланган ҳудудларда кўришга ҳаракат қиладилар ва бу билан транспорт йўллари, энергетика хўжалиги, коммунал хўжалиги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тизими) барпо қилишга бўлган харажатларини қисқартиришга ҳаракат қиладилар.

А.Вебер таълимоти кейинчалик О.Енгландер, Т.Паландер, А.Лёш, В.Кристаллерлар томонидан ривожлантирилади. Хусусан, В.Кристаллернинг “Марказий жой” назарияси аҳоли манзилгоҳларининг жойлашишини асосласа, А.Лёш штандорт назариясини такомиллаштириш орқали монопол фойда, демпинг, солиқ тизими, давлат чегараси, халқаро савдо, техника тараққиёти ва бошқа тушунчалар моҳиятини очиқ беради. корхоналарни жойлаштиришда юқори фойда олишни кўзлаган тадбиркорлар билан бутун иқтисодиёт манфаатлари ўртасида кураш кетади.

Ушбу таълимотлар бозор муносабатлари ҳукмрон шароитда юқори фойда олишни кўзлаган самарали ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатдан асослашга қаратилгани боис, унинг бир қатор йўналишлари - В.Бунгенинг “марказий жой” М.Скарлетнинг “жойлашишнинг уч типи”, Ф.Перрунинг “ривожланиш қутби” ва “ривожланиш марказлари”, шунингдек, “янги ғоялар” (диффузии нововведений-янгилик киритиш) юзага келди. истеъмол қилиш ҳудуди; М1 – 1 тонна тайёр маҳсулот олиш учун 3/4 тонна хомашё сарфланадиган материаллар омборхонаси; М: 2 – 1 тонна тайёр маҳсулот олиш учун 1/2 тонна хом ашё сарфланадиган материаллар омборхонаси; С – "ишлаб чиқариш-штандорт" жойлашган ҳудуд. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган фан-техника инқилоби ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштиришнинг “классик” назарияларига бир қатор “тузатишлар” киритди. Улар жумласига:

а) саноатнинг ўта янги тармоқлари, аввало, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-тажриба ишлари билан чамбарчас боғлиқ “илмталаб” соҳаларнинг гуркираб ривожланиши;

б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат тармоқларига кўчиши - агросаноат мажмуасининг (агробизнес) шаклланиши;

в) инфратузилма соҳаларининг миллий даромаддаги ҳиссаси барқарор ортиб бориши;

г) ишлаб чиқариш тизимини тобора транспорт-географик ўринга ва хомашёга боғлиқлигининг қисқариб бориш жараёни;

д) илмий тадқиқот ишлари ва лойиҳалаш-тажриба марказлари ролининг ортиб бориши;

ж) юқори малакали меҳнат ҳиссасининг тобора кенг рол ўйнаши;

з) ижтимоий-экологик омиллар - ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашишида рўй берган сезиларли ўзгаришларни келтириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, “жойлаштириш” назариясида Д.Ж.Гелбрейтнинг “индустриал жамият”, У.Айзарднинг “жойлаштиришнинг бозор назарияси” каби янги йўналишлар ривожланишига замин ҳозирлади. Бироқ, мавжуд вазият “табиат-жамият” тизимида аҳоли ва у билан боғлиқ қонун ва қонуниятлар моҳиятини тўлақонли очиб беришга имкон бермаган. Таҳлил ва натижалар Қонун-табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларнинг (ўзаро алоқадорлигини) барқарор такрорланиб турувчи сабаб-оқибат боғланишларини ифодаласа, қонуният воқеа ва ҳодисалар кетма-кетлигининг барқарорлиги ва қонунлар мажмуасининг ўзаро уйғунлигини ифодалайди. Шу боис, ишлаб чиқариш мамлакат ва минтақалардаги умумий иқтисодий қонунларнинг ҳудудий характериға боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг бутун тарихий-географик босқичларида амал қиладиган, уларнинг сабабий алоқа ва ўзаро ички боғланишларини ифодаловчи иқтисодий қонунлар мажмуаси умумий иқтисодий қонунлар дейилади. Иқтисодий қонунлар мажмуаси ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучларнинг характери ва ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги, самарали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларнинг ошиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнларининг умумлашуви ва иқтисодий интегратсиясининг чуқурлашуви, давлат монополистик мулки ва иқтисодиётнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш монополизми ва давлатнинг антимонополистик тадбирлари, иқтисодиётнинг бошқарувига давлатнинг аралашуви, минтақавий режалаштириш, башорат қилиш ва иқтисодий худудлаштириш кабилардан иборат.

Масалага бундай ёндашув А.Лёшнинг концепциясида ҳам кузатилади. Хусусан, А.Лёш иқтисодий ҳудудларга алоҳида эътибор бериб, ҳудуд ҳосил қилувчи асосий омил ишлаб чиқариш тизими эмас, балки товарларни бозорда сотиш асосий ўрин тутди деб ҳисоблайди. Иқтисодий ҳудудлаштириш – ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилишни такомиллаштириш асоси сифатида мамлакатларнинг ҳудудий-иқтисодий мажмуасини ифодалайди. Иқтисодий ҳудудлаштириш ҳудудий меҳнат тақсимотига асосланади ва унинг натижасида мамлакатнинг айрим қисмлари, яъни табиий-иқтисодий жиҳатдан яхлит ҳудудлари ишлаб чиқаришнинг бир ёки бир нечта иқтисодий самарали бўлган тармоқларига ихтисослашади.

А.Лёш иқтисодий ҳудудларни учта турга ажратади:

- 1) оддий ҳудудлар зонаси;
- 2) ҳудудлар тури ёки товарни сотиш зоналари йиғиндиси;
- 3) ҳудудлар тизими, бу шажарада энг юқори ва мураккаб тип бўлиб, А.Лёш фикрича “Иқтисодий ландшафт” – бозор тизими ёки бош шаҳарнинг иқтисодий таъсир доирасида бўлади. Бу эса ўз навбатида, ҳудуд даражасидаги ва ҳудудлараро алоқаларнинг амалга ошишига замин ҳозирлайди.

Иқтисодий ҳудудлар бир-биридан ишлаб чиқариш шароитлари билан фарқланади. Бундай шароитлар:

- а) иқтисодий ривожланиш даражаси;
- б) меҳнат ресурсларининг шаклланиш хусусиятлари;
- в) ишлаб чиқариш тизимининг ихтисослашуви ва концентрацияси;
- г) транспорт турининг шаклланиши;
- д) ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари ҳамда табиий-тарихий хусусиятлари билан белгиланади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай ҳудудларда йирик ишлаб чиқариш турлари - электр энергетикаси, металлургия, машинасозлик, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати мажмуалари, ихтисослашган қишлоқ хўжалигини жойлаштириш бутун мамлакат хўжалик мажмуаси учун юқори иқтисодий самара беради. Айни вақтда, иқтисодий ҳудудларда самарали ишлаб чиқариш тизимининг шаклланиши мавжуд табиий шароит ва табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш, саноат тармоқларининг ўзаро уйғунлашган ҳолда ривожланишини таъминлаш ва саноат мажмуалари, агросаноат ишлаб чиқариши ва инфратузилма тармоқларининг барқарор ривожланиши ҳамда Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қонуниятлар билан бир қаторда табиий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ижтимоий-экологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар гуруҳи, миллий хўжалик

тармоқларининг оқилона ташкил этишда уларнинг таъсир даражасини ҳисобга олинишини назарда тутди.

Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларни уларнинг таъсир даражасига кўра, 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

- ✓ табиий омиллар;
- ✓ ижтимоий-иқтисодий омиллар;
- ✓ ижтимоий - демографик омиллар;
- ✓ ижтимоий-экологик омиллар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар бирламчи характерга эга бўлиб, у ҳудудда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг моддий асоси сифатида хизмат қилади. Кейинги омил демографик жараёнларнинг бугунги ва истиқбўлдаги ҳолатини ҳисобга олади. Меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда сермеҳнат иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимлари, юқори малакали меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда замонавий ва ўта замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилади. Аҳолининг ҳудудий жойлашишига мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш мигратсион жараёнларнинг тартибга солиш ва бошқариш имконини беради. Бу ўринда саноат корхоналарини “филиаллаштириш” орқали ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича бир текис ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида “марказий жой” ёки “ривожланиш кутби” йўналишлари доирасида тадбирлар амалга оширилиб, биринчи навбатда ўсиш имконияти мавжуд бўлган минтақаларга устувор даражада эътибор қаратилди. Инвестицион жозибадорлик, ишлаб чиқаришни ташкил этишда моддий техник базанинг мавжудлиги, миқдор ва сифат жиҳатдан этарли миқдордаги ишчи кучининг тўпланганлиги, хомашё ресурслари билан таъминланганлиги каби омиллар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида мутлақо янги ишлаб чиқариш объектларидан иборат саноат марказларининг шаклланиши асос бўлди. Эндиликда ушбу марказларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ва кўшни ҳудудларнинг қамраб олишини таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги¹ фармонида 2017-2021 йилларда вилоят, туман ва шаҳарларни

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 70 модда. 6 (766) сон Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2017 йил.

комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобига ҳудудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали ҳудудлар ижтимоий- иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда Хитой тажрибаси жаҳон ҳамжамиятидан томонидан кенг эътироф этилади. Мамлакат шарқида 1333 та божсиз зоналар 32 та замонавий технологик ишлаб чиқариш зоналари 52 та технополислар 10 дан ортиқ эркин савдо зоналари ва буларни бирлаштириб турувчи йирик махсус иқтисодий зоналар тузилган бўлиб, бу ҳудудлар Хитойнинг ташқи дунё билан иқтисодий алоқа қилишдаги ўзига хос “очиқ эшик”лар вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизда дастлабки эркин индустриал-иқтисодий зона Навоий вилоятида ташкил этилди. “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармонга асосан янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва замонавий корхоналар бунёд этиш ҳамда хорижий инвесторларга солиқ ва бож тўловлари бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган имтиёзлар белгилаб берилди. Хорижий инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши йиллар ўтган сари ортиб бормоқда ва бунинг натижасида ҳудудда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда кўшма корхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 декабрдаги “Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида” ги, 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2017 йил 12 январ ПФ-4931-сонли “«Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармонлари ҳудудларда ишлаб чиқаришни янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор бўлди. Ушбу ҳудудлардаги маҳаллий минерал-ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишловчи ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади. Биргина "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида ўтган 2016 йилда 56,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 6,1 фоизга кўпдир. Ушбу давр мобайнида 7 янги завод қурилди, 929 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот

ишлаб чиқарилди. Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада такомиллаштириш, иқтисодиётни лебераллаштириш бугунги куннинг объектив зарурати айланди. Чунки бозор иқтисодиёти жаҳон цивилизациясининг ғоят улкан ютуғи сифатида – иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини узлуксиз таъминловчи иқтисодий тизим эканлигини исботлади. Айни шу йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистон 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдорига 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. Жорий 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш орқали 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилиши назарда тутилган. Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа, рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа, кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа, углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа, тайёр чарм-поаябзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн.долларлик 7 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа, тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа шулар жумласидан. Ушбу тадбирларни амалга ошириш саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишга асос бўлади. Мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминлаб бераётган ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари муҳим ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эга.

Жойлаштириш назарияларини статик ва динамик назарияларга ажратиш мумкин. Статик назариялар XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ пайдо бўлган. Динамик назариялар эса бир асрдан сўнг - XX аср бошларида юзага келган. Дастлабки жойлаштириш назариялари ҳозирда классик стандарт назариялар деб аталиб, улар Й.Г.Фон Тюнен, В.Лаунхард, А.Вебер номлари билан боғлиқ. Ушбу назарияларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

• алоҳида олинган бирор қишлоқ хўжалиги ёки саноат корхонасининг кўриб чиқилиши;

• жойлаштиришнинг барча омиллари тўғрисида маълумотларни тўплаб, уларни умумлаштириб, корхонани қуриш (ишлаб чиқаришни жойлаштириш)нинг қулай жойи тўғрисида аниқ жавоб олиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар мавжудлиги.

Й.Г. Фон Тюнен товар ишлаб чиқаришнинг обектив қонуниятлари мавжудлигини аниқлаган биринчи олим ҳисобланади (унинг биринчи иши 1826-йилда пайдо бўлган). Тюнен қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорида саноат маҳсулотлари билан таъминловчи шаҳаргача бўлган масофага қараб жойлаштириш, ихтисослашиш ва қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини танлаш моделларини таклиф этди. Тюнен моделида транспорт харажатлари жойлаштиришнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

В.Лаунхард ҳам саноат корхоналарини қолиб чиқиб, транспорт омили ҳал қилувчи оми, деб ҳисоблаган. Унинг фикри саноат корхоналари жойлашадиган жой тўғри танланганлигини хомашё, ёрдамчи материаллар ва тайёр маҳсулотларни келтириш учун транспорт харажатларини минималлаштириш билан асосланган эди.

А.Вебер саноатни жойлаштиришнинг тўлиқ назариясини (XX асрда пайдо кооперацияган) биринчи бўлиб ишлаб чиққан олимдир. Вебер назариясига қола, қулай жойлаштиришнинг асосий мезони ишлаб чиқариш ва сотишнинг жами харажатларини минималлаштириш саналади. Бунда транспорт, меҳнат, хомашё ва энергия харажатлари ҳамда агломерация омили ҳам ҳисобга олиниши керак. А.Веберча саноат штандорти назарияси. А.Вебернинг И.Тюнен асари пайдо бўлиб, эрадан юз йил ўтгач ёзилган асари саноатни ривожлантиришга (жойлаштиришга) оид буржуа иқтисодий адабиётида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни жойлаштиришга нисбатан «Ажратилган давлат» асари эгалланган ўрин сингари ўринни эгаллайди. Саноатни жойлаштиришнинг шундан кейинги барча назариялари А.Вебер назариясини бевосита ривожлантиришдан ёки уни салгина ўзгартиришдан иборатдир. 20-йиллардаги адабиётда «Вебер тарихнинг асосий усулларидан фойдаланиш» мумкинлиги ва бирон-бир янги методологик усулларга уринмаслик кераклиги тўғрисидаги фикр анча кенг тарқалган эди.

Классик стандарт назариялар 1920-йилларда А.Предел ва Т. Паландер томонидан танқид қилинади. А. Предел муваффақиятли жойлаштириш жойларини кўсатиб олган (яъни қулай жойлаштириш жойини математик аниқлаш имкониятини инкор этган). Т. Паландер махсус (турли хил тармоқдаги корхоналар учун) ва умумий стандарт назарияларини таклиф этди.

Жойлаштириш назариялари ривожланиши янги босқичининг (тахминан XX аср ўрталарида бошланган) кўзга кўринган вакиллари Август Лёш ва Девид Смит ҳисобланади. Уларнинг назариялари янги ёки неоклассик стандартлар билан аталади (бу эрда «неоклассик» тушунчасининг неоклассик иқтисодиёт назариясига алоқаси йўқ). Неоклассик назариянинг классик назариядан фарқи шундаки, унда ишлаб чиқарувчилар қулай ҳудудий жойлашувни таъминлай олувчи саноат ишлаб чиқариши жойлашувининг умумий назариясини яратиш мумкин эмаслигини тушуниб етишлари лозим. Унга кўра, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришнинг жойлашиш жойини танлаш субъектив амалга оширилади. Қулай жойлаштиришнинг мезони соф фойдани максималлаштириш ҳисобланади.

Статик назарияларнинг ривожланиши ҳозиргача давом этмокда. Улар асосан корхонани жойлаштириш омиллари сонининг кўпайиши йўналишида амалга оширилмокда. Ундан ташқари, бир заводли эмас, балки кўп заводли саноат фирмалари кўриб чиқила бошланди (Райнхолд Гротснинг 1980-йиллар бошларидаги ишлари). Айнан кўп заводли саноат фирмалари ҳаётда кооп бўлиб, аксарият ҳолларда уларнинг таркибига иқтисодиётнинг учинчи сектори корхоналари ҳам киради. Бундай компанияларда қулай жойлаштириш муаммосига ёндашув бир заводли фирмаларга нисбатан тубдан фарқ қилади. Кўп заводли фирманинг асосий мақсади таркибидаги корхоналарни шундай жойлаштиришки, бундай жойлаштириш натижасида минимал ва компания фойдаси максимал бўлсин.

Жойлаштиришнинг динамик назариялари, юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Биринчи содда динамик концепсия сифатида Х. Хотеллинг моделини айтиш мумкин. У 1920-йиллардаги ишида Ўзаро рақобатлашадиган иккита ишлаб чиқарувчи корхонани қулай жойлаштиришни исботлаб берган. Динамик назарияларда статик назариялардан фарқли равишда кўпроқ кооп заводли компаниялар қолиб чиқилади.

Р.Вернонинг маҳсулот ишлаб чиқариш даври концепциясини гарчи, у минтақавий назария доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ҳам, жойлаштиришнинг динамик назарияси деб ҳисоблаш мумкин (1960-йилларда пайдо бўлган). Вернонинг асосий тезиси шундан иборатки, ҳар бир маҳсулот чегараланган ҳаётий даврга эга бўлиб, шу даврда ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уни қулай жойлаштиришда Ўзгаришлар рўй бериб туради. Маҳсулотнинг ҳаётий даври бир қанча босқични (ишлаб чиқариш, Ўзгартириш, улғайиш, стандартлаштиришни) олайди. Улар жойлаштиришнинг асосий омилларидаги нисбатлари билан фарқ қилади. Ҳозирда динамик назариялар сони кўп эмас. Динамик концепциялар доирасида саноат фирмаларининг

худудий ривожланиш босқичлари ажратилади. Ҳар бир босқичда компаниялар овз фаолиятини жойлаштиришнинг турли мезонларидан фойдаланади. Масалан, Сторпер ва Волкер бундай босқичларнинг тўрттасини ажратади. Биринчиси - «локализация» - янги саноат фирма ва корхоналарнинг янги худудларда жойлашуви. Иккинчиси - «селектив субурбанизация» - дастлаб танланган худудларда бозор ҳолатлари мустаҳкамланган сари ушбу фирмалар қувватларининг ошириб борилиши. Учинчиси - «дисперсия» - саноат фирмаларининг четга (периферияга) томон ҳаракати. Ва ниҳоят, тўртинчиси - «жойлашувчи оғирлик марказларини кўчириш» - саноат тузилмасининг янгиланиши таъсири остида ишлаб чиқаришни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришаҳри Масалан, технологик янгиликлар асосида, талаб тузилмасининг таркибий ўзгариши ҳисобига, эски тармоқ ва ишлаб чиқариш эволюцияси натижасида.

Фирмалар - янгиланиш жараёнининг ташувчилари кўпинча олдин пайдо бўлган йирик саноат марказларидан ташқари жойлашади. Бу эса жараённи яна «локализация» босқичига қайтаради.

Стандартлар назариясига мувофиқ саноатни жойлаштириш қуйидаги омиллар орқали аниқланади:

- корхоналарни жойлаштиришда транспорт харажатларини ҳисобга олиш орқали амалга оширилади;
- корхоналарни жойлаштиришда арзон ишчи кучини ҳисобга олиш орқали амалга оширилади;
- корхоналар саноат худудлари ва узелларида жойлаштирилади.

Ушбу назарияда транспорт харажатлари омили етакчи рол ўйнайди. Хомашё ва материалларнинг транспортабеллиги харажатларга таъсир кўрсатади ва шу билан бўлғуси корхонанинг жойини аниқлайди. Ўзбекистон шароитида, ташқи бозорга чиқиш транспорт харажатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун мазкур омил транспортни кам талаб этадиган, хомашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган соҳаларни ривожлантиришни тақозо этади. Марказдан узоқда жойлашган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари корхоналарида транспорт харажатлари маҳсулот таннархи таркибида катта ўрин эгаллайди. Шунинг учун транспорт омили мазкур минтақалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Арзон ишчи кучи ва агломерация омилига асосланган иккинчи ва учинчи йўналишлар мамлакатимиз учун характерли бўлиб, меҳнатни кўп талаб этадиган тармоқларни жойлаштириш ҳамда саноат худудлари, худудлари ва узелларини ташкил этишни рағбатлантириш учун хизмат қилади. Республикаимизнинг деярли барча минтақалари ишчи кучини кўп талаб этадиган тармоқларни жойлаштириш учун етарли меҳнат ресурсларига эга.

Жойлаштириш назарияси асосчиларидан Авгст Леш жойлаштиришда дифференциал табиий ресурсларни бир текисда тақсимланиши ҳисобга олиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтади:²

1. Барча иқтисодий фаолият турларининг маълум бир ойда концентратсиялашуви

2. Худуд ер майдонида иқтисодий фаолият барча турларининг жойлашувида бир хил дисперсияга эга бўлиши

3. Ёки тизимли бўлмаган ҳолатда ишлаб чиқаришнинг нотекис жойлашуви.

А. Лёшнинг «Бозор ҳудуди назарияси»га мувофиқ, объект қурилиши учун жой танлашда фойда, солиқ, демпинг, божхона тўловлари ва бошқа бозор индикаторлари муҳим омил сифатида иштирок этади. Муаллиф, иқтисодий-математик моделлардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот сотилиш радиусини аниқлайди ва бунга ковра, радиусдан ташқарида маҳсулот сотиш иқтисодий жиҳатдан овзини оқламайди.

А. Леш минтақани муайян чегарага эга бўлган ва минтақалараро рақобатга тортилган бозор сифатида қолади. Бунда худудга мутлақо бир жинсли ва бир қийматли бўшлиқ сифатида қаралади ҳамда фақат икки омил: ишлаб чиқаришни бир жойда тўпланиш самараси ва маҳсулотни истеъмолчига етказишнинг худуд бўйлаб текис тақсимланган транспорт харажатлари ҳисобга олинади.

«Бозор ҳудуди назарияси» ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар, хусусан МДХ давлатлари иқтисодиётида ҳозирча етарли даражада қўлланилмаяпти. Ўзбекистонда саноат корхоналарини жойлаштиришда бозор индикаторларидан фойдаланилмаяпти.

Шу қаторда Кристаллер Л. Шахар ва аҳоли пункларининг жойлашувида турли хил кристалли таркиб мавжудлигини таъкидлайди. Иқтисодий фаолият турларини жойлаштиришда табиий ресурслар омили қаторида маълум бир фаолиятнинг худудий таркибини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.³

Жойлаштиришда А.Лёш томонидан ишлаб чиқилган абстракт моделда жойлаштириш худудини аниқлашда икки хил жиҳат ажратиб кўрсатилади:

- 1) Худудий концентратсиялашувда иқтисод қилиниши;
- 2) Транспорт харажатлари.

Минтақавий иқтисодиётда жойлаштириш муаммоларини ўрганишда 3 та муҳим жиҳат ҳисобга олиниши зарур:

- 1) табиий ресурслар имконияти;

² Edgar M. Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR, 2015, page 10

³ Edgar M. Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR, 2015, page 10

- 2) Концентрация ҳисобидан иқтисод қилиниши;
- 3) Транспорт ва алоқа ҳаражатлари.

Биринчидан, "қулай ёки яхши" жойлашув ўзида нимани акс эттиради. Жойлашувнинг икки жиҳати ҳаражат ва риск (таваккалчилик) билан боғлиқдир. Сабаби, инвесторнинг даромад олиши унинг ҳаражат ва rischi билан боғлиқдир. Жойлаштиришда ишлаб чиқаришни ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги жараёнларни бошлаш, истеъмолчиларнинг жойлашувидаги силжишлар, транспорт тарифларининг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда бизнес-жойни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Жойлаштиришдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнларининг кўлами, бозорларнинг кенгайиши, транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжлар ва бошқа омиллар асосида содир бўлади. Кичик корхоналар ишлаб чиқаришининг кенгайиши ҳудуднинг жойлаштириш имкониятларини оширади. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, металлургия заводлари, корпорацияларни жойлаштиришда ҳудуд имкониятларини баҳолаш зарур. Шунингдек, фирма ва тадбиркорларнинг "қулай жой"ни танлаб олишит турли хил жойлардаги даромадлар ва ҳаражатларни таққослашни талаб этади. Ёки шаҳарларда автобус гаражларини қуриш учун керакли бўлган жойни танлашни кўриб чиқадиган бўлсак, даромадлар гаражларнинг жойлашувига эмас, асосий муаммо-бу гаражларни жойлаштириш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни минималлаштиришдан иборат⁴.

Шундай қилиб, янги соғлиқни сақлаш муассасасини жойлаштириш учун муқобил жойни баҳолаш учун кўпроқ жойлаштириш ҳаражатларини эмас, балки жамиятга кўрсатилиши керак бўлган хизматлар сифатини баҳолаш лозим. Агар уй хўжаликлари учун яшаш жойларини танлаб олиш масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда жойлаштиришнинг муҳим элементи сифатида уй-жойни сотиб олиш ва ижара нархи, коммунал ҳаражатлар, шунингдек, ишга, савдо шаҳобчалари, мактаб ва бошқа ижтимоий объектларга бориш имкониятлари баҳоланади.

Бундан ташқари, тижорат корхоналари, аҳоли ва бошқа субъектларнинг жойлашуви маълум бир моментда омиллар таъсирида ўзгаради. Жумладан, иш жойини ўзгартириш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш (бўлаларни мактабга бериш), янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва бошқа омилларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Жойлаштиришда ердан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, ҳудуд майдонида минераллар ёки бошқа компонентларнинг

⁴ Edgar M. Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR,2015,page 13

жойлашганлиги жойлаштириш учун ноқулай вазиятни юзага келтиради. Табиий шароитлар, иқлим ва маҳаллий сув таъминоти, рельеф ҳам қурилиш ҳаражатларига бевосита таъсир кўрсатади. Жойлаштиришда ер майдонларининг чекланганлиги атроф- муҳитнинг ифлосланишига ҳам таъсир кўрсатади. Сабаби, маълум бир жойда аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий объектларнинг концентрациялашуви, ўз навбатида, чиқиндиларнинг ташланишига сабаб бўлади. Шу сабабдан жойлаштиришда атроф-муҳит ва экологик вазиятга баҳо бериш зарур⁵.

В. Кристаллер «Марказий ўрин назарияси»нинг асосчисидир. У математик ҳисоб-китоблар орқали ҳудудий иерархия бир даражадан бошқа даражага геометрик прогрессия орқали ўтишини исботлади. Масалан, вилоят бир неча туманлардан, ўз навбатида туманлар кўплаб қишлоқ фуқаролари йиғинларидан иборат. Ҳар бир қишлоққа ўзига тегишли бўлган товар ва хизматлар йўналтирилган. Шундай қилиб, олим аҳоли пунктлари гуруҳий тизимини ташкил этишнинг қулай вариантини аниқлаш орқали марказий олинлар назариясини яратди. Мазкур назария асосида бозор минтақасининг энг самарали тузилмаларини, товар ва хизматлар ҳаракатининг оқилона йўналишларини, шаҳар ва аҳоли пунктлари бошқаруви маъмуриятининг қулай тузилмасини шакллантиришни аниқлаш мумкин.

Ҳудудий назарияларни (шу жумладан, ҳудудий сиёсат назарияларини) ўрганишга охириги ун йилликларда нисбатан камроқ эътибор берилди. Тўғри, ҳудудий иқтисодиёт бўйича анчагина тадқиқотлар қилинди. Уларнинг натижалари китоб ҳолида нашр этилди. Аммо, ҳудудий иқтисодиётнинг назарий асослари уларнинг айримларидагина кўриб чиқилди. Биз мавжуд ҳудудий назарияларни минтақалар иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг амалий масалаларини ҳал этишда фойдаланиш имконияти нуқтаи назарида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Ҳудудий сиёсат назариялари ҳудудлар иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш йўналишларини шакллантиради. Бироқ бу назарияларнинг ўзинигина ўрганиш билан чегараланиб қолиш нотўғри, чунки улардан кўпи минтақаларнинг иқтисодий ўсиши назарияларига асосланган (бошқача қилиб айтганда, минтақаларнинг иқтисодий ўсиш суръатларида фарқлар юзага келишига сабаб бўлувчи омилларни аниқламасдан туриб, ҳудудий сиёсат ҳақида гапириш нотўғри).

Ҳудудий ўсиш назарияларини келиб чиқишда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси - ҳудудларда иқтисодий ўсиш моделларини қоллаш.

⁵ Edgar M. Hoover and Frank Giarratani “An Introduction to Regional Economics”/Pub BR,2015,page 14

Бундай моделларни мамлакат иқтисодиётининг ўсишини изоҳлаш учун ишлаб чиқилган моделларга ўхшатиш мумкин (девелопмент экономикаси). Иккинчиси эса, алоҳида корхона ва фирмаларнинг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил этишга асосланган. Чунки минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини, авваламбор, уларнинг фаолиятигина белгилаб беради. Компаниялар ўз фаолиятини у ёки бу ҳудудда олиб боришининг сабаблари жойлаштириш назариялари орқали қолиб чиқилади.

Таҳлил этилаётган назарияларни ишлаб чиқиш билан ҳам иқтисодий география мутахассислари, ҳам иқтисодчилар шуғулланишган. Чунки иқтисодий география билан ҳудудий иқтисодиёт ўртасида аниқ бир чегара ўрнатишнинг иложи йўқ.

Француз иқтисодчилари ва иқтисодий географияшунослари ижтимоий масалаларга доим катта қизиқиш билан қарашган. Ҳудудий назарияларда улар «Ўсиш қутблари» ва «ривожланиш ўқлари» урбанистик концепция билан боғлиқ илмий йўналишлар ривожланишига катта ҳисса қўшишган (Ф. Перу, Ж.Р. Будввил, П. Поте).

Ҳудудий назариялар соҳасида Россия иқтисодчи ва географлари томонидан ҳам катта тадқиқотлар амалга оширилган. Улар асосан ғарб олимлари фикрларини ривожлантирганлар. Бу борада айниқса, университет ҳудуд мактабининг иқтисодий ва ижтимоий география вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлганлар. Н.Н. Баранский, Н.Н. Колосовский, И.А.Вити, Ю.Г.Саушкин каби олимлар ушбу йўналишни мустақамлашга катта ҳисса қўшганлар.

Жойлаштириш назарияларини статик ва динамик назарияларга ажратиш мумкин. Статик назариялар XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ пайдо бўлган. Динамик назариялар эса бир асрдан сўнг – XX аср бошларида юзага келган. Дастлабки жойлаштириш назариялари ҳозирда классик стандарт назариялар деб аталиб, улар Й.Г.Фон Тюнен, В.Лаунхард, А.Вебер номлари билан боғлиқ.

Й.Г.Фон Тюнен товар ишлаб чиқаришнинг обектив қонуниятлари мавжудлигини аниқлаган биринчи олим ҳисобланади (унинг биринчи иши 1826-йилда пайдо бўлган). Тюнен қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорида саноат маҳсулотлари билан таъминловчи шаҳаргача бўлган масофага қараб жойлаштириш, ихтисослашиш ва қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини танлаш моделларини таклиф этди. Тюнен моделида транспорт харажатлари жойлаштиришнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

В.Лаунхард ҳам саноат корхоналарини кўриб чиқиб, транспорт омили ҳал қилувчи омили, деб ҳисоблаган. Унинг фикри саноат корхоналари жойлашадиган жой тўғри танланганлигини хомашё, ёрдамчи материаллар ва

тайёр маҳсулотларни келтириш учун транспорт харажатларини минималлаштириш билан асосланган эди.

2.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда муайян қонуниятлар намоён бўлмоқда. Улар муайян тарихий босқичда ижтимоий тараққиёт қонунларининг ўзаро ҳаракати натижасида шаклланади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ишлаб чиқариш кучлари ва ҳудудлар ўртасидаги умумий муносабатларда намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлиги, максимал даромад олиш имкониятларига катта эътибор бериш лозим. Айни пайтда, табиий-ресурс салоҳиятларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, экологик шароитни яхшилаш масалалари ҳам ҳисобга олинади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш;
- минтақаларни комплекс ривожлантириш;
- минтақалар ўртасидаги ҳудудий меҳнат тақсимооти;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

Ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минимал ҳолатга келтириш ва ишлаб чиқаришнинг барча (тайёр маҳсулотгача бўлган) босқичларини муайян ҳудудга жойлаштириш тушунилади. Мамлакатимизнинг турли ҳудудлари табиий ресурслар захираларининг миқдори, компонентлар таркиби, геологик салоҳиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг хомашё, ёқилғи, энергия ва истеъмол манбаларига яқинлигини таъминлайдиган транспорт омили катта аҳамиятга эга.

Кооперациялаштириш ва комбинатлаштириш ҳамда чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Минтақаларни комплекс ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси элементлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ соҳалар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма

тармоқларининг муштараклигига эришиш лозим. Минтақа хўжаликларининг комплекслилиги турли тармоқ ва соҳалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтиришни тақозо этади.

Минтақалар ўртасида ҳудудий меҳнат тақсимоти бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий-ресурс салоҳияти, тарихий ва демографик хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир минтақа фақат Ўзигагина хос бўлган хусусиятлар асосида муайян соҳага ихтисослашади ва иқтисодий алоқалар асосида бошқа минтақалар билан маҳсулот айирбошлайди.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида минтақалар орасида ҳудудий меҳнат тақсимотини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳукумат ва алоҳида ҳудудлар манфаатларининг муштараклиги ҳисобга олиниши, турли маъмурий-ҳудудий бирликлар ресурсларининг умумлаштирилиши лозим. Минтақалар ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг барча минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги босқичдаги муҳим вазифалардан бири, ҳукумат томонидан алоҳида эътиборга молик минтақалар белгиланиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилиши ва аниқ режалар тузишдан иборат.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари бозор иқтисодиётининг ривожланиши қонунларида намоён бўлади. Улар ўзаро ажралмаган ҳолда ривожланади ва бир-бирини тақозо этади.

2.3. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари билан бирга уларни жойлаштириш тамойиллари ҳам катта аҳамиятга эга. Жойлаштириш тамойиллари мамлакат иқтисодий ривожланишининг муайян даври мобайнида ишлаб чиқариш ҳудудий тақсимотида намоён бўлади. Ушбу тамойилларни хўжалик юритиш усуллари сифатида кўриб чиқишимиз мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш тамойилларини давлат иқтисодий сиёсатининг ўзига хос илмий низоми сифатида тушуниш мумкин.

Турли мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари бозор иқтисодиётининг ривожланиш моделини ўрганиш ва тажрибаларидан фойдаланиш асосида шаклланади ва ривожланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қуйидаги тамойиллари ажралиб туради:

- ишлаб чиқаришнинг энергия, хомашё, ёқилғи манбалари ва истеъмол минтақаларига яқинлашуви;
- табиий ресурсларнинг энг самарали турларини ўзлаштириш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўриш ва табиатдан оқилона фойдаланиш;
- халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий қулайликларидан фойдаланиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш;
- корхона ва инфратузилма объектларини жойлаштиришда фавқулодда ҳолатларни (зилзила, сув тошқини, тоғ ва жарликларнинг сурилиши, сел ва ҳ.к.) ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқаришни энергия, хомашё, ёқилғи манбалари ва истеъмол минтақаларига яқинлаштириш тамойили амалга оширилганда узоқ масофага юк ташиш ва ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатларни камайтириш билан боғлиқ муаммолар ечилади. Бу ўз навбатида иқтисодий самарадорликнинг ўсишига олиб келади.

Айниқса, энергияни кўп талаб этадиган корхоналарнинг ёқилғи ва энергия манбаларига яқин бўлиши катта аҳамиятга эга (масалан, рангли металлургия ёки кимё саноати тармоқлари). Хомашё манбаларига материал кўп талаб қилувчи саноат тармоқлари яқин жойлашади (қора металлургия, оғир машинасозлик).

Енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш истеъмол минтақаларига, фанга эҳтиёж сезувчи тармоқлар эса юқори малакали меҳнат ресурслари билан таъминланган минтақаларга яқинлашади.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнида минтақаларда табиатдан фойдаланиш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Ҳозирги пайтда табиатга зарар келтириш, экологик тоза бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш, табиий ресурсларни дунё нархларидан кўра арзонга сотиш каби иқтисодий масъулиятсизлик иллатлари бартараф этилиши зарур. Иқтисодий ҳолатни яхшилаш, табиатдан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидаги иқтисодий дастаклар лозим:

- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш доирасида минтақалар ва экотизимлар бўйича экологик чеклашлар тизимининг қонуний ва меъёрий асосини яратиш;

- такрор ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи экологик солиқ ва табиатдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини киритиш;

- табиий ресурслар истеъмоли, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариб ташланишини чеклаш, чиқиндиларни жойлаштириш, шунингдек табиий ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланиш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш.

Ҳозирги шароитда биргаликда молиялаштириш ва хўжалик объектларини қуриш, қўшма корхоналар тузиш, молия ва банк соҳаларида ҳамкорлик қилиш, компенсация асосида ҳамкорлик қилиш, ташқи савдо каби иқтисодий ҳамкорликнинг турлари катта аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда бошқа тамойиллар ҳам ҳисобга олинади, масалан, катта шаҳарларнинг ўсишини бошқариш тамойили, кичик шаҳарлар ривожланишини фаоллаштириш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуният ва тамойиллари билан биргаликда назарий жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг локализациясини белгилаб берадиган, баъзи хўжалик тармоқларининг жойлашувига, турли тоифадаги минтақавий комплексларнинг иқтисодий ҳудудлар, вилоятлар ва туманлардаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИМ) шаклланишига таъсир этадиган омиллар ҳам катта аҳамиятга эга.

Таянч сўз ва иборалар: Ишлаб чиқариш кучлари, бозор, корхона, саноат корхоналар, саноат, қтисод, меҳнат ресурслари

Мавзуни такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Илмий манбаларда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг нечта асосий тамойилларини мавжуд?
2. Қишлоқ хўжалиги нечта омил бўйича тадқиқ қилинади?
3. А.Лёш иқтисодий ҳудудларни нечта турга ажратган?
4. Иқтисодий ҳудудлар бир-биридан нимаси билан фарқланади?
5. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларни таъсир даражасига кўра, нечта гуруҳга бўлиш мумкин?

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ

Режа:

- 3.1. Ўзбекистоннинг маъмурий - ҳудудий бўлинишининг тарихи ва ҳозирги ҳолати
- 3.2. Маъмурий-ҳудудий бўлиниш масалаларини қонуний-ҳуқуқий асослари
- 3.3. Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини беришнинг қонуний масалалари

3.1. Ўзбекистоннинг маъмурий - ҳудудий бўлинишининг тарихи ва ҳозирги ҳолати

Кейинги бир аср давомида мамлакатимизнинг географик харитаси тез-тез ўзгариб турди. 1917-йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида тақсимланган эди. 1924- йилда юз берган Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий тақсимланиши натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топди. 1924-1929-йиллар давомида Тожикистон АССР унинг таркибида бўлди. 1930-йилга қадар республика пойтахти Самарқанд шаҳрида жойлашган. 1936-йилда унинг таркибига илгари РСФСР да бўлган Қорақалпоғистон АССР киритилди. 1939-йилда ушбу автоном республиканинг пойтахти Тўрткўл шаҳридан Нукусга кўчирилди.

Вилоят бўлинишлари Ўзбекистонда 1938-йил январидан бошлаб вужудга келди. Дастлаб 5 вилоят ташкил этилди: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм. 1941-йил мартада улар сафига Андижон, Наманган, Сурхондарё, 1943-йил январида Қашқадарё вилоятлари қўшилди. 1945-йилда Ўзбекистонда 9 вилоят ва 1 автоном республика мавжуд бўлган.

1960-йилда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тугатилди. Бунда Наманган Андижон ва Фарғона вилоятлари ўртасида тақсимланган бўлса, Қашқадарё бутунлай Сурхондарё вилоятига қўшиб юборилди. 1963-йил феврал ойида Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида Сирдарё вилояти тузилди. Ушбу минтақа Самарқанд ва Тошкент вилоятлари негизида ташкил топган бўлиб, маъмурий маркази дастлаб Янгиер, кейинчалик Гулистон шаҳри қилиб белгиланди. 1964-йилда Қашқадарё, 1967-йилда эса Наманган вилоятлари қайтадан тикланди. 1973-йил охирида Сирдарё вилоятидан Жиззах вилояти ажралиб чиқди. Ўзбекистоннинг энг кенжа вилояти бўлган Навоий 1982-йилда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари туманлари негизида вужудга келди. Шундай қилиб, республикада вилоятлар сони 12 тага этди.

1988-йилда вилоятлар сони яна 10 тага тушиб қолди. Жиззах вилояти Сирдарё вилояти таркибига қўшиб юборилди. Навоий вилояти туманлари

Бухоро ва Самарқанд вилоятларига бўлиб берилди. Лекин тезда ушбу маъмурий чегаралар яна ўз ҳолига қайтарилди: 1989-йилда Жиззах вилояти, 1992-йилда эса Навоий вилояти қайтадан тикланди. Бундай ўзгаришлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муайян босқичидаги объектив зарурат, баъзан эса масалага субъектив ёндошувлар натижасида рўй беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий жиҳатдан 14 минтақага (Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўлинган. Ўз навбатида ушбу минтақаларда 120 шаҳар, 113 шаҳарча, 159 қишлоқ туманлари, 1464 қишлоқ фуқаролик кенгашлари 11838 қишлоқ аҳоли пунктлари ва 7801 маҳалла йиғинлари мавжуд. Тошкент шаҳри таркибида 11та шаҳар туманлари жойлашган. Мамлакат майдонини маъмурий-ҳудудий бирликларга ажратиш чоғида табиий шароит, хўжалик ихтисослашуви, аҳолининг тарихий шаклланган анъаналари, минтақанинг сиёсий ва ғарбий жиҳатдан аҳамияти ва бошқа жуда кўплаб омиллар ҳисобга олинади. Аҳоли сони ва ҳудуд майдони - ушбу омиллар орасида энг асосийларидан бўлиб ҳисобланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу кўрсаткичлар бўйича алоҳида минтақалар орасида тафовутларнинг ортиб кетишига ёул қўймаслик - минтақавий сиёсатнинг ўзагини ташкил этади.

Мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида аҳоли сони бўйича фарқ 3,5 мартани (Самарқанд ва Навоий вилоятлари), ҳудуд майдони бўйича эса 39,7 мартани (Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилояти) ташкил этади. Маъмурий-ҳудудий бирликлар сони бўйича ҳам турли минтақалар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Жумладан, Тошкент вилояти шаҳарлар (16 та) ва шаҳарча (18 та), Фарғона вилояти қишлоқ фуқаролик кенгашлари (164 та) сони бўйича энг юқори ўринларни эгалласалар, Самарқанд вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг (1935 та) сонига кўра ҳаммадан олдинда туради.

Бундай тафовутларни айрим туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, қишлоқ фуқаролик кенгашлари (20 та) сони бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани, қишлоқ аҳоли пунктларининг (266 та) сони бўйича эса Бухоро вилояти Ғиждувон тумани республикада энг юқори ўринларни эгаллайди. Мамлакатимиздаги мавжуд маъмурий-ҳудудий бирликларни иерархия тизимига кўра 3 бўғинга ажратиш мумкин:

- юқори бўғин - Тошкент шаҳри, 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси;

- ўрта бўғин - вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, қишлоқ ва шаҳар туманлари;

- қуйи бўғин - туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳарга, қишлоқ фуқаролик кенгашлари ва маҳалла йиғинлари.

Мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлинишида шаҳарлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда шаҳарлар республикага бўйсунувчи, вилоятга бўйсунувчи ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифаларига ажратилади. Шаҳарларнинг тоифалари асосида уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланади, у ерларда шунга мос келадиган давлат идоралари ташкил этилади, халқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича раҳбарликни амалга оширувчи ташкилотлар тузилди.

3.2. Маъмурий-худудий бўлиниш масалаларини қонуний-ҳуқуқий асослари

Ҳозирги пайтда республикада 119 та шаҳар ва 117 та шаҳарча мавжуд. Шу жумладан:

- 1 та республикага бўйсунувчи шаҳар;
- 30 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар;
- 89 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар.

Республикага бўйсунувчи шаҳарлар қаторига йирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар киради. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши шарт. Тошкент - республикага бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига мансуб бўлган мамлакатимиздаги ягона шаҳар ҳисобланади.

Вилоятга, республикага бўйсунувчи шаҳарлар жумласига муҳим саноат аҳамиятига молик иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланган ҳамда аҳолиси 30 мингдан кам бўлмаган шаҳарлар киради. Баъзи сабабларга кўра, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий- иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингдан кам бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритилади. Булар жумласига Ширин (Сирдарё вилояти), Хонобод (Андижон вилояти) шаҳарларини киритиш мумкин.

Ушбу тоифага мансуб шаҳарларни ташкил этиш бўйича айрим муаммолар мавжуд. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 30-сентябрдаги 459-сонли қарорига биноан мамлакат бўйича вилоятларга бўйсунувчи 19 та шаҳар қолдирилиб, қолганлари туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилди. Улар орасида аҳолисининг сони 60 минг кишидан ҳам ортиқ бўлган Шаҳрихон (59,1 минг), Чуст (61,5 минг), Хожйли (70 минг), Денов (64 минг) каби шаҳарларнинг мавжудлиги бу соҳада янгича ёндошувлар зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, 90 минг киши истиқомат қиладиган, Марказий Осиёнинг маданий марказларидан бири ҳисобланган

Шахрисабз шаҳри бошқарувнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ричаглардан маҳрумлиги унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, кўп қаватли тураржой бинолари, ижтимоий-маданий ташкилотлар, савдо-сотик ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган аҳоли пунктлари киради. Бундай шаҳарлардаги аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи ва хизматчилардан иборат бўлмоғи лозим. Ўзбекистонда аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш маҳаллий ҳокимият органларининг таклифларига мувофиқ, республика Олий Мажлиси томонидан ҳал этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноат ривожланиши сезиларли даражада ўсмоқда, унинг тармоқлар таркиби такомиллаштирилмоқда. Янги қазилма бойликларнинг ўзлаштирилиши, уларни қайта ишлаш натижасида кичик шаҳарлар пайдо бўлмоқда ва натижада шаҳарларда аҳоли сони ўсиб бормоқда. Лекин мамлакатимиз аҳолисининг 60 %дан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди. Бу эса саноат ва урбанизация кўрсаткичларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Республикаимиз минтақаларида, жумладан Тошкент вилоятида хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида табиий бойликларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни ривожлантириш натижасида саноат марказлари, кичик шаҳарлар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 16 шаҳар ва 18 шаҳарчалар мавжуд бўлган.

Вилоятдаги ўрта ва катта шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши (Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон) саноат ва транспорт тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ. Қазилма бойликларни қазиб олиш, тоғ-кон саноати ривожланиши натижасида Олмалик, Ангрен, Янгиобод, Красногорск ва бошқа шаҳарлар вужудга келди. Сўнгги йилларда туман марказлари ва қишлоқ жойларида маҳаллий қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш ривожланиб бориши туфайли агросаноат марказлари ва кичик шаҳарлар пайдо бўлмоқда. Буларга Бўка, Паркент, Пискент ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг шаҳарларни ривожлантиришнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ва минтақавий сиёсати мавжуд. Шунингдек, мамлакат ичидаги ҳар бир минтақа ва ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик шароити, вужудга келган экологик вазиятини ҳисобга олган ҳолда шаҳарлар ривожланади.

Шунингдек, шаҳарларнинг шаклланиши жараёнида давлат томонидан тартибга солинадиган талаблар инобатга олинади, маълум қонунларга амал қилинади. Шаҳарларнинг шаклланиши жараёнида инвестиция муҳитининг

яратилиши, ижтимоий инфратузилма ривожланиши, маълум мутахассислар жалб этилиши ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш саноат тармоқларининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Минтақаларда шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши, урбанизация жараёнидаги ўзгаришларга ички ва ташқи омиллар катта таъсир кўрсатади. Республикамизда шаҳарларнинг шаклланиши, урбанизация жараёнининг ривожланиши шарқона хусусиятилари билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳарлар аксарият ҳолларда паст қаватли шахсий иморатлар, маҳалла марказлари каби элементларга эга бўлади. Бу жараён айниқса республикамизнинг мустақилликка эришгандан кейинги йиллардан бошлаб яққол кўзга ташлана борди.

Собиқ Иттифоқ даврида шаҳар аҳолисининг ўсиши натижасида урбанизация даражасининг муттасил ортиб бориши кузатилган эди. Мустақиллик йилларида барча минтақаларда, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам шаҳарлар аҳолиси камайиб бориши натижасида урбанизация кўрсаткичи пасайиб борди.

Бу саноат марказлари ва шаҳарлардан туб бўлмаган миллат вакилларининг кўчиб кетиши, туғилиш ва табиий кўпайишнинг қисқариши туфайли содир бўлган. Буни Тошкент вилоятидаги Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен ва бошқа шаҳарлар мисолида қолиш мумкин.

Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида минтақаларда саноатнинг ривожланишига эришилмоқда, янги-янги тармоқлар вужудга келмоқда.

Қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни ривожлантириш туфайли агросаноат марказлари вужулга келмоқда. Масалан, Бовка, Пскент, Паркент шаҳарларида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашнинг ривожланиши туфайли янги иш олинларининг яратилиши, аҳолининг табиий кўпайиши ҳисобига аҳолининг ўртача ўсиш суръатлари коларилди. Қишлоқ хўжалиги хомашёси қайта ривожланиши натижасида илгари унча катта бўлмаган туман марказлари шаҳар тусига кириб шаҳар мақомини олган. Демак, вилоятда шаҳар ҳосил қилувчи омил сифатида маҳаллий хомашёни қайта ишловчи саноат ишлаб чиқаришининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ушбу ҳолат минтақа урбанизация даражасининг ўсиб боришига олиб келмоқда. Вилоятдаги ерости бойликларини қазиб олиш жараёнида шаклланган шаҳарчалар (Красногорск, Янгиобод, Чирчиқ ва ҳ.к.) ҳам қайтадан "жонланиб", ривожланиб бормоқда.

Минтақаларда урбанизация даражасининг ўсиши ва шаҳарларнинг ривожланишига замонавий инфратузилмани ташкил этиш ҳамда хорижий

инвестицияларни жалб этиш асосида маҳаллий хомашёни қайта ишловчи қўшма корхоналар ташкил этиш асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, товарлар экспортини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

3.3. Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини беришнинг қонуний масалалари.

Тез ўзгариб бораётган дунёда ҳаёт воқелиги турмушнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар бундан мустасно эмас. Бунинг учун қатор меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ҳудудий даражада давлат ҳокимияти шаклланиши, жойларда ижро ҳокимиятининг негизларини мустаҳкамлашнинг асосига айланди. Ҳудудий ҳокимият органларига ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш, жойларда Олий Мажлис қонунлари, бошқа қорорларини; Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларни, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани йўлга қўйиш, вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга аҳолини жалб этиш юкланди.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг⁶ мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

а) қуйидагиларни назарда тутувчи **ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институтсионал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**: ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш; ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш; ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини

⁶ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 70 модда. 6 (766) сон Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2017 йил.

ошириш; “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш; давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш; маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

б) ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш; ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш; давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш; мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш; “ақлли тартибга солиш” моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш; айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш; ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш; ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш;

г) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш: давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш; маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш;

д) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш: стратегик режалаштириш

тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувининг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий шакллари жорий этиш; илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб этиш; илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш; табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

Ҳудудий ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилмоқда. Булардан биз қандай реал натижалар кутмоқдамиз:

1. Бугуннинг ўзидаёқ иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ўрни кескин камайганлиги сезиларлидир. Жойлардаги давлат бошқаруви тузилмалари ва давлат бошқарув органларини таъминлаш харажатлари қисқарди.

2. Ислоҳотлар амалга оширилиши жойлардаги мавжуд ишлар аҳволи, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, иш билан таъминлаш ва кишилар фаровонлигини ошириш учун барча даражадаги ҳокимликларнинг масъулияти оширилди.

Ушбу йўналишда бугуннинг ўзидаёқ муайян қадамлар қўйилди, яъни айрим вазифалар ҳудудларга берилди. Ортиқча вертикал маъмурий тузилмалар тугатилди. Фикримизча, давлат хизматчиларининг самарали ишлаши маъмурий ислоҳотларнинг моҳиятини ташкил этиши зарур. Агар сенинг ҳудудинг, сенинг хизмат жойингда ишлар яхши борса, бу ерда яшовчи аҳолининг фаровонлиги ҳам ўсиши керак. Иш самарадорлигини давлат хизматчиларининг ўзи эмас, балки фуқаро баҳолаши зарур

Таянч сўз ва иборалар: хизматчилар, минтақа, урбанизация, иқтисодиёт, сервис, қишлоқ аҳолиси, шаҳар аҳолиси

Мавзуни такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Ўзбекистонда вилоят бўлинишлари қачондан бошлаб вужудга келди?
2. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз маъмурий нечта минтақага бўлинган?
3. Ҳудудий ҳокимият органларини маъмурий ислоҳ қилиш қайси йўналишда амалга оширилмоқда?
4. Ҳозирги пайтда республикада нечта шаҳар ва шаҳарча мавжуд?
5. Мамлакатимиздаги мавжуд маъмурий-ҳудудий бирликларни иерархия тизимига кўра нечта бўғинга ажратиш мумкин?

IV БОБ. МИНТАҚАЛАР ТАБИИЙ-РЕСУРС САЛОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

4.1. Табиий ресурслар турлари ва улардан фойдаланиш

4.2. Табиий ва минерал-ҳомашё ресурсларининг иқтисодий аҳамияти

4.3. Табиий ва минерал-ҳом ашё ресурсларининг минтақалар иқтисодиёти-ни комплекс ва мутаносиб ривожланишига таъсири

4.4. Табиий ресурслардан фойдаланишда кутиладиган муаммолар ва уларнинг ечимлари

4.1. Табиий ресурслар турлари ва улардан фойдаланиш

Табиий жисмлар ва энергия турларига ресурс (манба)лар дейилади. Ресурс сўзи французча бўлиб “Яшаш воситаси” деган маънони англатади. Табиий ресурслар инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган асосий манбадир.

Табиий ресурсларга: ҳаво, сув, тупроқ, турли хил рудалар, ёқилғи ва энергия манбалари кўмир, нефт, газ, турли хил ёғочлар ҳамда ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонлар киради. Буларнинг ҳаммаси ер планетасида мавжуд бўлган табиий ресурслардир. Бундан ташқари космик ресурслар ҳам мавжуд. Космик ресурсларга қуёшдан келаётган нур, метеоритлар ва бошқалар киради.

Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тўғри тушунтириш учун уларни турларга бўлиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Табиий ресурслар қуйидаги турларга бўлинади:

1. қазилма бойликлар;
2. иқлим ресурслари;
3. сув ва ҳаво ресурслари;
4. тупроқ ресурслари;
5. ўсимлик ресурслари;
6. фауна (бирор жой мамлакат ёки геологик даврга оид бўлган ҳамма ҳайвонлар) ресурслари;
7. атом ресурслари;
8. биосфера ресурслари;
9. космик ресурслар;

Фойдаланиш даражасига қараб табиий ресурслар:

- а) тугайдиган
- б) тугамайдиганларга бўлинади.

Тугайдилан ресурслар. Булар ўз навбатида қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган ресурсларга бўлинади.

Қазилма бойликлар қайта тикланмайдиган ресурслар ҳисобланади. Улардан фойдаланиш натижасида миқдори ва сифати камая боради. Қайта тикланмайдиган табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ва уни қўриқлаш қуйидагича бўлмоғи лозим: миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, комплекс равишда тўғри, тежаб, ўрнида фойдаланиш, уларни қазиб олиш, ташиш, қайта ишлаш, ишлатишда нобудгарчиликка йўл кўймаслик, чиқинди кам чиқариш чораларини кўриш, янги конлар топиш, айниқса ернинг чуқурроқ қатламларини ўрганиш зарур ва ниҳоят уларнинг ўрнини босувчи янги сунъий манбалар топиш ва бошқалар. Қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан оқилона фойдаланилса, улар кишилик жамияти эҳтиёжларини узоқ муддатларгача тўла таъминлай олади. Фан ва техника тараққиёти натижасида баъзи фойдали қазилмалар тугагунча уларнинг ўрнини боса оладиган янги ресурслар яратиш мумкин.

Қайта тикланадиган ресурсларга асосан, сув, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси киради. Масалан: тупроқ, унда ўсимлик ўстириб фойдаланилиши натижасида тугаб йўқ бўлиб кетмайди. Тупроқ шунинг учун ҳам тугамайдиган – қайта тикланадиган ресурслар жумласига киритиладики, маданий ўсимликлар ундаги минерал озуқа моддалар (азот, фосфор, калийбирикмаларини ва бошқалар) ни шимиб олади, ана шу озуқа моддалар тиклаб борилмаса, тупроқнинг унумдорлиги йилдан-йилга камайиб, деҳқончилик учун бутунлай яроқсиз бўлиб қолади. Тажрибадан маълумки, тупроқ унумдорлигини доимо тиклаб бориш мумкин. Бу тикланиш табиий ва сунъий равишда бўлиши мумкин. Масалан: тупроқ йўқотган минерал озуқаларини ўсимлик қолдиқларининг чириши натижасида, тоғлардан оқиб келадиган сувлар таркибидаги турли бирикмалар ҳамда кишилар томонидан бериладиган табиий минерал ўғитлар ҳисобига қайта тиклайди. Агар тикланадиган ресурслардан плансиз равишда, ваҳшийларча фойдаланилса улар тикланмайдиган ҳолга тушиб қолади. Бунга ер сиртида атом бомбасини портлаши, конлар тугагандан сўнг ўз ҳолига ташлаб кетишлар ва бошқалар киради. Тупроғини сув ювиб ёки шамол учириб кетган жойни қайта тиклаш мумкин. Аммо бунинг учун кўп маблағ, узоқ вақт меҳнат қилиш керак. Экинлар экиладиган жойларга кўплаб кимёвий ўғитлар солиш ҳам, уни яроқсиз ҳолга олиб келади, оқибатда ҳеч нарса ўсмайдиган бўлиб қолади.

Ер шарида ўрмонлар, ўсимликлар дунёси ниҳоятда кўп ва ранг-баранг. Ўсимлик дунёси табиатда алоҳида аҳамият касб этади. Дарахтлар, ўрмонлар қирқилса, уни қайта тиклаш мумкин. Шу сабабли дарахтларни шартли равишда

қайта тикланади дейилади. Ўрмонларни қайта тиклаш учун 20-30 йил вақт керак бўлади.

Қайта тикланиши мумкин бўлган табиий (бойликлар) ресурслар секинлик билан, узлуксиз тикланиб боради. Бироқ уларнинг тикланиши учун маълум даражада табиий шароит бўлиши лозим. Агар ана шу табиий шароит бузилса, табиий ресурсларнинг ўз-ўзидан тикланиши секинлашади ёки батомом тўхташи мумкин. Демак, инсон қайта тикланадиган (бойликлар) ресурсларидан фойдаланишда унинг табиий ҳолатига алоҳида эътибор бериши зарур. Тугамайдиган ресурслар. Буларга асосан қуйидагилар киради:

1. сув ресурслари;
2. иқлим ресурслари;
3. космик ресурслари.

Сув ресурслари. Сув ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий шартларидан биридир. Сув манбалари ҳажми, ҳосил бўлиши ва жойлашиш ўрнига қараб маҳаллий, регионал ва глобал сув ресурсларига бўлинади.

Сувсиз инсон ҳаётининг тасаввур қилиб бўлмайди. Сув ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар учун ҳаёт ҳамда асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Сувнинг энг яхши томони шундаки, ундан қайси мақсадда ва қаерда фойдаланилмасин, у йўқ бўлиб кетмайди. Фақат бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, бир жисм таркибидан бошқа жисм таркибига ўтиши мумкин. Шу сабабдан ҳам сув тугамайдиган, қайта тикланадиган табиий ресурс ҳисобланади. Сув қайта тикланиш учун:

1. дарёлар, ер ости сувлари, музликлар запаси асрлар давомида ўзгармаслиги;
2. инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиий сувларнинг ифлосланиш даражаси уларнинг сифат жиҳатидан ўз-ўзини тиклаш имкониятидан катта бўлмаслиги лозим.

Инсон фаолияти таъсирида ер шарининг айрим жойларида сув миқдори анча ўзгариши ва ифлосланиб ярқисиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Амалий жиҳатдан олганда фақат океан сувларигина тугамайди. Аммо, океан сувлари ҳам нефт ҳамда турли чиқиндилар таъсирида ўзининг сувлари ҳам нефт ҳамда турли чиқиндилар таъсирида ўзининг табиий хусусиятини йўқотади. Бу ҳол эса ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаётини хавф остида қолдиради. Чучук (тоза) сув миқдори ер шарида ниҳоятда кўп. Аммо ер шарининг кўпгина жойларида унинг миқдори камайган. Бу жойларда экин майдонларини суғориш, коммунал эҳтиёжлар саноат хом ашёлари, ичиш учун тоза сув етишмаслик ҳоллари сезилмоқда. Жойларда тоза сувларнинг камайишига сабаб фақат унга бўлган талабнинг ошганлиги бўлмасдан, сув келадиган дарёларнинг, кўлларнинг ўрмонлар кесилиши натижасида қуриб қолиши ва инсон фаолияти натижасида сувнинг ифлосланиши каби ҳоллар ҳам сабабчидир. Тоза сув масаласи йилдан-

йилга энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ифлосланган сув ичиш учун яроксиз бўлиб, у ҳатто тирик организмлар учун хавфли бўлиб қолади. Шу сабабдан ундан рационал фойдаланиш, унинг тозалигини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳозирги вақтда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз йиллик юза сув ресурслари 99,5 км³ га тенг бўлиб унинг фақат 12,2 км³ қисми шу ўлка территориясида ҳосил бўлади.

Маълумки, сув ресурсларини муҳофаза қилиш икки йўналишда олиб борилади. Биринчидан, уни миқдорий жиҳатдан камайишидан сақлаш бўлса, иккинчиси унинг ифлосланиш ва минераллаш даражаси ошиб кетишининг олдини олишдир. Ҳозирги вақтда ўлкамизда ҳар икки йўналиш ҳам жуда муҳимдир.

Иқлим ресурслари. Атмосферадаги ҳаво, шамол энергияси иқлим ресурсларига мансуб. Атмосфера ҳавосидан ҳар қанча фойдаланилган тақдирда ҳам у тугамайди бошқа нарсага айланиб қолмайди. Ҳажми ҳам деярли ўзгармайди. Шу сабабдан ҳам атмосфера ҳавоси тугамайдиган табиий ресурс ҳисобланади. Аммо ҳаво инсониятнинг турли фаолияти натижасида тез ифлосланиб ҳавфли манба бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳол ҳавони муҳофаза қилиш лозимлигини кўрсатади.

Космик ресурсларга қуёш радиацияси, ер ва Ойнинг ўзаро тортиши натижасида денгиз ҳамда океанлардаги сувнинг кўтарилиши ёки пасайиши жараёнида ҳосил бўладиган энергиялар, олам фазосидаги ер сиртига келадиган турли хил нурлар, метеорит оқимлар киради.

Табиат ўзига таъсир этмайдиган табиий омилларга бардош бериб, уларнинг ифлосланишидан ўз-ўзини ҳимоя қилиб туради.

4.2. Табиий ва минерал-ҳомашё ресурсларининг иқтисодий аҳамияти

Табиий ва минерал-ҳомашё ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг муҳим бойлик манбаидир. Ундан олинаётган маҳсулотлар инсоннинг турли эҳтиёжини қондиради. Минерал-ҳомашёдан турли металлар, ёқилғи, қурилиш материаллари, химикатлар, қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ер остидаги минерал ҳосилалар қидирилмаган ва баҳоланмаган бўлса, у ҳолда улар минерал хомашё сифатида кўриб чиқилиши мумкин, ҳолбуки уларни аниқлашга ва қидиришга меҳнат сарфланган. Аммо ер остидаги бундай минерал хомашё захиралари потенциал ресурслар ҳисобланади, холос. Улар ер қаъридан қазиб олингандан кейингина ҳақиқий минерал хомашё ҳисобланади. Минерал хомашё тушунчаси фойдали қазилма тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Фойдали қазилма - ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида саноатда фойдаланиш учун яроқли бўлган ер қобиғидаги табиий минерал моддалардир. Улар ер остидан қазиб олингандан кейин минерал хомашё кўринишига эга бўлади. Шундай қилиб, ер қаъридан қазиб олинган, халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмалар минерал хомашё дейилади. Мамлакатда муайян муддатда қидирилган, аниқланган, баҳоланган ҳамда прогноз қилинган фойдали қазилмалар эса минерал ресурслар деб аталади.

Фойдали қазилмаларнинг табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тузилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характери ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон захиралари 4 тоифага бўлинади. Булар: А, В, К1, К2. А тоифага фойдали қазилмаларнинг турлари ва технологик хоссалари ўрганилган захиралари киради. Фойдали қазилмаларнинг В тоифадаги захиралари руда жисмларининг ётиши ҳоллари, табиий турлари ва саноат навлари аниқланиб ҳисобланади.

Масалан, саноат аҳамиятига эга бўлган тошкўмирдан фақат XVII аср охиридан, нефтдан XIX аср ўрталаридан, алюминий, магний, хром ва нодир элементлар маъданларидан ва калийли тузлардан XIX аср охири ва XX аср бошларидан, уранли маъданлардан эса XX аср ўрталаридан бошлаб фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

4.3. Табиий ва минерал-хом ашё ресурсларининг минтақалар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришига таъсири

Мамлакатимизнинг ҳудудий таркибига кирган ҳар бир вилоят, туманлар маълум объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётининг таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, ҳудудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгаллиги билан бир-биридан фарқ қилади. Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида фойдали қазилма минерал хом ашё ресурслари жуда кам, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма минерал хом ашё ресурсларга бой, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ушбу ресурслар мавжуд ҳудудлар қаторига киради.

Мамлакатимиз ёқилғи энергетик салоҳиятида эса Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларининг салоҳияти юқори. Юртимиз аҳолиси ҳам вилоятлар бўйича нотекис жойлашган. Масалан, Андижон вилоятида 1 км² га тўғри келадаган аҳоли сони 665 кишини, Навоий вилоятида эса 8,2 кишини ташкил этади. Вилоятлар ва туманларнинг ер-сув ресурслари, иқлим шароитлари ҳам кам бўлсада фарқланади. Ер-сув ресурсларининг сифатида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида табиат билан боғлиқ экологик туризмни ривожлантириш учун жуда қулай имкониятлар мавжуд.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон каби жаҳон биладиган туристик шаҳарлар мавжуд. Туризм соҳасида деярли барча вилоят ва туманларда имкониятлар мавжуд, аммо юқорида санаб ўтилган ҳудудларда абсолют ва нисбий устунликлар кўпроқ саналади. Яна бир жиддий фарқ ҳудудларда иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва инсонлар учун яшаши учун зарур неъматлар билан таъминлаш имкониятларида ўз аксини топади. Ана шундай мураккаб ҳолат шароитида барча вилоят ва туманларни барқарор ва жадал ривожлантириш, улар ўртасидаги тафовутларни жуда катталашиб кетишига йўл қўймаслик Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг жиддий эътибор бераётган масалалари қаторига киради. Олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасига кўра ҳудудларнинг ривожланишида, уларнинг иқтисодиётининг таркибида жиддий фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастурида ҳам айнан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлари иқтисодиётининг таркиби ҳолати таҳлили (2018 йил)

Минтақалар номи	ЯИМ (ЯҲМ)	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари	Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	Қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	3,27	3,88	2,44	2,86	4,26
Андижон	5,65	7,03	11,78	10,96	5,61
Бухоро	5,48	5,14	5,89	9,20	7,86
Жиззах	2,46	1,74	2,48	4,98	2,12
Қашқадарё	7,47	8,67	5,42	8,13	8,29
Навоий	5,29	9,60	4,52	4,91	4,19
Наманган	4,45	3,06	4,63	7,37	4,30
Самарқанд	7,05	7,07	10,84	11,94	8,53
Сурхондарё	4,60	1,95	1,95	8,58	5,36
Сирдарё	2,10	3,13	3,07	3,83	1,64
Тошкент	10,30	15,15	12,34	12,63	5,36
Фарғона	6,98	7,28	6,91	8,33	6,72
Хоразм	3,56	2,51	3,58	6,26	4,46
Тошкент шаҳри	15,79	20,29	22,79	6,26	17,11

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2018 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида Тошкент шаҳри (15,79%), Тошкент вилояти (10,30%), Қашқадарё вилояти (7,47%), Самарқанд вилояти (7,05%), Фарғона вилояти (6,98), Андижон вилояти (5,65%), Навоий (5,29%) вилоятлари салмоқли ҳиссага эга. Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаларининг улушлари мос равишда 2-3 фоиз атрофида бўлган. Ушбу рақамлар юқоридаги вилоятлар ва туманларнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш тўлиқ эмаслигини, ҳудудларда катта имкониятлар ишга тушмай қолаётганлигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади⁷.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларда мавжуд салоҳиятдан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобидан ҳудудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатнинг барча вилоят ва туманларидаги мавжуд имкониятларни чуқур ўрганиш, иқтисодиётини илмий, амалий таҳлил этиш асосида вилоят ва туманларда, чекка қишлоқларда ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенг ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу жараёнинг асосий мақсадларидан бир юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган инсонлар учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий кўрсаткичлар
(киши, минг сўм) (2018 йил)**

Минтақалар номи	ЯИМ (ЯҲМ)	Санат маҳсулоти	Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари	Асосий капиталга Инвестициялар	Хизматлар	Чакана савдо
Ўзбекистон Республикаси	6 258,6	3493,7	1520,7	1553,5	2 857,0	2764,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3612,7	2394,6	767,2	2067,5	1 616,0	1629,6
Андижон	3836,5	2662,8	1808,7	641,0	1 727,2	2344,2

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

Бухоро	5971,9	3126,9	2435,7	3183,0	2 281,2	3059,0
Жиззах	3808,2	1504,1	1872,0	972,2	1 573,4	2258,4
Қашқадарё	4872,3	3155,5	1288,6	2071,6	1 490,2	2030,4
Навоий	11271,0	11421,4	2545,6	3035,5	2 903,5	3973,5
Наманган	3374,2	1298,1	1357,8	899,0	1 488,6	1968,7
Самарқанд	3886,6	2174,0	1598,2	929,4	1 664,3	2080,3
Сурхондарё	3764,0	890,0	1706,4	776,3	1 580,9	2441,4
Сирдарё	5258,7	4367,1	2330,5	1369,5	1 485,4	1909,0
Тошкент	7300,9	5997,1	1171,4	1354,5	3 000,5	3390,2
Фарғона	3938,7	2292,3	1140,7	663,9	1 669,1	2165,4
Хоразм	4026,2	1584,2	1722,0	823,8	1 527,5	1885,4
Тошкент шаҳри	13068,8	9370,4	х	4457,7	11523,9	7929,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат кўмитаси маълумотлари.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, вилоятлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий кўрсаткичларда ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш мамлакат бўйича ўртача 6 258,6 минг сўмни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич Навоий вилоятида 11 271,0 минг сўмни, Тошкент шаҳрида 13 068,8 минг сўмни ташкил этган. Андижон, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 4000 минг сўмдан паст бўлган. Кўрсаткичлардаги фарқлар мавжуд ҳолатни чуқур таҳлил қилиш асосида вилоятларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни сабабларини аниқлаш, имкон даражасида уларни минималлаштирадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Ушбу масалаларни оптимал ечишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида шахсий жавобгарликни оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминлаб бераётган ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари муҳим ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг sanoat, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда, қайта ишлаш sanoati тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эга. Шунини мамнуният билан қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти ҳисобланган Тошкент шаҳри бевосита иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий ўсиш тенденциясига эришиб келмоқда.

2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ўтган йиллардаги

иктисодий ўсиш ҳолатига таҳлилий ёндошадиган бўлсак, ўтган 2018 йил январ ҳолатига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида 15,6 фоизни ташкил этмоқда.

2018 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастури доирасидаги вазифаларни бажарилиш ҳолати бўйича маълумотларга таҳлилий назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудий экспорт ҳажмида саноат маҳсулотлари 297,1 млн.доллар ёки 23 % ни, мева-савбзаёт маҳсулотлари 421,1 млн.долларни ёки 33% ни ҳамда хизматлар экспорти эса 575,0 млн.долларни ташкил этган. Ҳудудий экспорт ҳажмида хизматлар экспортнинг улуши юқори бўлмоқда, бу эса ўз-ўзидан аёнки, Тошкент шаҳри асосан барча ҳудудлар учун бевосита экспорт хизматини кўрсатиб келаётганлиги билан юқори тенденциясига эга бўлмоқда.

2018 йил январ ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 55129 та юридик шахслар фаолият юритаётган бўлиб, шу жумладан саноат корхоналари 12313 та, кичик бизнес субъектлари сони 47250 тани, қўшма корхоналар сони 3385 тани ташкил этмоқда. Тошкент шаҳрининг деярли барча туманларида бозор инфратузилма объектларининг тўлиқ ташкил этилганлиги ва коммунал ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг узлуксиз ишлаши, айнан ушбу ҳудудда кичик бизнес субъектлари учун қулай инвестицион ва инновацион муҳитнинг шаклланиши натижасида ривожланиш даражаси ўсиб бормоқда.

Ҳудуднинг бошқа туманлари каби Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Тошкентнинг Яшнобод ва Олмазор туманларида махсус инновацион технопарклар яратиш режалаштирилган. Яшнобод туманидаги технопарк материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида барпо этилиши белгилаб олинди. Олмазор туманидаги технопарк металлларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат қилади. Инновацион тадқиқотлар ўтказиш, ички ва ташқи бозорда талабгор юқори технологияли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етакчи саноат ва кичик инновацион корхоналар ташкил этиш уларнинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари, улар замонавий хориж технологияларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга жорий этиш, ушбу мақсад учун юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш билан ҳам шуғулланади⁸.

⁸ www. sputnik.uz-сайти маълумотлари. 2017 йил 17 январ

**2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш
чора-тадбирлари дастурида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари
бажарилишига эришиш истиқболлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	ҳисобот					прогноз	
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)	млрд. сўм	21812,1	26648, 7	29233,6	32127,8	35372,7	39016,0	43034,7
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	111,8	111,6	109,7	109,9	110,1	110,3	110,5
ЯҲМ таркиби:								
Тармоқларда яратилган ялпи кўшилган қиймат (ЯҚҚ)	%	86,6	85,5	85,6	85,8	86,0	86,2	86,4
Маҳсулот ва экспорт-импорт операцияларида н олинган соф солиқлар	%	13,4	14,5	14,4	14,2	14	13,8	13,6
Тармоқларда яратилган ЯҚҚ таркиби	%	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат (шу жумладан қурилиш)	%	38,3	36,0	36,1	36,6	37,1	37,6	38,1
Саноат	%	29,9	29,7	30,0	30,6	31,2	31,8	32,4
Қурилиш	%	8,4	6,3	6,1	6,0	5,9	5,8	5,7
Хизматлар	%	61,7	64	63,9	63,4	62,9	62,4	61,9
Савдо, яшаш ва озик-овқат бўйича хизматлар	%	18,6	16,2	16,3	16,4	16,5	16,6	16,7
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	%	18,1	15,3	15,4	15,5	15,6	15,7	15,8

Қолган хизматлар тури	%	25,0	32,5	32,2	31,5	30,8	30,1	29,4
-----------------------------	---	------	------	------	------	------	------	------

Изоҳ: 2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастури доирасидаги вазифалар бўйича 2016-2020 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган.

Манба: Тошкент шаҳар ҳокимияти маълумотлари асосида.

Республикаимиз иқтисодий тармоқларида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2014-2015 йиллар оралиғида ялпи ҳудудий саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари камайиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2014 йилдаги 111,8 %дан, 2015 йилда 111,6 % гача камайди (3-жадвал). Деярли бу пасайиш динамикаси асосан саноат тармоқлари ҳисобига юзага келган. Технопарклар зиммасига илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш учун олий таълим муассасалари, академик фанлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро узвий алоқани йўлга қўйиш, ушбу мақсадда олимлар, юқори малакали мутахассислар, амалиётчилар ҳамда талабаларни жалб этиш вазифаси ҳам юклатилган. Технопарк қатнашчилари ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахсларнинг мулк солиғи, ижтимоий инфраструктурани ободонлаштириш ва ривожлантириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади. Инновацион технопарклар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожда аҳамиятли томони шундаки, айнан ушбу соҳа вакиллари томонидан янги фикрлар ташаббуси натижасида инновацион ишланмаларни жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилишда устувор аҳамиятга эга. Шиддатли рақобат муҳити шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар айнан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тез фурсатларда янги инновацион технологияларнинг кириб келиши ва ривожланиши, меҳнат бозори, товар ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши, ҳар бир фаолият юритувчи хўжалик субъектидан ишлаб чиқаришни таркибан янгилаш, модернизация қилиш, тармоқларда диверсификацияни тўғри амалга оширган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Дунё амалиётида ўзини оқлаган бошқарув усулларини ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни

камайтиришни тақозо этмоқда. Навоий вилояти саноатлашган ҳудудлардан бири бўлиб, айнан “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан ҳудуд эркин индустриал-иқтисодий зона айлантирилди. Ушбу Фармон ижроси юзасидан янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва замонавий корхоналар бунёд этилди ҳамда хорижий инвесторларга солиқ ва бож тўловлари бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган имтиёзлар белгилаб берилди. Хорижий инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши йиллар ўтган сари ортиб бормоқда ва бунинг натижасида ҳудудда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда қўшма корхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда.

4-жадвал

Навоий вилоятида асосий хомашё ресурсларини қазиб олиш прогнозлари (минг тонна)⁹

Минерал хомашё тури	2015 йил	2016 йил	ҳисобот		прогноз	
			2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Тоғ кон хомашёлари қазиб олиш						
Базальт	0,6	0,6	0,7	0,7	0,7	0,8
Бентонитли гил	22,1	23,2	24,3	25,5	26,8	28,1
Гранит	0,3	0,5	0,5	0,6	0,6	0,7
Кварц жиласи	0,0	3,7	3,9	4,1	4,3	4,5
Кварцли кум	87,7	53,7	53,8	53,9	54,0	54,1
Гипс	238,6	222,2	221,6	221,6	221,6	221,6
Диабаз	1217,7	967,8	934,4	942,7	929,9	904,0
Лёссимон жинслар	10,4	10,9	11,5	12,0	12,6	13,3
Мармар	22,9	25,0	26,5	28,0	29,7	31,5
Мармарлашган оҳактош	0,0	0,1	0,6	0,7	0,7	0,7
Минерал туз	46,3	52,9	55,4	57,9	60,6	63,4
Оҳактош	4941,1	5006,4	4 983,4	5 130,4	5185,5	5 185,1
Сланец	302,1	365,4	354,9	365,0	363,5	354,6
Табиий кум	35,4	37,2	39,0	41,0	43,0	45,2

⁹ Навоий вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида. 25.07. 2016 йил.

Туффит	0,0	123,3	203,0	217,5	232,0	246,5
Фосфорит рудаси	1 347,2	1 347,2	3 100,5	3 100,5	3 500,8	6 000,2

Манба: Навоий вилоятини 2017-2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурида белгилаб ўтилган кўрсаткичлар асосида келтирилган.

Худуд табиий ва минерал хомашё ресурсларига бой бўлганлиги билан бошқа худудлардан ажралиб туради (4-жадвал). Навоий вилоятида асосий хомашё ресурсларини казиб олиш прогнозлари бўйича келтирилган статистик маълумотларга таҳлилий ёндошадиган бўлсак, 2017-2020 йиллар давомида айнан саноат ва қурилиш соҳалари учун зарур бўлган минерал хомашё ресурсларини казиб олиш ва ҳажми ортиб бориши жадвалда ўз аксини топган. 2017-2020 йилларда Нурота туманида ҳам “Zafar granite mining” ҚК томонидан гранит тошни қайта ишлаб, бардюр ва зина ишлаб чиқариш, лойиҳа қиймати 1,2 млрд. сўм лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

“Шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металлар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та махсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширамыз. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш якунига етказилди”¹⁰. Албатта, бу каби дастурларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналарни аҳамияти катта. Шунингдек, 2012 йил 13 декабрдаги “Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида” ги, 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида” ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2017 йил 12 январь ПФ-4931-сонли “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари худудларда ишлаб чиқаришни янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор қўйди.

2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан.

тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бевосита ҳудудларда хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштиришга тўртки бўлди¹¹.

Ҳудудлар енгил саноатида 85 та, чармпойабзал соҳасида 31 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳаларни амалга ошириш муҳим вазифаси қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, ҳудудларда аҳолининг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эришишга, ҳудудий корхоналар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга, ҳудудий рақобатдош ва халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ихтисослашувини тўғри ташкил этиш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишга, ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга, ҳудудлардаги мавжуд минерал-хомашё ресурслари имкониятларини тўғри баҳолаш ва қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш борасида тежамкор технологияларни жорий қилишга, ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш механизмини янада такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шакллантиришга, ҳудудларда қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш асосида саноатни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга ва аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга, ҳудудлардаги меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга эришишга хизмат қилади.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. 26.10. 2016 йил. ПФ-4853-сон.

4.4. Табиий ресурслардан фойдаланишда кутиладиган муаммолар ва уларнинг ечимлари

Инсон табиий ресурслардан фойдаланишда кўплаб иқтисодий фойда олишни кўзда тутди. Лекин, у кўпинча, табиий шароитнинг ўзгариши кишиларнинг жисмоний, психик ҳолатига таъсир этишини ҳисобга олмайди. Инсон табиатнинг ҳар бир бўлаги, ҳар бир компоненти (сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ва минераллар) бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланганки, унинг бирон қисмига нотўғри таъсир этиш оқибатида маълум вақт ўтиши билан табиатнинг бошқа компонентларининг ҳолатини ўзгартириб юборишини билмайди. Масалан: инсон фаолияти натижасида атмосферада карбонат ангидрид миқдорининг ортиши планета ҳароратининг ортишига сабаб бўлади. Бу ҳол эса музликларнинг эришига, иқлимнинг ўзгаришига, сув сатҳи ва миқдорининг ортишига, қуруқликларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Жамият тараққиёти даражасини белгиловчи асосий омил моддий бойликлардир. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш эса ўз навбатида табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бунда ишлаб чиқариш кучлари ва фаннинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, инсон кўлида табиат кучларидан моддий неъмат ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти шунчалик катта бўлади.

Турли давлатларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида қуйидагилар асосий рол ўйнаган:

- 1) кишиларнинг онглилик даражаси; 2) фан; 3) техника; 4) табиий ресурслардан фойдаланиш ва бошқалар.

Инсоннинг иқтисодий ва маданий талабларини қондириш борасида ҳозирги замон техникасининг тараққиёти эндиликда жамиятнинг табиатга таъсирини ниҳоятда кучайтириб юборди. Фан ва техника тараққиёти натижасида инсон фақат ер сиртинигина ўзгартириб қолмасдан, унинг чуқур қатламларидаги ва океан тублари, баланд тоғ бағирларини ўрганиб, улардаги ресурслардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқда. Инсон ернинг чуқурроқ қатламларидан фойдали қазилма бойликларни олиш учун бир қанча муҳим муаммоларни ҳал қилиши зарур. Чунончи:

1. такомиллашган машиналарга эга бўлиши;
2. бундай машиналар яратиш учун кўп миқдорда юқори сифатли ва мустаҳкам тоза металлга эга бўлиши;
3. бу машиналар ёрдамида табиатга таъсир этиш чегарасини билладиган, уни бошқара оладиган юқори малакали, маданиятли мутахасислар бўлиши ва бошқалар.

Денгиз, океан тубидаги ресурслардан фойдаланишда эса бундан ҳам мураккаброқ муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бунда инсонга юқори ва паст босим остида ва кам кислородли муҳитга ишлашга тўғри келади. Олинган хом ашёларни жойларга ташиш ва қайта ишлаш учун анча ишчи кучи керак бўлади. Инсон космосни ўзлаштирди. Бу ҳолда эса инсон табиат қонунларини янада чуқурроқ ўрганиб у билан ҳисоблашиши зарур бўлади. Шу сабабдан прогрессив олимлар табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни синчковлик билан ўрганиб келмоқдалар. Табиат бойликларидан унумли, планли равишда тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини исботламоқдалар. Акс ҳолда инсон табиатдан ҳеч қандай эҳсон кутмаслиги иботланилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланиш фан-техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда режа асосида олиб борилмоғи зарур. Фан ва техника тараққиёти, табиат бойликларидан халқ манфаатлари йўлида, самарали фойдаланишга, энергиянинг янги турларини очишга ва янги материаллар яратишга, иқлим шароитларига таъсир кўрсатиш методларини ишлаб чиқишга, космик фазони забт этишга имкон беради.

Табиий ресурслардан фойдаланишда қуйидагиларга қатъий амал қилиш лозим:

- 1) фойдаланиш лозим бўлган мавжуд табиий ресурсларнинг миқдори ва сифатини аниқлаш;
- 2) ишлаб чиқаришнинг хом ашё базасини режа асосида кенгайтириш;
- 3) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва тиклашда фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда иш тутиш;
- 4) табиий ресурслардан фойдаланишда техникани такомиллаштиришга ва аҳолининг дунёқарашини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш.

Мамлакатимизда моддий-техника базасини вужудга келтиришда қуйидаги омилларнинг аҳамияти катта:

- 1) мамлакатнинг энергетика ва ёқилғи балансини ўрганиш йўлларини ахтариб топиш;
- 2) ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш, уларни тобора тўлароқ автоматлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш;
- 3) химияни халқ хўжалигига кенг кўламда татбиқ этиш йўлларини илмий равишда ишлаб чиқиш;
- 4) фойдали қазилма бойликларини қидириш ва табиат бойликларидан комплекс фойдаланишнинг мавжуд методларини такомиллаштириш ва янги, энг самарали методларини топиш;
- 5) табиат бойликларини ўрнини босувчи янги металллар яратиш;
- 6) табиат бойликларидан фойдаланишни координациялаб, ёпиқ ҳолда автоматлаштириш.

Табиий ресурсларнинг таснифи ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари.

Аслида "ресурс" сўзи франсуз тилидал олинган бўлиб, "яшаш воситаси" деган маънони англатади. Ресурс деганда, табиий жисмлар ва фойдаланадиган энергия турлари тушунилади.

Табиий ресурслар инсоннинг яшаши учун зарар бўлган шундай воситаларидирки, улар жамиятга бевосита эмас, балки ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари орқали таъсир этади.

Шуни алоқида таъкидлаш керакки, "табиий ресурслар" тушунчасини кўпгина олимлар турлича таърифлашади. Масалан, географ олимлар, энг тўлиқ таъриф берганлар: "Табиий ресурслар – киши бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшашлари учун зарар бўлган хилма-хил воситалардир".

Проф. Ю.Г.Саушкин эса "электр энергия олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб-чиқариш учун фойдаланиши мумкин бўлган табиий компонентларни ва саноат учун хом ашёларни" табиий ресурслар деб таърифлайди.

Географ олим А.А.Минс эса, "табиий ресурслардан фойдаланиш шакллари ва йўналишларига қараб, уларни иқтисодий жиҳатдан синфларга бўлишни" биринчи ўринга қўяди. Бу синфларга бўлишда, яъни таснифлашда, табиий ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг асосий секторларида ва ишлаб чиқаришдан ташқари сферада фойдаланишига қараб гуруҳларга ажратилади.

Шундай қилиб, табиий ресурслар кишиларнинг яшаши учун зарур манбаларга ва меҳнат воситалари манбаларига бўлинади.

Мукамалроқ синфларга бўлганда, табиий ресурслар 2 та асосий гуруҳларга бўлинади:

- 1) гуруҳи – моддий ишлаб чиқариш ресурслари. Бу гуруҳга ёқилғи маҳсулотлари, металллар, сувлар, ёғоч-тахта, балиқ, овланадиган ҳайвонлар киради.
- 2) гуруҳи – ишлаб чиқаришдан ташқари сфера ресурслари. Бу гуруҳга ичимлик суви, дарахтзорлар, иқлим ресурслари ва ҳоказолар киради.

Табиий ресурсларга озиқ-овқатга ишлатиладиган ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонлар, ичимлик суви ва бошқа мақсадларда фойдаланадиган сувлар, металллар олинадиган майдонлар, қурилишга ишлатиладиган ёғоч-тахталар, энергия ва ёқилғи манбалари бўлган кўмир, нефт ва табиий газлар киради.

Табиий ресурслар 2 турга бўлинади:

1. Тугайдиган табиий ресурслар.
2. Тугамайдиган табиий ресурслар.

Тугайдигаи табиий ресурслар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинади:

1. Тикланадиган ресурслар.
2. Тикланмайдиган ресурслар.

Табиий ресурсларнинг таснифи (синфларга бўлиниши) қуйидаги расмда кўрсатилган.



Манба: Муаллифлар ишланмаси.

Тикланмайдиган табиий ресурсларга ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар, яъни маъданли ва маъдансиз қазилмалар киради. Улар фойдаланаётган даражадан миллион-миллион марта секин тикланадиган табиий ресурслар ҳисобланадилар. Бундай ресурсларни тиклаб бўлмас экан, минерал ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни тежаб-тергаб ишлатиш ва уларни қазиб олинаётганда ерларга зарар етказилишига йўл қўймаслик зарур.

Тикланадиган табиий ресурсларга тирик мавжудотлар, ўсимлик ва ҳайвонлар, дарахтлар, шунингдек, тупроқ киради. Тупроқ йўқ бўлиб кетмайди, балки асосий хоссасини – умумдорлигини йўқотиши мумкин. Бундай ресурслардан фойдаланаётганда шунинг эса тутиш керакки, муайян табиий шароитнинг бузилиши уларнинг қайта тикланишига халақит бериши мумкин. Масалан, ҳозирга вақтда бутунлай қириб юборилган кўпгина ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шунингдек, эрозия натижасида бутунлай таркиби бузилган тупроқлар қайтадан тикланмайди. Бундан ташқари, шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, тикланадиган табиий ресурсларнинг пайдо бўлиш жараёни маълум тезликка эга бўлиши керак. Масалан, отиб ташланган ҳайвонларнинг қайтадан пайдо бўлиши учун бир ёки бир неча йил керак. Аммо дарахтлари кесилиб ташланган ўрмон камида 60 йилдан кейин қайта тикланиши мумкин. Ер қобиғида тупроқни унумли ва ҳосилдор қатламини ҳосил бўлиш жараёни

ниҳоятда секинлик билан кечади. Юз йилда 0,5 см дан 2 см гача тупроқ ҳосил бўлади. Таркиби ўзгарган тупроқнинг яхшиланиши учун эса бир неча минг йил вақт керак. 20 см қалинликдаги унумдор тупроқ ҳосил қилиш учун табиат 2000 йилдан 7000 йилгача вақт сарфлайди. Шунинг учун табиий ресурсларни ишлатиш тезлига уларнинг тикланиш тезлиги тўғри келиши керак.

Тикланадиган табиий ресурслар учун зарурий шароитлар яратиб берилса, улар инсон эҳтиёжларини қондиришга абадий хизмат қилиши мумин.

Тугамайдиган табиий ресурсларга сув, иқлим ва космик ресурслар киради.

Сув барча тирик организмлар учун ҳаёт манбаи бўлиб, у табиатда учта физик ҳолатда: қаттиқ (муз), суюқ ва буғсимон ҳолатларда учрайди. Ер шарида сувнинг умумий миқдори битмас туганмас бўлиб, ҳеч қачон ўзгармаса керак. Бироқ инсоннинг фаолияти натижасида сувнинг захираси ва миқдори Ер шарининг айрим минтақаларида турли давраларда турлича бўлиши мумкин.

Дунёдаги сувларнинг 94% и океанлардадир. Бевосита фойдаланишга яроқли бўлган ичимлик сувининг захиралари 1% ни ҳам ташкил этмайди. Бироқ битмас-туганмас ҳисобланган денгиз сувлари ҳам ўта ифлосланиш хавфи остида турибди. Чучук сув эса, сифат жиҳатидан тугайдиган ресурс ҳисобланади, чунки инсонга ҳар қандай сув эмас, балки истеъмол қилиш учун яроқли тоза сув керак. Ер шарининг кўпгина минтақаларида сувдан самарасиз фойдаланиш, дарёларнинг саёзланиб қолиши ва бошқа сабаблар оқибатида ичимлик сув миқдори кескин камаймоқда. Ҳолбуки, суғориш, саноат ва коммунал хўжалик учун чучук сувга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Худди шунга ўхшаган, миқдор жиҳатидан олганда атмосфера ҳавоси тугамайдиган табиий ресурсларга киради, аммо сифат жиҳатидан олганда у тугайдиган ресурсларга киради.

Қуёш радиацияси (ёруғлик, иссиқлик), атмосфера ҳавоси, шамол, сув ва тўлқинлар энергияси иқлим ва космик ресурсларга киради. Ёнғингарчиликлар эса сув ресурсларига ҳам, иқлимий ресурсларга ҳам киради.

Сайёрамизга келаётган Қуёш нурларининг ярмидан кўпроғи энергиянинг бошқа турларига айланади. Уларнинг муайян қисми тупроқ, сув ва атмосфера ҳавосини иситишга сарф бўлади ва секин-аста фазога тарқалади. Уларнинг муайян қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Қуёшнинг нурли энергия захиралари миллиард-миллиард йилларга этиши мумкин. Шунинг учун Қуёш энергияси битмас – туганмасдир.

Атмосфера ҳавоси тирик организмлар учун ҳаёт манбаидир. Ҳаво битмас-туганмас, лекин унинг таркиби ўзгариши мумкин. Ҳаво таркибида карбонат ангидрид (CO_2), радиоактив моддалар, турли газларнинг механик

аралашмалари, кул, чанг ва бошқа моддалар мавжуд. Бундай ифлосликларни саноат корхоналари ва хусусан, транспорт воситалари чиқаради. Бу эса инсон соғлиғига катта салбий таъсир кўрсатади.

Тугамайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларни тоза сақлаш ва энг аввало, сувни тежаб-тергаб сарфлаш керак. Сув ресурслари этишмайдиган минтақаларда, айниқса Марказий Осиё минтақасида, сувни эҳтиёт қилиш керак.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда экологик ахборот соҳасидаги асосий муаммолардан бири идораларнинг тарқоқлиги, атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш идоравий хизматларининг жиҳозлар-дастурий ва услубий уйғунсизлиги эди. Атроф муҳит ҳолатини кузатиш бўйича мавжуд идоравий хизматлар табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув вазифаларига мўлжалланмаганди.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ҳамда атроф табиий муҳитни кузатиш, баҳолаш, ифлосланиш даражасини прогноз қилиш бўйича Ўзбекистонда мавжуд идоравий хизматлар фаолиятини уйғунлаштириш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат назоратини ахборот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзгидромет, Давгеологияқўм, Давергеодезкадастрқўм ва Давтабиатқўм атроф муҳит ифлосланишини кузатиш хизматларини ўз ичига олган табиий муҳит мониторингининг мавжуд идоравий хизматлари базасида ташкил этилган. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг атроф табиий муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг давлат мониторинг тизимининг амал қилишини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган. Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган дастурлар бўйича амалга оширилади. Бу дастурлар бўйича вазирликлар ва идораларнинг мониторинг турлари бўйича асосий ишлари, уларнинг ҳамжиҳатлиги ва ахборот билан алмашилиш назарда тутилган. Бунда табиатдан фойдаланишни бошқариш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва экологик назорат учун ахборот билан

таъминлашга, шунингдек экологик ҳолат ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга асосий эътибор қаратилган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг эспертлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маърузалар тайёрланди ва нашр этилди. Мазкур маърузаларда ваколатли вазирлик ва идораларнинг кузатувлари, ҳисоб-китоблари ва илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида атроф табиий муҳит ва унинг таркибий қисмлари – атмосфера ҳавоси, ерусти ва ерсоти сувлари, ерлар, шунингдек уларни ифлослантирувчи манбалар ҳолатини баҳолаш бўйича умумлаштирилган ахборот келтирилган; ер-сув ресурсларининг замонавий ҳолати ва улардан фойдаланишга тавсиф берилган ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг таназзулга учрашини камайтириш бўйича тавсиялар берилган; Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича экологик ҳолатни ва унинг аҳоли саломатлигига таъсирини комплекс баҳолашга ёндашувлар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури ҳамда амалга оширилаётган дастур натижаларига кўра салбий жараёнларнинг олдини олиш ва йўқотиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб ва чоралар кўрилади. Шу билан бир қаторда мавжуд мониторинг тизимида ўлчанадиган кўрсаткичлар миқдорининг ҳаддан ташқари кўплиги, мониторингни юритиш жараёнида органларнинг етарлича муносабатда бўлмаслиги ва мониторинг ахбороти билан оператив алмашилишнинг йўқлиги каби баъзи камчиликлар таъкидланди. Атроф муҳит ҳолати мониторинги тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг «Ўзбекистонда атроф муҳит ҳолатининг мониторинги учун экологик индикаторлар» лойиҳаси бажарилди. I босқич экологик индикаторларни танлаш ва асослашга йўналтирилди. II босқич - Ўзбекистонда атроф муҳит ҳолатини мониторинг қилиш учун Географик ахборот тизимини (ГАТ) қўллаган ҳолда экологик индикаторлар маълумотлар базасини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланди. Атроф муҳит ҳолати мониторингини олиб боришнинг якуний маҳсулоти ва ГАТ учун асос бўлган маълумотлари базаси бўлиши керак. Базада сақланувчи маълумотлардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги учта асосий шароит мавжуд бўлиши керак:

1. Ҳар қандай экологик индикаторлар маълумотлар базаси мониторинг тўғрисида батафсил ва ишончли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

2. экологик маълумотлари билан ишлайдиган ташкилотларга маълумотлар базасига очик рухсат берилиши керак.

3. экологик маълумотлар базаси форматлари ва классификаторлари ягона системада бўлиши керак.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида экологик индикаторлар асосида Ўзбекистон Экологик Атласи ва Ўзбекистонда атроф муҳит ҳолати ҳақидаги ахборотномалар тайёрланди. Ўзбекистонда атроф табиий муҳит ҳолати давлат мониторингининг кейинги тараққиёти куйидагиларга йўналтирилади:

- АТМДМ доирасида табиий муҳит ҳолатини кузатиш ҳажмлари ва экологик муҳим кўрсаткичлар-индикаторларни танлашни муқобил ҳолга келтириш;

- халқаро конвенсия ва баённомаларга мувофиқ мониторинг услубиятини такомиллаштириш;

- мониторинг жараёнида иштирок этадиган таҳлилий лабораториялар мустақиллигини мустаҳкамлаш, замонавий таҳлилий ускуналар билан таъминлаш;

- давлат бюджети, маҳаллий фондлар ва бошқа ресурслардан (инвестициялар ва бошқ.) фойдаланиш асосида етарлича молиялаштиришни таъминлаш;

- табиий муҳит сифати стандартлари ва саноат корхоналари эмиссияларини қайта кўриш;

- қарорлар чиқариш ва жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида мониторинг маълумотлари билан танишиш имкониятини ошириш учун табиий муҳит мониторингини электрон бошқариш ва ахборот билан алмашиниш тизимини ривожлантириш зарур.

Калит сўзлар: Табиий ресурслар, қазилма бойликлар, иқлим ресурслари, сув ва ҳаво ресурслари, тупроқ ресурслари, ўсимлик ресурслари, фауна (бирор жой мамлакат ёки геологик даврга оид бўлган ҳамма ҳайвонлар) ресурслари, атом ресурслари, биосфера ресурслари, космик ресурслар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Табиий ресурслар нима?
2. Табиий ресурсларнинг турлари?
3. Қачондан бери нефтдан фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда?
4. Мехнат ресурслари фойдаланиш даражасига кўра қайси мехнат ресурслари турига киради?
5. Тугамайдиган табиий ресурсларга нималар киради?

V БОБ. МИНТАҚАЛАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Режа:

5.1. Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати

5.2. Меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш

5.3. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти, аҳамияти ва ривожланиш зарурияти ва унинг асослари

5.1. Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати

Ҳар бир ўлка, ҳудуд, вилоят ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аввало, шу жойда яшовчи аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқ. Маҳаллий аҳолининг меҳнат маданияти, жамоа ишларидаги ижтимоий фаоллиги, билим ва малакалари, оилавий таркиби, ёши ва жинси шу ўлкада иқтисодий тараққиётнинг ривожланишида катта рол ўйнайди.

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди.

Доимий аҳоли сони ҳамда демографик ҳолат кўрсаткичлари Адлия вазирлигининг жойлардаги Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар ва Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги Ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилган. Ушбу ҳисоб-китоблар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган услубий Низомга мувофиқ амалга оширилган.

I. Доимий аҳоли сони. Ўзбекистон Республикасида 1991-2019 йиллар мобайнида аҳоли сонининг барқарор ўсиши кузатилиб, доимий аҳоли сони 1991 йилда 20,6 млн. кишини, 2001 йилда 24,8 млн. кишини, 2006 йилда 26,3 млн. кишини, 2011 йилда 29,1 млн. кишини ва 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, республиканинг доимий аҳоли сони 34,5 млн кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 млн кишига ёки 1,6 мартага ўсган (1-диаграмма).


Давлат статистика қўмитасининг мамлакатдаги демографик вазият ҳақидаги ҳисоботида келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳоли сони 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра 34,86 млн кишини ташкил этиб, йил бошидан 301,3 минг кишига ёки 0,9% га кўпайди .

Шаҳар аҳоли сони 17 млн 664,8 минг кишини (жами аҳоли сонисидаги улуши 50,7%), қишлоқ аҳоли сони эса 17 млн 195,4 минг киши (49,3%)ни ташкил этди.

Республика доимий аҳолиси сонининг 31,1% и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58% и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,9% и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

1-диаграмма


**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони
(йил бошига)**



Мазкур йилларда республика аҳолисининг жойлашуви бўйича таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилган, яъни 1991 йилда шаҳар аҳолисининг жами аҳоли сонидagi улуши 40,3 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 январ ҳолатига келиб эса 50,5 фоизни ташкил этди (2-диаграмма).

2-диаграмма


**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг
жойлашуви бўйича тақсимланиши (фоизда)**



Республика аҳолисининг таркибида эркаклар сони 1991 йилда 10,2 млн кишини, аёллар эса 10,4 млн кишини ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, эркаклар сони 16,1 млн кишига ва аёллар сони эса 16,0 млн кишига этган. Ўз навбатида 2019 йил бошига жами аҳоли сонидан эркакларнинг улуши 50,5 фоиз ва аёлларнинг улуши эса 49,5 фоизни ташкил этди (3- диаграмма).


3-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг жинси бўйича тақсимланиши (йил охирига)



Республика аҳолисининг 1991-2017 йилларда ёш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Жумладан, 1991 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар (0-15 ёшдагилар) улуши 43,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (еркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш) 49,1 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (эркаклар 60 ёш ва ундан катта, аёллар 55 ёш ва ундан катта) 7,8 фоизни ташкил этган. 2018 йил 1 январ ҳолатига мазкур кўрсаткичлар мос равишда 30,1 фоиз, 60,5 фоиз ва 9,4 фоизни ташкил этган (2-расм).

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг
ёш таркиби тўғрисида маълумот**
(жами аҳоли сонига нисбатан фоизда; йил бошига)



2017 йилда 1991 йилга нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар улуши камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар улуши эса ўсган.


Республика бўйича 1991 йилда аҳолининг ўртача ёши 23,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 28,5 ёшни ташкил этмоқда, яъни республика аҳолисининг ўртача ёши 5,2 ёшга кексайганлигини кузатиш мумкин.

II. Аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар кузатилиб, 1991 йилда республикада 723,4 минг нафар бўла туғилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 34,5 промиллени, ўша йилда 130,3 минг киши вафот этган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициентсиенти 6,2 промиллени ташкил этган бўлиб, аҳолининг табиий ўсиши 593,1 минг кишига, яъни 1000 аҳолига нисбатан аҳолининг табиий ўсиш коэффициентсиенти 28,3 промиллени ташкил этган (5-расм).

1. Туғилганлар сони. Республикада 2018 йилда 775,9 минг нафар бўла туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 23,3 промиллени ташкил этган. 2015 йилга қадар республикада туғилишнинг энг юқори кўрсаткичи 1991 йилга тўғри келиб, мазкур йилда 723,4 минг нафар бўла туғилган. 1992 йилдан 2003 йилгача туғилганлар сони камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2003 йилда 508,5 минг нафар бўла туғилган. 2004-2015 йилларда туғилганлар сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда республика тарихида энг кўп, яъни 734,1 минг нафар бўланинг туғилганлиги қайд этилган.

4-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати
(1000 аҳолига нисбатан, йил бошига)




Ўлганлар сони. Республикада 2018 йилда 156,7 минг киши вафот этиб, 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициентсиенти 4,7 промиллени ташкил этган. Республикада 1991 йилда 130,3 минг киши, 2001 йилда 132,5 минг киши, 2011 йилда 143,3 минг киши вафот этган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 6,2 промилле, 5,3 промилле, 4,9 промиллени ташкил этган. Республикада 2016 йилда бир ёшгача ўлган бўлалар сони 7,8 минг нафар бўлани ташкил этиб, 1000 туғилган бўлага нисбатан гўдаклар (1 ёшгача бўлалар) ўлими коэффициенти 10,7 промиллени ташкил этган (6-расм). Республикада 1000 туғилган бўлага нисбатан гўдаклар (1 ёшгача бўлалар)

ўлими коэффитсиенти 1991 йилда 35,5 промиллени, 2001 йилда 18,3 промиллени, 2010 йилда 11,0 промиллени ташкил этган.

5-диаграмма


**Ўзбекистон Республикаси бўйича гўдаклар ўлими
кўрсаткичлари**
(1000 туғилган бўлага нисбатан; промилле)



Республикада 2018 йилда беш ёшгача ўлган бўлалар сони 10,1 минг нафар бўлани ташкил этиб, 1000 туғилган бўлага нисбатан бўлалар (5 ёшгача) ўлими коэффитсиенти 14,1 промиллени ташкил этган (6-диаграмма).

6-диаграмма


**Ўзбекистон Республикаси бўйича бўлалар ўлими
кўрсаткичлари**
(1000 туғилган бўлага нисбатан; промилле)



Республикада 1000 туғилган бўлага нисбатан бўлалар (5 ёшгача) ўлими коэффициенти 1991 йилда 48,2 промиллени, 2001 йилда 26,6 промиллени, 2010 йилда 14,8 промиллени ташкил этган. Республикада оналар ўлими кўрсаткичи ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 100 000 туғилган бўлага нисбатан 1991 йилда оналар ўлими коэффициенти 65,3 ни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 34,1 ни, 2010 йилда 21,0 ни ва 2018 йилда эса 17,4 ни ташкил этди (7-диаграмма).

7-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси бўйича оналар ўлими кўрсаткичлари
(100 000 туғилган бўлага нисбатан)



3. Туғилишда кутилган умр давомийлиги. Инсониятнинг яшаш сифати кўрсаткичларидан бири бу туғилишда кутилган умр давомийлиги ҳисобланади.

8-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси бўйича туғилишда кутилган умр давомийлиги
(умумий)



Республикада 2018 йилда мазкур кўрсаткич 73,8 ёшни (аёлларда– 76,2 ёш, эркекларда – 71,4 ёш) ташкил этган (9,10,11-расмлар).

Туғилишда кутилган умр давомийлиги кўрсаткичи сўнгги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жумладан 1991 йилда ушбу кўрсаткич 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 71,3 ёшни, 2010 йилда 73,0 ёшни ташкил этган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан барча соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам жиддий ислохотлар олиб бориш ишлари бошланди. Тиббиёт соҳасида давлатимиз томонидан кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар, дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Бунинг натижасида ҳаёт сифати ва инсонлар саломатлиги яхшиланиб бормоқда. Хусусан, республикада турли касалликларни олдини олиш, оналик ва бўлаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббиёт муассасаларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида республикада ўлим даражаси, жумладан, болалар ва оналар ўлими кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси кузатилди ва бу ўз навбатида республикада туғилишда кутилган умр давомийлиги кўрсаткичининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

3. Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар. Республика бўйича 2018 йилда 311,379 мингта никоҳ қайд этилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 10,6 мингтага камайган. 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти эса 9,6 промиллени ташкил этган (8-диаграмма).

Республикада тузилган никоҳлар сонининг камайишига биринчи марта никоҳ тузувчиларнинг ўртача ёши кўрсаткичининг ошиши ҳам таъсир қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳозирги кунда никоҳдан ўтаётган ёшлар асосан бирор-бир касбни эгаллаш, таълим муассасаларида ўқишларини якунлаш, ишга жойлашиш ва оилани мустақил бошқаришга ишонч ҳосил қилгандан сўнг никоҳ тузишга хоҳиш билдириши билан изоҳлаш мумкин. Республикада 2001 йилларда биринчи марта никоҳ қурган қиз бўлаларнинг ўртача ёши 21,5 ёшни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 22,6 ёшни ташкил этди, яъни 1,1 ёшга кўпайди. Республикада 2001 йилларда биринчи марта никоҳ қурган ўғил бўлаларнинг ўртача ёши 24,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 26,0 ёшни ташкил этди, яъни 1,7 ёшга кўпайди. Республика бўйича 2018 йилда 29,3 мингта никоҳдан ажралиш қайд этилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 0,3 мингтага камайган. 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти эса 0,9 промиллени ташкил этган. 1991 йилда республикада 32,3 мингта никоҳдан ажралиш қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,6 промиллени ташкил

этган. Кейинги йилларда никоҳдан ажралишлар сони камайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилдан бошлаб яна ўсиш кузатилган.

5.2. Меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш

Меҳнат бозори бозор инфратузилмасида ишчи кучини ёллаш ва ундан фойдаланиш бўйича ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатлари мажмуи бўлиб, меҳнатга бўлган талаб ва таклифда ўз ифодасини топади. Маълумки, меҳнат бозорида учта субъект фаолият кўрсатади: иш берувчи, ёлланма ишчи ва давлат. Аграр меҳнат узок вақт режалаштирилган иқтисодиёт шароитида амалга оширилиши натижасида қолоқ профессионал иқтисодиёт, паст меҳнат унумдорлиги ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатсизлиги оқибатлари гирдобида бўлиши меҳнат мотивацияси пасайиб кетишига олиб келди. Бу эса, ишчи кучининг сунъий танқислигини юзага келтирадиган юқори меҳнат сиғими натижаси билан боғлиқ. Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанатнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: талаб, таклиф, ишчи кучи баҳоси ва рақобат. Ишчи кучи ҳамда меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг ҳажми меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва уларнинг баҳосига боғлиқ. Таклиф эса, демографик хусусиятларга асосан белгиланади. Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичларидан бири рақобат қуйидагича белгиланиши мумкин: агар талаб ва таклифни қиёслаш жараёнида таклиф талабдан кўпроқ бўлса, демак, рақобат мавжуд бўлади. Уни таъминлаш учун эса, биринчи навбатда ишлаб чиқарувчиларда эркинлик бўлиши лозим.

Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат шундай ҳолатки, унда талаб, таклиф ва ишчи кучи баҳоси эгри чизиқлари бир нуқтада бир-бирларини кесиб олади. Эгри чизиқлар бир-бирларини кесиб оладиган нуқта эса, меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат нуқтаси ҳисобланади. Лекин, бозорнинг бундай ҳолатда бўлиши жуда камдан-кам учрайди. Бу бозор шароитларидаги иқтисодиётнинг иқтисодий мувозанатда эмаслигидан далолат беради. Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанатда талаб, таклиф ва ишчи кучининг қайси ҳолатида ишсизлик, қайси ҳолатида ишчи кучи етишмаслиги кузатилади. Бунда меҳнат бозорини бошқаришга бўлган ишчи кучининг мувозанатлашганини баҳолаш жуда катта рол ўйнайди. Бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан, иш ҳақи даражаси ишчи кучининг нархи мувозанатлашган нархдан юқори ўрнатилганда таклифнинг талабга нисбатан кўплиги пайдо бўлади, талаб ошгани сари иш ҳақи ҳам ошади, талаб камайгани сари иш ҳақи ҳам камаяди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республикадаги паст даражали меҳнат таъминотига эга бўлган хўжаликларда меҳнат натижалари эркинлигининг йўқлиги паст даромад олинишига сабаб бўлди. Бу эса уларга ишчи кучини

такрор ишлаб чиқариш имкониятини бермайди. Айни шу сабабларга кўра, ушбу хўжаликларда ишчи кучи танқислиги сунъий йўл орқали пайдо бўлади. Ишчи кучи билан юқори даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлган даромад олиш йўналишлари айни ишчи кучи билан паст даражада таъминланган хўжаликларга хос бўлган йўналишлар билан бир хил, фақат иккинчи ҳолатда ишчи кучи таъминоти баҳоси ва талаби кўпайишига имконият бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бундай хўжаликларда ишчи кучининг ортикчалиги ёки яширин ишсизлик мавжуд. Меҳнат бозорига тегишли муҳим масалалардан бири бандлик ҳажмини аниқлашдир. Бозор классик назариясига мувофиқ, бандлик ҳажми ялпи талаб ва ялпи таклифларнинг кесиб ўтиш нуқтаси орқали аниқланади. Айни шу нуқтада кутилган тадбиркорлик фойдаси максимал даражада бўлади. Бандлик ҳажмининг ўсиши аҳолининг истеъмол қилишга мойиллигига ҳамда иш жойларининг кўпайиши учун керак бўлган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Ялпи даромад ўсиши билан истеъмол қилиш ҳам ўсади, шунингдек жамиятнинг ялпи инвестициялар билан боғлиқ харажатлари ҳам ошади. Шу муносабат билан режалаштирилган иқтисодиёт шароитида давлат монополист сифатида иш ҳақининг сунъий пасайтирилган даражасини қўллаб-қувватлашни маъқул кўради, чунки бу у юритаётган сиёсатини асосий воситаларидан бири эди. Меҳнат бозорини ўрганиш жараёнида қуйидагилар жуда муҳим ҳисобланади: «иқтисодий мувозанат» тушунчаси, меҳнат бозори сегментацияси, бандлик ҳажмининг белгиланиши, замонавий макроиқтисодий тузилмалар учун ахборотга эга бўлиш жуда ҳам муҳим, чунки атроф-муҳитдаги ноаниқлик юз марта ўсди, бу кўпинча, фирмалар, корхоналар, корпорациялар, банклар фаолиятининг бузилишига олиб келди, раҳбарликнинг ҳар қандай даражасида асосланмай қабул қилинган қарорлар хўжалик объектлари учун тузатиб бўлмайдиган салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай экан, меҳнат бозори инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарт-шароити, воситаси бўлиб, унинг субъектлари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи меҳнат бозори ахборот тизимини шакллантиришдан иборатдир. Меҳнат бозорида ахборот тизимини такомиллаштириш ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари ўртасида ягона иш билан бандлик сиёсатини юритиш, улар ўртасида коммуникация алоқаларни таъминлаш ҳамда трансакцион харажатларни қисқартириш имкониятларини кенгайтиради. Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атига 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ” . Шундан

келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” долзарб масала ҳисобланади. Ахборотлаштириш жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш ва меҳнат бозорида давлат сиёсатини юритиш бўйича янги-янги талабларни юзага келтирмоқда. Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ҳудудий фарқлар аҳамиятли равишда ҳудудий бозорлар интеграциясини таъминлайдиган ҳамда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга оладиган ҳудудий иш билан бандлик сиёсатини ишлаб чиқишни зарурат этмоқда. Ахборот ва коммуникацион технологиялар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларига улкан ва глобал миқёсда ҳамда ҳар қандай тармоқ ёки хизматларга тегишли фирмаларнинг ҳар бир функциясига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда 50% иш билан банд бўлганлар компьютер техникасидан фойдаланмоқдалар. Меҳнат бозорининг ягона ахборот тизими, масалан, 2000 йилда Корея Республикасида яратилди. Меҳнат бозорида ахборотларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги иш билан бандликка кўмаклашиш доирасида номутаносиб ҳолатларни келтириб чиқаради, агарда бўш иш ўринларига ишчи кучи етишмайдиган жойда ишсизлар мавжуд бўлса, қандай қилиб бўш иш жойлари тузилмасини тўлдириш орқали ишсизлик даражасини камайтириш мумкин. Шу сабабли меҳнат бозорида ҳудудий иш билан бандлик сиёсатини самарали амал қилиши учун ҳудуддаги бўш иш жойларининг сифатли таснифи ва ишсизлар сони ҳақида барча оператив маълумотларни ўз ичига олувчи, ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича ҳудудий ахборот тизимини яратиш зарур. Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ҳудудий бандлик хизмати ахборот тизимларини яратилишида барча имкониятлари билан етакчи рол ўйнайди. Ҳар бир ҳудудда ахборот тизимларининг яратилиши ва қўлланиши республика миқёсида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида меҳнат бозорининг марказий ахборот тизимига бирикишини назарда тутаяди. Ҳудудий ахборот тизимларининг яратилиши ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишда тармоқли – ахборотларни тақсимлаш хусусиятлари билан алоқадорликда ижобий ташқи самараларни юзага келтиради. Ҳақиқатдан ҳам, бундай ахборот тизимлари хизматларига талаб ҳудудий меҳнат бозорини қамраб олиш доирасигача кенгайиб боради. Ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишда ҳудудий ахборот тизими ишчиларнинг бўш иш жойларини излашда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга амалий натижа берадиган ёрдам кўрсатиши мумкин. У ишсизликдан суғурталаш тизими билан биргаликда давлат иш билан бандлик хизматида меҳнат бозоридаги ҳолатларнинг ҳудудий

даражада анча эгилувчан ва мослашувчан таъсир этиши ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун имконият яратади. Шунингдек, меҳнат бозорининг ҳудудий ахборот тизимлари давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари фаолиятларида иш жойларини танлаш даврини қисқартириш, ишсизлик бўйича тўғри ва замонавий нафақа тўловларини таъминлаш, ишсизликнинг давомийлигини қисқартириш, мавжуд иш жойлари тўғрисида маълумотлар банки билан мувофиқликда ишчиларни касбга қайта тайёрлашни ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишда восита бўлиб хизмат қилади. Ҳудудий ахборот тизими яратилишининг шарт-шароити бўлиб, ҳудудий иш билан бандлик хизматини ахборотлаштириш асосида ахборот узатиш техникалари билан жиҳозланган яхлит ҳудудий ахборот тизимларини яратиш ҳисобланади. Россияда Санкт-Петербург шаҳрида «Катарсис» компанияси бозорда ахборот тизими сифатида 11 йилдан кўпроқ фаолият юритмоқда ва Россия Федерал иш билан бандлик хизмати учун ягона ахборот тизимини яратмоқда. Ҳудудий ва миллий даражада ахборот тизими ривожланишининг муҳим палласи бўлиб, кўйилган масалани ечишда комплекс ёндашув ҳисобланади. Бунда у нафақат ахборот жиҳозларини ўрнатиш, балки лойиҳалаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, дастурлаштириш, ахборот узатишнинг марказлашган тизимларини ишлаб чиқиш, тармоқли мониторингнинг самарали усулларини қўллаш каби ишларни олиб боради. Ҳозирги вақтда “Катарсис” дастурий – аппаратлашган комплекси ахборот алмашиш мақсадида “Меҳнат ресурслари”, “Нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш”, “Бандлик жамғармаси”, “Таҳлил”, “Маслаҳатчи 1”, “Маслаҳатчи 2” каби автоматлашган тизимларни бирлаштиради. Бу ахборот тизими мижозларга алоҳида тартибда мавжуд бўш иш ўринлари, касбий тайёргарликдан ўтиш имкониятлари, нафақа миқдори ва бошқалар ҳақида етарли даражада маълумотлар бериб туради. Барча ишланмалар маҳаллий ва хорижий фирмалар билан биргаликда яратилган махсус дастурий таъминотга базалаштирилади. Ўзбекистонда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Катарсис» компаниясига ўхшаш ахборот тизимининг ҳудудий иш билан бандлик хизмати маблағлари ёки давлат бюджети ҳисобига яратилиши меҳнат бозорида давлат сиёсатини юритиш самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб, иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасидаги институционал тузилмалар ўртасида самарали ахборот алмашишни таъминлайди. Кўпинча ривожланган мамлакатларда ахборот тўплаш ва узатишга ихтисослашган воситачи фирмалар фаолияти тижорат асосига қурилган. Бироқ ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вилоят меҳнат бозорида ахборот хизматларини тижоратлаштириш имкониятлари етарли даражада эмас, чунки юқори иш ҳақига эга бўлган иш ўринлари ва лавозимлар етарли миқдорда эмас. Шунинг учун ҳозирги вақтда

меҳнат бозори ахборот тизими жамоат сектори доирасида шаклланиши зарур, лекин келажакда унинг фаолиятини тижорат асосига ўтказиш мумкин. Худудий ахборот тизими кўйидаги бўлимларни ўз ичига олиши зарур: ишсизлар ва мавжуд иш жойлари ҳақида дастлабки маълумотларни– йиғиш; улар учун қайта ишлаш дастури; мавжуд йиғилган ва тўпланган ахборотлар асосида вилоят давлат иш билан бандлик хизмати ва унинг жойлардаги БКМлари фаолияти билан мувофиқликда локал компьютер тармоғини яратиш ва интернет тармоғига улаш. Бунинг учун барча худудий иш билан бандлик хизматларини интернет тармоғига улаш назарда тутилади; ахборот-услубий таъминот. Иқтисодиётда хусусий сектор ролининг кенгайиши билан алоқадорликда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича агентликлар, нодавлат ихтисослашган меҳнат биржалари ва хусусий воситачи фирмаларнинг яратилиши ҳамда фаолиятлари давомида мақсадга мувофиқ равишда меҳнат бозори ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари маълумотлар банкининг шаклланишида қўшма ҳамкорлик худудий меҳнат бозорида жараёнлар тезлашишининг мутаносиблигини таъминлайди. Шундай қилиб, меҳнат бозорида талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича худудий ахборот тизимларини яратилиши бозор алоқаларини шакллантириш, меҳнат бозорида хўжалик субъектлари трансакцион харажатларини камайтириш, тармоқлар бўйича ишчи кучи тақсимланишини оптималлаштириш мақсадида, улар ўртасида интенсив алоқаларни қарор топтириш шарт-шароитларини вужудга келтиради. Тўпланган маълумотлар-нинг ишончлилиги меҳнат бозори самарали мониторингини таъминлаш учун ахборотлар узатиш жараёнини тезлаштиради ва худудий иш билан бандлик хизмати органлари учун иш билан бандликка кўмаклашиш дастурини ишлаб чиқишда маълумотлар базасини шакллантиради. Демак, худудий ахборот тизимларининг яратилиши меҳнат бозорини тартибга солишда худудий иш билан бандлик сиёсатини самарадорлигини ошириш учун имконият яратади

5.3. «Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти, аҳамияти ва ривожланиш зарурияти ва унинг асослари

Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари:

- Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш;
- Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини борган сари тўлароқ қондириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Ижтимоий адолатни чуқурлаштириш, ижтимоий кафолат ва ижтимоий ҳимоя механизмини такомиллаштириш. Давлатнинг ижтимоий сиёсати

қуйидаги ҳолатларни тақозо этади. Барча меҳнатга лаёқатлиларга тадбиркорлик ва меҳнат учун қулай шароитларни таъминлаш. Булар жумласига киради:

- Бизнесни либераллаштириш;
- Кичик тадбиркорликни рағбатлантириш;
- Юқори даражадаги бандликни қўллаб-қувватлаш;
- Меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Жамиятнинг барча аъзоларига фаровонликнинг маълум стандартларини таъминлаш.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарурат ҳисобланади:

- Жамиятда даромадларни қайта тақсимлаш;
- Турли нафақалар ва пенсияларни оптималлаштириш;
- Умумий саводхонлик ва барча жамият аъзолари учун зарурий тиббий ёрдамни уюштириш.

Ижтимоий сиёсат давлат ички сиёсатининг таркибий қисми Ижтимоий дастурлари ва амалиётида ўз ифодасини топади ва жамиятдаги муносабатларни аҳоли асосий ижтимоий гуруҳлари манфаатлари йўлида ва шу манфаатлар орқали тартибга солади. Ижтимоий сиёсат келиб чиқишига кўра, барча ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг белгиловчи моддий асоси бўлган ва бўлиб келаётган иқтисодиётга нисбатан иккиламчидир. Ҳар қандай ижтимоий дастурлар агар улар иқтисодий жиҳатдан таъминланган бўлмаса, улар ҳеч нарсага арзимади. Ижтимоий сиёсат Давлат, тижорий тузилмалар ва ноҳукумат жамоат бирлашмаларининг аҳоли зарурий эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга ошираётган тадбирларининг мақсадга йўналтирилган тизими. Ҳозирги босқичда ижтимоий сиёсатнинг бош вазифаларидан бири аҳолини иқтисодиётдаги бозор муносабатларининг салбий оқибатлари таъсиридан ижтимоий ҳимоялаш.

Бу аҳоли пул даромадлари ва товар захиралари ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришни; фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун қулай имкониятлар яратишни;

аҳоли учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатига бўлган талабини қондиришни;

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг моддий базасини кенгайтириш, унинг маълумот ва маданий даражаси ўсишини назарда тутади.

Ижтимоий сиёсатининг энг муҳим вазифаси Давлат сектори ижтимоий сиёсатининг энг муҳим вазифаси қуйидагилар орқали ижтимоий ҳаётдаги мувозанатнинг муайян даражасига эришиш:

а) табиий офатлар, очарчилик, касалликлар, глобал жараёнларнинг максимал салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат кафолатларини бериш;

б) моддий бойликларни қайта тақсимлаш, мамлакатда эришилган турмуш даражасини солиқлар, ҳомийлик ишларини ривожлантириш, тадбиркорликни прогрессив воситалар билан биргаликда қўшиб таъминлашга йўналтирилган ташкилий ҳаракатларни мувофиқлаштириш.

Ижтимоий сиёсат ижтимоий ишнинг турли шакллари, давлатнинг бир марталик йирик қарорлари ва тадбирлари, шунингдек, ижтимоий (махсус ва комплекс) дастурлари орқали амалга оширилади. Ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари моддий ёрдам: пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, санитария ва гигиена воситалари, бўлаларга қараш предметлари, кийим-кечак, пояфзал, кундалик зарурий предметлар; ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлар ва ташқаридан қаровга муҳтож шахсларни реабилитатсия қилиш учун зарур бўлган махсус техника воситалари; доимий ностационар хизмат кўрсатишга муҳтож бўлган фуқаролар ва оилаларга ижтимоий восийлик: ижтимоий-маиший хизматлар кўринишидаги ёрдам, тиббий ёки бошқа кўмак олишга ёрдамлашиш, бўлаларга қараш бўйича хизмат кўрсатиш; ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш лаёқатини қисман ёки тўлалигича йўқотган ва ўзгаларнинг доимий қаровига муҳтож кишиларга статсионар хизмат: ҳаёт фаолияти учун зарурий шароитларни яратиш, тиббий, психологик, ижтимоий характердаги тадбирлар ўтказиш, озиқ-овқат, қаров билан таъминлаш, имконияти даражасида меҳнат фаолияти, дам олиш, ҳордиқни ташкил этиш; Ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари турар жойи ва аниқ машғулоти бўлмаган фуқароларга, шундай ёрдамга муҳтож бўлган қаровсиз бўлалар ва ўсмирларга вақтинча бошпана бериш; ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ва фаол ҳаракатланиш лаёқатини сақлаб қолган фуқароларнинг; оғир ҳаёт шароитига тушиб қолганларнинг кундузги статсионарларда бўлишини ташкил этиш; фуқаролар ва оилаларга ҳаёт фаолиятларини ижтимоий-иқтисодий ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан таъминлашда, психологик-педагогик ёрдам, ҳуқуқий муҳофазада маслаҳатлар билан ёрдам бериш; реабилитация хизматлари: ногирон фуқароларнинг касбий, ижтимоий, руҳий реабилитациясига кўмаклашиш; балоғатга етмаганлар ва хулқ-атвори жамият учун хавфли бўлган фуқаролар билан реабилитация ишлари олиб бориш. Ижтимоий хизматлар ижтимоий хизмат миқдорларига ижтимоий хизмат кўрсатиш турларига мос равишда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳатти-ҳаракатлар. Хизматлар пулли ёки бепул бўлиши мумкин. Бепул хизматлар қуйидагиларга кўрсатилади: ёши, хасталиги, ногиронлиги туфайли ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш лаёқати бўлмаган фуқароларга ва даромадлари тўрт минимал иш ҳақидан паст бўлган шахсларга; ишсизлик, табиий офатлар, фалокатлар, авариялар, мажбурий миграциялар туфайли фавқулодда ҳаёт вазиятига тушиб қолган фуқароларга; балоғатга етмаган етим ва қаровсиз бўлаларга; ҳар бир аъзосига олинадиган ўртача

даромад 1,5 минимал иш ҳақидан паст бўлган оилаларга. Ижтимоий ҳимоя масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган мустақилликнинг илк кунлариданоқ ижтимоий ҳимоя масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йўналишда аввало қонунлар тизими яратилди, кескин табақаланишдан ҳоли бўлган мулкдорлар синфи шакллантирила бошланди, энг муҳими кучли ижтимоий ҳимоя йўлга қўйилди. Масалан, энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди; Бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз нафақахўрлар учун бепул нонушталар; 2 ёшгача бўлган бўлалар учун бепул овқат; Барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун арзонлаштирилган овқат каби имтиёзлар амал қилиб турди. Муҳофазага муҳтожлар давлат ҳимоясига олиниб инсонга жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши ва фаолияти юксалишига шароит яратилади.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий кўринишлари:

- Арзон турар жойлар билан таъминлаш
- Бепул мактабларнинг мавжудлиги
- Кам таъминланган оиладаги талабаларга стипендия, шартнома тўловларга чегирма
- Ногиронларни реабилитация қилиш дастурлари
- Харбийларни адаптация дастурлари (турар жой, иш билан таъминлаш)

Оналар ва бўлалар учун моддий ёрдамлар

Бепул ёки имтиёзли тиббий хизмат Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг асосий принциплари

- Аҳолини кам ҳимоя қилинган қатламларига кўмак бериш;
- Ижтимоий соҳада давлат ва жамоатчилик назорати;
- Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда маҳаллий ҳокимиятни аҳамиятини ва ваколатларини кучайтириш;
- Барча фуқароларга яшаш учун минимумни кафолати;

Таянч сўз ва иборалар: Ишлаб чиқариш кучлари, меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, корхона, саноат корхоналар, саноат, қтисод.

Мавзунини такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. 2017 йил бошига жами аҳоли сонига эркакларнинг улуши неча фоизни ташкил қилган?
2. Республика бўйича 2016 йилда қанчф никоҳ қайд этилган?
3. Меҳнат бозоридаги иқтисодий мувозанат деганда нимани тушунасан?
4. Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадларини айтиб беринг.
5. Бепул ёки имтиёзли тиббий хизмат Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг асосий принципларини айтиб беринг.

VI БОБ. МИНТАҚАЛАРДА САНОАТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 6.1. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари
- 6.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари
- 6.3. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни
- 6.4. Саноатга қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ҳолати

6.1. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бўлмаса, айирбошлайдиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган неъматларнинг ўзи бўлмайди. Инсон истеъмолсиз яшолмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам туролмайди. Бироқ, бугунги кунда иқтисодиёт назарияси бўйича кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларда ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини ёритиш эътибордан четда қолмоқда. Бу бир томондан, талабаларнинг маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) қаерда, ким томонидан, қандай ишлаб чиқарилишини тушунмасликка олиб келади, иккинчи томондан, бутун ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлаётган ишлаб чиқариш муносабатларидан беҳабар қолишига сабаб бўлади, учинчидан эса, бутун жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий инқирозларнинг туб сабабини тушунмасликка олиб келади.

Ушбу мавзуда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқариш жараёнига тегишли муаммолар кўриб чиқилади. Ишлаб чиқаришнинг омиллари тавсифи, ишлаб чиқаришнинг мақсади ва мазмуни очиб берилади, унинг натижалари ва самарадорлиги билан боғлиқ масалалар баёни, «ишлаб чиқариш имкониятлари» тушунчасига ҳам ўрин ажратилади. Шунингдек, кейинги қўшилган маҳсулот нафлилиги ва унинг камайиб бориши, кейинги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориши қонунининг мазмунига тегишли маржиналистик ғоялар билан таништирилади, уларнинг камчилик жиҳатлари очиб берилади. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар тарафлама мувозанатли ва мутаносибли ривожлантирилиши иқтисодий инқироздан қутилишнинг ёки унинг олдини олишнинг муҳим йўли сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркиби. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини чуқур англаш учун энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсурларни олади. Мисол учун, иқтисодий ресурснинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган пул ресурслари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади. Буларга машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир. Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат предметининг асосий турларини ташкил этади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули, яъни хомашё бўлиши мумкин.

Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлсада, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик

адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Чунки, **меҳнат инсоннинг, тўғрироғи ишчи кучининг маълум мақсадга қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, ишчи кучи тушунчасидан тамомила фарқланади.** Кўпгина адабиётларда эса уларга синоним (бир хил тушунча) сифатида қаралиб, бундай ҳолат кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бизга маълумки, **ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилияти, унинг билим, малака даражаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда қатнашишига тайёр турган омиллардан бири ҳисобланади. Меҳнат эса барча омилларнинг, шу жумладан, ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.**

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, ер ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат деб таъкидлаймиз (1-чизма).

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучининг бошқа товарлар каби қиймати ва нафлилиги мавжуддир ва бинобарин, унинг бозори ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига ишчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри ва тушунарли бўлар эди.

1-чизма

Ишлаб чиқариш омилларининг туркумлиниши



Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Ж.Кларк, Л.Вальрас, И.Фишерлар капиталга

даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор ғарб иқтисодчиларининг жумладан, Д.Хайман, П.Хейне, Э.Долон, Ж.Робинсон, Р.Дорнбуш ва бошқаларнинг фикрини келтириб ва уларни умумлаштириб, проф. В.Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида ёзилган дарслигида «ҳақиқатдан ҳам — капитал ўзидан ўзи кўпаювчи қиймат»¹² деб ёзади. Бундай фикр Д.Д.Москвин, В.Я.Иохин, А.Г.Грязнова, Е.Ф.Борисов ва бошқаларнинг раҳбарлигида нашр этилган қатор иқтисодиёт назарияси китобларида ҳам айтилади. Лекин, Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг социал моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматига эътиборни кучайтирган. Ғарб иқтисодчиларининг айримлари ҳам капитални бир томонлама, яъни унинг қиймат тарафини эътиборга олган бўлса, бошқалари эса иқтисодий тушунчаларнинг тарихийлигини эътибордан четда қолдириб, унинг моддий объектини, нарса ва ҳодисаларнинг ашёвий томонини кўрсатадилар. Шунинг учун улар капитални доимий, ўзгармас тушунча деб, ишлаб чиқариш воситаларини капитал деб атайдилар. Биз бу икки хил тушунчани бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. Биз капитал деганда ўз эгаларига даромад келтирадиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида қўлланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, «капитал» ҳам қийматга, ҳам нафлиликка эга бўлган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, ёлланма меҳнат (ишчи кучи) томонидан ҳаракатга келтириладиган воситалардир.

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни **ер деганда тупроқнинг унумли қатлами, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади.**

¹² Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир. **Тадбиркор деб иқтисодий ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган, ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган кишиларга айтилади; бу хислатлар мажмуи эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади.** Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча, улар ер ва капиталда ўз ифодасини топади. Шунинг учун уларни алоҳида омил деб қарашга ҳожат йўқ.¹³

6.2. Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари

Саноат сиёсати миллий иқтисод тизимининг саноатни қўллаб-қувватлашга ва барқарор ўсишига йўналтирилган иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг мажмуи ҳисобланганлиги боис, унинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаровонлигини ва уларнинг рақобатдошлигини оширишдир.

Шу нуқтаи назардан, саноат сиёсати эскирган ишлаб чиқариш тузилмаларини бартараф этади ҳамда замонавийларини шакллантиради, илмий-техник тараққиётни жадаллаштиради ва бошқарувини такомиллаштиради, шунингдек, жаҳон иқтисодиётини глобаллашувининг объектив талабларига мослашувчанлигини янада ошириб боради.

Шу сабабли, Ўзбекистон саноат тармоқларига инвестицияларни ва инновацион технологияларни кенг қўламда жорий этишга катта эътибор қаратилиб, саноат тармоқларини изчил ривожлантиришга эришилмоқда.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон саноатини жадал ривожлантириш борасида қуйидаги салмоқли натижаларга эришилди:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кескин пасайишларга йўл қўйилмади;
- йирик саноат корхоналари ҳисобидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги сақлаб қолинди;

¹³ “Иқтисодиёт назарияси”, Дарслик, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Тошкент-2014.

– стратегик муҳим тармоқлар, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика мажмуасини қўллаб-қувватлаш натижасида сўнгги йилларда иқтисодий ўсишни таъминламоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг муҳим жиҳати саноат тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳамда техник ва технологик янгилашдир.

Иқтисодиётда модернизация, диверсификация ва инвестиция жараёнлари ўзаро уйғунликда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, саноат тармоқларида олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, хусусан, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнининг назарий асослари ва хорижий давлатлар тажрибаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Саноат тармоқларида модернизация қилиш ва диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишнинг долзарблиги қуйидаги шартлар билан асосланади:

– маънавий эскирган ва ишлаш муддати ўтиб бўлган асбоб-ускуналар ҳисобига миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлик даражасининг пастлиги;

– ташқи бозорларда миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига талабнинг камлиги;

– инновацияларни молиялаштириш ва ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилиш манбаларининг етарли даражада эмаслиги;

– инвесторларда миллий иқтисодиёт тармоқларида модернизация қилиш жараёнларни амалга ошириш ва мавжуд имкониятлар юзасидан тушунчаларнинг тўлиқ шаклланмагани ва бошқалар.

“Модернизация” ва “диверсификация” атамаларига оид турли талқинлар мавжуд бўлиб, улардан айримларининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. “Модернизация – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгилаш натижалари юқори технологик, рақобатбардош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради”.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади. “Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиш ва кенгайиш жараёнидир. Диверсификация жараёни

иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисасидир”.

Миллий иқтисодий адабиётда саноатни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда инвестицияларнинг аҳамиятига қаратилган ёндашувлар келтирилган бўлиб, хусусан, бир гуруҳ муаллифлар томонидан тайёрланган қўлланмада “Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларни тиклашнинг асосий воситадир”, деб таъкидланади.

Айтиб ўтиш жоизки, инвестициялар модернизациялаш, техника ва технологиялар билан қуролланиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий воситаси бўлиб, бунда, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси кўтарилади, натижада корхоналарнинг рақобатбардошлиги ошади.

“Инвестиция бирлигининг иқтисодий ўсишдан иборат натижаси ортиб бориши учун у иқтисодиётнинг илғор соҳаларига юборилиб, янги технологияни жорий этишга қаратилиши керак. Бу инвестицияларнинг новацияларга, яъни янгиликни жорий этишга юборилишини билдиради. Агар инвестициялар новацияга юборилса, иқтисодиёт тез ўсади, чунки булар бозорда талаб бор товарларнинг янги юксак унумли технологияга таяниб ишлаб чиқарилишини билдиради”.

Дарҳақиқат, агар инвестициялар эски ва маънавий эскирган технологияларга йўналтирилса, унинг самарадорлиги паст даражада бўлади, чунки ресурсларнинг сарфига нисбатан маҳсулот ва хизматлар миқдорининг ўсиш даражаси паст бўлади, натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди.

Иқтисодчи олимлар П.Кругман, Р.Веллс ва М.Олнининг фикрича, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда инвестицияларнинг инсон капитали билан бир қаторда жисмоний капиталга, яъни техника ва технологияларни киритиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда захираларга йўналтириш асосий омил ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришда инсон капитали муҳим ўрин тутгани боис, инвестицияларни унинг билими, тажрибаси ва малакасини оширишга сарфлаш замонавий иқтисодиётнинг асосий омиллариандир. Шу билан бирга, инвестицияларнинг корхонани модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, янги ва замонавий технологияларни киритишга ҳам йўналтирилиши маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш билан бирга янги иш ўринларини яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга олиб келади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлат узоқ тарихий ва ўзига хос ривожланиш босқичларида саноат тармоқларини модернизациялаш бўйича ислохотларни шаклантириб борган.

Жумладан, Японияда саноат тармоқларини модернизация қилиш ислохотлари, асосан, 20-асрдан кейин жадал амалга оширилган. Япония саноат тармоқларини модернизация қилишда Ғарб амалиёти жорий қилина бошлаган, бироқ анъанавий тармоқларда инвестицион фаоллик бир маромда ушлаб турилган. Шу асосда ушбу тармоқларда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари қисқартирилган. Шу билан бирга, устувор тармоқларни молиялаштириш манбаларини қидириб топиш рағбатлантирилган. Инвестицияларнинг асосий қисми (корхоналарнинг ўз маблағлари), айниқса, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир чуқур қайта ишлаш тармоқлари ривожланишига киритилган. Устувор тармоқларга юқори самарали асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар харид қилиш учун чет эл валютаси қулай шартларда жалб этилган. Шунингдек, солиқ имтиёзлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, хом ашёлар учун пасайтирилган импорт тарифлари жорий қилинган.

Ҳиндистонда саноатни модернизациялаш эволюцион йўл билан амалга оширилган. Мамлакатда ушбу ислохотлар бир неча босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда мамлакат, асосан, давлат сектори ривожланишини рағбатлантирувчи “аралаш” иқтисодиёт тизимини, кейинчалик иқтисодиётда давлат ролини кучайтирган ҳолда “уюшган капитализм” концепциясини амалга оширган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида хусусий капиталнинг аҳамияти кескин ошди. Ислохотлар жараёнида лицензиялашдан босқичма-босқич воз кечила бошланди, тармоқларга чет эл ва миллий хусусий капитални жалб қилиш бўйича йўл очиб берилди. Макроиқтисодий жараёнларни давлат томонидан назорат қилишни сақлаб қолувчи нозик механизм яратилди. Импорт учун тўсиклар босқичма-босқич олиб ташланди ва юқори даражадаги тарифлар пасайтирилди.

Шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати асосий эътиборни иқтисодий ҳудудларни ташкил этишга қаратди. Ушбу ҳудудларда корхоналар 5 йилгача барча солиқлардан тўлиқ озод этилиб, кейинги 5 йилда солиқларнинг ярмини тўлаш механизми жорий қилинди.

Юқорида тилга олинган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, саноат тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш пировардида мамлакат иқтисодиётида саноат тармоқлари улушининг кескин ошиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, барқарор иқтисодий ўсиш таъминланишига асос бўлади.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида юқори қўшимча қиймат билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги соҳаларда ўсди: озиқ-овқат, текстил, кимё, фармацевтика препаратлари ва бошқа соҳаларда.

Фақат 2018 йилнинг ўзида, ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, қайта ишлаш саноатида – 6,4%ни, шу жумладан, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлар ишлаб чиқариш бўйича – 40,3%ни, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар – 34,4%ни, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар – 20,9%ни, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари – 10,8%ни, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича – 9,0%ни ташкил этди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда нефт-газ корхоналарига сезиларли миқдорда капитал қўйилмалар сарфланишига қарамай, 2018 йилда, газ қазиб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 2017 йилга нисбатан атиги 2,0%ни ташкил этган, нефт қазиб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарда эса ишлаб чиқариш ҳажмлари 3,3%га пасайган.

Шунингдек, 2018 йилда, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида (2015 йилга нисбатан 97,1%), компьютер, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарида (78,4%), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва яримприцеплар ишлаб чиқариш корхоналарида (50,6%), машиналар ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш корхоналарида (96,4%) ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайган, металлургия саноатида эса унча кўп бўлмаган ўсиш (101,6%) кузатилган.

5-жадвал

Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (фоизда)

	2012 йил	2020 йил	Ўсиш суръати 2020 йил 2012 йилга нисбатан, фоизда
Жами	100,0	100,0	156,1
шу жумладан:			
ТОҒ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	15,0	9,6	121,0
қайта ишлаш саноати	73,8	80,3	166,6
улардан:			
озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	18,0	23,9	191,6

	2012 йил	2020йил	Ўсиш суръати 2020 йил 2012 йилга нисбатан, фоизда
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	14,4	16,7	168,8
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6,6	8,9	188,3
металлургия саноати	8,1	7,2	121,4
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	0,5	1,1	3,8 м.
машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва яримприцеплар, бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	15,1	9,8	133,8
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	4,3	5,7	2,1 м.
електр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10,7	9,4	125,2
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,5	0,7	165,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси

Мамлакатимизда саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича ислохотлар бевосита давлат, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда АКШнинг “Женерал Моторс”, Германиянинг “МАН”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Япониянинг “Исузу”, Жанубий Кореянинг “Кореан Эйр”, “LG”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Жаҳон банки, Осиё

тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби йирик халқаро молия ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ушбу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш каби йўналишларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, сўнгги йилларда ҳукумат томонидан ҳар йили инвестиция дастури ва ушбу жараёнларни жадаллаштиришга оид қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиб келинмоқда.

Юқоридаги ижобий натижалар билан бир қаторда бугунги кунда саноат тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишга эътибор қаратилишига сабаб бўлаётган қуйидаги муаммолар мавжуд:

– стратегик аҳамиятга эга тармоқ корхоналарида маънавий эскирган ва ейилган технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг салмоғи юқорилиги;

– саноат тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнига энергия ва ресурс тежовчи техника ва технологияларни жорий қилиш даражасининг нисбатан пастлиги;

– корхоналарда технологик жараёнларни бошқариш ва аудит қилишнинг замонавий тизими тўлиқ ташкил этилмаганлиги;

– ички ва ташқи бозорларда рақобатнинг кучайиши шароитида саноат тармоқларида маҳсулот таннархини пасайтириш ва уни бошқаришнинг илғор тизими тўлиқ даражада жорий этилмаганлиги ва бошқалар.

Юқоридагилар инобатга олиниб, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашни босқичма-босқич амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи юқори технологик саноат тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ушбу жараёнларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2015 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унга асосан, таркибий ўзгаришлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

– электроэнергетика саноатида янги қувватларни ташкил қилиш ва мавжудларини изчиллик билан модернизация қилиш;

– нефть-газ ва нефть-кимё саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ассортиментларини кенгайтириш;

– кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификация қилиш;

– қишлоқ хўжалиги, юк автомобиллари ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш;

– текстиль ва чарм-пойабзал саноати маҳсулот таркибини яхшилаш;

– электротехник асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик қувватларни ўзлаштириш ва ривожлантириш;

– информацион технологиялар учун асбоб-ускуналар ва аксессуарлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил қилиш;

– кенг қўламли экологик тоза қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

– фармацевтика саноати маҳсулотлари ассортиментини ва ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан кенгайтириш;

– озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш.

Юқорида келтирилган саноат тармоқларида янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш учун катта миқдорда инвестициялар киритилади. Жумладан, 2015-2020 йиллар мобайнида янги қувватларни яратиш учун жами 13 676,9 млн. АҚШ доллари, шунингдек, модернизация учун 4 487,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг катта қисми, асосан, янги қурилишга сарфланишига устуворлик берилган. Жумладан, 2015-2019 йилларда йўналтирилиши режалаштирилаётган жами инвестицияларнинг 79,4 фоизи, чет эл инвестициялари ва кредитларнинг эса 85,8 фоизи янги қурилишга сарфланади.

Саноат тармоқларини модернизация қилишга катта ҳажмда инвестицияларнинг киритилиши ва давлат томонидан корхоналарга солиқ, бож ва бошқа имтиёзларнинг берилиши ҳисобига Ўзбекистон саноатида сифат жиҳатдан ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, 2016-2019 йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати йилига 9 фоиздан юқори бўлиши таъминланади.

Истиқбўлда саноат тармоқларини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

– саноат тармоқлари корхоналарининг технологик жараёнларини доимий танқидий аудит қилиб бориш;

– саноат корхоналари томонидан олиб келинаётган асбоб-ускуналар, техника ва технологияларнинг сифати ва техник параметрларини қатъий назорат қилиш;

– саноат тармоқларининг ҳар бир соҳасига тегишли асбоб-ускуналар, техника ва технологияларнинг илғор моделлари бўйича ахборот базасини ташкил этиш ва корхоналарга ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

– инновация сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

– саноат тармоқларини модернизация қилишни молиялаштириш тизимини янада соддалаштириш;

– тармоқларнинг экспорт салоҳиятидан кенг фойдаланиш ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

– саноат тармоқларида маҳаллийлаштириш жараёнларини иқтисодий рағбатлантириш ва бошқалар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган инқироз ва турли салбий тенденцияларга қарамай, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сиёсат эвазига ижобий натижаларга эришилмоқда, иқтисодиётимиз тармоқларида жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Ушбу омиллар, биринчи галда, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи мустаҳкамланишига олиб келади ва иқтисодиётда барқарор ўсиш даражасини таъминлайди.

6.3. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни

“Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард килловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизида гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал

олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтда электрлаштирилмоқда. Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.”¹⁴ Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқишни диверсификациялаш жараёнларини жадаллаштириш омили ётади. Мамлакатимизда саноат тармоқларига инвестицияларни ва инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этишга катта эътибор қаратилиб, саноат тармоқларини изчил ривожлантиришга эришилмоқда.

Кенг кўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон саноатини жадал ривожлантириш борасида қуйидаги салмоқли натижаларга эришилди:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кескин пасайишларга йўл қўйилмади;
- йирик саноат корхоналари ҳисобидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги сақлаб қолинди;
- стратегик муҳим тармоқлар, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика мажмуасини кўллаб-қувватлаш натижасида сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш таъминламоқда.

Натижада саноат тармоқларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 2002 йилда ЯИМда саноатнинг улуши 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 24,1 фоизга етди, яъни 9,9 пунктга ўсди. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги

¹⁴ “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси”, Тошкент-2017 й.

тебранишлар, инқирозларга таъсирчанликни камайтириш, мустақил ривожланиш салоҳияти айнан турли тармоқлардаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Хўш, модернизация нима? “Модернизация – ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатбардошлигини оширишга қаратилган технологик янгиланиши жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолдиғини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишга кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгиланиш натижалари юқори технологик рақобатбардош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради”.

Мамлакатимиз саноат корхоналарини модернизация қилишда 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур ҳамда 2015-2020 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури муҳим аҳамият касб этади. Дастурларнинг асосий мақсади республикада ишлаб чиқаришни босқичма-босқич таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш, саноатнинг юқори технологик тармоғини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.

Дастурда янги корхоналарни ташкил этиш, фаолият юритаётганларини инновацион техник-технологик жиҳатдан модернизация ва реконструкция қилиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, шу асосда диверсификациялашув даражаси ошиб боришини таъминлаш белгиланган. Жумладан, ушбу дастур доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси бажарилиб, 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда ишлаб турган 455 та корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Ушбу инвестицион лойиҳалар, асосан, тоғ-металлургия, нефть-газ, енгил, озиқ-овқат ва кимё тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатбардош, импорт ўрнини

босувчи маҳаллий ҳамда сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ва унда истеъмол товарларини тайёрлаш ўзлаштирилиши белгиланган.

Кейинги йилларда мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий диверсификациялаш, иқтисодий тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги улушини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга соладиган 50 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунлар айти шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида охириги йилларда юртимиз кимё саноатида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширди. Йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган Қўнғирот сода заводи, 200 минг тоннадан ортиқ йиллик қувватга эга Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби йирик корхоналар ишга туширилди. “Максам-Чирчиқ” ва “Фарғонаазот” корхоналари модернизация қилиниши натижасида карбамид ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

Кимё саноати корхоналари бошқа саноат корхоналарига нисбатан тезроқ емирилишга учрайди. Бунга сабаб соҳада фойдаланиладиган хомашё ва технологик жараёнлардир. Бу корхоналарда техника ва технологияларнинг яроқлилик муддати 15-20 йилни ташкил этади. Юртимизда фаолият юритаётган кўпгина кимё саноати корхоналари бу муддатни ўтаб бўлганини кўришимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳукумат қарорлари асосида “Максам-Чирчиқ” АЖ (2009-2012 йиллар), “Фарғонаазот” АЖда карбамид ишлаб чиқариш жараёни (2011 йил) реконструкция ва модернизация қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш қуввати 2007 йилдаги 72,2% дан 2015 йилда 80,4% га, карбамид ишлаб чиқариш 71,7% дан 85,6% га ўсганини кўришимиз мумкин.

Аммо бу чоралар жаҳон бозорида маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқариш таннархининг пасайишига етарлича имконият бермайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кимё саноати маҳсулотлари қувват ва ресурс сифими юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда энергия ресурслари баҳоси жаҳон нархларига нисбатан анча паст бўлишига қарамай, кимё саноати корхоналари маҳсулоти замонавий энергия тежамкор технологиялар билан рақобатлаша олмайди. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи таҳлили ҳам

буни яққол кўрсатиб турибди: хомашё ва материаллар харажатлари 42,4%, ёқилғи ва энергия харажатлари 30,2%, меҳнатга доир харажатлар 3,2%, амортизация ажратмалари 3,9% ва бошқа сарф-харажатлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш вазифаларини умумий кўринишда қуйидагича ажратиш мумкин:

- замонавий ва илғор технологияларни жорий қилиш ёрдамида стратегик муҳим тармоқларнинг техник ва технологик қолоқлигини минималлаштириш;

- узоқ муддатли модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қодир инвестиция муҳитини шакллантириш;

- тармоқлар ўртасида рақобатни кучайтиришга асос бўлувчи иқтисодиётнинг ташкилий-функционал бошқарув тизимини модернизация қилиш;

- кооперация биржалари ва инновацион ярмаркаларни ташкил этиш орқали саноат тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш;

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ҳамда амалий тадқиқотларни буюртма ва грант шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ва бошқалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;

- кимё саноатини ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш.

6.4. Саноатга қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ҳолати

Бугунги кунда мамлакатимиз ёқилғи-энергетика саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, тармоқ, тармоқлараро ва халқаро кооперацияни ривожлантириш билан янги ишлаб чиқариш турларини яратиш, хорижий ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноати барча турдаги ёқилғини қазиб

олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш ҳамда нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари ўз ичига қамраб олади. Ёқилғи саноатининг йирик корхоналарини республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Мамлакатимизда ёқилғи саноати ривожланганлик даражасининг юқори кўрсаткичлари Қашқадарё (вилоят жами саноат маҳсулотининг 62 %), Фарғона (40 %) ва Бухоро (40 %) вилоятларига тўғри келади. Бугунги кунда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришда ёқилғи саноати маҳсулот ишлаб чиқаришини бошқа тармоқларга нисбатан тезроқ ўстириш талаб этилади. Ҳозирги кунда бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатимиз нефть, газ ва нефтни қайта ишлаш саноати тармоқларининг самарали ишлашини ва янада ривожланишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларнинг ташаббуси ва мустақиллигини кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларни нефть, нефть маҳсулотлари ва газ билан пухта таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, нефть, нефтни қайта ишлаш ва газ саноатида хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик кенгайтирилиб, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий, савдо ва илмий техникавий алоқалар ривожлантирилмоқда. Шунингдек, тармоқ корхоналарини кенгайтириш, реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, тармоқда илғор технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатида юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, тармоқнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. Тармоқда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда янги мажмуаларни қуриш ва мавжуд мажмуаларни модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ёқилғи саноатида хорижий инвесторлар эътиборини жалб қилиш воситасида Ўзбекистонда фаолият юритаётган қўшма корхоналар сонини янада кўпайтиришга эътибор қаратилиб, ўзимизда фаол ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маҳаллий инвесторлар кўмагига таянган ҳолда янги корхоналар ташкил этилмоқда. Ёқилғи саноатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш меҳнат унумдорлиги 2–3 баробарга ошишини таъминламоқда. Меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши эса тармоқда фаолият юритаётган ишчилар даромадларига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари тармоқнинг моддий техник базасини яхшилаш, тармоқ корхоналарини энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда энг замонавий технологияларни жорий қилиш натижасида тармоқда асосий фондлар қийматининг ошиб боришига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси ёқилғи саноати корхоналарига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида киритилаётган маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошмоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатининг экспорт салоҳиятини ошириш, тармоқда

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янада кўпайтириш, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ёқилғи ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашнинг самарали тизимини жорий қилиш долзарб масалаларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг аҳамиятини тобора оширмоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатига киритилган инвестициялар мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштиришга, балки мамлакатимиз ҳудудларида янгидан-янги саноат мажмуаларининг ташкил топишига, янгидан-янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда аҳоли жон бошига ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бошқа тармоқларига нисбатан тез ривожланиб бораётган ёқилғи саноатида инвестицион жозибадорлик ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатига жалб қилиниётган инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлиги ўсиши таъминланмоқда. Тармоқ ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётида саноат ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига, республикамиз саноат салоҳиятининг кучайишига ҳамда аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади. Ёқилғи саноати корхоналарининг фаолият юритиши шароитларини янада такомиллаштириш, тармоққа киритилаётган инвестицияларни самарали қайта тақсимлаш, мамлакат ёқилғи саноатини ривожлантиришнинг ички манбаларини ва захираларини фаоллаштиришга қодир қайта ишлаш тизимини ташкил этиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Ёқилғи саноати маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса, четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш, шунингдек тармоқ қайта ишлаш мажмуаларини ривожлантириш нафақат ёқилғи саноати ишлаб чиқаришининг ривожланишига, балки Ўзбекистоннинг дунё бозорига жадал кириб боришини таъминлайди.

2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурига мувофиқ, 2017 йилда 5,1 минг км электр тармоқларини, 1040 та трансформатор пунктини қуриш ва реконструкция қилиш. Кўмир маҳсулотларини сотиш инфратузилмасини қуйидаги йўллар билан янада ривожлантириш: «Ўзбеккўмир» АЖ дистрибьюторлик марказларининг 84-та кўмир сақлаш масканларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш; Ҳар бир кўмир сақлаш омборида брикетлар миқдорини йилига 880 минг тонна чиқариш имконини берувчи 84 дона кўмирни брикетлаш ускуналарини ишга тушириш; кўмир конларини очиш ва қазиб олишнинг замонавий технологияларини жорий этиш ҳисобига кўмир қазиб олишни 2022

йилга келиб 11,67 млн. тоннагача кўпайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш. Янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларининг самара-дорлигини ошириш мақсадида: кичик саноат зоналари иштирокчиларининг зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда тегишли чоратadbирлар режасини тасдиқлаш; кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш; инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва иштирокчиларга юклатилган мажбуриятларнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш; кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш. Тармоқлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, биринчи навбатда, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш: Енгил саноатда 85 та, чармпойабзал соҳасида 31 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳани амалга ошириш кўзга тутилган.

Калит сўзлар: Ишлаб чиқариш омиллари, меҳнат предметлари, меҳнат куруллари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, модернизация, диверсификация, инвестиция, солиқ имтиёзлари, хом ашё.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ишлаб чиқариш омиллари нима?
2. Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши?
3. Модернизация нима?
4. Диверсификация нима?
5. Ишлаб чиқариш воситалари нима?

VII БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХУДУДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ

Режа:

7.1. Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефи

7.2. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш.
Агросаноат мажмуаси сиёсатдаги устуворликлар.

7.3. Агросаноат мажмуини ривожлантириш муаммолари

7.1. Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефи

Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг амал қилиши иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари ва бўғинлари учун умумий бўлсада, лекин улардаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятлар ҳам касб этади. Айниқса, бу ўзига хос хусусият аграр соҳада яққол намоён бўлади. Чунки бу ерда такрор ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан тирик организм (хайвон, ўсимлик ва бошқалар) билан ҳам боғлиқ. Ушбу бобда иқтисодиётнинг умумий томонлари билан биргаликда унинг аграр соҳада намоён бўладиган ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади, шунингдек, аграр муносабатларнинг мазмуни таҳлил қилиниб, ер рентасининг вужудга келиши ва тақсимланиши муаммолари ҳамда уларнинг қисқача тавсифи берилади. Агросаноат интеграцияси ва агросаноат мажмуасининг мазмуни, уларнинг таркиби ва вазифаларига тўхталиб ўтилиб, агробизнес ва унинг турлари баён этилади.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб, унда инсоният ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва аҳоли учун истеъмол буюмлари тайёрловчи саноат тармоқларига хомашё ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари бу соҳага ҳар доим алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

«Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад, – деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев, – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастури”ни қабул қилиши керак.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизими қандай ҳолатда эканини чуқур таҳлил қилиб, 2019 йил 1

мартга қадар бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишга доир таклифларни киритсин.»¹⁵.

Бу вазифаларни бажариш учун аграр соҳани ва улар билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш зарурдир. Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кишилар ўртасида иқтисодий алоқа ва муносабатлар содир бўлади.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жихатдан ер билан боғлиқ бўлади. Ерга эғалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

Ернинг ҳосил бериш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувисиз, табиий ўзгаришлар натижасида ернинг устки қатламида ўсимлик «озикланиши» мумкин бўлган турли моддаларнинг вужудга келиши ернинг табиий унумдорлиги дейилади.

Агар тупроқ унумдорлиги кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва дехқончилик усуллари яхшилаш сунъий йўл билан (масалан, ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илмий асосланган ҳолда суғориш, ирригация ва мелиорация каби ишлаб чиқариш усуллари жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан) амалга оширилса, бу иқтисодий унумдорликни ташкил қилади.

Ердан олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг, аниқроғи ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш унинг омилларининг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Бунда ишчи кучи фаол бўлиб, асосий ролни ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш воситаларидан жамият барча аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида фойдаланилади.

¹⁵ “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабр. №271-272 сони.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг асосий кўринишлари фермер ва деҳқон хўжалиги шаклларида бўлиб, улардаги ишлаб чиқариш жараёнлари турли иқлим ва тупроқ шароитларида олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам асосий капитал турли хил тракторлар, машиналар, транспорт воситалари, бино, иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва ҳамда иш ҳайвонлари, шунингдек, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган турли хил асбоб-ускуналардан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер пул билан баҳоланмаслиги, яъни қиймати ўлчанмаслиги туфайли, капитал қиймати таркибида ҳисобга олинмайди. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган асосий капиталнинг айрим турлари масалан, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва, иш ҳайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар саноат тармоқларида бўлмайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган бинолар, суғориш иншоотлари ва бошқалар ишлаб чиқариш натижасини оширишга фаол таъсир ўтказди, саноат тармоғида эса улар бирмунча сустроқ ва билвосита таъсир ўтказди. Шунга биноан қишлоқ хўжалигида капиталнинг таркибида турли иншоотлар, бинолар, узатма механизмлар ва бошқаларнинг ҳиссаси кўпроқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда асосий капитал ҳам қатнашади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма капитал қуйидагилардан ташкил топади: ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, ем-хашак, уруғлик фондлари, кимёвий ўғитлар, хизмат муддати бир йилдан кам бўлган турли хил ишлаб чиқариш воситалари – инвентарлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳамда шу кабилар. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида айланма капиталнинг кўпгина қисми ҳали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида капитал бошқа тармоқлардагидек доиравий айланиб туради, яъни пул шаклидан ишлаб чиқариш шаклига, ундан товар шаклига ўтиб, яна пул шаклига қайтиб келади. Шунга ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги, унинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Ернинг табиий, биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш ҳам қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган капиталнинг доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш ҳар бир хўжаликнинг муҳим вазифасидир. Табиий омиллар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бевосита кўпайишига таъсир этса ҳам, маҳсулотнинг қийматини оширмайди, яъни қиймат ярата олмайди. Ишлаб чиқариш табиий шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу ерда иш даври ва умумий ишлаб чиқариш вақти ўртасидаги муддат саноатга нисбатан бирмунча узокроқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида турли экинларни экиб бўлингандан то ҳосил йиғиштириб олингунча ишлаб чиқариш

вақти давом этади. Иш даври эса шу вақт ичида қишлоқ хўжалик экинлари меҳнат таъсирида бўлган кунлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат воситаларидан, яъни комбайн, турли экиш асбоблари ва шу кабилардан фойдаланиш вақтига бевосита таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда, бу меҳнат воситаларидан йилнинг маълум муддатларидагина фойдаланилади, қолган вақтда эса улар бекор туради. Масалан, сеялкадан экиш давомида фойдаланилса, ғалла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари эса йилига 20-30 кун йиғим-терим пайтида ишлатилади, холос. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг капитал ва энергия билан қуролланиш даражаси моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори бўлишини тақозо қилади, лекин бу ерда асосий ва айланма капитал ҳаракати сустроқ. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва меҳнат жараёнларининг мавсумийлиги сабабли йил давомида айланма маблағларнинг сарфи бир меъёрга бўлмайди. Қиш ва ёз мавсумларида харажат қилинадиган айланма маблағлар таркибида бирмунча тафовутлар мавжуд. Масалан, қиш мавсумида айланма маблағларнинг кўпгина қисми (уруғлик, ем-хашак, турли озуқалар) ишлаб чиқариш эҳтиёт қисми шаклида туради, ёз фаслида эса тугалланмаган ишлаб чиқариш, техниканинг бутлаш қисмлари, нефть маҳсулотлари ва шу кабиларнинг ҳиссаси ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг нисбатан зичлиги ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмади, унга давлат мулки сақланиб қолди. Лекин, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, оқилона аграр ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу жараён чуқурлаштирилмоқда.

Халқимиз тумуш фаровонлигини яхшилаш, умуман, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҳамияти беқиёс эканлиги маълум. Агросаноат мажмуининг тараққиёти нафақат озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, балки муҳим хомашё етказиб берувчи тармоқ сифатида мамлакат саноатининг тараққиёти учун ҳам ўта зарур. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон қишлоқларидаги хилма-хил хўжаликларда қарийб 4,5 млн. гектар майдонда дехқончилик билан шуғулланилмоқда. Шунча кенгликдаги зироатни ўстиришда катта ва кичик техника воситалари дехқонга қудратли қанот бўлмоқда.

Йирик тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон миллий хавфсизликни

таъминлаш, турли қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, техник экинлар ўстириш учун жуда қулай, ҳудудда жойлашган, пахта етиштириш бўйича дунёда (АҚШ, Ҳиндистон, Хитой ва Покистондан кейин) 5, унни экспорт қилиш бўйича 2-ўринда. Ўрта Осиёда етиштириладиган жами пахта ҳажмининг 75 %и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, республикада ҳар йили 5 миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева етиштирилади. Ўзбек қорақўл териларига ва пилласига жаҳон бозорида талаб каттадир.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатнинг турли тармоқларини эса хомашё билан таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг 63 %и қишлоқларда яшайди. Аҳолининг анча қисми шу соҳада меҳнат қилади. Мамлакат ички маҳсулотининг 28 %и қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади. Пахта етиштириладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси суғориладиган йерлардир. Бу йерларда қудратли ирригация тизими мавжуд.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда: пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш; қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, картошка — 8,1 минг гектар, сабзавот — 27,2 минг гектар, интенсив боғ — 5,9 минг гектар, токзор — 2,9 минг гектар, озуқа экинлари — 10,9 минг гектар ва мойли экинлар — 4 минг гектар. Замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш;

мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш; янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш; республика тупроқ-иқлим шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 мингтага ошириш; бевосита мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш учун сув ҳавзалари, йирик сув ўлчаш сиғимлари, бирламчи совитиш тизимлари ва совиткич камералари ҳамда технологик жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа объектлар қуриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш; истикбўлли ва дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатларининг навларини синаш ва уларни

республика худудида экишга тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш; ташкил этилаётган интенсив боғларда замонавий минерал ва органик ўғитлардан ҳамда касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилувчи кимёвий воситалардан фойдаланиш тизимини уларни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатилиши рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритиш орқали ташкил қилиш Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш: 734,9 км магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик қудуқларни, 131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш 14537,2 км очик коллаторларни, 1330,5 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станцияларини, 791 дона мелиоратив тик қудуқларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш; 500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотларни, 10 км босимли сув қувурларини, сифими 625 млн. метр кубга тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини ҳимоялаш 142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказишм 2014-2018 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиш Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш: мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан, сабзавот — 105,7%, картошка — 106,3%, полиз — 106,1%, мева — 106%, узум — 105,7%, гўшт — 105,6%, суг — 108,1%, тухум — 111,3%, балиқ — 120% ва асал — 118,2 %га 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш ва бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш; шахсий томорқалардан фойдаланиш, деҳқон хўжаликларини юритиш, мавжуд ер участкаларидан

самарали ва оқилона фойдаланиш ва улардан юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш; ҳўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларини ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш; алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узоқ муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштиришга ўтиш бўйича таклифлар тайёрлаш Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ҳамда самарали ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш соҳаларини, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва зарурий қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлаш, шу жумладан:

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, уларни давлат томонидан, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш лозим.. Республика тупроқ-иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка, шўрликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари навлари ва ҳайвонот турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш.¹⁶

7.2. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш.

Агросаноат мажмуаси сиёсатдаги устуворликлар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самараси кўп жиҳатдан агросаноат мажмуаси тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий имкониятларини юксалтиришда агросаноат мажмуасининг аҳамияти катта. Унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш тизимининг мақсадга мувофиқ, бир меъёردа барқарор ишлашини таъминлаш, пировардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш

¹⁶ “Иқтисодиёт назарияси”, Дарслик, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Тошкент-2014.

даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган иқтисодий механизмларни яратиш, моҳсулотлар сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энг мақбул шакллари вужудга келтириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришга интилиш бугунги кунда агросаноат мажмуасида ҳам энг долзrab масалалардан ҳисобланади. Агросаноат мажмуасини ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Шу сабабли мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланишга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий эътибор берилиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётини юритиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва улар муттасил такомиллаштирилмоқда. Олиб борилган сиёсат натижасида аграр соҳада нодавлат сектор тез ривожлантирилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,1 фоизи нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклида ташкил этилди бозор талаблари ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирилди. Пахта яккаҳокимлиги барҳам берилди, ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган махсус тизим вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий – техника базаси яратилди. Чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш даражаси ва кимга қанча сотиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда. Бу ўзгаришлар иқтисодий фанлар, жумладан, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани олдига янги вазифаларни қўймоқда. Чунончи агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни имкон даражасида бир-бирига мутаносиб ривожлантириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини уйғунлаштириш масалалари янада кучаймоқда. Бозор муносабатларининг ривожлантирилиши биз учун нисбатан янги ҳисобланган маркетинг, менежмент иқтисодий ҳавфсизлик, молия ва солиқ, инфляция, монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш, банкротлик, биржа, шартномавий муносабатлар каби кўплаб иқтисодий масалаларни чуқур ўрганишни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида асосий воситалар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланишига эътибор жуда катта. Республика агросаноат мажмуаси тармоқлари айниқса, қишлоқ хўжалиги янги техникалар, иш қуроллари, технологияларсиз ривожлана олмайди. Ушбу тармоқларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқариш чакариш жараёнларини механизациялаштириш, химиялаштириш ва

автоматлаштиришдир. Агросаноат мажмуасининг биринчи (агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи) соҳасининг ривожланишига эътиборнинг янада кучайиши талаб қилинади. Биринчи соҳа тармоқларининг ривожлантирилиши агросаноат мажмуаси таркибига кировчи тармоқларнинг фонд билан таъминланиши ва курулганини яхшилашга, пировардда ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари ўзгариб, охир–оқибатда аҳолининг турмуш шaroитлари юксалишига олиб келади.

Мамлакат агросаноат мажмуаси 4 та соҳадан ташкил тапади. Булар қуйидагилардир.


1-соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, минерал ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори дармон ишлаб чиқарувчи ихтослашган корхоналар кабилар киради.

2-соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг башқа соҳасига кировчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юртадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида қсмлиқчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.

3-соҳа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

4-соҳа. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси. Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади. Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйдагича ифодалаш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби



Ана шу 4 та соҳага кирувчи тармоқлар бирлашиб, мамлакатнинг ягона агросаноат мажмуасини ташкил этади.

Мамлакат иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта. Унинг ўрни энг аввало мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатда яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 70 фоизига яқини агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилади. Республика агросаноат мажмуаси экспортбоб маҳсулотлар етиштиради ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган қаттиқ валюта тушумини таъминлайди. Мамлакат иқтисодиётига тушаётган қаттиқ валюта иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар

қилишга, юрт ҳавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади. Ҳозирда қаттиқ валютанинг 70 фоиздан кўпроғи шу мажмуа маҳсулотларини сотишдан тушади. Агросаноат мажмуаси мамлакатдада мавжуд ижтимоий муаммоларни юмшатишда асосий ролни ўйнайди. Мажмуа аҳоли учун иш жойлари беради. Агросаноат мажмуаси ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси иқтисодиётнинг нисбатан яхши ривожланган соҳаси ҳисобланади. Унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки бу соҳа катта молиявий ресурслар талаб қилмасдан яхши самара бера оладиган соҳадир. Бошқа тармоқларни ташкил этиш ва ривожланиш, ўз навбатида, катта молиявий ва янги соҳада ихтисослашган асосий воситалар, меҳнат ресурсларининг бўлишини талаб қилади. Агросаноат мажмуаси эса, Ўзбекистон Республикасининг тарихий мавжуд бўлган ва ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агросаноат мажмуасини ривожлантириш Ўзбекистон Республика учун энг муҳим устувор йўналишлардан биридир.

7.3. Агросаноат мажмуини ривожлантириш муаммолари

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида мақсадли қуйдаги асосий вазифалар турибди.

Маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш. Бу борада катта ишлар амалга оширилиши лозим. Чунки мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда тامينланиш даражаси ҳали анча паст. Айниқса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш лозим. Мамлакатда дон етиштириш 10-12 млн. таннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида икки, тухум етиштиришни 3 мартага кўпайтириш талаб қилинади. Албатта физиологик меъёр (энергия олиш) нуқтаи назаридан озиқ-овқат муаммаси мамлакатда тўлиқ ҳал этилган. Аммо озиқ-овқат муаммоси ижтимоий – иқтисодий томондан баҳоланганда катта муаммо бўлиб турибди. Гап шундаки, физиологик меъёр бўйича олинаётган энергия қайси маҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига ҳосил бўлмоқда, деган савол туғилади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси озиқ – овқатдан олинётган энергиянинг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, углеводлар ва меваларни истеъмол қилишдан олинмоқда. Инсон организми талаб даражасида яхши фалоият кўрсатиш учун эса баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб этилади. Чунки, бу маҳсулотлар жон бошга қанчадан истеъмол қилинишини кўрсатувчи махсус меъёр ҳам ишлаб

чиқилган. Бу борада, яъни баланслашган озиқ –овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулотларига бўлган талаб жуда катта, қоникарсиз таъминланган. Шу жиҳатидан мамлакатда ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўллари топиш, фан, техника ва технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқариш қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг бош вазибаларидан биридир . Агарда ер юзи аҳолисининг 2 млрд.га яқини очлик ва ичимлик сув танқислиги шароитда яшаётганини хисобга олсак, бу муаммо янада кескинлиги аёнлашади. Бундан ташқари ер юзи аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳам, кескин кўпайиб бармоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб Республика аҳолиси 46-млн. кишини ташкил этар экан.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш. Бу жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқади. Бозорда рақобатга бардош бериш учун етиштирилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлиши керак. Бозорда талаб ва таклиф қонуни талаблари натижасида шаклланган нархдан етиштирилаётган маҳсулот таннархи арзон бўлиши талаб қилинади. Маҳсулотлар таннархининг арзон бўлиши маълум даражада ижтимоий масала ҳам тўғри ҳал этилишига хизмат қилади. Гап шунгдек, маҳсулотлар таннархнинг паст бўлиши уларнинг нархини пасайишига олиб келиш мумкин. Бу, аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради, турмуш даражасини оширади, ишлаб чиварувчиларнинг эса фойдаси кўпайишини таъминлайди. Натижада корхоналарнинг давлат бюджетига тўловлари ва солиқлар умумий муқдори кўп бўлади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини кучайтиради ва янада тез ривожланиш имкониятлари туғилади.

Кейинги йиллардаги нарх сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари анча чекланиб қолди. Саноат маҳсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб борилди ва натижада қишлоқ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёқилғи – мойлаш матебаллари, техника, уларни бутловчи қисмлари нархлари 14 йил (1991-2004) ичида 1400 марта ва ундан кўпроққа ошди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган пахта ва донга нархлар эса 24-28 марта ошди, халос. Нархларнинг бундай ҳолатида шаклланиши (нарх паритетининг бузилиши) қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг иқтисодий имкониятлари чекланишига сабаб бўлади ва бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошқа муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида,

умуман, мамлакат агросаноат мажмуасининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлигини таннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуаси асосий вазифаларининг иккинчиси ҳисобланади.

Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш. Маълумки меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи нисбатан паст бўлишини, катта миқдордаги ресурслар тежалишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига олиб келади. Қишлоқ хўжалигидан бўшашган меҳнат ресурслари нисбатан кўп малака ва билим талаб қиладиган саноатнинг турли саҳоларида ишлаши учун имкониятлар туғилади. Натижада мамлакат меҳнат ресурсларининг сифат даражаси ошади. Бу эса энг катта бойлик ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар таржибалари шуни кўрсатадики, бизда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари жуда катта. Масалан: АҚШ, Германия, Голландия каби ривожланган давлатларида қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110 таси етарли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бизда бу кўрсаткич 8-9 тани ташкил этади. Албатта, ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ёки маҳсулотини қайта ишлайдиган соҳаларда банд. Агар умуман, агросаноат мажмуасида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олсак, юқоридаги нисбатнинг фарқи камайади. Шуга қармасдан ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасидаги фарқ жуда катта. Шу сабабларга кўра, мамлакат агросаноат мажмуаси меҳнат унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда ютиб чиқиш ва барқарор ривожланиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга этиборни кучайтириш лозим.

Мажмуа тармоқларининг бир – бири билан мутоносиб ҳолда ривожланишни таъминлаш. Бу жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифалардан биридир. Ҳозирда мамлакат агросаноат мажмуасининг 1- саҳоси, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг мавжудлиги ва борларининг ривожланиш даражаси талабдагидан жуда паст. Натижада, тракторларнинг катта қисми, комбайнларнинг, юк автомобилларининг юз фоизи импорт эвазига қопланади. Мамлакатда тарктор, пахта териш масинаси ва қатор қишлоқ хўжалиги учун зарур ишчи машиналар ишлаб чиқаришга етарлича имконият бор. Шу сабабли

ана шу тармоқларни ривожлантиришга энг устувор йўналишлардан бир сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги жиҳатдан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрда етарли қувват билан ишлашига боғлиқ. Ҳозирда қишлоқ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотнинг 25-30 фоизи ана шу тармоқларидаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ресурлари, маҳсулотлар тақчиллиги шароитида йўл қўйиб бўлмайдиган йўқотишдир. Айниқса помидор, узум, олма каби маҳсулотлар пишган пайтда уларни тайёрловчи, сақловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар қувватининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Баъзи ҳолларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳам иқтисодиётга катта зарар келтиради. Масалан, ҳозирда гўштни қайта ишлаш саноати ўз қувватидан йил давомида 5-18 фоизга фойдаланмоқда. Бу, ўз навбатидан ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишига, мавжуд ресурсларнинг бекор туриб қолишига олиб келади. Умуман олганда, агросаноат мажмуаси тармоқларини бир – бирига мутаносиб ривожлантириш жуда мураккаб бўлсада, бу масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Уни оқилона ҳал этиш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор таржибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини, билимини ошириш меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини юксалтириш масалалари ҳам мажмуанинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Калит сўзлар: аграр муносабатлар, тупроқ унумдорлиги, ернинг табиий унумдорлиги, иқтисодий унумдорлик, агросаноат мажмуаси, ҳуқуқий база, фермер, деҳқон хўжаликлари, ширкат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Аграр муносабатлар нима?
2. Ернинг табиий унумдорлиги нима?
3. Иқтисодий унумдорлик нима?
4. Агросаноат мажмуаси нима?
5. Фермер ва деҳқон хўжаликлари қандай фарқланади?

VIII БОБ. ТРАНСПОРТ, АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 8.1. Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби
- 8.2. Темир йўл транспорти
- 8.3. Автомобил транспорти
- 8.4. Ҳаво ва сув транспортлари

8.1. Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби

Транспорт – (лотинча «транспорт» - ташийман) ижтимоий моддий ишлаб чиқариш тармоғи, юкларни ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга элтишни, мамлакат, вилоят ва туманлари, корхоналари, халқ хўжалик тармоқлари ўртасида, шунингдек, мамлакат ичида айрибошлаш ва алоқани таъминлайди. Қуйидаги транспортлар мавжуд: ер усти транспорти (автомобил, қувур йўллари), сув транспорти (денгиз ва дарё), ҳаво транспорти (авиация). Вазифасига кўра ички ишлаб чиқариш(саноат) транспортга ва умумий фойдаланиладиган транспортга бўлинади. Бу транспорт турлари билан бир қаторда шахсий фойдаланиладиган автотранспортлар ҳам мавжуд. Вазифаси, хусусиятига кўра транспорт йўловчилар ва юк ташувчи транспортга бўлинади. Ички ишлаб чиқариш транспорти бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилади ва корхона ишлаб чиқариш воситаларининг таркибий қисми ҳисобланади. Умумий фойдаланиладиган транспорт (ер усти, сув ва ҳаво) ижтимоий ишлаб чиқаришда муҳим соҳани ташкил этади. Умумий фойдаланиладиган транспортнинг моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида пайдо бўлиши саноат тўнтариши билан боғлиқ.

Бугунги кунда транспорт соҳасини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда ва бу соҳага эътибор давлат даражасида бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев 2018 йил 28-декабрда Олий Мажлиснинг қўшма мажлисида қилган мурожаатномасида бу соҳа тўғрисида шундай деган эдилар: “...Шунингдек, транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир. Чунки денгизга чиқиш имкониятимиз чеклангани учун маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.

Шу боис, “Узбекистан Эйрвейс” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратишлари зарур.

Вазирлар Маҳкамаси экспорт юklarини қўшни давлатлардан темир йўл орқали имтиёзли нархларда ўтказиш бўйича музокаралар олиб бориши керак. Шу билан бирга, Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги индекси”даги мамлакатимиз ўрнини юқори позицияга кўтариш чораларини кўриш лозим.”¹⁷

Мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдонинг ўсиши асосан денгиз кемачилгининг ривожланиши туртки беради. Автотранспорт IX асрнинг охирида пайдо бўлди. XX асрнинг 20 йилларида қисқа масофага юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириб, т.й ва дарё транспорти билан рақобат қила бошлади. Фуқаро ҳаво транспорти XX асрнинг биринчи чорагида вужудга келди.

XX асрда жаҳон транспорт тизимини жуда юксалди. Ривожланган мамлакатларда транспорт тизиларининг барча турлари (АҚШ, Канада) ёки айрим транспорт турлари (Фарбий Европа мамлакатлари, Япония) нинг юксак даражада ривожланганлиги билан тавсифланади.

XX асрнинг бошларига қадар Ўзбекистонда юк ва йўловчилар, асосан, т.й., от-улов транспорти, туя, хачир ва бошқа юк ташувчи хайвонларда ташилган. XX асрнинг 20 йилларида автомобил ва ҳаво транспорти, йирик соноат корхоналари қурилиши билан соноат тармоғи вужудга келди. 80 йиллар охирига келиб, республика транспортининг моддий техника базаси бирмунча яхшиланди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кенг миқёсдаги капитал қурилиши ва транспорт модий техника базасининг юксалиши билан юк ва йўловчи ташиш ҳажми ҳам орта борди.

Республика мустақилликга эришгандан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспортни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авия компанияси (1992), «Ўзбекистон автомобил транспорти» давлат акциядорлик корпаратцияси (1993), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси (1994) ва бошқа идоралар ташкил этилди. Мамлакатда транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акциядорлик, очиқ турдаги акциядорлик, маъсулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Республика автотранспорт воситаларининг бир қисми (автобуслар, юк ва енгил машиналар) жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулкига айланди. Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчи ташувчи транспортларнинг барча тури – т.й автомобил, авиация, шахар электр

¹⁷ “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабр. №271-272 сони.

транспорти (транвай, троллейбус, метро-политен) дарё транспорти, қувур йўллари транспорти, шунингдек, умумий фойдаланилмайдиган (саноат) транспорти турлари автомобил, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган.

Асака автомобил заводи «ЎзДэу авто» компанияси –Ўзбекистон автомобил саноатининг етакчи ва тўнғич корхонаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан қурилган. Заводнинг ишга туширилиши туфайли Ўзбекистон жаҳонда ўз автомобил саноатига ега бўлган 28 мамлакат қаторидан ўрин олди. Асака автомобил заводи Андижон вилоятининг асака шаҳрида 1994-1996 йилларда қурилган. Автомобил заводи ўрта класдаги двигатели сифими 1500 см³ бўлган «Нексия», ўта кичик класдаги ёнилғи кам сарфловчи, двигатели сифими 800 см³ «Тико» енгил автомобили хамда фургон типдаги етти ўриндикли, двигатели сифими 800 см³ бўлган «Дамас» миниавтобусларини ишлаб чиқаради. Унинг барча ускуна ва жихозлари Корея, Япония, Германия, Швеция, Италия мамлакатларида ишлаб чиқарилган илғор автоматика ва технологиялардан иборат. «ЎзДэу Авто» компанияси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси ҳукмати номидан «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва Корея Республикасининг «ДЭУ» корпарацияси. Акциялари хиссаси 50% га 50% бўлиб, инвестицияларнинг умумий хажми 650 млн АҚШ долларига тенг. Компанияни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси 1992 йил 29 августда имзоланган. Завод қурилиши эса 1994 йил бошларида бошланган. «Дамас» минибуслари 1996 йил 25 мартдан, «Тико» 1996 йил июн ойининг ўрталаридан, «Нексия» автомобили эса 1996 йил июл ойининг ўрталарида ишлаб чиқарила бошанди.

1996 йил 19 июлда заводнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Завод кунига 200 «Нексия», 120 «Тико», 60 «Дамас» русумли автомашиналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхонадан 2000 йил октябр ойига қадар 216659 автомобил ишлаб чиқарилди, 1999 йил 15 мингга яқин автомобил экспорт қилинди.

Тошкент шаҳрида автомобилларни сотиш ва сотувдан кейин хизмат кўрсатиш ваколатхонаси фаолият кўрсатади. Москва, Санк-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Тюмен, Новасибирск, Минск, Бишкек, Чимкент, Краснодар каби шаҳарларда минтақавий ваколатхоналари ва шўба корхоналари очилган

Транспорт халқ хужалигида ахамияти катта булиб, ишлаб чиқариш кучларининг ривожлантиришда унинг роли каттадир. Ўзбекистонда хозирги замон транспорт турларини деярли хаммаси мавжуддир.

Темир йул, хаво, авто, сув, қувур ва электрон транспортлар.

Ўзбекистон халқ хужалигида банд булган аҳолининг 4-5 % банддир. Ёки Республика моддий бойлик ишлаб чиқаришда банд булган ишчи хизматчилари 12 % дан ортиги транспорт ишлайди.

Ўзбекистонда транспорт тармоги айниқса, собиқ совет ҳокимияти даврида ривож-ланди. Бу жараён Ўзбекистон ҳақиқий мустақилликка эга булгандан кейин яна ривожини топди.

Ўзбекистонда транспортнинг моддий техника базаси мустақамланиб бормокда. Юк ташишда темир йул транспорти асосий уринда туради.

Темир йул транспорти умумий фойдаланиладиган транспорт турлари буйича юк оборотини темир йул 93,2 % ни ташкил қилади. Ўзбекистонда темир йул қурилиши 1888 йилдан билан бошланган эди. Красноводскийдан Горжуй темир йули давом эттириб, Фаробий бекатидан Самарқандгача, Ховосдан Андижонга темир йул утқазилди. 1905 йилда Тошкент -Оренбург темир йули қурилди. Фуқаролар уруши йилларида темир йул ва унинг ҳаракатига анча зиён етади. Тез кунда Ўзбекистон ҳукумати бузилган йулларни тиклади ва унинг янада ривожланганди.


1930 йилда Турксиб темир йули қурилди. У билан Ўзбекистон, Қирғизистон орқали Сибир билан утади.

Уруш йилларида Тошкент вилоятида Қизил туқимачи темир йули қурилади.

1925-1955 йиллари Чоржуй-Қунгирот темир йули билан Ўзбекистон бошқа районлари - қуйи Амударё ҳудуди билан туташади. 1962 йили Навоий-Учкудук темир йули қурилиб тоғ-қон саноати билан марказ туташтирилади.

Ўзбекистон кейинги йилларда Мирзачул, Қарши йули, Қуйи Амударё ва бошқа ерларда янги ерларни ушлаштириш ишлари авж олади. Шу муносабат билан қиска масофага темир йуллар қурилади: Сирдарё Жиззах билан Самарқанд-Қарши, 1972 йилда Қунгиротдан -Устюрт орқали Байнов темир йуллари қурилди. Бу темир йул Урта Осиёни Европа билан иккинчи йуналишда темир йул алоқаси вужудга келиб, бу йул Арис орқали Оренбург, Урал ва Волга буйи, марказ билан алоқани қучайтиради.

1990 йилда Нукус-Чумбай темир йули қурилади, Туямуйна-Турткул темир йули қурилади. Сурхондарё Бўлди-Хужахон туз қонига ва Шурчидан-Бандихонгача ва Бойтун қонига темир йул қурилди. Ҳозир Ўзбекистон темир йул узунлиги 6,6 минг км.ни ташкил қилади. Ўзбекистон 1000 км.қв майдонга темир йул узунлиги 7,9 км.га тугри қелади. Бу Ўзбекистон учун анча юқори курсатқичдир.



8.2. Темир йўл транспорти

2015 – 2019 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни тизимли ўзгартириш, модернизация ва диверсификациялаштириш чоралари дастурига мувофиқ, ушбу лойиҳанинг молиявий манбалари аниқланди: бунга "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг 66,1 миллион доллар миқдоридаги ўз маблағлари сарфланади.

2013 йили «Ўзбекистон темир йўллари» унитар корхонасига қаршли металл қуйиш-механика заводи реконструкциясини яқунлади. Завод "Кункел Вагнер", "Отто Жункер" ва "Недерман" каби немис компаниялари, шунингдек, Европа ва Осиёнинг бошқа компанияларининг замонавий техника ва технологиялари билан жиҳозланди. 150 миллион долларга баҳоланган лойиҳа "Ўзбекистон темир йўллари" маблағлари ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт фонди кредити ҳисобидан молиялаштирилди. "Ревизв.уз" нинг маълум қилишича, лойиҳа 1,2 минг янги вагон қуриш, 950 та йирик

ҳажмли контейнер ишлаб чиқариш ва 1500 та юк вагонини таъмирлаш имконини беради.

8.3. Автомобил транспорти.

Бу ёш, тез ривожланиб бораётган транспортдир. Бу транс-порт Ўзбекистонда туманлараро ва хужалилараро юк ташиш роли каттадир. Кейинги вақт-да МДХ ва бошқа халқаро халқ хужалик юкларини ташишда ахамияти ортиб бормокда. Автомобил транспорти чуқ, адир ва тоғ водийларида, шаҳар ичида юк ташишда роли каттадир.

Ўзбекистон -Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарканд, Кашкадарё, Сурхондарё вилоятларининг хулдудларини кесиб утадиган йул бор. Бундан Ўзбекистонда катта табиий транспорт йули Дуншанбегача давом этади. Зарафшон транспорти Самаканд-Бухоро вилоятларини бирлаштиради.

Козогистон транспорт - Турткул, Нукус, Тахтакуприк еридан Бухро - газли - Газалкент автомагистрали Кизилкум чулини кесиб утади.

Тошкент -Кукон йули пойтахтни водий билан қисқа йул орқали боғлайди.

1982 йили Термиздан Амударё орқали Афғонистонга олиб борадиган Автоматик ва темир йул куприги қурилди.

Тошкент барча вилоятларга йирик автомагистраллар қурилди. Хозир 70 га яқин автобус ва таксиматор парклари барпо қилинган.

Хаво транспорти. Ўзбекистон иқтисодий ривожлантиришда ва иқтисодий алоқаларни усишида хаво транспортини роли каттадир.

Ўзбекистон МДХ мамлакатларини 100 дан ортиқ шаҳарлари билан алоқа қилади. Ўзбекистонда Тошкент аэропорти АКШ, Германия, Туркия, Покистон, арабистон, Хиндистон ва бошқа йирик мамлакатлар билан хаво йули алоқаси мунтазам ишламоқда.

Сув транспорти - туманлараро юкларни ташишда роли каттадир.

Кемалар асосан Амударё орқали утади.

Кувур транспорти - собиқ советлар даврида ривожланиб борди. Дастлабки кувур транспорти Чимён нефти билан Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводи уртасида қурилди. Республиканинг жануби ва бошқа ерларида нефт ва газ қонлари очилиш ишлари билан Ўзбекистонда ва ундан ташқарига ҳам нефт, газ қувурлари урнатилди.

Ўзбекистонда газ бойликларини очилиши газ қувур транспорт ривожланиш истик-бўлларини очиб берди. Газ қувурлари кенг миқёсда 1958 йилдан бошлаб 1960 йилгача асака-Андижон, Хужабод-Фаргона, Шимолий Сух-Кукон, Шимолий Сух-Фаргона Кува-сой, гахзли, Когон газ қувири битказилди. Кейинги йилларда газ қувурлари яна кенгайди. Ўзбекистон барча

вилоятлар маркази, Козогистон ва Киргизистонга газ кувурлари утказил-ди. Республикадаги марказ Бухоро-Самарканд-Тошкент газ кувури муҳим аҳамият касб этади. Уралгача ва марказга утказилган газ кувурлари диаметрини калинлиги ва узунлиги жихатдан жаҳонда олдинги уринда туради ва бу транспорт тури янада ривожланмоқда.

8.4. Ҳаво ва сув транспортлари

Ўзбекистон жаҳондаги куп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан Ҳаво йуллари орқали боғланган. Республиканинг Ҳаво транспорти-фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланади. 1924 йил 12 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент-Авлиёта (Жамбул)-Пишпек (Бешкек)-Олмаота маршрутида дастлабки йуловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Уша йили узунлиги 450 км булган Когон-Октукай-Дарғонота-Хива ҳамда Бухоро-Термиз-Душанбе Ҳаво йуллари очилди. 1930 йилдан Тошкент –Москва йулида самолётлар мунтазам катнай бошлади.Авиациядан кишлоқ хужалиги зараркунандаларига қарши кУрашда ва санитария мақсадларида ҳам фойдаланилди. Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 йилдан собиқ иттифок тасарруфида булган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-таъмирлаш заводи, «Авиақурилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамаҳсулсмонтажсозлаш» негизида «Ўзбекистон Ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.Республиканинг, айниқса, хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, туристик алоқаларини йулга қуйишда Ўз ҳаво транспорти муҳим роль Уйнамоқда. «Ўзбекистон Ҳаво йуллари» нинг бир канча Европа ва Осиё, Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилди. 1993-95 йилларда 18 та янги халқаро маршрутларда самолётлар катнови йулга кУйилди: 1993 йилдан Тошкентдан МДХ дан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истанбул, Қарачи, Дехли, Қуала-Лумпур, Бангкок, Пёкин, Афина, Амстёрдам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига мунтазам халқаро авиарейслар, Халаб (Амппо), Сингапур ҳамда Осиё ва Европанинг купгина мамлакатларига йуловчи ташиш рейслари бажарилади.«Ўзбекистон Ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда Ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йилдан шундай Ҳамкорлик натижасида Европанинг йирик «Эрбас индастри» концернидан «Ўзбекистон Ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси сотиб олган «Эрбас»-А-310-300 автобуслари халқаро маршрутларда йуловчиларга хизмат курсата бошлади.

«Ўзбекистон Хаво йуллари» авиакомпанияси ва Нукусдаги бўлинмаси хилма-хил типдаги Хаво кемаларига эга: кишлок хужалик ишларига мулжалланган «АН-2», махаллий (республика ичида) Хаво йулларида катнайдиغان «АН-24», «ЯК-40», халқаро классдаги «ИЛ-76», «ИЛ-62», «ИЛ-86», «ТУ-154», «А-310» каби самолётлар, вертолёт паркида «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» каби машиналар бор. Республикада «АН-2» самолёти, «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» вертолётларидан иборат махсус мақсадлардаги авиация парки кишлок хужалиги, тиббий-санитария хизмати, метеорология, геология-кидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилади. 1996 йилдан «БОИНГ-757» ва «БОИНГ-764» самолётлари, махаллий Хаво йулларида ИЛ-114, Рж-85 самолётларидан фойдаланилмоқда. «Ўзбекистон Хаво йуллари» миллий авиакомпанияси таркибида 12 замонавий аэровокзал (аэропорт) бор. Булар Тошкент, Самарканд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Карши, Кукон шаҳарларида. Сергели, Учкудук, Зарафшон, Сариосиё, Шахрисабз, Кунғирот, Тўрткул, Мўйнок шаҳарларидаги аэропортлар вилоят марказидаги аэропортларга қарайди, «ЯК-40», «АН-24» самолётларини қабул қилишга мослаштирилган. Вилоят марказларидаги аэропортлар «ТУ-154», Самарканд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари «ИЛ-62», «ИЛ-76», Нукус аэропорти «ИЛ-86», «А-313» аэробусларни қабул қилишга қодир. Тошкент, Самарканд, Термиз, Нукус аэропортлари халқаро мақомга эга. Республика Хукумати қарорига қўра, янги йирик халқаро аэропорт, Учкудукда жаҳондаги энг илғор андозаларга мос қеладиган катта аэропорт қурилиши бошланди.

XX-аср бошларида Амударё ва Орол денгизидаги сув йуллари буйлаб юклар ва йуловчиларнинг анча қисми ташилган. 1924 йилда кема ва қайиқлар катнайдиغان сув йулларининг умумий узунлиги 887 км эди. Амударё Ҳарбий флотилаяси, «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек хусусий қайиқларда йуловчиларга хизмат қурсатилган, зарур юклар ташиб берилган. Уша даврда Урта Осиё сув йулларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т. бўлган кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т. бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1980 йилда Ўзбекистонда сув йулларининг умумий узунлиги 2800 км га етди. Амударё панжи (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноққа қадар параходлар катнови амалга оширилди. Дарё сувининг қамайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йуллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 йили дарё транспортида 1420 минг т. юк ташилди. Урта Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Урта Осиё параходчилиги Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон Уртасида тақсимланди. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби

кайта ташкил этилди. Урта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Коракалпоғистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. «Узавтотранс» корпорацияси Худудидида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш буйича бош бошкарма (Тошкентда) тузилди. Республикада Термиз дарё порти, Шарловук, Турткул, Беруний, Каратов, Хужайли бандаргоҳлари, Амударё оркали Турткул-Хонка, Чалиш-Беруний сузма куприклари, Хужайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз дарё порти йилига 2,5 млн. т. юкни қабул қилиш - жунатиш қувватига эга. У Афғонистоннинг Хайратон бандоргоҳи оркали экспорт-импорт юқларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотидида 150 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республика сув йулларининг умумий узунлиги 1000 км га яқин. Халқ хужалиги юқлари асосан Термиз-Хайратон, Шарловук-Турткул, Хужайли-Турткул, Хужайли-Беруний, Каратов-Тахиятош йуналишларида ташилмоқда. Ўзбекистоннинг порт ва бандоргоҳлари темир йуллар билан бошланган. Республикада трубопровод транспорти хам алоҳида урин тутади. Ўзбекистонда 20 км узунликдаги биринчи нефтепровод 1905 йил Чимён нефть қонидан Ванновск (Хозирги Олтарик) нефтни қайта ишлаш заводи тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть қонлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть қонларидан Фарғона ва Олтарик нефтни қайта ишлаш заводларига умумий узунлиги 228,5 км бўлган нефтепроводлар қурилди. Республика жанубида-Сурхондарё вилоятида 1947 йил Лалмикор - Қумқўрғон ва 1969 йил Амударё- Аму-Занг линиялари барпо этилди (умумий узунлиги 40 км). Кашкадарё янги нефть қонлари очилганидан кейин 1967 йил Ғарбий-Тошлок-Кашкадарё стацияси (3,3 км) Шимолий Уртабулок-Олтингурут заводи (72 км) нефтепроводлари ишга тунширилди. 1994-1997 йилларда узунлиги 100 км бўлган Кукдумалок-Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нефтепроводи қурилиб, ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган Камчик давони оркали Утадиган Хонобод-Ангрен нефтепроводи қурулишини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бухоро, Кашкадарё вилоятларида улкан газ қонларининг топилиши ва ишга туширилиши билан Ўзбекистонда газпровод транспорти ривож топди.

Калит сўзлар: Транспорт, ер усти транспорти, сув транспорти, логистика, автосаноат, тасмали транспорт, осма арқон транспорти, қувур транспорти, инфратузилма, йук ташиш транспорти, йўловчи ташиш транспорти.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ер усти транспорти нима?
2. Сув транспорти нима?
3. Логистика нима?
4. Қувур транспорти нима?
5. Осма арқон транспорти нима?

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ РЕСПУБЛИКА, МИНТАҚА ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ

Режа:

9.1. Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифа ва тамойиллари

9.2. Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати

9.3. Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

9.1. Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифа ва тамойиллари

Турли миқёсдаги ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирмай, иқтисодий ривожланган давлат қуриш, жамиятда сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мушкул. "Давлат бошқаруви", "Минтақавий бошқарув" ва «Маҳаллий бошқарув» атамалари мураккаб тизимни (давлат бошқарув фаолиятининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари мажмуи)ни ташкил этадики, одатда, бошқарув мақсадлари, вазифалари, принциплари, вазифалари, усуллари, шакллари, субектлари ва объектлари мазкур тизимнинг асосий унсурлари ҳисобланади.

Мазкур унсурлар давлат ҳокимияти ижро этувчи органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мақоми, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва иш принциплари, ваколатлари доираси, жавобгарлиги, ташкилий ҳуқуқий иш шакллари, шунингдек давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан вертикал йўналиш ҳамда хўжалик юритувчи

субектлар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан горизонтал йўналишда ўзаро алоқаларини белгилаш орқали ҳуқуқий расмийлаштирилади.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатлар аниқ тақсимланган бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Субъектив омил - тегишли мансабдор шахсларнинг ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш манфаатларида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро самарали алоқаларини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарорлар ишлаб чиқа олмаслиги, баъзан эса бундай қарорларни ишлаб чиқишни истамаслиги юқорида зикр этилган муаммо янада чуқурлаштиради.

Бироқ республика ва минтақавий ҳокимият органлари зиммасига ҳаддан ташқари кўп иш юкланганлиги, моддий-техника, молия, ахборот ва бошқа ресурсларнинг тақчиллиги натижасида мазкур ҳокимият органлари томонидан маҳаллий миқёсидаги муаммоларни ҳал этишга етарли эътибор берилмаяпти. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида юқорида зикр этилган ҳокимиятнинг уч поғонаси ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг самарали механизмини яратиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, мазкур механизм мамлакатда маҳаллий фаолиятини янада мукамал тартибга солиш, уни давлат сиёсати ва минтақавий сиёсатнинг мустақил соҳасига ажратиш имконини беради.

Ўзбекистонда Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ўзаро манфаатли асосда тақсимлаш зарурати - маҳаллий тузилмалар фаолиятининг қуйидаги муҳим муаммолари билан белгиланади:

а) маҳаллий тузилмалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

б) давлат мулкни республика, минтақа ва маҳаллий мулкларга тақсимлаш;

в) маҳаллий мулкнинг барча шакллари муҳофаза қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

г) маҳаллий тузилмаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, минимал бюджет билан таъминлаш нормативлари асосида белгиланадиган маҳаллий бюджетларнинг минимал зарур харажатларини қоплаш учун даромад манбаларини мустаҳкамлаш йўли билан маҳаллий бюджетларнинг минимал миқдорини таъминлаш;

д) маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор норматив-ҳуқуқий негизини таъминлаш;

е) мамлакатдаги маҳаллий тузилмаларнинг негизини ташкил этувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўйи органларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;

ж) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг суд тартибида ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

з) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган қўшимча харажатларнинг қопланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини таъминлаш;

и) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари берилган алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишлари учун зарур моддий ва молиявий ресурсларнинг берилишини таъминлаш;

к) ҳуқуқнинг комплекс соҳаси сифатида маҳаллий ҳуқуқни шакллантириш, маҳаллий қурилиш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Маҳаллий бошқарув органларига давлат томонидан қафолатлар бериш ҳамда давлат ҳокимияти ва минтақа бошқарув органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва маҳаллий бошқарув соҳасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини таъминлаш республика, минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни самарали тақсимлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда республика минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг қўйидаги асосий тамойилларига асосланади:

- давлат, минтақавий ва маҳаллий сиёсат мақсадлари, йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатларини тақсимлаш механизмларининг ягоналиги принципи;

Республика, минтақа ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва алоқа ўрнатиш принципи;

- маҳаллий ислохотни амалга оширишнинг турли босқичларида давлат сиёсатининг ворисийлигини таъминлаш принципи;

- маҳаллий бошқарув органларининг ваколатларига давлат ҳокимияти юқори органларининг аралашмаслиги принципи ва ҳ.к.

Республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни янада аниқ тақсимлаш давлат ҳокимиятининг мазкур бўғинларини бошқариш механизмнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бирининг мустақиллигини кенгайтириш, муайян ваколатлар уларни мумкин

қадар самарали амалга оширишга қодир ҳокимият органлари зиммасига юкланиши учун тегишли ҳудудларнинг ўзига хос (географик, иқтисодий, демографик, этник ва ҳ.к.) хусусиятларини эътиборга олишни табақалаштириш имконини беради.

Ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги вазиятни янада оғирлаштираётган яхши ривожланмаган ҳудудларда шаҳар ва қишлоқларда майда товар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва агросаноат комплексида кичик тадбиркорликни рағбатлантириш зарур.

Юқорида зикр этилган тамойилларни амалга татбиқ этиш Ўзбекистонда республика давлат бошқарувининг турли бўғинлари ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш ва МДХнинг бир қатор давлатларида кузатилган турли ижтимоий-сиёсий зиддиятларга йўл қўймаслик имконини бермоқда.

9.2. Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати

Ўзбекистонда республика маҳаллий хўжалик амалиёти жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан конституциявий ваколатларни амалга оширишнинг қуйидаги самарали шакллари кўллашни назарда тутади:

1) маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий аҳамиятга молик қуйидаги масалаларни мустақил ҳал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш:

а) маҳаллий мулкка, шу жумладан ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

б) маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тасдиқлаш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш;

в) жамоат тартибини сақлаш билан боқлиқ чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

2) фуқароларнинг: турар жойга эга бўлиш; соғлиғини сақлаш; тиббий ёрдам олиш; билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

3) солиқ ва бюджет ислохотлари доирасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг молиявий-иқтисодий негизини шакллантиришни ниҳоясига етказиш, авваламбор, қуйидагилар ҳисобига бюджет ва солиқларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш:

а) Ўзбекистон Республикаси субъектларининг бирлаштирилган бюджетларга йўналтирилувчи республика бюджети маблағларини қайта тақсимлаш, маҳаллий тузилмаларнинг ваколатлари жумласига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун мазкур тузилмаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш;

б) давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги, шу жумладан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бериладиган алоҳида давлат ваколатларининг амалга оширилиши ва давлатнинг минимал ижтимоий стандартларини белгилаш принципларини ишлаб чиқиш;

в) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш молиявий-иқтисодий негизининг муҳим таркибий қисми - маҳаллий мулкни фаол шакллантириш;

г) кўчмас мулк бозорини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини жалб этиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

д) тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ва улар хизматлар кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

е) республика, минтақавий, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни ҳамда тегишли моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш;

ж) маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари устидан самарали давлат назорати тизимини шакллантириш;

з) минтақа, республика ва халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш;

и) маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини давлат томонидан илмий-услубий, ташкилий-услубий ва ахборот билан қўллаб-қувватлаш;

к) маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрларнинг малакасини ошириш самарали давлат тизимини ташкил этиш

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, мустақиллик йилларида республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнида меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик бир қатор умумий муаммолар тўпланиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг (Конституцияси кучга киргунга қадар) қабул қилинган республика меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг аксариятида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг конституциявий мақомига мос келмайдиган қоидалар мавжуд эди. Бундан ташқари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг алоҳида масалаларини тартибга солувчи нормалар амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартиришни талаб этарди.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ алоҳида масалалар қонун ҳужжатлари билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг эҳтиёжларини ҳали ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ қондирилгани йўқ. Бундан ташқари, маҳаллий ҳуқуқнинг баъзи бир нормалари турли талқин қилинаётганлиги ҳам маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг амалий фаолиятида қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ўзбекистоннинг бир қатор минтақаларида минтақавий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва алоҳида мансабдор шахсларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя қилмаслик, шу жумладан, маҳаллий ҳуқуқ нормаларини бажармаслик ҳолатлари қайд этилди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни меъёрий тартибга солиш механизмининг номукамаллиги, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатлар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тақсимланмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳал қилинмаган кўпгина масалалар маҳаллий тузилмаларнинг молиявий-иқтисодий мустақиллиги етарли даражада таъминланмаганлиги билан боғлиқ. Маҳаллий мулкни шакллантириш, тўлақонли маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш (шу жумладан, давлат молия ресурсларини тақсимлашда маҳаллий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш), маҳаллий тузилмалар иқтисодий фаолиятининг барқарор меъёрий негизини яратиш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

9.3 . Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

Давлатнинг ваколатларни тақсимлаш муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолияти маҳаллий бошқарувни янада ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланган кучли демократик давлат қуришнинг зарур шarti сифатида маҳаллий бошқарувнинг самарадорлиги, роли ва мақомини оширишга йўналтирилган давлат бошқаруви соҳасидаги ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилиши лозим.

Мазкур мақсадга эришиш учун республика, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш соҳасидаги сиёсат:

- фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз фаолиятига давлат томонидан кафолат берилишини назарда тутувчи конституциявий ваколатларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

1) фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширувчи конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бу қуйидагиларни назарда тутуди:

а) фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиши, сайлаб қўйиладиган ва бошқа маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш ҳудудий ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш фаолиятини ташкил этиш орқали маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

б) маҳаллий тузилмаларнинг чегаралари ўзгарган тақдирда аҳолининг фикрини эътиборга олиш тартибини қонун ҳужжатларида белгилаш;

в) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли билан самарали ўзаро ҳамкорлиги тизимини ташкил этиш.

Республика, минтақавий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни самарали тақсимлаш механизмини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида давлат республика, тармоқ ва минтақавий давлат ҳокимияти органларида бир қатор самарали воситаларга эга. Уларнинг асосийлари жумласига қуйидагилар киради:

- маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда маҳаллий бошқарув органларининг ташкилий, молиявий ва хўжалик юритиш соҳасидаги мустақиллигини ҳуқуқий тартибга солиш;

- маҳаллий бошқарув органларига ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланадиган давлат органлари тизимини шакллантириш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг конституциявий асосларини рўёбга чиқариш ва маҳаллий тузилмаларни ривожлантиришга кўмаклашадиган республика ва минтақавий дастурларни қабул қилиш;

- мутаносиб минимал маҳаллий бюджетларни таъминлаш, маҳаллий тузилмалар солиқ негизини мақбуллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш имконини берувчи бюджет ва солиқ тизимларини тартибга солиш;

- давлат мулкига мансуб маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ваколатларини амалга ошириш учун зарур объектларни маҳаллий мулк таркибига киритиш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлаб қўйиладиган ходимларнинг малакасини ошириш, номзодлар ва сайлов компанияларнинг иштирокчиларини сайловларга ва аҳоли иродасини тўғридан- тўғри ифода этадиган бошқа тадбирларга тайёрлаш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини ахборот билан таъминлаш, шу жумладан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг конституциявий асосларини аҳолига тушунтириш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ислоҳ қилишнинг бориши ва муаммолари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тизимини ташкил этишда аҳолининг роли ҳақида ахборот бериш ва ҳ.к.

Минтақавий ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари тизимини "Ўзаро алоқалар механизми" тушунчаси, айниқса, тўлиқ ифода этади. Мазкур тушунча юқорида зикр этилган органлар ўртасида мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ташкилий-техникавий ютуқларнинг мураккаб хусусиятини акс эттиради. Мазкур механизм ўзаро алоқалар унсурларининг мажмуини ўз ичига олади. Улар орасида минтақавий ва маҳаллий бошқарув бўғинларининг манфаатларини ифода этувчи ҳокимият органларининг ўзаро алоқаларини амалга ошириш тамойиллари, турлари, шакл ва йўналишларини алоҳида ажратиш зарур.

Бунда мазкур ўзаро алоқаларнинг йўналишлари, аввало, маҳаллий миқёсда бошқарув вазифаларини шакллантириш ва амалга ошириш босқичлари (маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этиш ҳамда унинг ваколатларини амалга ошириш) билан боғлиқ; тамойиллар эса минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатлари қуриладиган туб асослардир.

Юқорида зикр этилган бошқарувни ташкил этишнинг барча босқичлари ва ўзаро алоқаларнинг барча йўналишларида юзага келадиган ҳамда турли ҳуқуқий ва ташкилий шаклларда амалга ошириладиган бошқарув алоқаларининг турлари ўзаро алоқалар механизми мазмуни учун муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, ўзаро алоқаларнинг йўналиш ва тамойиллари универсал хусусиятга эга, чунки улар давлат ҳокимиятининг нафақат ижро этувчи, балки бошқа органларининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўзаро алоқа усуллари ҳисобланади. Бошқарув алоқаларининг асосий турлари жумласига қуйидагилар киради:

- ваколатларни тақсимлаш;
- ваколатларни ўзаро ўтказиш (бериш);
- маҳаллий ҳокимият органларига кўмаклашиш (давлат томонидан қўллаб-қувватлаш);

- турли бошқарув бўғинлари ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

- турли ҳокимият органларининг фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Бошқарув алоқаларининг юқорида зикр этилган барча турлари минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятнинг ўзаро муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутишига қарамай, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш кенг қамровли хусусиятга эга бўлиб, уларсиз бирон-бир бошқарув вазифасини ҳал қилиши мумкин эмас.

Мувофиқлаштириш бошқарув фаолиятининг ташкилий жиҳатдан тобе бўлмаган субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишнинг муҳим усулидир. Бошқарув алоқасининг тури сифатида, мувофиқлаштириш уюштирувчи хусусиятга эга бўлиб, фаолияти мувофиқлаштирилувчи субъектларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Мувофиқлаштирувчи алоқа субъектларнинг ўзаро манфаатдорлигига асосланади: ўзаро муносабатлар иштирокчиларининг эҳтиёжлари турлича бўлган тақдирда ҳам, мувофиқлаштириш жараёнида манфаатларни мувофиқлаштиришга ўзаро эҳтиёж шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиладики, бу умумий манфаатнинг шаклланишига кўмаклашади.

Мувофиқлаштириш ўзаро таъсир хусусиятга эга: бу нафақат тўғри, балки тесқари алоқа ҳамдир, яъни иккала томон ҳам фаол иш олиб боровчи субъектлар сифатида иштирок этади. Бошқарув амалиётини таҳлилдан ўтказиш минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келадиган мувофиқлаштирувчи алоқалар қўйидаги шаклларда амалга оширилишини кўрсатади:

- давлат бошқарувининг номлари юқорида зикр этилган бўғинлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг деярли барча соҳаларига, айниқса, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ўзаро ахборот беришга тааллуқли бўлган ахборот алмашиш;

- республика ва минтақавий ҳокимият органлари томонидан маҳаллий бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига маслаҳатлар бериш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки ташкилий-иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш;

- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида шартномалар (битимлар) тузиш;

- республика ва минтақа давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вақлларидан

ҳамкорликдаги бошқарув органлари ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- республика ёки минтақа ҳокимият органлари қошида маҳаллий бошқарув органларининг вакилларида таркиб топган маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш;

Маҳаллий бошқарув органлари устидан давлат назорати бошқаруви минтақавий бўғинида амалга оширилади ва назорат фаолиятининг субъектига қараб қуйидаги турларга ажратилди:

- республика ва унинг субъектларининг давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи (вакиллик) органи томонидан амалга ошириладиган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан назорат;

- республика ва минтақа ижро этувчи ҳокимият органларининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг қонунийлиги устидан назорати;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларининг фаолиятида қонунийликка риоя қилиниши устидан прокурор назорати;

- суд назорати;

- бошқа мустақил давлат органлари томонидан амалга оширилувчи назорат.

Юқорида зикр этилган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари устидан назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятлар, назорат шакллари ёки воситалари тўпламига эга бўлиб, бу назорат фаолиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари мақоми ва ваколатларининг ўзига хосликлари билан белгиланади. Бундан келиб чиқиб, республика ва минтақа ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган умумий ва махсус назоратни маъмурий назорат деб тавсифлаш мумкин. Мазкур назорат, аввал, ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, маҳаллий органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларининг ижро этилишини текширишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган республика, минтақавий ва маҳаллий органларнинг ўзаро муносабатлари тамойилларини умумлаштириб, минтақавий бошқарув органлари юқорида зикр этилган мақсадларга эришиш учун қўллашлари мумкин бўлган, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий назоратнинг табиатига зид келмайдиган қуйидаги назорат шакллари ажратиш мумкин:

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг меъёрий ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш (маҳаллий тузилмаларнинг уставлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби);

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини мувофиқлаштириш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи (мансабдор шахс) ваколатларини тўхтатиш;

Давлат назоратининг юқорида зикр этилган шакллари билан бир қаторда, давлат томонидан берилган ваколатларнинг маҳаллий органлар томонидан амалга оширилишини маъмурий назорат қилишнинг бошқа бир шакли ҳам кенг назорат воситаларига эга. Мазкур назорат шаклини давлат бошқарувининг хусусиятидан келиб чиқиб, тармоқ назорати деб тавсифлаш мумкин. Бундай назорат маҳаллий бошқарувнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигига баҳо беради.

Тармоқ назорати шакллари, одатда, нафақат маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги умумий минтақавий қонунлар, балки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига алоҳида давлат ваколатлари бериш тартиби тўғрисидаги махсус давлат қонунларида ҳам мустаҳкамланади. Бунда мазкур назорат турига хос маҳаллий ҳокимият органларига берилган ваколатларнинг мазмунини ҳам назарда тутиш керак. Жумладан:

- давлат ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотни сўраб олиш (20-модда);

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ижро этувчи органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш (20-модда);

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган вилоят мулки объектлари ва молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишини текшириш (21-модда);

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган алоҳида вилоят давлат ваколатларини амалга ошириш масалаларига оид ҳуқуқий ҳужжатларининг амал қилишини суд қарори чиқарилгунга қадар тўхтатиб қўйиш (19-модда).

Давлат ваколатларини бажармаганлик ёки номақбул равишда бажарганлик учун маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига нисбатан юқори давлат ҳокимияти органлари томонидан қуйидаги санкциялар қўлланилиши мумкин: минтақа ёки республика мулки объектлари ва берилган молиявий маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг мазкур органлар томонидан қопланиши ҳамда улардан алоҳида давлат ваколатларининг олиб қўйилиши.

Мазкур механизмлардан маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли республика ва минтақавий мақсадли дастурлар

доирасида комплекс фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бошқарув органларини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини янада самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият, ўз-ўзини бошқариш, ваколат, мансабдор шахс, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий мулк, маҳаллий бюджет, жамоат тартиби, меҳнат ресурслари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Марказлашган ҳокимият нима?
2. Марказий ҳукумат нима?
3. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат бўғинлари қандай?
4. Маҳаллий ҳокимият нима?
5. Ўз-ўзини бошқариш нима?

X БОБ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

Режа:

- 10.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари
- 10.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар
- 10.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари

10.1. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари

Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг ўрганиш объекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар, яъни аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидаги, ишсизлик ва бандликдаги, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидаги ва тадбиркорлик шароитидаги тафовутлар ҳисобланади.

Минтақавий иқтисодий сиёсат - ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги барча ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимоотидаги ҳудудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратилиши лозим.

Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг мақсади мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳалақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат.

Турли мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари, ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бундай тафовутларни бартараф этиш учун бир қатор (мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат тузилиши ва ички муаммолари, ҳокимият тепасида турган партияларнинг мақсадлари) омилларга боғлиқ бўлган хилма-хил воситалардан фойдаланадилар.

Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдан аввал, биринчи навбатда, мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабаблари ўрганилади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- табиий-иқлим шароитидаги кескин тафовутларнинг мамлакатнинг айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;

- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;

- минтақаларнинг чекка ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида бозорнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникатсия алоқаларининг ёмонлиги четда жойлашган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини қийинлаштиради;

- у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи (хомашё ресурслари, оралиқ маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар);

- минтақанинг автономия даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва ҳ.к.;

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси: аэропортлар, транспорт тармоқлари, саноат майдонлари, телекоммуникатсия тизимлар ва ҳ.к. билан таъминланиши;

- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий иқтисодий сиёсат капитал қўйилмалар қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги 3 йўналишда олиб борилмоқда:

Биринчи йўналиш - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва уларнинг бошқа ҳудудлар билан алоқаларини яхшилаш маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бевосита ишлаб чиқаришга аралашмайди,

лекин тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш давлатнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Автомобил ва темир йўллар, электр тармоқлари, газ ва сув қувурлари, алоқа тармоқ мавжудлиги бундай ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига катта ёрдам беради.

Ҳозирда мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Иккинчи йўналиш - юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш (маъмурий ёки молиявий чеклашлар орқали амалга оширилади). Бундай минтақаларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришга чек қўйиш орқали ҳудудий тафовутлар кучайишининг олди олинади. Мазкур усул дунёнинг деярли барча тараққий этган мамлакатларида агломератсия марказларига нисбатан кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда йирик ва катта шаҳарларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришнинг олдини олиш, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш. Мазкур йўналиш иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни жойлаштиришда давлат томонидан муҳим эътибор бериладиган асосий йўналиш ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг қуйидаги 2 хил усули кенг қўлланилади:

Адолатли усул - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси ҳудудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

Самарали усул - умумдавлат манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли ҳолатларда ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ёки бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий салоҳияти катта, ривожланиш даражаси юқори бўлган АҚШ, Канада, Япония вағарбий Европа мамлакатлари минтақавий иқтисодий сиёсатида адолатли усул кенг қўлланилади.

10.2. Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар

Хорижий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳудудларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича турли мамлакатларда хилма-хил йўналишлар мавжудлигига қарамай, улар ўртасида тафовутлар кам, минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари эса қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- иқтисодий қолоқ минтақалар ривожланишини рағбатлантириш;
- марказий ҳокимият вазифаларининг катта қисмини маҳаллий давлат органлари зиммасига юклаш;
- йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқариши тўпланишини чеклаш;
- янги ўзлаштирилган ҳудудларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш

Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг оммавий усулларида бири ҳудудий ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Биринчи марта 1975-йилда Европа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил этилган. Бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам айрим ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида махсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият юритадиган ва жанубий ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган «Жануб хазинаси»; Бўлгарияда айрим ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини таъминлаш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармадан иборат ҳудудлар ривожланишининг марказий жамғармаси ва бошқ.) тузилган.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий иқтисодий сиёсатининг муҳим хусусияти шундаки, унда йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар (губерния, штат, провинция) эмас, балки муайян шаҳар ва мунитсипалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади. Жумладан, Францияда кам ривожланган Жануби-ғарб минтақасининг 9 та агломератсия ва 17 шаҳар, Испанияда 10 та "ривожланиш марказлари" ва 2 та "саноатни рағбатлантириш марказлари", Японияда 10 та "саноат ривожланишининг алоҳида ҳудудлари", 6 та "янги саноат шаҳарлари", Италияда 12 та "саноатни ривожлантириш ареаллари" ва 26 та "саноатлаштириш ядролари", Германияда 300 та "муҳим аҳоли пунктлари" ва ҳоказо.

Бу соҳада нидерландияликлар ва белгияликлар тажрибаси айниқса диққатга сазовор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Белгияда шаҳар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун илк бора 1915-йилда қабул қилинган.

Мамлакат минтақалари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий демографик ривожланишдаги номувқфиқликларни бартараф этиш, турли даражадаги ҳудудий жараёнларни тартибга солиш ҳамда ҳудудларни комплекс жиҳатдан ривожлантиришда давлат томонидан олиб борилаётга минтақавий иқтисодий сиёсатнинг аҳамият муҳим ҳисобланади. Минтақавий иқтисодий сиёсат- давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатичидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудлараро даражасини мумкин қадар яқинлаштириб беришдир. Аммо кўзда тутилган мақсадларга энг аввало иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш асосида эришилади. Бинобарин, ҳар қандай минтақавий иқтисодий сиёсат бу ҳудудий иқтисодий сиёсатдир, иқтисодий сиёсат эса кенг маънодаг ижтимоий-иқтисодий сиёсатдир. Маълумки, минтақавий иқтисодиёт фани асосан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни ўрғанади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш эса мамлакат миллий иқтисодиётининг умумий ҳолати, стратегик вазифалари билан белгиланади. Жумладан, ўтиш даврининг иқтисодиёти бу даврни мумкин қадар тезроқ бозор иқтисодий мустаҳкам ишлаб чиқариш, ҳуқуқий ва маънавий асосларини яратишни талаб қилади.

Минтақавий иқтисодиёт турли мамлакатларда ўзига хос бўлиб, барча давлатларга мос ягона андоза мураккаб жараён бўлиб, инафақат бевосита иқтисодиёт тизимининг ўзи, балки ички ва ташқи вазият, ижтимоий ва экологик ҳолатнинг қулайлиги, маънавияти ва мослашуви каби омилларга ҳам боғлиқ.

Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг АҚШ тажрибаси.

АҚШда минтақавий иқтисодий сиёсатни олиб борилишининг илк даври, биринчи жаҳон уруши уилларига тўғри келади. Саноатнинг юқори суръатларда ўсиши ҳудудий номутоносибликни ва илдам ривожланган индустриал марказларнинг сўн ишига олиб келади, натижада аҳолининг мигратсияси кучаяди. 1922 йилда мамлакатда "Шаҳарларни режалаштириш давлат қўмитаси" вужудга келади, бу қўмитанинг асосий мақсади йирик шаҳарларнинг ўсишини тўхтатишга қаратилган эди (бу қўмита маълум бир натижаларга эришгани йўқ, бироқ штатлар ўртасида транспорт коммуникатсияларини ташкил этилиши ва шаҳарларни режалаштириш методлари базасига асос солди¹⁸

Кўплаб мамлакатларда минтақавий иқтисодий сиёсат ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, турли ҳудудлар учун турлича қўлланилиши мумкин. Масалан, туғилишни камайтириш сиёсати ниҳоятда

¹⁸ Edgar M. Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR,2015,page 192

қатъий йўлга қўйилган Хитойнинг зичлик кўрсаткичлари анча паст бўлган Уйғур-Сянган автоном округи ва Тибет учун оилада бўлалар сони чекланмаган.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган узоқ муддатли дастурлар изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичида дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олди.

Япония минтақавий-иқтисодий сиёсати эр ва табиий ресурсларнинг чекланганлигидан, кишилар фаолиятини табиий шароит билан уйғунлаштириш зарурати ва мамлакат турли ҳудудлари аҳолисининг турмуши бўйича бир хил шароит яратиш талабидан келиб чиқади.

Умуман, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш жамият ва давлат олдида турган мақсад ва вазифалар, уларнинг миқёси ва амалга ошириш имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Японияда моддий ва молиявий ресурслар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кам ривожланган, "чекка" минтақаларга жалб этишнинг тез мослашувчан ва қулай усули барпо этилди.

Шу билан бирга, федерал ҳукумат солиқлар ва давлат грантлари орқали маҳаллий дастурларни (таълим, соғлиқни сақлаш, автомобил йўлларини қуриш) амалга ошириш натижасида минтақаларнинг иқтисодий- ижтимоий даражасини оширишга олибкелди. Айниқса, ўтган асрнинг 40-50 йилларида АҚШда рўй берган юқори даражадаги туғилиш (беби-бум), аҳолининг айниқса, қоратанли аҳоли саводсизлик даражасининг ва иқтисодий фаолигининг пастлиги, федерал дастурларда иқтисодий аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишга ва даромадларини кўпайтириш масалалари ижтимоий мақсадларнинг устивор йўналишларидан иборат бўлган.. Шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда хомашё, ёқилги, электр қуввати, сув ва иқлим шароитлари, меҳнат ресурслари, истеъмол ва транспорт, иқтисодий географик ўрин муҳим аҳамиятга эга бўлган. Экология, илмий-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти омилларининг бу борадаги роли ошиб бормоқда¹⁹

Минтақавий иқтисодий сиёсат объектларига, сиёсий- ҳудудий бирликлар (автоном республика, штат, вилоятлар, қишлоқ манзилгоҳлари), фавқулотда рўй берган табиий ва экологик фалокал зоналари, сиёсий келишмовчилик рўй бераётган ҳудудлар киради.

Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг самарали амалга ошиши ва оширилмаслиги, танланган ва илмий жиҳатдан асосланган минтақаларнинг ривожланиш стратегияси билан бевосита боғлиқ. Минтақавий иқтисодий сиёсат жуда кўп муаммолар эчимини қамраб олади, моддий ишлаб чиқариш

¹⁹ Edgar M. Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR, 2015, page 194

соҳаларини, аҳолининг бандлиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш, туризмни ривожлантириш ва ҳоказо. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади- мамлакат минтақалари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий номутоносиб ривожланишни юмшатишга қаратилган. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг асосий методларига қуйидагилар киради:

- Ёрдамга "муҳтож" минтақаларни ажратиш ва уларга нисбатан давлат томонидан минтақавий иқтисодий сиёсат олиб бориш; "депрессив минтақаларни" тиклаш; жадаллаштириш" сиёсати; "имтиёзлаш" сиёсати. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг мақсадларига эса:

-депрессив ва "муҳтож" худудларга молиявий рдам кўрсатиш

-имтиёзли шартларда қарз бериш ва солиқ белгилаш;

-давлат ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларини яратиш;

-мигрантсион оқимларни тартибга солиш киради.²⁰

10.3. Мустақиллик -йилларида Ўзбекистон минтақавий иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари

Республикаимиз иқтисодиётида ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа мамлакатлардаги сингари "самарали" усулни қўллаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб фойдаланилмаётган захиралар ишга туширилмоқда; янги корхоналар асосан коммуникатсиялар билан яхши таъминланган кичик ва ўрта шаҳарларга жойлаштирилмоқда; қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим шароитига мос экинлар экиш жорий этилмоқда.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин, биринчи навбатда бой табиий- иқтисодий салоҳиятга эга худуд ва шаҳарларни ривожлантириш, минтақалар иқтисодий тараққиётидаги тафовутларни камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқда саноатни, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини шакллантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, республикаимизнинг турли худудлари майдони, аҳоли сони, табиий-иқлим шароити, инфратузилма объектлари билан таъминланиши, шаҳарлашув даражаси, аҳолининг турмуш шароити ва бошқаларга кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, мамлакат маъмурий-худудий бирликлари ўртасидаги аҳоли зичлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент

²⁰ Edgar M.Hoover and Frank Giarratani "An Introduction to Regional Economics"/Pub BR,2015,page 199

вилоятининг Тошкент туманига тўғри келса (1 км² майдонда 767 киши), аксинча энг сийрак минтақа Навоий вилоятининг Томди тумани (1 км² майдонда 0,58 киши) ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани республика маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги бўйича энг олдинги ўринни эгаллайди. 2001-йил давомида бу эрда ҳар 1000 кишига нисбатан табиий ўсиш 26,9 кишига тўғри келган. Энг қуйи кўрсаткич эса Навоий вилоятининг Томди туманида 4,7 кишига тенг бўлган.

Аҳоли табиий кўпайишида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар яққол сезилиб туради. Хусусан йирик, саноатлашган ва маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам истиқомат қиладиган шаҳарларда аҳоли табиий кўпайиши қишлоқ жойларга нисбатан бир неча бор паст эканини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарларида табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичига нисбатан 3-5 марта камдир.

Тошкент шаҳрининг айрим туманлари орасида ҳам шундай тафовутлар учрайди. Жумладан, маҳаллий миллат вакиллари кўп истиқомат қиладиган Шайхонтохур туманида аҳолининг табиий кўпайиши Мирзо Улуғбек туманига нисбатан эса 3,7, Ҳамза туманига нисбатан 5,5 марта юқори.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони бўйича мамлакат маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида энг юқори ўринни эгаллайди. У эрда 335 минг киши истиқомат қилади. Бухоро вилояти қоровулбозор тумани эса, аксинча, аҳолиси энг кам ҳудуд ҳисобланади. У эрда 13,6 минг киши яшайди.

Умуман, ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатнинг минтақавий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг мана шундай алоҳида жиҳатлари албатта ҳисобга олиниши лозим.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий сиёсат, минтақа, табиий ресурслар, меҳнат, иқтисодиёт.

Мавзунинг такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Минтақавий иқтисодий сиёсат бу?
2. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг мақсадини?
3. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг асосий методларига нималар киради?
4. Минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги мақсадлари қандай вазифаларни ҳал этишга қаратилган?
5. Минтақавий иқтисодий сиёсат объектларига нималар киради?

XI БОБ. МИНТАҚАЛАР МОЛИЯСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Режа:

11.1. Худудий молиянинг моҳияти ва таркиби

11.2. Маҳаллий бюджет-маҳаллий бошқарув органлари асосий молиявий манбаидир

11.3. Бюджетлараро муносабатлар

11.1. Худудий молиянинг моҳияти ва таркиби

Худудий молия давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у турли даражадаги (вилоят, туман, шаҳар) маҳаллий бюджетлар, нобюджет фондлари, минтақа эҳтиёжини кондириш учун сарфланадиган хўжалик субъектларининг молиявий воситаларидан иборат. Худудий молия аҳолига ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш билан шуғулланади. Шундай қилиб, худудий молия - худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида миллий даромадни тақсимлайдиган ва қайта тақсимлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Худудий молия орқали давлат ижтимоий сиёсатни фаол амалга ошироқда. Минтақавий ҳокимият органларининг бюджетлари учун ажратилган воситалар асосида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат соҳаларини молиялаштириш амалга оширилади.

Минтақаларнинг молиявий ресурслари ёрдамида ҳукумат тараққиёти турлича бўлган минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштиради. Бундай тафовутларни бартараф этишда махсус минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш учун маблағлар муайян маъмурий-худудий бирликлар бюджетларининг даромад манбалари ҳамда юқори бюджетларнинг ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади.

Худудий молиявий воситаларнинг шаклланиш манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Маҳаллий бюджет
2. Мунитсипал мулк ҳисобланувчи корхоналарнинг молиявий ресурслари.

215-модда. *Мунитсипал мулк.* Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, мунитсипал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкрий комплекслар, халқ таълими,

маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк мунитсипал мулк бўлади.

Мунитсипал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар. Мунитсипал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин. Мунитсипал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

3. Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-маданий ва уй-жой-коммунал объектларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлари.

4. Худудий нобюджет фондлари

11.2. Маҳаллий бюджет - маҳаллий бошқарув органлари асосий молиявий манбаидир

Демократик давлат тузилишининг муҳим таркибий қисми маҳаллий давлат бошқарув органлари ва уларнинг фаолияти ҳисобланади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун, муайян мулк ва молия - бюджет ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида давлат молия фаолиятини амалга оширадилар.

Худудий давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми - бу маҳаллий бюджет ҳисобланади. "Маҳаллий давлат ҳокимият идоралари тўғрисида»ги қонуннинг II моддасига мувофиқ «Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, кредит ресурслари шунингдек Республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади". "Маҳаллий бюджет - давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия -йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади".

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий худудларни ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда илдамлаб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини ҳам ошиб боришига олиб келган, бунга сабаб асосан 1995-йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан

олдинги -йилларда Республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган кадрлар мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув юртлари харажатларини молиялаштирилишини берилиши давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини ортиб бориши ҳисобига ҳамда 1994-йилдан давлатнинг аҳолини ижтимоий химоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджетлар харажатларининг салмоғининг ошишига олиб келди.

Худудий ривожлантириш бюджети асосан қуйидаги манбалар ҳисобида шакллантирилади:

1. давлат мулкани хусусийлаштириш ҳисобидан тушган маблағлар ва бўш ишлаб чиқариш майдончаларини сотиш. Худудий ривожлантириш бюджет маблағлари асосида худудий инвестиция лойихаларини молиялаштириш ҳамда инвесторга давлат кафолатини бериш учун сарфланади. Ривожланган мамлакатларда бу кўринишдаги бюджет даромадлари минтақаларда тадбиркорлар ва инвестор учун қулай ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Айрим мамлакатларда эса маҳаллий банклар тузилади. Маҳаллий банклар маҳаллий хокимият органлари (шаҳар туман иштирокида тузилади) Банк устав капиталининг 51 %дан кам бўлмаган миқдорда) ва унинг назоратида бўлади. Маҳаллий банкларнинг асосий мақсади худуднинг ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга кўмак беришдан иборат. Маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар рискли бўлган жараёнлар ёки операциялар амалга оширмайди, балки маҳаллий мажбуриятларни молиялаштиришни кафолайди. Шу сабабли маҳаллий банклар даромад топиш эмас, асосан молиявий маблағларни самарали бошқаришни назарда тутди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетлар қимматли қоғозлар, хусусан, маҳаллий облигацияларни чиқариш ваколатига эга. Бу қимматли қоғозлар жорий даврда дефицитга йўл қўймаслик, инвестиция ресурсларининг етишмовчилигини бартараф этиш, юқори даромадли ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик фаолияти учун зарур инфратузилмавий шароитни яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Минтақада молиявий муносабатларнинг бошқарувдаги асосий вазифалари минтақа ижтимоий иқтисодий ривожланишининг материал ва молиявий мувозанатлини таъминлаш, бўш молиявий ресурсларни мобилизация қилиш, аҳоли пул даромадлари ва истеъмол бозор имкониятлари ўртасида мутаносибликни таъминлаш бўйича назорат ўрнатишдан иборат. Минтақа молиявий салоҳиятни

шакллантиришда ишлаб чиқариш ва тadbиркорлик фаолияти муҳим рол ўйнайди.²¹

Маҳаллий бюджетлар орқали халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасаларини, маҳаллий ҳокимият бошқарув органларини, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар молиялаштириб борилади. Шу билан бирга маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий қимоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий қимоя қилиш харажатларининг деярли 100% маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

11.3. Бюджетлараро муносабатлар

Бюджет ҳар бир давлат молиявий тизимининг асоси ҳисобланади, чунки бюджет барча молиявий тизимларни ягона бир тизимга бирлаштириб, давлатнинг жорий -йил учун турли хўжалик тармоқлари ва аҳоли билан ўзаро муносабатларини аниқлаб боради. Жамият ҳаётида бюджетнинг бундай ҳолати қонун кучи орқали таъсир кўрсатишига имкон беради. Шунинг учун ҳар бир давлат бюджети юқори, қонун чиқарувчи органи томонидан тасдиқланади, унинг даромад ва харажат қисмларини ижро этиш бюджет жараёни иштирокчилари учун муҳим ҳисобланади.

Давлат бюджети чуқур моҳиятини иқтисодий муносабатлар ташкил этади. Давлатнинг ҳар доим ўз вазифаларини бажариш жараёнида пул маблағларига зарурияти туғилади. Давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантира туриб солиқ тўловчилар ва бошқа солиқсиз манбаалар турлари билан ўзаро молиявий муносабатларга киришади. Бюджет жараёнининг иккинчи субъекти аҳоли ва корхоналар ҳисобланиб, уларнинг даромадлари бир қисми умумдавлат эҳтиёжларига сарф қилинади.

Ўз моҳияти бўйича бюджет - иқтисодий категория бўлиб, давлатнинг марказлашган молиявий ресурслар фондини тақсимлаш ва шакллантириш иқтисодий муносабатлари мажмуидир.

Маҳаллий бюджетнинг иқтисодий моҳияти улар бажарадиган вазифаларда ўз аксини топади. Улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- пул фондларини шакллантириш, яъни маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш;
- ҳудудий тармоқлар ўртасида ушбу фондларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш;

²¹ Edgar M.Hoover and Frank Giarratani “An Introduction to Regional Economics”/Pub BR,2015,page 210-212

- маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги корхона, ташкилотларни назорат қилишади

Бозор иқтисодиёти ривожланганда федерал давлатларда маҳаллий бюджетлар мустақил ҳисобланади, яъни давлат бюджети таркибига киритилмайди, улар консолидациялашган (умумлашган) бюджетга киради.

Бундай бюджетлар маблағларининг катта қисми ижтимоий мақсадларга йўналтирилади. Маҳаллий бюджетларга асосан иккинчи даражали солиқлар бириктирилган. Ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджетлар маҳаллий солиқ ва тўловлар ҳисобига мустақил шакилланади. Бюджет дефицити шароитида маҳаллий ҳокимият органлари давлат кредитларига, шунингдек маҳаллий заёмларга мурожаат қиладилар.

Унитар давлат сифатида Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар мутлақ мустақил ҳисобланмайди. Уларга бир қатор чекловлар

- маҳаллий бюджетлар балансли даромад ва харажатларга эга бўлиши керак. Маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди;

- маҳаллий бюджетларни тасдиқлашда ва ижро этишда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- (1) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбаалар ҳисобига жамғармаларни ташкил қилиш;

- (2) маблағ жалб қилишни амалга ошириш (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

- (3) бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлаш (ушбу қонундан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

- (4) бюджет маблағлари ҳисобига бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар бериш;

юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш

- мамлакат ҳудудларининг салоҳияти турлича ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тенгсизлик мавжуд;

- табиий офатлар (қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқалар), шу жумладан, улардан келган зарарлар ҳам маҳаллий бюджет зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ маҳаллий бюджетлар дефицити давлат бюджетидан олинган субсидиялар ва кредитлар ҳисобига тартибга солинади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- 1) маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа солиқсиз тушумлар;

- 2) қабул қилинган қонуний нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга йўналтирилган умумдавлат солиқлар;

- 3) давлат мулкани фойдаланишга беришдан тушган даромадлар;

4) қонунчиликка мувофиқ ворислик, ҳадя қилиш ҳуқуқи бўйича давлат тасарруфига ўтган пул маблағлари;

5) юқори бюджетлардан олинган субвенсиялар, дотациялар ва ссудалар;

6) юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек чет эл мамлакатларининг беғараз пул тушумлари;

7) қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ўз даромадлари ва тартибга солинадиган даромад манбааларидан ташкил топади.

Ўз даромадлари ёки бириктирилган даромадлар - бюджет ҳуқуқининг субъектига тегишли маблағлар, яъни бюджетга тўлалигича ёки қатъий ўрнатилган улушда доимий равишда юқори турган бюджетларни четлаб ўтиб тушадиган маблағлардир. Ўз даромадлар асосини маҳаллий солиқ ва йиғимлар, умумдавлат солиқларидан ажратмалар ташкил қилади. Тартибга солинадиган даромадлар - бу юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга уларни даромадлари ва харажатларини тартибга солиш (баланслаштириш) мақсадида ажратиладиган пул маблағларидир. Тартибга солинадиган даромадларига алоҳида умумдавлат солиқларидан ажратмалар, субвенсиялар, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори бюджетлардан олиннадиган маблағлар киради.

Маҳаллий бюджет даромадларига, шунингдек пул-буом, лотерея маблағларидан тушумлар, мусодора қилинган мулкни сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар кириши мумкин.

Шунингдек, маҳаллий бюджет даромадлари юқори бюджетдан дотация ва субвенсиялар олиш ҳисобига ҳам шаклланади.

Бюджет субвенсияси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратилади.

Бюджет дотацияси ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар этишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратилади.

Бюджет ссудаси юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетдан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва субвенсиялари маҳаллий бюджетларга қабул қилинган. Давлат бюджети доирасида ажратилади. Дотация ва субвенсиялар миқдори қуйидагилардан келиб чиқиб аниқланади:

1) ҳудудларнинг молиявий аҳволи (ўз даромадлар базасининг етарлигигини ҳисобга олган ҳолда);

2) ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа умумдавлат вазифалари ва дастурлари;

3) ҳудудлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг фарқланиши;

4) ҳарбир ҳудуд бўйича аҳоли сони;

5) ҳудудлар бўйича молиявий дисбалансни йўқотиш учун ҳисобга олинадиган бошқа омиллар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ўз даромад манбааларига манфаатдор бўлиши хўжалик юритиш ташаббусини кўрсатиш, бюджетга тўловларни ошириш имконини беради ва рағбатлантиради. Бироқ шу билан бирга, маҳаллий бюджетларнинг доимо ошиб бораётган харажатлари даромадлар етарли даражада ўсмаётганлиги шароитида ушбу бюджетларни давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу асосан юқори манбаалардан маблағларни ўтказиш ҳисобига амалга оширилади.

Ҳудудий ривожлантириш бюджети асосан, қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади: давлат мулкани хусусиялаштириш ҳисобидан тушган маблағ ишлаб чиқариш майдончаларини сотиш. Ҳудудий ривожлантириш бюджет маблағлари танлов асосида ҳудудий инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда инвесторларга давлат кафолатини бериш учун сарфланади. Ривожланган мамлакатларда бу кўринишдаги бюджет даромадлари минтақаларда тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Айрим мамлакатларда эса, маҳаллий банклар тузилади. Маҳаллий банклар маҳаллий ҳокимият органлари (шаҳар, туман) иштирокида тузилади (банк устав капиталининг 51 фоизидан кам бўлмаган миқдорда) ва унинг назоратида бўлади. Маҳаллий банкларнинг асосий мақсади ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга кўмак беришдан иборат. Маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар рискли бўлган жараёнлар ёки операцияларни амалга оширмайди, балки маҳаллий (мунитсипал) мажбуриятларни молиялаштиришни кафолатлайди. Маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизми қуйидагича:

1. Маҳаллий солиқлар.

2. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар.

3. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовутни қоплашга бюджет дотацияси.

4. Маҳаллий бюджетда кўзда тутилган мақсадли харажатларни амалга оширишга субвенсия.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, айтиш мумкинки Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий бюджетларга 6 солиқ тури

бириктирилган, яъни мазкур солиқлар тўлиғича маҳаллий бюджетларга туширилади.

Таянч сўз ва иборалар: Солиқ, бюджет, солиқларидан ажратмалар, маблағ, субвенсия, дотацияси, ссудаси, товар, молия.

Мавзунини такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Минтақаларнинг молиявий ресурслари деганда нимани тушунаси?
2. Маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизмига нималар киради?
3. Дотация ва субвенциялар миқдори қандай аниқланади?
4. Бюджет субвенцияси бу?
5. Бюджет дотацияси бу?

XII БОБ. МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Режа:

12.1. Минтақалар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари

12.2. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари

12.3. Минтақавий ўсиш назарияларини таҳлил этиш масалалари

12.1. Минтақалар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари

Ўтган асрнинг 70-йилларигача «иқтисодий ривожланиш» дейилганда мамлакатнинг ишлаб чиқаришни аҳоли ўсиш суръатларидан юқорироқ суръатларда ошириш қобилияти тушунилар, ривожланиш жараёнининг миқдорий ўлчови сифатида «иқтисодий ривожланиш даражаси» тушунчаси хизмат қилар, у мамлакат миллий даромадини унинг аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланар эди.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Демак, миллий даромадининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси шунчалик оша боради. Таҳлиллар кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги юқори ўсиш суръатларига эришган бўлсада, бу борадаги кўрсаткичларни узок

вақт сақлаб қола олишмаган. Чунки уларда иқтисодий ўсиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, «иқтисодий ривожланиш» тушунчаси сифат жиҳатидан бойитилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар нисбати, экспорт таркиби, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, эҳтиёжлари таркиби ва бошқалар билан ифодалана бошлади. Кейинчалик эса иқтисодий тадқиқотлар чуқурлашуви билан ривожланишга ижтимоий ва сиёсий омиллар сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи кўп қиррали жараён сифатида қаралди.

«Иқтисодий ривожланиш» тушунчаси ўтган асрнинг охириги чорагида мазмунан чуқурлашди. Бунга фан-техника инқилоби ва унинг таъсирида ишчи кучи сифатига қўйиладиган талаблар ошиши сабаб бўлади. «Инсон капитали» қўйилмалари самарали иқтисодий ўсишни таъминловчи обектив зарурат сифатида тан олинди.

АҚШ тажрибасида худудий ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш амаиёти. Мазкур фикр доирасидан кеиб чиққан холда таъкидлаш мумкинки, АҚШ минтақавий ривожланиши сиёсати аввало худудлараро номуносибликни бартараф этишда, аҳоли турмуш шароитлари, даромадлари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этишда, худудий хизматларни таклиф этишда, ривожланишнинг рақобатбардош субсидиялаштиришни шакллантиришда наморён бўлади.

АҚШ минтақавий ривожланиш дастурлари худудий ривожланиш ёки худудларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилади. Шу мақсадда амалга оширилувчи дастурларда худудлар қуйидаги муаммоли минтақаларга ажратилади:

1. Ривожланишнинг ўзини ўзи қўллаб қувватлаш босқичида тўхтаган, ривожлантиришдан ортга қолган худудлар.

2. Худудлараро рақобатчиликка секинлашган ва ўз ихтисослашувини янги меҳнат турига алмаштириш имконияти бўлмаган худудлар.

3. Кучли ривожланган ва аҳолиси ўта зич жойлашган худудлар. Мазкур турланиш асосида давлатнинг асосий худудий сиёсати шакллантирилади.

Бу эса давлатнинг худудий бирликлар ва ишчи кучи сифатини оширишга, аҳоли бандлигининг юқори даражасини сақлашга, субсидиялар ёки инвестицияларни қисқартириш маълумотлар ва хизматлар кўрсатиш тезлигини бошқариш изланишларни қўллаб қувватлаш маҳаллий ва худудимй инфратузилмага кўмаклашиш каби омилларни ўз ичига олган чоралар орқали худуд тизими ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказади.

Жаҳон банкининг маърузасида (1991-й.) иқтисодий ривожланишга инсон тараққиётига қаратилган жараён сифатида қаралди. Унда таъкидланишича,

«таракқиётнинг мақсади - ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади. Ҳаёт сифатининг яхшиланиши, хусусан, камбағал мамлакатларда, аввало, даромадлар кўпайиши ва фақат бугина эмас, балки, яхшироқ таълим олиш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш имкониятлари тенглиги, шахсий эркинликни кенгайтириш ва бой маданий ҳаётни кўзда тутари».

Юқоридаги таърифда шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳаёт сифатининг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига - мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб қўйилади.

Энди эса, «Худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасига таъриф бериб кўрайлик ва унинг ўзи нимани англатишини аниқлайлик. Таъриф беришдан олдин ушбу тушунчанинг зарурати нимада эканлигини кўриб чиқамиз.

Жаҳон тажрибасига кўра иқтисодиётни давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилгандагина эришилади.

Бунда республика ҳокимият органлари эътибори умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилиш, иқтисодиёт ривожланишининг истиқбўлли йўналишларини аниқлаш ва шу асосида фаолият юритиш, қонунни ҳимоя қилиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади. Шундай қилиб, худудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади.

Демак, худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан худудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида худудий сиёсат рўёбга чиқади. «Худудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлса-да ҳали унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу ўринда ундан «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» атамасига синоним сифатида фойдаланамиз, чунки худди шундай мазмун ғарб адабиётларида «худудий сиёсат» атамасига берилади.

Хуллас, «худудий сиёсат»нинг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, худудий сиёсат марказий (республика) ҳокимият органларининг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш мақсадидаги хатти-ҳаракатидир. Худудий сиёсатнинг бош мақсади - ижтимоий зиддиятлар юзага келишига замин яратувчи, мамлакат ёки

унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилувчи тенгсизликларни мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Давлат ҳудудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда ҳудудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;

- ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;

- атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;

- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш;

- ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;

- ўзини-ўзи бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантириш, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институтчионал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидага катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма - босқич яратиш;

- ҳудудлар иқтисодий тузилмасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражасига эришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- ҳудудлараро инфратузилмавий тизимларни (транспорт, алоқа ахборот ва бошқалар) ривожлантириш;

- экологик ва фавқулудда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар мавжуд ҳудудларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади.

Энди эса ҳудудий сиёсат воситаларини кўриб чиқамиз. Сиёсатни амалга ошириш воситалари сифатида микро ва макро даражада қўлланиладиган турли хил бевосита ва билвосита, маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар хизмат

қилади. Худудий сиёсатни амалга ошириш воситалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш;
- худудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан - тўғри иштироки;
- давлат буюртмаларини жойлаштириш;
- маҳаллий ҳокимият имкониятлари чегараланган фаолият соҳаларида худудларга ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот кўмагини кўрсатиш;
- иқтисодий механизм ва воситаларни қўллаш;
- эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш

Прогноз қилиш - худудий тараққиёт стратегиясини илмий асослаш ва худудий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисми, прогнозларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад - юз бераётган ва кутилаётган жараёнларнинг ривожланиши, худудий сиёсат ва уни амалга ошириш воситаларининг вариантлари, у ёки бу бошқарув қарорларининг оқибатларини баҳолашади. Минтақавий сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири давлатнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлари ҳисобланади. Уларга ҳозир ҳам, келажакда ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Худуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин.

Худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади. Худудий ривожланишнинг макроиқтисодий воситалари давлатнинг солиқ, кредит, инвестиция, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатнинг худудлар бўйича дифференциациялашган параметрлари сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

12.2. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари

Худудий назарияларни (шу жумладан, худудий сиёсат назарияларини) ўрганишга охириги ўн йилликларда нисбатан камроқ эътибор берилди. Тўғри,

худудий иқтисодиёт бўйича анчагина тадқиқотлар қилинди. Уларнинг натижалари китоб ҳолида нашр этилди. Аммо, худудий иқтисодиётнинг назарий асослари уларнинг айримларидагина кўриб чиқилди. Биз мавжуд худудий назарияларни минтақалар иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг амалий масалаларини ҳал этишда фойдаланиш имконияти нуқтаи назарида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Худудий сиёсат назариялари худудлар иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солиш йўналишларини шакллантиради. Бироқ бу назарияларнинг ўзинигина ўрганиш билан чегараланиб қолиш тўғри эмас, чунки улардан кўпи минтақаларнинг иқтисодий ўсиши назарияларига асосланган (бошқача қилиб айтганда, минтақаларнинг иқтисодий ўсиш суръатларида фарқлар юзага келишига сабаб бўлувчи омилларни аниқламасдан туриб, худудий сиёсат ҳақида гапириш нотўғри).

Худудий ўсиш назарияларини кўриб чиқишда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси - худудларда иқтисодий ўсиш моделларини қўллашади. Бундай моделларни мамлакат иқтисодиётининг ўсишини изоҳлаш учун ишлаб чиқилган моделларга ўхшатиш мумкин (development economics). Иккинчиси эса, алоҳида корхона ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил этишга асосланган. Чунки минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини, авваламбор, уларнинг фаолиятинигина белгилаб беради. Компаниялар ўз фаолиятини у ёки бу худудда олиб боришларининг сабаблари жойлаштириш назариялари орқали кўриб чиқилади. Таҳлил этилаётган назарияларни ишлаб чиқиш билан ҳам иқтисодий география мутахассислари, ҳам иқтисодчилар шуғулланишган. Чунки иқтисодий география билан худудий иқтисодиёт ўртасида аниқ чегара ўрнатишнинг иложи йўқ. Худудий назариялар соҳасида Россия иқтисодчилари ва географлари томонидан ҳам катта тадқиқотлар амалга оширилган. Улар асосан ғарб олимлари фикрларини ривожлантирганлар. Бу борада айниқса, университет худуд мактабининг ижтимоий ва иқтисодий география вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлганлар. Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский, И.А.Вити, Ю.Г. Саушкин каби олимлар ушбу йўналишни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлар.

Классик стандарт назариялар 1920-йилларда А.Предел ва Т.Паландер томонидан танқид қилинади. А.Предел мувафақиятли жойлаштириш жойларини кўрсатиб ўтган (яъни оптимал жойлаштириш жойини математик аниқлаш имкониятини инкор этган). Т.Паландер махсус (турли хил тармоқдаги корхоналар учун) ва умумий стандарт назарияларини таклиф этди. Жойлаштириш назариялари ривожланиши янги босқичининг (тахминан XX аср ўрталарида бошланган) кўзга кўринган вакиллари Август Лёш ва Девид Смит ҳисобланади. Уларнинг назариялари янги ёки неоклассик стандартлар билан

аталади (бу эрда «неоклассик» тушунчасининг неоклассик иқтисодиёт назариясига алоқаси йўқ). Неоклассик назариянинг классик назариядан фарқи шундаки, унда ишлаб чиқарувчилар оптимал ҳудудий жойлашувни таъминлай олувчи саноат ишлаб чиқариши жойлашувининг умумий назариясини яратиш мумкин эмаслигини тушуниб етишлари лозим. Унга кўра, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришнинг жойлашиш жойини танлаш субъектив амалга оширилади. Оптимал жойлаштиришнинг мезони соф фойдани максималлаштириш ҳисобланади. Статик назарияларнинг ривожланиши ҳозиргача давом этмоқда. Улар асосан корхонани жойлаштириш омиллари сонининг кўпайиши йўналишида амалга оширилмоқда. Ундан ташқари, бир заводли эмас, балки кўп заводли саноат фирмалари кўриб чиқила бошланди (Райнхолд Гроснинг 1980-йиллар бошларидаги ишлари). Айнан кўп заводли саноат фирмалари ҳаётда кўп бўлиб, аксарият ҳолларда уларнинг таркибига иқтисодиётнинг учинчи сектори корхоналари ҳам киради. Бундай компанияларда оптимал жойлаштириш муаммосига ёндашув бир заводли фирмаларга нисбатан тубдан фарқ қилади. Кўп заводли фирманинг асосий мақсади таркибидаги корхоналарни шундай жойлаштиришки, бундай жойлаштириш натижасида минимал ва компания фойдаси максимал бўлсин. Жойлаштиришнинг динамик назариялари, юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Биринчи содда динамик концепсия сифатида Х.Хотеллинг моделини айтиш мумкин. У 1920-йиллардаги ишида ўзаро рақобатлашадиган иккита ишлаб чиқарувчи корхонани оптимал жойлаштиришни исботлаб берган. Динамик назарияларда статик назариялардан фарқли равишда кўпроқ кўп заводли компаниялар кўриб чиқилади. Р.Вернонинг маҳсулот ишлаб чиқариш даври концепциясини гарчи, у минтақавий назария доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ҳам, жойлаштиришнинг динамик назарияси деб ҳисоблаш мумкин (1960-йилларда пайдо бўлган). Вернонинг асосий тезиси шундан иборатки, ҳар бир маҳсулот чегараланган ҳаётий даврга эга бўлиб, шу даврда ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уни оптимал жойлаштиришда ўзгаришлар рўй бериб туради. Маҳсулотнинг ҳаётий даври бир қанча босқични (ишлаб чиқариш, ўзгартириш, улғайиш, стандартлаштиришни) ўтайди. Улар бир-биридан жойлаштиришнинг асосий омилларидаги нисбатлари билан фарқ қилади.

Ҳозирда динамик назариялар сони кўп эмас. Динамик концепсиялар доирасида саноат фирмаларининг ҳудудий ривожланиш босқичлари ажратилади. Ҳар бир босқичда компаниялар ўз фаолиятини жойлаштиришнинг турли мезонларидан фойдаланишади. Масалан, Стоппер ва Уолкер бундай босқичларнинг тўрттасини ажратади. Биринчиси - «локализация» - янги саноат фирмалари ва корхоналарнинг янги ҳудудларда жойлашуви. Иккинчиси -

«селектив субурбанизация» - дастлаб танланган ҳудудларда бозор ҳолатлари мустаҳкамланган сари ушбу фирмалар қувватларининг ошириб борилиши. Учинчиси - «дисперсия» - саноат фирмаларининг четга (периферияга) томон ҳаракати. Ниҳоят, тўртинчиси - «жойлашувчи оғирлик марказларини кўчириш» - саноат тузилмасининг янгилиниши таъсири остида ишлаб чиқаришни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришди. Масалан, технологик янгиликлар асосида, талаб тузилмасининг таркибий ўзгариши ҳисобига, эски тармоқ ва ишлаб чиқариш эволюцияси натижасида. Фирмалар - янгилиниш жараёнининг ташувчилари кўпинча олдин пайдо бўлган йирик саноат марказларидан ташқари жойлашадилар. Бу эса жараёни яна «локализация» босқичига қайтаради.

12.3. Минтақавий ўсиш назарияларини таҳлил этиш масалалари

Ҳудудий ўсиш назариялари таҳлилинини бошлашдан олдин, у билан боғлиқ иккита масалани кўриб чиқиш зарур. Биринчиси - «ўсиш» ва «ривожланиш» категорияларининг нисбатлари, иккинчиси - ўсиш муаммолари кўриб чиқиладиган минтақалар чегараларини аниқлаш «Ўсиш» ва «ривожланиш» мезонларининг ўзаро нисбатларини аниқлашга келадиган бўлсак, давлат томонидан тартибга солишнинг умумийроқ этилган асосий мақсади оддий ўсиш эмас, балки ривожланиш ҳисобланади. Бу ҳақда П.Самуелсон шундай деган эди: «ишлаб чиқаришнинг фақатгина оддий миқдорий ўсишига интилиш керак эмас (ҳатто аҳоли жон бошига ҳам). У билан бирга жамиятнинг ҳамма ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ички ривожланишига эришиш зарур». (Кейинчалик эса кўпинча олимлар шу нарсани таъкидлашадики, назоратсиз миқдорий ўсиш бутун инсониятга хавф солиши мумкин. Чунки у экологик, энергетик, хомашё ва бошқа глобал муаммоларни туғдиради.

Шунга қарамай, ҳудудий назариялар доирасида ва асосан ҳудудий сиёсатнинг амалий чора-тадбирларини амалга оширишда гап кўпроқ иқтисодий ўсиш ҳақида боради. Биринчидан, «иқтисодий ўсиш»ни «ривожланиш»га қараганда миқдорий баҳолаш мумкин. Шунинг учун ҳам уни тадқиқотлар ва амалиётда қўллаш анча осон. Иккинчидан, бир мамлакат доирасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги ҳудудий тенгсизликлар ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпгина тадқиқотчилар «ўсиш» деганда «ривожланиш»ни тушунадилар.

Ҳудудий ўсиш назарияларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш вазифасига асосланган неоклассик назариялар, иккинчисига некейнсчилар, институтчионаллар ва иқтисодчи - географияшунослар моделларининг синтези бўлган кумулятив ўсиш

назариялари киради (аниқроқ қилиб айтганда эса, биринчи бўлиб кумулятив ўсиш моделини институтсионалистлар таклиф этишган, сўнг уни иқтисодчи-географияшунослар ривожлантиришган, неокейнсчилар эса Худудий сиёсат тадбирларини амалга оширишда унга таянишган).

Неоклассик мактаб ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда худудий ўсиш суръатларидаги фарқлар йўналишидаги дастлабки тадқиқотлар умуммиллий иқтисодий ўсишни тушунтиришда фойдаланилган назарияларга асосланган. Ушбу усулни биринчи бўлиб Дж.Борс қўллаган. Бундай ёндашув 1960-йилларнинг ўрталаригача машҳур бўлган, ундан ҳозирги пайтда ҳам фойдаланилади. Бу ерда асосий эътибор иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтирилган омилларга қаратилади.

Ушбу ёндашувга кўра, худудий ўсиш параметрлари табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва малакаси, капитал захираси ва технология даражаси билан аниқланади. Ўсишнинг кўпгина охириги неоклассик моделларида дастлабки моделлар каби капитални инвестициядан келадиган даромад кам, юқори ривожланган худудлардан келадиган инвеститсион даромади юқори бўлган, суст ривожланган худудларга кўчириш йўли билан худудлар ўртасидаги фарқларни камайтиришга интилишлар мавжуд. Аксинча, иш ҳақи даражаси паст худудларда даромадлар камроқ бўлади, шунинг учун ҳам меҳнат ресурслари кўпроқ ривожланган худудларга кўчиб ўтишади. Бироқ охириги неоклассик моделларда худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бир-бирига яқинлаштириш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашилган. А.Лешнинг фикрича тенглаштириш фақатгина стихияли бозор кучлари орқали жуда ҳам секин амалга ошади. Кумулятив ўсиш назарияларида асосий модел муаллифлиги Г.Мтордалга тегишли. Кўп ҳолатларда у мамлакатлар мисолида, қай тарзда ихтисослашув ва миқёс самараси ёрдамида арзимас устунликларга эга бўлган худудлар вақт ўтиши билан уни кўпайтиришлари мумкинлигини кўрсатади. Ушбу ёндашувдан шундай хулосага келиш мумкинки, ўсиш марказлари (кутблари) каби худудлар устунликлари уларнинг тез ривожланишини таъминласа, бир пайтнинг ўзида кам ривожланган минтақалар орқада қолиши янада чуқурлашиши мумкин. Ушбу концепсия Н.Колдора ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида математик кўринишга келтирилган. Ўзига хос «ўсиш кутблари», йирик саноат марказларига айланаётган шаҳарлар тўпламининг шаклланиши ҳақида Х.Ричардсон ҳам ёзган. Унинг фикрича, айнан худудий агломератсион тежам муҳити бунда муҳим рол ўйнайди. У техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини рағбатлантиради, корхоналарни жойлаштириш жараёнларига кучли таъсир кўрсатади. Ричардсон модели асосида неоклассик моделдаги каби вазифа ётади. У ўсиш суръатлари билан

капитал жамғариш суръатлари, меҳнат таклифининг кўпайиши ва техника тараққиёти тезлиги ўртасидаги алоқаларни акс эттиради. Дж. Фридман фикрига кўра, иқтисодий ўсиш кўпроқ шаҳарларда юз беради (бирок олимлар-урбанистлар фақатгина устунликларни эмас, балки йирик шаҳарларнинг камчиликларини ҳам айтиб ўтадилар). Фридман «марказ-периферия» назариясининг классиги ҳисобланади. У мамлакатда ўсиш марказлари (улар «ядро»лар деб аталади) шаклланишининг тўрт босқичини ажратади:

- ўз атрофидаги Худудларга кам таъсир кўрсатувчи локал ядроларнинг мавжудлиги.

- кенг периферияга таъсир кўрсатувчи ва ўсиш кутбларини шакллантирувчи энг кучли ядронинг пайдо бўлиши.

- ўсиш кутбларида потентрик тузилма шаклланишига олиб келувчи яна кўпгина ядроларнинг ривожланиши.

- ядроларнинг баққуват периферияга эга урбанистик полиареал тузилмага айланиши.

- чекка (периферия) худудларнинг (ривожланиш марказида ва улардан ташқарида бўлган) ривожланишини тасвирлашда Дж. Фридман, Т.Хегерstrand ва бошқа қатор олимлар таклиф этган «янгиликлар диффузия»си схемасидан фойдаланилади.

Ж.Р.Будвил ўсиш кутблари назариясини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. Унинг концепциясига кўра, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида бир хил бўлавермайди. Ҳар доим динамик, яъни «пропульсив» деб аталувчи тармоқларни ажратиш мумкин. Улар бутун иқтисодиётнинг ривожланиши учун рағбатлантирувчи ҳисобланади ва «ривожланиш кутблари» сифатида намоён бўлади. В.Леонтевнинг «харажатлар - ишлаб чиқариш» типидagi ўзаро алоқалар тизими орқали янгиликлар самараси бутун иқтисодиётга тарқалади. Ишлаб чиқариш концепцияси жараёни ҳисобига, «пропульсив» тармоқлар аниқ бир нуктада (раёнда) - «ўсиш марказларида (кутбларида) тўпланади». Ж.Р.Будвил В.Кристаллернинг марказий ўйинлар назариясига асосланган ҳолда уларнинг иерархиясини таклиф этди. Ўсиш кутблари орасида қуйидагилар ажратилади:

- учинчи сектор тармоқларида ихтисослашувчи ва яқинидаги қишлоқ жойларига хизмат кўрсатувчи кичик «классик» шаҳарлар;

- қайси худудларнинг иқтисодий ривожланиши давлат томонидан рағбатлантирилиши керак ва нима учун ташқи таъсирлар ҳисобига ривожланаётган, диверсификацияланган иқтисодий тузилмага эга ўрта катталиқдаги саноат корхоналари;

- пропульсив тармоқларни ўз ичига оловчи, иқтисодиёт тузилмаси ривожланган йирик шаҳар агломератсиялари;

- бир қанча шаҳар тизимларини қамраб олувчи ва ҳудудий тузилмалар эволюциясини аниқлаб берувчи интегралсия қутблари.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш (ёки ҳудудий сиёсат) назариялари қуйидаги иккита асосий саволга жавоб бериши керак:

- қайси ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши давлат томонидан рағбатлантирилиши керак ва нима учун бошқача қилиб айтганда, ҳудудий сиёсатнинг мақсадлари ва объектлари қандай бўлиши керак, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати борми?

- танланган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш усуллари қандай бўлиши керак?

Биринчи саволга жавоб ҳудудий ўсиш назарияларидан келиб чиқади. Неоклассик назариянинг асосий хулосаси шундан иборатки, вақт ўтиши билан минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши даражаси тенглашади. Ҳудудий назариялар ривожланишининг дастлабки босқичида ушбу илмий мактаб тарафдорлари, ҳудудлар иқтисодий ривожланишига давлатнинг аралашуви мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келишади. Бироқ шу билан бирга улар, табиийки, ижтимоий масалаларни ҳал этиш муаммоли ҳудудларга молиявий ёрдам кўрсатиш заруратини инкор этишмаган.

Кумулятив ўсиш назарияси тарафдорлари эса, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқлар камайиши ёки кўпайишини ҳисобга олиб, аксинча, фаол ҳудуд сиёсатини олиб боришни таклиф этишган. Ҳудудий сиёсатнинг ҳудудлар иқтисодий ривожланиши даражасидаги фарқларни камайтириш мақсадида улар шакллантирилган (ёки бошқача қилиб айтганда, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини текислаш; бу ерда «текислаш» деганда, тенгликка эришиш эмас, балки фарқларни камайтириш тушунилади). Бундан келиб чиқадикки, давлат анча орқада қолган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириши керак.

Даставвал, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш назариялари ушбу иккита ёндашув билан чегараланар эди. Бироқ бунда неоклассик назария тарафдорларининг фикрлари амалий тасдиғини топмас-қисқа муддатда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишидаги фарқлар йўқолмас эди. Шунинг учун ҳам давлатни ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига у ёки бу даражада аралашушига тўғри келар эди. Г.Камерон уч оқимни ажратади: биринчиси - «неинтервалистлар» бўлиб, улар ҳудудий ўсишга давлат томонидан аралашуш заруратини инкор этадилар; иккинчиси - «адапторлар» бўлиб, улар стихияли бозор кучларини камайтириш ва ишчи кучи миграцияси ҳамда инвестицияларни рағбатлантириш ҳисобига табиий

жараёнларни тезлаштириш йўли билан ҳудудлар ривожланишига унча сезиларли бўлмаган тўғрилашлар киритиб туриш тарафдори; учинчиси - «радикал қайта қурувчилар» бўлиб, интенсив тартибга солишни амалга ошириш тарафдорлари бўлишган. «Адапторлар» ғоясининг моҳияти давлатнинг тартибга солиш вазифаси сифатида табиий жараёнларни уларнинг йўналишини ўзгартирмасдан туриб тезлаштиришдан иборат. Янада аниқроқ айтганда, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш хусусий компаниялар манфаатлари корхоналарни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг умумий йўналишларига мос тушганда самарали бўлади. Бу эса, саноати ривожланмаган ҳудудларда саноатини ривожлантириш учун шароитлар мавжуд ёки бундай шароитлар пайдо бўлаётганда юз беради. Улар эса давлатнинг мақсадли сиёсати билан мустаҳкамланади. Ҳудудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларининг «пионерлари» С.Деннисон ва А.Леш ҳисобланади. Улар ривожланишни тартибга солишда ўзаро тубдан фарқ қилувчи иккита концептуал ёндашувга асос солишган. С.Деннисонни «фаол қайта қурувчиларга» киритиш мумкин, А.Лешни эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек «адапторлар» га. С.Деннисон урушдан олдинги Буюк Британия учун жиддий муаммо бўлган депрессив ҳудудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу усуллар саноатга янги капитал қўйилмаларини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

А.Леш ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни анча кенг соҳалар бўйича кўриб чиққан. Шу билан бирга у ҳудудий иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солиш қобилятларини юқори баҳолаган. У муайян ҳудудларда табиий жараёнларнинг кечишини енгиллаштирувчи чора-тадбирлардан танлаб фойдаланишни таклиф этган; ишлаб чиқаришни кўчириш, рақобатни рағбатлантириш учун имтиёзли шароитлар яратиш тарафдори бўлган ҳамда инвестиция киритишнинг энг яхши йўналишлари ҳақида ахборот берувчи марказий бюро яратишни таклиф этган. Буларнинг ҳаммаси, Лешнинг фикрига кўра, ҳудудий нотенгликларни текислашнинг етарли шarti бўлган капитал мобиллигини оширишга олиб келади. Деннисондан фарқли равишда А.Леш қолоқ ҳудудларда инвестицияларни рағбатлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламаган. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, 1940-йиллар охирида ҳудудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солиш назариялари ривожланишига Э.Гувер ҳам сезиларли ҳисса қўшган. У давлатнинг тартибга солиш мақсадларига хусусий корхоналарни мукамал жойлаштириш, муаммоли ҳудудлар иқтисодиётига таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқариш ўсишини рағбатлантириш ва ҳудуд

иқтисодий тузилмасини яхшилашни киритган. Э.Гувер тартибга солиш чора-тадбирларини икки гуруҳга ажратган. Биринчиси - қайтарувчи бўлиб, улар стихияли бозор кучлари фаолиятининг салбий оқибатларини юмшатиш; иккинчиси - олдини олувчи ҳисобланиб, улар узоқ истиқболда бандликнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган. У шу билан бирга иқтисодий конъюнктура ҳолатига қараб, иқтисодиётнинг турли тармоқларига нисбатан селектив (танлама) тартибга солишни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Бироқ, Э.Гувер узоқ муддатли тартибга солишнинг муҳимлиги ҳақида тўхтала туриб, ҳудудий чора-тадбирларни биринчи навбатда қисқа муддатли, акселдавий тартибга солиш билан боғлаган. Шундай қилиб, ҳудудий назарияларни ўрганиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва амалга оширилаётган ҳудудий тартибга солиш тадбирлари учун услубий восита бўлиб хизмат қилади. Бу албатта, ушбу йўналишга эътибор кучаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади. Улардан самарали фойдаланиш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий ривожланиш, инвестиция, минтақа, диверсификация, ресурслар, меҳнат, иқтисодиёт, миллий даромад.

Мавзунини такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Иқтисодий ривожланиш дейилганда нимани тушунасан?
2. Иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунасан?
3. Ҳудудлар қандай муаммоли минтақаларга ажратилади?
4. Мамлакатда ўсиш марказлари шаклланишининг нечта босқичга ажратилади?
5. Ҳудудий ўсиш назарияларини нечта гуруҳга ажратиш мумкин?

ХШ БОБ. МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Режа:

- 13.1. Худудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурияти.
- 13.2. Минтақаларнинг ривожланиш концепсиялари ва асосий тамойиллари.
- 13.3. Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари.

13.1. Худудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурияти.

Жамият тараққиётининг глобаллашув босқичида мамлакат минтақаларини мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш, шунингдек миллий иқтисодиётнинг худудий жиҳатдан оптимал таркибий тузилмасини шакллантириш макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий тараққиётни таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида давлат минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кескин номутаносибликларнинг юзага келмаслиги учун ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда худудлараро мутаносибликни сақлаб туришга йўналтирилган муайян чоратадбирларни қўллаб келди. Айни пайтда, йирик давлат инвестициялари минтақаларнинг стратегик муҳим минерал - хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашга, мавжуд демографик салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йўналтирилди. Пировард натижада минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муайян ижобий силжишлар юз берди ва маълум даражада барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди. Хусусан, янги саноат марказлари ва минтақаларда иқтисодий ҳолатларини тубдан ўзгаришига сабаб бўлган замонавий йирик корхоналарнинг бунёд этилиши сустр ривожланган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг бирмунча жадаллашувига олиб келди. Миллий иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, яъни иқтисодиётда давлат сектори улушининг сезиларли даражада қисқариши шароитида иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг бевосита иштироки сусайишига олиб келмоқда. Бундай шароитда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида давлатнинг тартибга солиштизмани такомиллаштириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар олимларининг асарларида худудий стратегияларни ишлаб чиқишнинг

муаммоли-аналитик асослари яратилган ва стратегик дастурлашнинг назарий - методологик масалалари бирмунча ёритилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида минтақаларнинг ривожланиш концепсиялари, стратегиялари ҳамда дастурларини узоқ муддатли истиқбўлга ишлаб чиқишнинг назарий методологик асослари аста-секин ривожланиб келмоқда. Стратегияларни ишлаб чиқишнинг мавжуд хорижий тажрибалари федератив давлатлар маълумотларига асосланган. Шу боисдан ҳам уларда яратилган методологиядан бизнинг шароитимизда тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, уларнинг илмий амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларда илгари сурилган назарий-услубий ёндашувлардан, шароитимизга мослаган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Концепсия мамлакатнинг стратегик мақсадлари, вазифалари ва эҳтиёжлари ҳақидаги тизим каби ҳудудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришда биринчи қадам ҳисобланади. У бевосита стратегиянинг тамойиллари, механизмлари ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш шарт-шароитларини яратиш тизимини намоён этади.

Ҳудудий ривожланиш стратегиялари, концепциялари минтақавий ривожланишга оид классик ва замонавий назариялар, ҳудудий ривожланишни бошқариш ва дастурлаштириш борасидаги хорижий ҳамда ватандош иқтисодчи олимлар асарлари, шунингдек иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижалари асосида ҳосил қилинган тажрибаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади. Концепсияларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг устивор йўналишлари асосий ўзак вазифасини ўтайди.

Минтақавий иқтисодиётда “қутбив ривожланиш” ҳамда “минтақавий тенглаштириш” каби парадигмалар мавжуд. “Тенглаштириш сиёсати” собиқ иттифоқнинг географик сиёсатида кенг қўлланиб келинган. Ушбу концепциядан Европа Иттифоқи давлатларида ва Япония каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Масалан, эл минтақалами “тенглаштириш” ва яқинлаштириш сиёсатини қўллаб келади. Германияда немис миллати бирлигини таъминлаш мақсадида ғарбий ва шарқий ҳудудларни тенглаштириш сиёсати олиб борилади.

Ҳозирги вақтда Европа минтақавий сиёсатида “тенглаштириш сиёсати”ни замонавий модификацияси ҳисобланмиш “бирдамлик (жипслик) сиёсати”ни (Соҳесион Полисй) ҳаётга тадбиқ этиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ҳамда Россия Федерациясининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари лойиҳасида минтақавий тенглаштириш сиёсати ўрнига “қутбий ривожланиш” ҳамда “локомотив минтақа(таянч минтақа)лар”ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилади.

“Локомотив минтақа” концепцияси тарафдорлари, бозор иқтисодиёти ислохотларининг ва иқтисодий ўсишнинг салбий ҳосиласи бўлмиш минтақавий дифференциациядан чўчимасликни ўқтиришга ҳаракат қиладилар.

“Қутбий ривожланиш” ҳамда “локомотив минтақа” концепцияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳудудий ривожланишдаги фарқларнинг кучайишига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам иқтисодиётни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига ва қолаверса, давлатнинг иқтисодий сиёсатига зид келади.

Бугунги кунда “тенглаштириш сиёсати” асосан ривожланган мамлакатларда қўллаб келинмоқда. Бизнинг минтақаларимизнинг ривожланиш даражаси мазкур концепсиядан фойдаланиш имкониятини бермайди. Ундан бирмунча модернизациялаштирилган ҳолда иқтисодий ўсишнинг бир хилдаги шароитларини таъминлашда, минтақаларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси ривожланиш даражаларини тенглаштиришда фойдаланиш мумкин. Минтақаларнинг ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқишда Европада 70-йилларда иқтисодий инқироз сабабли кенг тарқалган маҳаллий ривожланиш (ўсиш) назариясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур назария моҳиятан ҳудуднинг ривожланиш самарадорлигини, унинг маҳаллий иқтисодий салоҳияти ҳамда инвестицион жозибадорлигини ва маҳаллий даражадаги тадбиркорликни рағбатлантира олиш имкониятларини очиб беришга йўналтирилган.

Минтақавий иқтисодда қутбий ривожланиш назарияси минтақавий сиёсатнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи ягона назария ҳисобланади. Ф.Перру ва Ж. Р.Будвил илмий изланишларида ривожлантирилган қутбий ривожланиш назарияларига кўра мамлакатнинг султ ривожланган минтақаларида “ривожланиш нуқталари”ни шакллантириш асосида саноатнинг жадал ривожланишига эришиш мумкин. Ҳудудий оқилона жойлаштирилган бир нечта саноат корхоналари бошқа корхоналарнинг шаклланишига, яъни минтақанинг ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ва табиий иқтисодий салоҳиятидаги фарқлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда ҳудудий ва таркибий устувор йўналишларни, инвестиция сиёсатини қайта қуришни, шунингдек уларнинг

ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни инобатга олинишини талаб этади.

Шу боисдан ҳам минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини асослашни қуйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Мамлакат миқёсидаги ҳудудий ривожланишнинг умумий стратегияларидан самарали фойдаланиш мақсадида барча алоҳида минтақаларнинг стратегиялари уларни обектив таққослаш имкониятини таъминлаш учун таркибий ва методологик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Минтақаларнинг ривожланиш концепсиялари ва асосий тамойиллари. Ўзбекистоннинг ҳудудий ривожланиш стратегияси жаҳон амалиётида қўлланилаётган, шу билан бирга иқтисодий ислохотларнинг миллий модели устувор йўналишларини ҳисобга олувчи методологик ёндашувларга ва тамойилларга таяниши шарт. Ҳудудий ривожланишнинг ягона мажмуали стратегиясини ишлаб чиқиш тамойилларига қуйидагилар киради:

- мамлакатнинг барча ҳудудларида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга ва ягона иқтисодий сиёсатни тадбиқ этишга, миллий эҳтиёжларни қондиришга, ягона умумдавлат бозорини шакллантиришга бўлган давлат эҳтиёжинингустуворлиги;

- ишлаб чиқаришни ҳудудий хом ашё манбалари, энергия ва меҳнат ресурслари, истеъмолчиларга яқинлаштиришни, шунингдек маҳаллий шароитни инобатга олиш асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этишни кўзда тутувчи тармоқ ва ҳудудий ривожланиш тамойилларининг уйғунлиги;

- ҳудудлар иқтисодиётининг оқилона таркибини шакллантиришни, маҳаллий шароит ва аҳоли талабларининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда алоҳида тармоқлар ва йўналишларни ривожланишини таъминловчи мажмуалилик ва мутаносиблик;

- минтақаларнинг мажмуали ривожланишини таъминлашда ҳудудий органлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, фуқаролик жамиятлари ўрни ва масъулиятини ошира бориш;

- аҳолининг яшаш жойидан қатъий назар бир хил шароит яратиш, минтақаларни аҳоли даромадларини хизмат кўрсатиш соҳаларига нисбатан тезроқ ўсиши ва аҳолини оқилона бандлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижтимоий кафолатлаш.

Ҳудуд ривожланишини стратегик прогнозлаштиришнинг биринчи босқичида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, яъни ҳудуднинг ривожланиш муҳити таҳлил етилади. Мазкур босқичнинг асосий мақсади мавжуд ҳолатни обектив баҳолаш ва имкониятларни аниқлаш асосида

истикбўлдаги “ўсиш нуқталари”ни асослаб бериш; ҳудуднинг бошқа ҳудудларга нисбатан глобал жараёнларга муносабатини аниқлаш; ҳудуддаги мавжуд ресурслар (меҳнат, моддий, интеллектуал) салоҳиятини баҳолашдан иборат.

Ҳудудий ривожланиш стратегиясининг мақсад ва вазифалари мавжуд вазиятни, омил ва имкониятларни, шунингдек минтақадаги аниқланган муаммолар ва диспропорцияларни чуқур таҳлил этиш асосида белгиланади. Таъкидлаш жоизки, стратегия “ҳудудий адолат”ни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасидаги ҳудудий ранг-барангликни қисқартиришга эришиш мақсадида тузилиши лозим.

Ҳудудий ривожланиш стратегиясининг бош мақсади - мамлакатнинг барча минтақаларини мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун шароит яратишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши талаб этилади:

- минтақанинг умумий ижтимоий-иқтисодий шароитини баҳолаш, амалга оширилаётган ислохотларнинг натижавийлигини аниқлаш, асосий ривожланиш жараёнларини, иқтисодий ўсишнинг муаммо ва заҳираларини аниқлаш;

- ҳар бир минтақанинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида мавжуд табиий, минерал хом ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, меҳнат салоҳиятидан мажмуали ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш, минтақанинг истикболдаги ихтисослашув тармоқ ва соҳаларини, иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш;

- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос ҳолда таянч саноат тармоқлари ривожланишининг стратегик дастурларини: нефт-газ тармоғи ривожланиш дастури, электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, шунингдек, энергия тежамкорлиги дастурларини амалга ошириш;

- барқарор ва хавфсиз иқтисодий ривожланишни, минтақалараро интеграцияни кенгайтириш имкониятини берувчи, мамлакат учун ягона транспорт ва телекоммуникация маконини яратишни ниҳоясига етказиш;

- инвестицион лойиҳалар, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва мамлакатнинг ўсиб келаётган аҳолиси эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган энергия тежовчи, сув ва газ таъминоти тизимларини ривожлантириш;

- аҳоли ва корхоналар даромадларини ошириш ҳисобига ички бозор сиғимини кенгайтириш;

- минтақалар ва корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш;
- минтақалар демографик эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ижтимоий инфраструктура тармоқларини ривожлантириш;
- дастурларни амалга оширишда хусусий сектор, хорижий инвесторлар ва давлатнинг молиявий ресурсларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил этиш асосида республика иқтисодиётининг худудий таркибидаги жараёнлар, ижобий ўзгаришлар, минтақаларнинг мажмуали ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ муаммо ва худудий фарқлар, ички заҳира ва имкониятлар аниқланади. Минтақаларнинг барқарор, мутаносиб ва мажмуали ривожланиш омиллари, шароитлари ҳамда имкониятлари минерал хом ашё ва ёқилғи-энергетика базаси, ер-сув ресурслари, демографик салоҳияти ва бошқа маҳаллий ресурсларнинг прогноз баланслари асосида аниқланади. Булар минтақалар иқтисодиётини алоҳида тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг реал имкониятларини очиб беришга хизмат қилади.

Ҳар томонлама илмий асосланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини мажмуали ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланади. Уларда таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш ва жойлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси, атроф-муҳит муҳофазаси, минтақаларнинг устувор йўналишлари, молиявий барқарорликни таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш каби жиҳатларга алоҳида урғу берилади. Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари.

Минтақа иқтисодиёти мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади ва худудий меҳнат тақсимотига мос равишда ривожланади. Худудий меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади ва мамлакатнинг турли минтақаларини у ёки бу саноат ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ёки бир вақтнинг ўзида бир қанча тармоқларга ихтисослашувини белгилаб беради. Меҳнатнинг мамлакат минтақалари бўйича худудий оқилона тақсимланиши минтақаларни барқарор ривожланишини таъминлаш шароитларидан ҳисобланади. Ҳар бир минтақа фақат ўзига хос бўлган бозор иқтисодиёти ихтисослашувини шакллантириши ва иқтисодий алоқалар орқали бошқа минтақалар билан маҳсулот айирбошлаши мумкин.

Шу боисдан ҳам стратегияларни ишлаб чиқишда минтақаларнинг маҳаллий ресурслари имконият ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболдаги хўжалик ихтисослашувини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Оқилона худудий ихтисослашув йўлини танлаш зарур. Ҳар бир

минтақа ўзининг минтақавий бозорига эга бўлиши ва шу билан бирга ўзидаги етакчи тармоқлар маҳсулотларини мамлакат ва жаҳон бозорига олиб чиқиши лозим. Таъкидлаш мумкинки, муайян географик муҳитда мамлакатнинг мазкур ҳудуди иқтисодий салоҳиятини ўзида намоён эта оладиган хўжалик структураси шаклланади. Ҳудудларнинг нисбатан ўзига хослиги ва барқарорлиги ҳам минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Минтақанинг оптимал ривожланиш стратегиясини ҳудуд иқтисодий салоҳиятини ҳар жиҳатдан инобатга олган ҳолда танлаш мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ва ишлаб чиқариш кучларини сақлаган ҳолда, ҳудуд ресурсларини қайта ишлаш жараёнига жалб этиш имкониятини беради.

Минтақалар иқтисодий ривожланиш стратегияларини танлашда маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда узоқ муддатли самара олишни таъминлаш имконини берувчи минтақа иқтисодиётининг барча бўғинларини кенг миқёсда ривожлантириш муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун мавжуд табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи салоҳиятни мажмуали иқтисодий баҳолаш талаб этилади.

Тармоқ ва функционал ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ҳудудий ривожланиш стратегиясининг мақсадли йўналишлари асослаб берилади. Ушбу йўналишларни миқдорий баҳолаш индикаторлари сифатида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хизмат кўрсатиш, экспорт, аҳоли даромадлари ҳажми, шунингдек саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши тавсия этилади. Ҳудуд аҳолисининг бандлик кўрсаткичлари ва табиий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ҳам мақсадли йўналишлар сифатида кўрилиши мумкин.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва стратегияларини амалга оширишнинг муҳим механизми сифатида ресурс таъминоти ва молиялаштириш манбалари намоён бўлади. Маҳаллий молия ва бюджет ҳолатини таҳлил этиш дастурларни молиялаштиришнинг оптимал тизимини танлаш, маҳаллий бюджетнинг солиқ даромадларини шакллантирувчи, шу билан бирга, ҳукумат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиши лозим бўлган асосий тармоқ ва корхоналарни аниқлаш имконини беради.

Минтақалар ривожланишини бошқариш дастаклари ва стратегиялари амалга ошириш механизмлари асосий ва мақсадли йўналишларни рўёбга чиқариш механизмларини шакллантиришнинг умумий ёндашувлари орқали

аниқланади. Механизмларни асослаш ҳудудий бошқарувнинг Ватанамиз ва хорижий тажрибаларини умумлаштириш ва баҳолашни ҳам камраб олиши лозим.

13.2. Минтақаларнинг ривожланиш концепсиялари ва асосий тамайиллари

2018 йилда давлатнинг ҳар томонлама кўмаги билан ташкил қилинган, «BUYUK KELAJAK» экспертлар кенгаши Россия, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Канада, Дания, Швейцария, БАА, Саудия Арабистон, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Япония, Туркия, Қозоғистон, Финляндия каби 35 дан зиёд давлатда истиқомат қилувчи 300 дан ортиқ мутахассис-ватандошларни бирлаштиради. У ўзида улкан потенциалга эга «интеллектуал марказ»ни ифодалаган ҳолда, навқирон давлатимиз манфаатлари учун йўналтиради. Ҳозирги вақтда, мамлакатимиз олдида қўйган мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқда:

- Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделини амалга оширишда кўмаклашиш.

- Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделини жорий қилиш бўйича батафсил режа ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожланиш стратегияси доирасидаги амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама, экспертлар томонидан қўллаб-қувватлаш

Мамлакат тарихида илк бор, бир неча юз олим ва амалиётчиларнинг кўмаги билан қисқа муддатда «**Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси**» дея ном олган ўта муҳим ҳужжат тайёрланди.

Стратегия Ўзбекистоннинг 2035 йилгача ривожланишининг 4 та сценарийсини ифодалайди:

- **эволюцион сценарий** – муваффақиятсиз амалга оширилган ислохотлар ҳолатида ташқи ижобий конъюнктура;

- **пессимистик сценарий** – муваффақиятсиз амалга оширилган ислохотлар ҳолатида ташқи салбий конъюнктура ва ташқи инқирозлар;

- **динамик сценарий** – ташқи ижобий конъюнктура ва йирик инвестиция ҳажми вақтида ислохотлар амалга оширилади;

- **прогрессив сценарий** – ташқи салбий конъюнктура ва ташқи инқирозлар вақтида ислохотлар амалга оширилади.

Стратегия Концепцияси лойиҳаси мамлакатнинг динамик сценарий бўйича ривожланишини кўзда тутиб, юртимизни дунёнинг 50 та иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига қўшишни мақсад қилган. У давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши ҳамда инновация ва технологияларни қўллаб-қувватлаш каби ҳал қилувчи йўналишлардан иборат.

Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш йўналишида, лойиҳа томонидан қонунчилик базасини такомиллаштириш, суд тизимини ислоҳ қилиш, аҳолининг сиёсий маданиятини кўтариш, ислоҳотларни унумли амалга ошириш ва давлат бошқаруви институтларини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро индекслардаги ўрнини кўтарилишини таъминлаши зарур.

Иқтисодиётда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши режалаштирилмоқда. Тадбиркорлар ташаббускорлигига, уларнинг молиявий имкониятлар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга асосланган ҳолда, 2035 йилга бориб, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 479 миллиард долларга етиши кўзда тутилган 2018 йил 28-29 июнь кунлари «Ўзбекистон-2035» биринчи халқаро форуми бўлиб ўтди, унда ҳужжатни тузиш бўйича асосий ёндашувлар муҳокама қилинди. «Дала тадқиқотлари» давомида вазирликлар ва идораларда учрашувлар ўтказилди, асосий маълумотлар йиғилди, бунинг асосида иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди. Экспертларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг 2035 йилгача мўлжалланган концепциясининг дастлабки нусхаси тайёрланди. 2018 йил декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти идораси вакиллари учун Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

2019 йил 5-6 феврал кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон 2035» иккинчи халқаро форуми Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепцияси устида ишлашнинг навбатдаги босқичи бўлди. Концепциянинг кенг қамровли муҳокамаларида депутатлар, давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан қимматли мулоҳазалар ва тавсиялар берилди. Қабул қилинган фикрлар Стратегия концепцияси лойиҳасининг материаллари шарҳлар асосида такомиллаштирилди ва тўлдирилди.

Жамоатчилик эшитишларида Ўзбекистоннинг барча фуқаролари, жинси, миллати ва фаолият туридан қатъий назар, иштирок этиши мумкин. Шарҳлар ва фикрлар жамоатчилик эшитишлари бошланган кундан 30 кун давом этади.

Жамоатчилик эшитишлари давомида қабул қилинган фикр ва мулоҳазалар асосида Стратегия концепцияси лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб мамлакат раҳбариятига тақдим этиш учун тайёрланади.

13.3. Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳияти кўп жиҳатдан ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга узвий боғлиқдир. Зеро, ижтимоий субъектлар – маҳалла ва оила институтлари, компаниялар, ташкилотлар, уюшмалар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ушбу ислоҳотларнинг ажралмас элементлари – бош томиридир.

Демак, оила институти вакили сифатида ҳар бир фуқаро оила аъзоси, ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, компаниялар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уюшмалар раҳбарлари ҳамда ходимлари жамият равнақи, тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиёти учун ўз хиссасини қўшишлари уларнинг юрт олдидаги асосий бурчлари эканлигини англаб етишлари ҳамда шунга бор куч-ғайратини сафарбар этишлари лозим.

Шундай экан, ижтимоий субъект сифатида хоҳ алоҳида шахс, хоҳ ташкилот бўлсин, ягона мақсад теварагида бирлашиши лозим. Зотан, ривожланиш концепцияси муайян жамоанинг изчил ва узлуксиз фаолият юритиши учун таянч-суянчиқ, тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтайди.

Таҳлилларга кўра, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган катта эътибор ва яратилаётган шароитлар натижаси ўлароқ, баҳолаш фаолиятига талаб кун сайин кучайиб бормоқда. Бундай ҳолат янги баҳолаш ташкилотлари юзага келишига туртки бўляпти. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳада фаолият юритиб келаётган баҳолаш ташкилотлари билан соғлом рақобатлашадиган, юз бераётган ўзгаришларга тезда мослаша оладиган муҳитни яратиш учун ходимлар тажрибасини ошириш ҳамда уларни ягона маслак атрофида бирлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масаласини кўндаланг қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Veritas” масъулияти чекланган жамияти ўз ривожланиш концепцияси йўналишларини белгилаб олди. Концепция устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги “Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида назарда тутилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

биринчи, ягона жамоа сифатида бирлашиб, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига яратилиб берилаётган барча имкониятлардан

оқилона фойдаланиб, аввало, жамият равнақи ва таракқиёти, тадбиркорлик субъектларининг ривожига ҳамда истиқбўлини таъминлашни устувор йўналиш сифатида белгилаш;

иккинчи, ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, фаолият давомида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этиш, ходимларда Ватанга ва миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларни мамлакатимиз ривожига ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сафарбар этиш;

учинчи, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиш, бунинг учун ўз устида ишлаш, касбий маҳорат ва малака оширишга интилиш, тизимга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, соҳада илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўзлаштириш, мукамал сўзлашув даражасига эришиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида давлат ваколатли идораларига асосланган таклифлар киритиш, оммавий ахборот воситаларида соҳада рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликлар билан иштирок этиш;

тўртинчи, компания фаолияти узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ички тартиб-хизмат интизомини кучайтириш, ходимларда касбга бўлган иштиёқни шакллантириш, илм салоҳиятини оширишга сафарбар этиш. Инновацион ёндашув асосида касб тайёргарлиги машғулотлари ўтказиб бориш, масофадан таълим йўналишини жорий этиш, компанияда малакали ва иқтидорли ходимлар жамлашни ташкил этиш мақсадида олий ўқув юртлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, электрон кутубхона ташкил этиш, тизимга оид адабиётлар базасини шакллантириш ва бойитиб бориш, методик қўлланмалар тайёрлаш вазифаларини юклатиш. Ходимларни рағбатлантириш тизимини барпо этиш ва йўлга қўйиш;

бешинчи, ходимларни соҳа йўналиши ҳамда компания фаолиятини янада яхшилаш юзасидан асосланган ёзма таклифлар киритиб боришга сафарбар этиш;

олтинчи, компания манфаатларини устувор деб билиш. Компания манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик. Бундай ҳолатлар содир этилган тақдирда тегишли қонуний чоралар қўриш;

еттинчи, иш сифатини янада ошириш, миқдорларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш, сансоларлик каби салбий иллатларга йўл қўймаслик, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини имкон қадар соддалаштириш;

саккизинчи, баҳолаш фаолиятига учинчи шахсларнинг аралашувига йўл қўймаслик ва бу ҳолатларга чек қўйиш;

тўққизинчи, компания фаолияти изчил ривожланишини таъминлаш, иш давомида йўл қўйилаётган камчиликларни вақтида аниқлаш ва тезкорлик билан

бартараф этиш, фаолиятни тўғри йўналтириш мақсадида таҳлил ишларини йўлга қўйиш. Таҳлил тадбирларини ҳар чорак якунлари бўйича ўтказиб, зарур ҳолларда талаб этилган муддатларда таҳлилларни бажариш ва ўрнатилган тартибдаги маълумотнома тақдим этиш;

ўнинчи, ҳар ойда икки маротаба компания ходимлари йиғилишини ўтказиш. Йиғилишларда йўл қўйилган камчиликлар ва келгусида амалга оширилиши кутилаётган вазифаларни белгилаб олишни тартибга солиш.

Булардан ташқари, қуйидагилар етакчи мезонлар сифатида илгари сурилади ва фаолиятимизнинг ажралмас қисми деб эътироф этилади:

“Veritas” масъулияти чекланган жамияти ўз фаолияти давомида “Сифатли, ишончли, малакали ва холис хизмат кўрсатиш” тамойилига тўлиқ амал қилмоқда ва шу йўлдан бормоқда. Компаниямиз шиорида қайд этилган “сифат, ишонч, малака ва холис хизмат кўрсатиш” каби сўзлар замирида ўта муҳим масъулият мавжудлигини ҳис этиш ҳамда буни ўзгаларга етказиш улкан аҳамият касб этади. Шиоримиз замирида энг муҳим ҳисобланган “илм” асосий ўринни эгаллайди. Илмсиз малака, касбий кўникма бўлмайди, улар йўқ жойда сифат ҳам бўлмайди. Фақат ақли расо шахс вазиятга холис баҳо бера олади.

Шундай экан, шиоримиз бизни доимо изланишга, янгиликлар яратишга, соҳага инновацион ғояларни жорий этишга, бир қолипга тушиб қолмасликка, иш самарадорлигини ошириш учун тинмай ҳаракат қилишга ундайди.

Бунда ҳар бир тақдим этилган баҳолаш объектига индивидуал ёндашиш, унинг қиймати юзасидан буюмнинг хос параметрларидан келиб чиқиб, якуний хулоса бериш, ҳисоботларнинг таркибий тузилишига алоҳида эътибор қаратиш, ҳисоботлар электрон базасини яратиш, уларни сақлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш тавсия этилади.

Баҳолаш объектларининг қиймати юзасидан фақат ва фақат объектив – холис маълумот бериш ва ушбу маълумотни назарий жиҳатдан исботлаб бера олиш салоҳиятига эга бўлгандагина бу амалиётга киришиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб қўйилади. Зотан, нохолис маълумот нафақат ушбу маълумотни тақдим этган ходим шаъни, балки бутун баҳолаш компанияси обрўсига доғ туширади.

Бундай ҳолатларда ходимлардан баҳолаш компанияси туб манфаатларига зид бўлмаган холис ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини ишга солиш талаб этилади. Айнан мана шу жиҳатлар, яъни ўз вақтида холис ва тўғри қарор қабул қилиш ёки рад жавобини бериш кўп жиҳатдан компаниямизнинг келгусида барқарор фаолият юритишига туртки бўлади.

Бу эса мижозларнинг саралаш тизимини яратиш кераклигини тақозо этади. Бунда мижозлар шартли равишда хавф гуруҳларига сараланадилар. Хавф гуруҳлари мижозларнинг ишончлилиқ даражаларига қараб градацияланиши

назарда тутилади. Шунда ўта юқори хавф гуруҳига киритилган миждозларга тегишли баҳолаш объектлари ўта синчковлик билан текширилиши, уларнинг ҳужжатлари янада пухтароқ назоратдан ўтказилиши талаб этилади.

Биз миждозларга уларни қадрлашимизни ўз вазифамизга бўлган холис муносабатимиз ва касбий маждбуриятларимизга масъулият билан ёндашимиз орқали етказишимиз лозим. Бунда миждозлар бизнинг фикримиз уларнинг сармоялари ва мулкларини тассаруф қилишлари юзасидан тўғри қарор қабул қилишлари учун зарур омил эканлигини англаб етишлари даркор.

Таянч сўз ва иборалар: миллий иқтисодиёт, минтақа, урбанизация, макон ва жой, меҳнат тақсимот, концепция, баҳолаш хизмати, стратегия, бозор, сармоя.

Мавзунн такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун саволлар

1. Концепция деганда нимани тушунаси?
2. “Локоматив минтақа” концепцияси деганда нимани тушунаси?
3. Ҳудудий ривожланишнинг ягона маждмуали стратегиясини ишлаб чиқиш тамойилларини айтиб беринг.
4. Ҳудудий ривожланишнинг ягона маждмуали стратегиясини ишлаб чиқиш тамойилларини айтиб беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги “Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нечта вазифадан иборат?

XIV БОБ. МИНТАҚАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ

Режа:

14.1. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва шаклланиши тўғрисидаги илмий ёндашувлар

14.2. Минтақа аҳолисини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг тутган ўрни

14.3. Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

14.4. Чет эл инвестициялари ва эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар иқтисодиётида тутган ўрни

14.1. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва шаклланиши тўғрисидаги илмий ёндашувлар

Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда минтақаларнинг ривожланиш даражаси, тармоқлар таркиби, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинмоқда. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир минтақани мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва уни тартибга солиш механизмининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бевосита ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этиши бежиз эмас. Илмий адабиётларда минтақа ва уни тадқиқ этувчи фан тушунчаси моҳиятини талқин этиш, унинг чегаралари ва жамият таркибидаги ўрнини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Иқтисодчи географ ва минтақашунос олим И.А.Родионова минтақавий иқтисодиётни «иқтисодиётдаги географик (худудий) йўналиш, ишлаб чиқариш кучлари ва районлар ривожланишининг хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганувчи фан» деб ҳисоблайди²². Бир гуруҳ тадқиқотчилар «минтақа» тушунчасига шундай таъриф берадилар: минтақа (регион) маълум худуд бўлиб, у бошқа худудлардан қатор белгилар бўйича фарқ қилади ва ўзига хос бир бутунлик таркибий элементлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги билан ифодаланади.

²² Родионова И.А. Региональная экономика. – М.: “Экзамен”, 2003. -С. 6-7.

Минтақавий иқтисодиёт минтақа тараққиётининг объектив шарт шароитлари ва омиллари, ишлаб чиқариш таркиби, ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш шароити, аҳоли ва хўжаликнинг жойлашиши, иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ва унинг бошқариш механизми, мазкур минтақанинг бошқа минтақалар ва мамлакатлар билан ўрнатган иқтисодий алоқаларини тадқиқ этади²³.

«Минтақа» деганда умумий табиий-географик, тарихий, миллий-маданий бирлик ва диний-этник яқинлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (хўжалик ихтисослашуви ва иқтисодий ривожланиш, демографик вазият, аҳоли турмуши ва х.к.) даражаси, турли босқичда такомиллашмаган бошқарув тизими ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ечишдаги маъмурий-ҳудудий органлар фаолиятининг муштараклигини тақозо қилувчи яхлит ҳудудий бирликни тушуниш мақсадга мувофиқ²⁴ деб ёзади бошқа гуруҳ олимлари.

Минтақавий иқтисодиёт табиий-иқтисодий ва бошқа омилларни минтақа иқтисодиётини ривожлантириш билан бевосита боғлаб ўрғанади. Унинг доирасига, айрим иқтисодчилар таъкидлаганларидек, демография, табиий ресурслар ва шароитлар, экология ва х.к. муаммоларни чуқур ўрганиш кирмайди. У иқтисодий ва ижтимоий география, демография, экология, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти каби фанларнинг илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланади, деб таъкидлайди А.М.Содиқов.

А.Г.Гранберг ҳудудлар турли аломатлар ва майдонлари бўйича бирбиридан фарқ қилгани учун уларни минтақаларга ажратиш зарурлигини таъкидлайди. Минтақа таркибий элементларининг яхлитлиги, ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб турувчи маълум ҳудуддир. Мамлакат ҳудудини минтақаларга бўлиш районлаштириш деб аталади.

Иқтисодий районларнинг ихтисослашувини кучайтириш негизида ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар асосан хўжалик юритишдаги камчиликларни танқид қилишга эътибор қаратади.

Кўпгина муаллифлар ўз таърифларида минтақа ривожланишида уни бошқариш омилига катта эътибор қаратадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, минтақаларни асослаш мезонларининг кўп эканлиги ишлаб чиқаришни аниқ ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга тўлиқ имконият бермайди.

Т.Аҳмедов ва А.Содиқовларнинг фикрларига асосланган ҳолда, минтақани бошқариладиган тизимнинг ўзаро бирлигини мужассамлаштирган мамлакат иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисмида ўз ҳокимият ва бошқарув

²³ Каюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: “Университет”, 2004. -4-б.

²⁴Абдуллаев О., Бахриддинов Н. Ҳозирги замон географиясининг долзарб муаммолари. – А., 2007. - 136-139-б.

ташкilotларига эга бўлган яхлит ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-худудий тизим деб ҳисоблаймиз. Бундай тизимларга турли иқтисодий минтақалар билан бир қаторда маъмурий-худудий бирликларни киритиш мумкин (мамлакат, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва бошқалар).

Барча маъмурий-худудий минтақалар такрор ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш объекти ҳисобланади. Улар мустақил республиканинг ижтимоий-иқтисодий бошқарув занжири ўзаро боғлиқ бўғинларининг ягона тизимини ташкил этади.

Иқтисодчи олимлар ўртасида маъмурий-худудий бирликлардан қайсиларининг асосий ўрин тутиши бўйича ягона фикр йўқ. Назаримизда, маъмурий-худудий бирликларни вилоятлар даражасида ажратиб кўрсатиш ва уларни асосий, деб ҳисоблаш ҳақидаги таклифлар диққатга сазовордир⁴. Улар ўз саноат ва қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариши, молиявий ресурслари, ижтимоий-иқтисодий мажмуасига эга. Бундай минтақалар даражасида давлатнинг умумий вазифалари бевосита маҳаллий хусусиятлар ва имкониятларга боғлаб белгиланади.

Мазкур жараёнда маъмурий-худудий тизимларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга йўналтирилган номарказлаштирилган бошқарувни кучайтириш масалалари янгича тус олмоқда. Бунинг асосида минтақада самарали ва мажмуали ривожланишга эришиш учун халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳокимиятлар вазифаларини аниқ чегаралаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўзини ўзи молиялаш ва бошқаришнинг иқтисодий тамойилларига таяниб хўжалик юритишни маҳаллий асосда ташкил этиш, минтақаларда фаолият юритувчи барча субъектларга иқтисодий таъсир кўрсатиш имкониятларини кучайтиришга эришишни ташкил қилиш лозим.

Минтақавий хусусиятлар фақат мажмуали ёндашилгандагина ҳисобга олиниши мумкин. Айти пайтда маҳаллий ҳокимият идораларининг минтақани мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини режалаштириш ҳамда мувофиқлаштиришдаги, аҳамияти кескин ошади. Маҳаллий ҳокимият идоралари бугунги кунда минтақани мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни мувофиқлаштириш функцияси ва уни амалга ошириш учун зарур ресурсларга тўлиқ эга эмаслар. Мазкур функцияни марказдан минтақа даражасига бериш амалда вертикал номарказлашувдир. Ушбу жараён фискал номарказлашувни ҳамда минтақаларга ўз ресурсларининг маълум қисмидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини беришни назарда тутмоғи лозим.

Маҳаллий даражада аҳолининг табиий кўпайишини, миграция жараёнларини, меҳнат ресурсларини бандлик соҳалари бўйича тақсимлашни, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданиятни бошқаришнинг, турли хизматлар истеъмолини, уй-жой қуриш ва аҳолини жойлаштиришни, қурилиш, саноат

базасини ривожлантиришни, сув ва электр таъминоти, турли коммуникацияларни тартибга солишнинг таъсирчан механизмини яратиш мумкин. Минтақаларда барча бўғинлар ўртасида ўзаро алоқалар ва боғлиқликларнинг ўсиши, демографик ва ижтимоий ривожланиш, аҳолини жойлаштириш ва инфратузилма тизимини шакллантириш, атроф-муҳитни тартибга солиш зарурати бошқаришнинг маълум жиҳатларини марказлаштиришни тақазо этади.

Мамлакат даражасида ҳудудий бошқаришнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлмоғи керак:

–ҳудудлараро меҳнат тақсимотини такомиллаштириш орқали халқаро меҳнат тақсимотида самарали мавқени эгаллаш;

–мамлакатнинг муҳим минтақавий нисбатларини аниқлаш, мамлакат ичида маҳсулотлар ва хизматлар билан ўзини ўзи максимал таъминлаш, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, аҳолини жойлаштиришнинг республика миқёсидаги оқилона тизимини шакллантириш, қулай демографик шароит яратиш ва минтақалараро бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, тармоқлар ихтисослашуви учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, минтақалараро аҳамиятга эга бўлган табиатдан фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш йўли билан уларни мажмуали ва мутаносиб ривожлантириш ва х.к;

– минтақаларни бошқариш механизмлари ва иқтисодий усулларини ишлаб чиқиш.

Ундан кейинги вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) даражасидаги асосий вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- мамлакат даражасида ҳудудий меҳнат тақсимотида самарали иштирок этиш;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришни мутаносиб мажмуали ривожланишини таъминлаш, хўжалик юритишни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва туманлараро аҳамиятга эга бўлган бошқа масалаларни ечиш орқали минтақа тараққиётини таъминлаш.

Ундан кейинги қуйи даражада шаҳарларнинг иқтисодиётни тартибга солиш вазифалари тармоқ ва тармоқлараро манфаатларни ўзаро уйғунлаштириб, ўз ҳудудларининг ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини бир-бирига боғлаб ривожлантириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб сифат жиҳатдан янгича тарзда амалга оширишдир.

Вилоятлар тартибга солиш вазифаларини реал амалга оширишлари учун вилоят, шаҳарларнинг вазифалари аниқ белгиланганлиги; ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ишончли бошқариш тизимини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий механизмларнинг такомиллашган ўзаро алоқаларининг шаклланганлиги; вилоят, шаҳар ва туманларнинг мажмуали ривожланиши молиявий ва моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминланганлиги; барча ҳудудий тизимларни ривожлантириш учун бир хил қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратилганлиги; самарали қарорлар қабул қилиш учун сифат жиҳатдан янги ва ишончли минтақавий статистик маълумотлар базаси мавжуд бўлиши лозим.

Ҳар бир ҳудудий тизим мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларни ривожлантириш, авваламбор, бошқа минтақалар билан алоқалари ва муносабатларига, барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг қанчалик яқинлиги ва фаоллигига боғлиқ. Бундай шароит мавжуд вертикал ва горизонтал алоқалар ва муносабатлар билан таъминланади. Ушбу икки гуруҳ, алоқалар минтақавий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг очиқлигини таъминлайди.

Иқтисодиётни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ижтимоий иқтисодий жараёнларни интенсивлаштиришга, вилоятда аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор стратегик мақсадини аниқлаш зарур.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳозирги кунда бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришга, иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусий секторни ривожлантириш устуворлигига, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликларига эътиборни кучайтиришга, банк молия тизимини такомиллаштиришга, янги солиқ тизимини яратишга ва бошқаларга қаратилган. Бу стратегия, ўз навбатида, минтақа доирасида ишлаб чиқилгандагина кўзда тутилган муайян мақсадларга эришиш мумкин²⁵.

Минтақаларни мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини қуйидагилар тақозо этади:

– аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– жаҳон тажрибаси ва амалиёти минтақалардаги хом ашё базаси ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш;

– йирик инвестицион лойиҳаларни асослаш, амалга ошириш ва уларни минтақага жалб этиш;

²⁵ Гранберг А.Г. Стратегия территориального социально-экономического развития // Вопросы экономики. 2001.№9, -С.15.

–минтақа иқтисодий таркибини такомиллаштириш ва самарали шакллантириш масалаларини ҳал қилиш;

–ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини ечиш;

–минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражасини кўтариш; – минтақани республика меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилаш.

Шундай қилиб мамлакат доирасида ишлаб чиқилган минтақаларни мажмуали ривожлантириш ягона стратегияси ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий иқтисодий салоҳиятига тўғри келувчи стратегиясига асосланган бўлиши даркор. Стратегиянинг мақсади-минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида унинг барқарор иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини юксалишига эришишдир. Марказ ва минтақалар ўзаро алоқаларини такомиллаштиришнинг ижобий самарасига фақат уларнинг биргаликда фаолият олиб бориш асосида эришиш мумкин. Демак, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда минтақа хусусиятларига мос сиёсат ва ёндашувлардан фойдаланиш, айниқса, мажмуали ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожлантиришни таъминлаш катта аҳамият касб этади.

14.2. Минтақа аҳолисини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг туган ўрни

Ўзбекистон саноати жадал ва мутаносиб ривожланмоқда, унинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган таркибий ислохотлар тобора чуқурлаштирилмоқда. Саноат тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошмоқда. Ривожланишнинг эволюцион йўли ва Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш танланган моделининг изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига бардош берибгина қолмай, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига киритилаётган инвестицияларнинг асосий қисми енгил саноат тармоғига ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноатига йўналтирилмоқда. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиб, хорижий инвесторларга янада қулай инвестиция муҳити


яратилмоқда. Республикамизда хорижий сармоядорлар катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга, бу уларга иқтисодий фаолиятларини самарали ташкил этиш ва катта даромад олиш имконини беради. Ўзбекистонда хом ашё ресурсларининг кўплиги, энергия ресурсларининг арзонлиги, қиммат бўлмаган ишчи кучи, эгалланмаган тўқимачилик маҳсулотлари бозори ва хорижий инвесторлар учун яратилаётган шароитлар ҳамда имтиёзлар республикага инвестициялар киритишда инвесторлар учун асосий иқтисодий имкониятлар ҳисобланади.

Маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий хом ашё ресурсларини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда маҳсулот ишлаб чиқариш бошқа давлатларга қараганда арзон тушишини кўриш мумкин. Масалан, давлатлар бўйича ишчи кучи қийматларининг солиштирма таҳлилини 1-расмдаги гистограммада кўришимиз мумкин.

Гистограммада тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатларнинг тўқимачилик тармоғида соатига ўртача ишчи кучи қиймати (АҚШ долларидан) ифодаланган бўлиб, Покистонда - 0,37, Хитойда - 0,48, Ҳиндистонда - 0,67, Туркияда - 2,88 ва Жанубий Кореяда 7,1 АҚШ долларини ташкил қилади. Ўзбекистонда эса ўртача ишчи кучи қиймати соатига 0,22 АҚШ долларини ташкил қилади.

1-расм.

Давлатлар бўйича тўқимачилик саноатида банд бўлган ишчи кучи қийматларининг солиштирма кўрсаткичлари²⁶



Бундан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг тўқимачилик ва тайёр маҳсулотлар жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи асосий омиллардан бўлмиш арзон ишчи кучи ресурсларига эгадир.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.


Яна бир асосий омил бу хом ашё ресурсларининг ўзимизда мавжудлиги ва унинг нисбатан арзонлигидир. 2-расмдаги диаграммада хом ашё ресурсларининг давлатлар бўйича солиштирма нархлари берилган. ¹

Диаграммадан кўришиб турибдики, 1 метр куб табиий газнинг нархи Ўзбекистонда 0,03 АҚШ долларини ташкил қилса, Туркия, Франция ва АҚШда 0,21-0,23 АҚШ долларини, Хитойда 0,28 АҚШ долларини ташкил қилади. Ўзбекистонда 1 кВт/соат электр энергиясининг нархи 0,02 АҚШ долларини ташкил этса, бошқа давлатларда 0,03-0,09 АҚШ долларини ташкил қилади. 1 кг мазутнинг нархи Ўзбекистонда 0,08 АҚШ долларини ташкил қилади. Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея давлатларида мазутнинг нархи 0,29-0,34 АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида 0,20-0,23, Покистонда 0,50 АҚШ долларини ташкил қилади.

Хом ашёларнинг арзонлиги, ўз навбатида, маҳсулот таннархининг арзонлашуви ва даромаднинг ошишига олиб келади, ишлаб чиқариш харажатлари эса бошқа давлатларга қараганда бирмунча паст бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, республикамизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки нисбатан арзон хом ашё ва арзон ишчи кучига эга бўлган ҳолда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва натижада юқори даражада кўшилган қиймат орттирмасини ҳосил қилиш бугунги кунда ҳар бир саноат корхонаси олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2-расм.

Хом ашё ресурсларининг давлатлар бўйича солиштирма нархлари, АҚШ доллари ²⁷



²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

«Бурсел-Тошкент Текстил» кўшма корхонаси мисолида хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига қўшилган қиймат орттирмасининг ҳосил бўлиши мисоли¹

	Маҳсулот тури	1 кг пахта толасидан чиқадиган бир бирлик маҳсулот	Нархи (АҚШ доллари, ўсиш)
1.	Пахта толаси	-	1,2
2.	Ип-калава (Nm 51)	0,85кг	2,0 (66%)
3.	Трикотаж мато	0,82кг	2,2 (83%)
4.	Эркаклар футбўлкаси	5дона	12,5 (10 марта)

Ҳозирги пайтда бу борада қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Буни «Бурсел-Тошкент Текстил» кўшма корхонаси мисолида кўриш мумкин. «Бурсел-Тошкент Текстил» кўшма корхонаси тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унинг оладиган даромадлари ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарга қараганда бирмунча кўп. Мисол учун, 1 кг пахтадан 850 грамм калава ип ёки 5 дона футбўлка ишлаб чиқариш мумкин. 850 грамм калава ипнинг нархи 2 АҚШ долларини ва 5 дона футбўлканинг нархи 12,5 АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу оддий таққослашдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш даври қанчалик тугалланган бўлса, корхона шунча кўп фойда олади. ²⁸

Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратилган ва бундай ҳаракатлар доимо қўллабқувватланган.

Жумладан, хўжалик фаолияти учун барқарор ҳуқуқий меъёрлар яратилмоқда; корхона фаолиятига ортиқча таъсир кўрсатувчи ташқи аралашувлар чекланди; корхоналарни рўйхатга олиш ва маҳсулотларга лицензия ва сертификат беришдаги ортиқча жараёнлар камайтирилди; инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кўшма ва хорижий корхоналарга кўпгина имтиёзлар ва енгилликлар берилди.

Масалан, минимал сиёсий рисклар Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни билан таъминланган бўлиб, қуйидагиларни белгилайди:

- чет эл инвестициялари ва Ўзбекистон Республикаси чет эл инвесторларининг бошқа активлари давлат мулкига айланттирилмайди;

²⁸ «Бурсел-Тошкент Текстил» кўшма корхонаси маълумотлари асосида тузилди

- инвестициялаш шароитлари ёмонлашган тақдирда чет эл инвестицияларига нисбатан 10 йил мобайнида инвестициялаш бошланган санада амал қилган қонунчилик қўлланилади.

Хорижий инвесторларнинг қонун йўли билан ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда, улар асосида фаолият юритаётган қўшма корхоналарга қатор имтиёзлар ҳам белгиланган, яъни улар:

- 7 йил давомида даромад солиғидан озод этилади;
- корхона ҚҚСдан ташқари бюджетга тўланадиган барча солиқ ва тўловлардан озод қилинади;
- 5% қўшимча чегирма берилади.

«Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун шуни аниқ белгилайдики, Ўзбекистон Республикасидаги юридик ва жисмоний шахслар томонидан сармоялаштирилаётган режимга нисбатан хорижий сармоядорлар томонидан сармоялаштирилаётган режим ноқулай бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёз ва кафолатларнинг аҳамияти жуда катта. Хорижий сармоядорларга бериладиган умумий имтиёзлар ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси сармоялар дастурига киритилган, хорижий сармоялар асосида ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари дастлабки 7 йил давомида даромад солиғидан озод этилади;
- хорижий сармоялар асосида ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналари устав капиталида хорижий сармоялар миқдори 50%дан ва ҳажми 1,0 млн АҚШ доллари ва ундан кўп бўлса, фойдадан олинадиган солиқ 16%ни ташкил этади;
- янги ташкил этилаётган корхона, шу жумладан, хорижий сармоялар асосида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот, тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар бундан мустасно), қишлоқ жойларда, овул ёки посёлкаларда ташкил этилса, рўйхатга олинган санадан эътиборан биринчи йили даромад солиғидан озод этилади, иккинчи йили эса белгиланган солиқ ставкасидан 25%, учинчи йили белгиланган солиқ ставкасидан 50% миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йиллар даромад солиғи белгиланган ставкаларда тўлиқ тўланади;
- чет эл сармоялари асосида ташкил қилинаётган бошқа корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб ўрнатилган миқдорга нисбатан биринчи йилда 25% ва иккинчи йилда

50% солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда олинадиган фойда учун тўланадиган солиқни ўрнатилган миқдорга нисбатан тўлиқ тўлашни амалга оширадилар.

Республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва қўшма корхоналарнинг яратилишини рағбатлантириш мақсадида имтиёзлар қуйидаги шартлар асосида берилиши белгиланган:

- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;
- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50%ни ташкил этиши;
- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;
- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;
- мазкур имтиёзларнинг қўлланиш муддати давомида олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Шубҳасиз, ушбу имтиёзлар республикага қўшимча инвестициялар кириб келишини янада оширади.

14.3. Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида “... мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда”, деб айтилган. Мазкур ҳолат эса “...худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳволини таҳлил қилиш, амалга ошириладиган тадбирларнинг аҳоли ҳаётининг сифатига таъсир этиш даражасини ошириш бўйича амалий чоратадбирларни ишлаб чиқиш”²⁹ни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3182-сонли Қарори.

Сув ресурсларининг чекланганлиги ва соҳадаги рақобат курашининг кескинлашиб бориши шароитида бу муаммоларни ҳал қилиш учун ер ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва уни ҳал қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, саноатнинг хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш орқали миллат саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда сунъий суғориб деҳқончилик қилишга асосланган хўжалик юритиш шакллари ривожланган. Суғориладиган ерларда деҳқончилик маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқарилади. Шунингдек, сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик вазиятнинг мураккаблиги учун ҳам ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурдир. Шунинг учун минтақаларнинг худудий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш механизмини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти аҳолисининг сони ва иқтисодиётининг ўзак тармоқлари тез ва интенсив ўсиб бораётган минтақаларидан бири ҳисобланади. Вилоят ер майдони 28,57 минг кв кмни ташкил этади, бу республика худудининг 6,3 фоизини ташкил этади³⁰. Вилоятда 3088,8 минг киши (республика аҳолисининг 9,5 фоизи) истиқомат қилади. Саноатнинг хом нефть ва табиий газ қазиб олиш, кимё маҳсулотларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, электр ва газни қайта ишлаш саноатлари ривожланган. Қишлоқ хўжалиги эса тобора интенсивлашиб бормоқда. Аммо аграр ишлаб чиқаришнинг сунъий суғоришга асосланганлиги, аграр соҳада ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов айтганларидек: «... ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг мавқеини белгилаб берадиган омил ҳамдир". Шу сабабдан ерлардан оқилона фойдаланиш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги

³⁰ Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2017. -189-б.

ПҚ-2697-сон қарорига асосан ирригация тармоқларини ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объектларидан ишончли фойдаланилиш ва хавфсиз ишлатилишини ошириш чоралари кўрилмоқд2013-2017 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига асосан қатор насос станциялари модернизация қилинди. Қашқадарё вилоятида «Қўнғир», «Йўлдош», «Янгибоғ», ... замонавий энергия тежовчи агрегатлар ва электр қурилмаларидан кенг фойдаланилди³¹. Бу яна 275 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти яхшиланишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси очилмаган, фойдаланилмаган имкониятларни бермоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ғалладан бўшаган майдонларнинг 60 минг 47 гектарига 16 турдаги такрорий экин экилиб, улардан 356 минг 493 тонна ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Ҳосилнинг 6 минг 490 тоннасини захирага олиш, 143 минг 385 тоннасини ички бозорга, 110 минг 102 тоннасини экспортга чиқариш режалаштирилган³².

Ер ресурсларининг чекланганлиги ва унумдорлиги пасайиб бориши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерлар майдони 507,8 минг га ёки республика кўрсаткичларининг 12 фоизини ташкил этади. Минтақа экин майдонларининг кўплиги билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Унинг экин майдонлари 675,4 минг гектар ёки республика кўрсаткичларининг 16,7 фоизини ташкил қилади. Унинг таркибида суғориладиган ерлар 69,4 фоизни, лалми ерлар эса 30,6 фоизни ташкил қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар вилоятдаги лалми ерларнинг республикадаги салмоғи катта (34,4 фоиз) эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса вилоятда лалми экинларни экиш, юқори технологиялар асосида бундай экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш имкониятларини кўпайтиради. Ерларнинг 10,0 фоизини кўп йиллик дарахтзорлар, уларнинг 9,9 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келади. Республикадаги бўз ерларнинг 28,1 фоизи, шундан суғориладиганлари 10,3 фоизи вилоят хиссасига тўғри келади³³.

Минтақа пичанзорлари ва яйловлари мамлакатдаги шундай ерларнинг 11,3 фоизини ташкил этади ва бу борадаги имкониятларнинг катталигидан далолат беради. Пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш, бу борада замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш чорвачилик соҳасида жиддий ўзгаришларга олиб келиши ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан устувор таъминлаш масалаларида катта силжишларга олиб келиши мумкин.

Томорқа ҳамда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари бўйича республика кўрсаткичларининг 12 фоизи минтақага тўғри

³¹ http://uza.uz/oz/business/mamlakatimizda-1-1-million-gektardan-orti-erning-suvtaminot?sphrase_id=2894276

³² <http://uza.uz/oz/business/ash-adaryeda-60-ming-gektardan-ziyed-maydonda-16-turdagitak-04-10-2017>

³³ Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари тўғрисида Миллий ҳисоботи. – Т., 2015. -10-б.

келади. Республикадаги шундай ерларнинг 9,8 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Мелиоратив қурилиш ҳолатига ерлар республика кўрсаткичларининг 27,2 фоизини ташкил этади. Ушбу маълумотлар минтақанинг бу борадаги имкониятлари катталигини кўрсатмоқда. Минтақа ўрмонзорлари, бутазорлари республика кўрсаткичларининг мос равишда 6,7 ва 14,3 фоизини ташкил этади³⁴.

Юқоридаги таҳлил этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилояти ер ресурсларига бой бўлган ва бу борадаги имкониятлари катта бўлган минтақалардан ҳисобланади. Масалан, вилоятдаги экин майдонлар, шундан суғориладиган ерлар, бўз ерлар ва мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар бўйича республикадаги энг салмоқли ўринларга эгадир. Аммо ушбу ерлардан оқилона ва самарали фодаланилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Шунинг учун бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

–автоматлаштирилган ер маълумотлари тизимини яратиш, юритиш ва такомиллаштириш;

–мажмуали равишда ер тузиш, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш ва ер ҳолатини назорат қилиш стратегик масалаларини ҳал қилиш;

–ер тузиш ишларини замонавий технологиялар асосида мажмуали олиб боришни такомиллаштириш;

–суғориладиган ерларнинг чўлланиш, эрозия, шўрланиш тупроқ унумдор қатламининг ночор ҳолга келиши, гумус ва озуқа моддалари миқдорининг камайиши, ҳайдалма ва хайдов ости қатламларининг зичланиши ҳамда технологик ифлосланиш жараёнларининг олдини олишга йўналтирилган мажмуали масалаларни мунтазам равишда ҳал этиб бориш;

–иқтисодиётга таркибий ва институционал қайта қуриш талабларига жавоб берадиган ер бозорини тиклаш ва ривожлантириш;

–давлат ер кадастри юритишнинг ҳозирги замон қонунчилиги ва норматив технологиялари талабларига жавоб бера оладиган тизимини такомиллаштириш;

–ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда табиийиқтисодий омилларнинг ролига баҳо бериш;

–ихтисослашув ва мужассамлашув жараёнларининг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини иқтисодий жиҳатдан аниқлаш ва баҳолаш;

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари тўғрисида Миллий ҳисоботи. – Т., 2015. -10-б.

– ердан фойдаланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ундан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– турли мулкчилик шаклларида ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасига баҳо бериш;

– иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Қашқадарё вилоятининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ердан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг изчил амалга оширилиши истиқбўлли ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши ва ривожлантирилишида республика ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилиши муаммолари ечилишига имкониятлар яратиш алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги таҳлил минтақадаги фермер хўжаликлари сони ер майдони ва ер турлари бўйича ўзига хос вазиятнинг шаклланганлигини кўрсатмоқда. Масалан, минтақадаги барча турдаги қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан фойдаланилаётган ерларнинг миқдорий кўрсаткичлари (республикадаги салмоғи) фермер хўжалиги кўрсаткичларига нисбатан бироз юқорилигини кўрсатмоқда. Бу эса минтақа фермер хўжаликларининг етарли даражада самара билан ишламаётганлиги ёки ердан фойдаланиш борасида барча имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Шуни эътиборга олиб, фермер хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи хизмат кўрсатиш тизимини замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш;

– фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланишда, экинлар таркибини танлашда конунчиликда кўзда тутилган эркинликларни тўлиқ таъминлаш;

– фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

– фермерларнинг билим ва касбий тайёргарлигини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини йўлга қўйиш ва бошқалар;

– деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигининг бошқа хўжалик юритиш шакллариغا нисбатан юқорилиги деҳқон хўжаликларининг мулк, ер ва етиштирилган маҳсулотга эгалик ҳиссининг ортиб бориши ва шу асосда меҳнатга бўлган муносабатининг ўзгариши билан изоҳланади,

Деҳқон хўжаликлариди ердан фойдаланиш самарадорлигининг юкори бўлишига қуйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатди:

–деҳқон хўжаликлари мустақил товар ишлаб чиқарувчи бозор субъекти сифатида фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган;

–деҳқон хўжаликлари тўлиқ хусусий мулк асосида фаолият юритиши уларга мустақил равишда барча хавф-хатарларни ўз зиммаларига олган ҳолда бозорларни ва экин турларини танлаш имкониятини беради.

Фермер хўжаликларининг ерларидан самарали фойдаланишда Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги “2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қарорга асосан вилоятдаги фермер хўжаликлари ерларида сабзи, карам, помидор, шолғом, турп, бодринг, қалампир, баклажон, лавлаги, картошка каби сабзавотлар, қовун-тарвуз, шунингдек, кунгабоқар, мош, ловия, соя, кунжут, тарик каби дуккакли ҳамда озуқабоп экинлар ўсиб, мўл ҳосил бермоқда. Такрорий экин фермернинг ўзи учун ҳам, аъзолари учун ҳам қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Маҳсулотнинг ортиқчасини экспортга чиқариш орқали олинадиган валюта тушуми эса иқтисодиётимиз мустаҳкамланишига хизмат қилади.

14.4. Чет эл инвестициялари ва эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар иқтисодиётида тутган ўрни

Ўзбекистонда бозор муносабатлари жозибадорлигини ошириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада яхшилаш ва инвестициялар самарасини оширишдан иборат.

Жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув ва байналминаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вақтда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини муттасил ошириш ва тадбиркорларни рағбатлантириш орқали халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиш узок вақт учун мўлжалланган барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”³⁵ деганларидек, энг аввало аҳолининг турмуш тарзини қанча қанчалик даражада юксалтириб борилса мамлакат иқтисодиёти янада ривожланиши барчамизга маълум.

Шу аснода Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2017 йил – “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” да банклар томонидан оддий аҳоли тадбиркор қилиши мақсадида кредит маблағлари ажратилди. Бундай имкониятлар эса аҳолини ҳақиқатан ҳам бойишига олиб келади, десак адашмаймиз.

Шуни айтиш жоизки, 2016 йилда 3,3 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатдики, натижада 2,9 миллиард АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномалари имзоланди, Улар доирасида 470 тадбиркор қарийб 1,4 миллиард долларлик экспортни амалга оширди. Бу 2015 йилга нисбатан 33 фоизга кўп. Ўтган йилда жамғарма кўмагида 242 тадбиркор Германия, Франция, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этди. Натижада 425 миллион долларлик экспорт келишувлари имзоланиб, 62 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди³⁶.


Бунинг заминида эса, мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бевосита унинг учун хорижий сармоядорларни иқтисодиётга жалб этиш муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам, мамлакатимиз биринчи раҳбари И.А. Каримов мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб: «Ўз- ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса, хусусий компания чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истиқбўллари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди», дея бежиз таъкидламаган ³⁷⁻³⁸.

³⁵ “Hurriyat” газетаси, 2017 йил 1 март.

³⁶ ЎзА интернет 2017-йил 11-январь маълумотлари.

³⁷ <http://facebook.com/daryo.yangiliklari>

³⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.. Т.: - Ўзбекистон, 2009.



Ўзбекистонда 2017 йилда 199 та инвестиция лойиҳаси доирасида 4,505 миллиард доллар ҳажмидаги хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилди. Президент Шавкат Мирзиёев қарори билан тасдиқланган жорий йил инвестиция дастурига кўра, чет эл кредитлари ҳисобига ҳукумат кафолати билан 79 лойиҳа бўйича 1,854 миллиард доллар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эвазига 120 лойиҳа асосида 2,65 миллиард доллар ўзлаштирилади.

Хорижий инвестицияларнинг энг катта қисми (37 лойиҳа бўйича 2,47 миллиард доллар) ёқилғи-энергетика тармоғига тўғри келади. Улардан чет эл компаниялари тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига нефть-газ соҳасига 20 лойиҳа доирасида 1,97 миллиард доллар киритилади.

Жумладан, Россиянинг «Лукойл» компанияси 2017 йилда умумий қиймати 8 миллиард доллардан ошқ бўлган икки келишув бўйича 1,217 миллиард доллар инвестиция қилади. Gazprom International шўъба тизими бўлган Gas Project Development Central Asia Устюрт минтақаси ва Сурхондарё вилоятида 1,3 миллиард долларлик икки лойиҳани амалга оширади.³⁹

Энергетика тармоғида хорижий кредитлар ҳисобига 17 лойиҳа асосида 506,7 миллион доллар ўзлаштирилади. Mitsubishi Corporation ва Mitsubishi Hitachi Power Systems (Япония) Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида қуввати 900 мегаватт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши ва Навоий ИЭС учун 450 мегаваттли буғ-газ қурилмаси ўрнатишга киришади. Хитойнинг Zhuhai Singyes Green Building Technology компанияси Самарқанд вилоятида қуёш электр станцияси қурилишини бошлайди. Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкин, 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистонга жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга кўпайди ва 3,7 миллиард доллардан ошди.

³⁹ <http://www.gazeta.uz/ru/2017/03/01/invest>

Юқоридаги расмдан кўриш мумкинки, банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ҳам 2015 йилга нисбатан 1,2 марта ошиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 12,2 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратиш бўйича амалий чоратадбирлар кўрилаётгани ўз самарасини бермоқда. 2016 йилда мамлакатимизда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 9,6 фоиз ортиб, 16,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани, жумладан, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсиб, 3,7 миллиард доллардан ортгани бунга яққолмисолдир.⁴⁰

Таъкидлаш керакки, хорижий давлатлар, шунингдек, дунёга машҳур компаниялар ҳамда халқаро молия институтларининг молиявий кўмагида энергетика, машинасозлик, металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат, нефть-кимё, қурилиш материаллари каби саноатимизнинг етакчи соҳаларида кўплаб ана шундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биргина 2016 йилда умумий қиймати 5,2 миллиард долларга тенг бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари яқунлангани сўзимиз тасдиғидир. Уларнинг аксарияти аҳоли зич ҳудудларда рўёбга чиқарилди.

Кейинги йилларда янги соҳалар ўзлаштирилиши, йирик ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилиши, қисқача айтганда, иқтисодиётимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ортишида эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда айниқса доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чет элдан инвестициялар жалб этишни ва мамлакатда инвестиция муҳитини янада рағбатлантириш, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган қонунларни такомиллаштириб борилаётганлиги ҳам хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритишлари учун тўртки бермоқда. Хусусан, яқинда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан амалдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мамлакатимиз иқтисодиётига, айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига чет эл инвестицияларини фаолроқ жалб этишга, мамлакатимизда инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

⁴⁰ <http://xs.uz/index.php/homepage/iqtisodiyot/item>

Бу каби қонун ҳужжатларидаги ўзгартишларни жойларда яратилган имтиёз, преференцияларни ва шароитларни тарғибот-ташвиқот тадбирлари орқали чет эл инвесторларига етказилиши келгусида қонун ҳужжатларини янада самарали ижро этилишига хизмат қилиши табиий. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиладиганлиги мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлик даражасини янада оширишнинг муҳим омили сифатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида айрим давлатлар солиқлар, бож тўловлари ва маъмурий бошқарувда махсус имтиёзлар тақдим этса, бошқа давлатлар эса эркин иқтисодий зоналарни ташкил этмоқда. «Ҳозирги кунда жаҳонда 3500 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, эркин иқтисодий зоналарда дунё ялпи маҳсулотининг деярли 500 млрд АКШ долларидан ортиқ қисми яратилиб, уларда 60 миллиондан ортиқ киши фаолият олиб бормоқда».⁴¹ Хусусан, иқтисодий жиҳатдан ривожланган Хитойда 116 та, Жанубий Кореяда 61 та эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилганлиги эркин иқтисодий зоналарнинг халқаро миқёсда иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этишидан далолат беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва деверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида «фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш»⁴² муҳим масалалардан бири сифатида белгиланди. Мустақилликнинг ўтган 26 йили давомида юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида 14 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон», «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарида 486 млн. АКШ долларига тенг 62 та лойиҳа амалга оширилиб, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни

⁴¹ www.WorldBank.org

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли Фармони.

яратилди. Худудларда жойлашган бўш бинолар ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарали ташкил этилиб, 535 млрд сўмга тенг 1021 та лойиҳа амалга оширилди ва 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.⁴³

Эркин иқтисодий зоналарнинг қандай худудларга жойлаштирилиши ҳам муҳим ўрин тутди. Иқтисодиёти ривожланган худудларга ташкил этилиши самарадорликнинг ошишига ва бошқа худудларга силжишига олиб келади, Ургут туманини оладиган бўлсак, аҳолиси кўп, иқлими, географик жойлашуви жуда мос келади. Кўра, майдони қарийб 42 гектар бўлган бу худудда 40 саноат корхонаси, жумладан, 19 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1 минг 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили саноат зонасида қиймати 157,5 миллиард сўмлик 20 турдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларидан ошди. Хусусан, бу ерда маҳаллий хомашёдан гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик тола, электр духовкалар, газ плиталари, бир марта ишлатиладиган пластик идишлар, полимер елим ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. 2017 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича яна 78 лойиҳани амалга ошириш ва 3 минг 400 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Ургут эркин индустриал зонаси ташкил этилишини алоҳида қайд этди.

Кўқон Эркин иқтисодий зонасини оладиган бўлсак, аҳолиси зичлиги, хонадонларда ҳам нимадир ишлаб чиқаришга лаёқати кучли халқ ҳисобланганлиги сабали ҳам бу минтақага тўғри келади.

Айнан Ғиждувонда эркин иқтисодий зона ташкил қилинишининг боиси туманда кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хомашё базаси мавжуд. Мева-сабзавот ва бош қа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади, уларни чуқур қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш каби технологик жараёнларни жорий қилиш, маҳаллий хомашё ҳисобидан қурилиш материаллари, озик-овқат саноатини ривожлантириш имкониятлари кенг. Қолаверса, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш учун имкониятлар катта.

Ушбу саъй-ҳаракатлар бугун республикамизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий сиёсатнинг нақадар пухта ишлаб чиқилгани ва оқилона эканлигини исботламоқдаки, буни нафақат юртимиз аҳолиси, балки дунёнинг

⁴³ А.А. Остонкулов «Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2017 й.

энг нуфузли халқаро ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар ва йирик инвесторлар ҳам тан олмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланади. Республикаимизнинг экспорт салоҳияти ошади ва валюта тушуми кўпаяди. Ушбу валюта эвазига тадбиркорларда хориждан илғор технологияларни келтириш имконияти пайдо бўлади.

Янги эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишдан асосий мақсад, ҳудудларда минерал-хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналар яратиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга қулай шароитларни юзага келтиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ва бу борадаги ҳуқуқий асослар мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда ва унинг самарадорлигини оширишда, жаҳон бозорига тобора интеграциялашувига, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантиришнинг ўзига хос ва бетакрор механизмини жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий мутаносибликни таъминлаш ва нафақат хорижий инвестицияларнинг балки, Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида тутган ўрнини янада фаоллаштириш учун эса қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш даркор:

– хорижий инвестиция фаолиятини тартибга солувчи нормативҳуқуқий база ва қонунчиликни такомиллаштириш;

– ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жараёнларини барча ҳудудларда тезлаштириш ва кенгайтириш;

– иқтисодий тизим ва ундаги хусусий секторни инвесторлар билан айнан мамлакат иқтисодиёти учун самарали йўсинда, яъни юқори қўшимча қиймат яратувчи ишлаб чиқариш соҳаларида тўлақонли ҳамкорлик қила оладиган ҳолга келтириш;

– Эркин иқтисодий зоналарни янада ривожлантиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш;

– иқтисодиётда мавжуд ишчи кучи ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва уларнинг сифатини ошириш;

– банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва молия бозорини ривожлантириш орқали капитал айланиши тезлашувини таъминлаш;

– мамлакатда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантириш;

–Миллий иқтисодиётнинг ижтимоий, сиёсий, экологик ва ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқларни ривожлантириш йўлларини аниқлаш орқали узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Уларни шакллантиришда ички ва хорижий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларини стратегик аҳамиятига қараб йиғиш, таҳлил қилиш ва танлаб олиш лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвесторлари иштирокини кенгайтирмай туриб иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши иқтисодий имкониятларнинг кенгайишини жадаллаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш орқали бақарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: *минтақа, минтақавий иқтисодиёт, рақобат, рақобатбардошлик, меҳнат ресурслари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлиги, кичик бизнес, табиий ресурслар, саноат соҳаси.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Рақобат нима?
2. Рақобатбардошликни оширувчи омиллар нималар?
3. Меҳнат ресурслари нима?
4. Аҳоли бандлиги нима?

XV БОБ. МИНТАҚАЛАРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

15.1. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва таснифи

15.2. Минтақаларнинг экспорт салоҳияти

15.3. Минтақаларда қўшма корхоналарни ривожланиши. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари

15.1. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва таснифи

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтганидан буён тарихан қисқа давр мобайнида уни суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистон 165 давлат томонидан тан олинган, 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Тошкентда 35 мамлакатнинг ўз элчихонаси очилган. Бугунги кунда

Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда, энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, ҳукуматлараро 24 та ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенсияларга қўшилди. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

- ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлигига эришиш;
- тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- мафкуравий қарашлардан қатъй назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

15.2. Минтақаларнинг экспорт салоҳияти

Жаҳон хўжалиги бирликларининг интеграциялашуви ва унда глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши натижасида мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бўлган эътибори ортмоқда. Натижада ташқи савдо муносабатлари кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти ўсишининг муҳим бир омили ҳисобланмоқда. Ушбу шароитда экспорт салоҳиятини бошқариш масалалари турли даражаларда: корхоналар, минтақалар ва мамлакатлар миқёсида амалга оширилмоқда. Микро даражада экспорт салоҳиятини оширишдан асосий масқад иқтисодий даромад ҳажмини ошириш бўлса, мамлакатлар даражасида ушбу йўналишдаги тадбирлардан қуйидаги натижалар кутилади: - миллий иқтисодиётни ривожлантириш - миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш - жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари тез фурсатда барҳам топтириш - жаҳон хўжалигида мос равишда иштирок этиш. Салоҳият сўзининг луғавий маъноси бирор бир фаолиятни амалга ошириш, бирор бир ишни бажара олиш учун зарур бўлган воситалар, моддий ва номоддий элементлар мажмуасини англатади. Яна бир манбада салоҳият сўзига қуйидагича таъриф берилади: “Олдинга қўйилган аниқ мақсадга этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, воситалар ва заҳиралар йиғиндиси – салоҳият дейилади.” экспорт салоҳияти эса ўзакнинг юқоридаги луғавий маъноларидан келиб чиқиб, экспорт қилиш учун зарур ҳисобланган моддий ва номоддий воситалар йиғиндисини англатади деб айтишимиз мумкин. Экспорт салоҳияти мамлакат иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти бир қатор сабаблар билан изоҳланади.

Биринчидан, экспорт янги бозорларни, янги истеъмолчиларни камраб олиш ҳисобидан талабнинг ортишига сабаб бўлади, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, янги иш ўринларининг ташкил этилишига олиб келади.

Иккинчидан, экспорт маҳсулотларини хорижий валютага сотилиши эвазига миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қиймати ижобий томонга ўзгаради.

Учинчидан, қатор маҳсулотларга жаҳон бозоридаги нарх юқори бўлиб, даромадлар ҳажмининг ортиши янги соҳа ва ишлаб чиқариш кучларига инвестиция қилиш учун фонд ташкил этиш имкониятини беради. Бундан ташқари, жаҳон бозорига ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи сифатида кириб бориш сифат кўрсаткичларига юқори талаблар қўяди, ва модернизациялаш, ривожлантиришга бўлган интилишни кучайтиради, натижада миқдор ва сифат ўзгаришлари паралел равишда боради, миллий ишлаб чиқариш хусусиятлари

ижобий томонга ўзгаради, ишлаб чиқариш омилларининг сифати ва самарадорлиги ортади. Юқоридаги иқтисодий натижалар баъзи ривожланган мамлакатлар учун устувор характер касб этмаслиги мумкин, шу сабабли баъзан экспорт салоҳияти, ушбу мамлакатлар учун асосий омиллардан ҳисобланмайди. Лекин иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда бандлик, инвестиция, нархлар даражасидаги тафовутда юқорида айтилган вазиятлар кузатилади ва бу муаммоларнинг ечими сифатида экспортни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади. Натижада экспорт салоҳиятининг иқтисодий ўсишга эришишдаги аҳамияти ва долзарблиги ортади.

Экспорт салоҳияти, иқтисодий ўсишдаги муҳимлиги сабабли, кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, В.Н. Шимов экспорт салоҳияти иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисми бўлиб, тўрт миқёсда ўрганилишини таъкидлаган: ҳалқаро, мамлакат, минтақа ва алоҳида олинган корхона кесимида.

Ю.В Токарев эса экспорт салоҳияти тушунчасига қуйидагича таъриф беради: Корхонанинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши ва четга сотиши, ҳамда талаб этилган хизматларни кўрсата олиш қобилияти экспорт салоҳияти деб аталади. Ушбу таърифдан экспорт салоҳиятининг муҳим шартларидан бири рақобатбардошлик эканини кўришимиз мумкин.

И.А.Русаков эса экспорт салоҳияти атамасига бир қанча кенгроқ таъриф беради: Корхонанинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни хорижий бозорларда сотиш, инвестициялар жалб қилиш ва ҳалқаро ҳамкорликларда иштирок этишини таъминловчи иқтисодий ва молиявий имкониятлари йиғиндиси экспорт салоҳияти дейилади. Минтақа кўламида экспорт салоҳияти атамасига шу каби таъриф И.В. Элкин томонидан берилган бўлиб, унга кўра минтақанинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бошқа (хорижий) минтақаларда сота олиш имконияти унинг экспорт салоҳиятини белгилаб беради. Бундан минтақавий экспорт салоҳияти мажмуавий (комплекс) характер касб этиши ҳамда минтақада жойлашган алоҳида корхоналарнинг экспорт салоҳиятларини ўзида мужассамлаштириши тушунилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, экспорт салоҳияти юқори даражада бўлмаган икки корхонанинг ҳамкорлиги экспорт имкониятларини сезиларли даражада ошириб юбориши мумкин. Яъни, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини хорижий бозорларга олиб чиқиш имкониятларига эга бўлмаслиги мумкин. Хориж билан мунтазам ишлаб келаётган бошқа бир корхона эса алоқалар йўлга қўйилганига қарамасдан, капитал тақчиллиги ёки бошқа муаммолар сабабли ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаслиги ҳолатлари ҳам учраб туради. Ва мана шу икки корхонанинг ҳамкорлиги умумий экспорт салоҳиятини кўп маротаба ортишига олиб келади. Яна бир иқтисодчи

олим томонидан экспорт салоҳиятига берилган таърифда унинг иқтисодий салоҳият таркибий қисми, ички ва ташқи омиллар ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, корхона мақсад ва вазифаларидан келиб тўғри ташкиллаштирилган, маҳсулотларни яқин ва узоқ хорижда сотиш имконияти эканлиги айtilган. Шу каби ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда минтақа ёки мамлакат экспорт салоҳияти унинг тузилмавий бирликлари экспорт салоҳиятлари йиғиндисидан иборат деб айтиш мумкин эмас. Таърифни янада тўлдириб қуйидагича келтирилиши мақсадга мувофиқдир: Мамлакат ёки минтақанинг экспорт салоҳияти деб унинг таркибий қисмлари, тузилмавий бирликларининг алоҳида олинган экспорт салоҳияти мажмуи ва бирликлар ўртасидаги ҳамкорлик натижаларининг экспорт имкониятларига айtilади. Экспорт салоҳияти шаклланиши ва ривожланиши, амалда ундан фойдаланиш самарадорлиги кўплаб омиллар таъсирига боғлиқ. Ушбу омилларни ички ва ташқи турларга ажратиш мумкин. Мамлакатнинг ички табиий, иқтисодий, сиёсий омиллари ички омиллар ҳисобланади. Баъзи илмий адабиётларда ички омиллар шартли равишда бошқарилувчи ва бошқариб бўлмайдиган омиллар гуруҳларига ҳам ажратилади. Бошқарилувчи омиллар – корхона ёки давлат хусусиятларидан келиб чиқиб, иқтисодий шароитлар, ишлаб чиқариш ва бозорга кириб бориш, сифат ва нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар бўлиб, уларнинг таъсир доираси ва хусусиятини ўзгартириш имкони мавжуд. Иқтисодий сиёсат мисолида кўрилса, давлат уни мамлакат ва халқ манфати йўлида ўзгартириб, уни бошқариб туриши, лозим бўлган пайтда экспорт имкониятларини қисқартириши мумкин ва аксинча. Кўламига кўра экспорт салоҳиятига таъсир этувчи омиллар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Корхона хусусиятлари, бунда корхонанинг ички имкониятлари назарда тутилмоқда. Яъни корхонанинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олиши, унинг алоқа-коммуникатив хусусиятлари, кадрлари шу билан бирга бозорда вужудга келган талабни қондириш имкониятлари ва бошқалар.

2. Тармоқ хусусиятлари, яъни мавжуд тармоқнинг иқтисодий имкониятлари, инфратузилмаси, ҳукумат, давлат томонидан тармоққа яратилган имтиёзлар ва бошқалар.

3. Бозор хусусиятлари, корхона учун мақсадли бозор хусусиятлари бўлиб, унда бозор сиғими, ундаги сегментлар улуши, имкониятлари ва талаб хусусиятлари қамраб олинади.

Ўз изланишларида корхона экспорт салоҳияти оширишдан асосий мақсад даромадларни ошириш ва ҳаражатларни камайтириш эканини кўплаб иқтисодчилар таъкидлаган. Бу мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга ошириши мумкинлиги белгиланган:

1) ташқи бозорга этказиб берилаётган товар ва хизматлар миқдорини ошириш;

2) Хорижий бозорда мавқеини яхшилаш, экспорт қилинаётган маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига унинг нархини ошириш;

3) ишлаб чиқариш ва этказиб бериш харажатларини камайтириш;

4) экспортга чиқариладиган товар ва хизматларнинг умр давомийлиги циклини узайтириш (маркетинг) экспортни қўллаб-қувватлашнинг молиявий усулларида куйидагиларни кўришимиз мумкин: - экспорт фаолиятини кредитлаш - экспорт шартномаларини суғурталаш - экспорт шартномалари бажарилишини кафолатлаш - алоҳида тармоқ ва соҳа учун маҳсус молиявий имтиёзлар жорий қилиш - экспортга чиқарилган маҳсулотларни хорижлик ҳаридорларга турли муддатга кредит ёки лизинг асосида сотиш. - экспортчи корхоналар айланма маблағларини кредитлаш.

Ҳукуматимиз томонидан экспорт салоҳияти имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар орқали ҳам кўриш мумкин. Мазкур ҳужжатда мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни янада оширишга қаратилган қатор, жумладан куйидаги йўналишлар белгиланган:

– экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

– аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

– ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш.

Мустақил тараққиёт даврида мамлакатимиз экспорт таркибининг таҳлили бу борада аҳамиятли диверсификацион силжишлар рўй бераётганини кўрсатади. Энг аҳамиятли жиҳат – агар 1990 йилда экспортнинг 60 фоизини пахта толаси ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич атиги 5,1 фоизни ташкил этиб, мазкур салмоқ деярли 12 баравар қисқарган. Аксинча, хизматларнинг улуши 1% дан ва 25,5% гача, яъни 25 баравардан кўпроқ ўсган. Шунингдек, бошқа асосий экспорт йўналишлари бўйича тегишли равишда куйидагича нисбат шаклланган: озиқ-овқат маҳсулотлари – 4% ва 8,5%; кимёвий маҳсулотлар ва буюмлар – 2% ва 6,7%; энергетика ва нефт маҳсулотлари – 17% ва 13,7%; қора ва рангли металллар – 5% ва 5,7%; машина ва асбоб-ускуналар – 2% ва 1,7%.

Умуман олганда 2018 йилда 224 та мамлакат ичида Ўзбекистон 11,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотларни экспорт қилиб жаҳонда экспорт бўйича 84 ўринни эгаллади. Шу қаторда, кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 2018 йилда 28,6% га этган. Бундан ташқари жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамадан, иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2017 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон 2018 йил ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун Европа, Осиё ва Африка қитъаларида бир неча ўнлаб янги экспорт бозорларини очди. Ўтган 2018 йил давомида Ўзбекистонда экспорт фаолиятига 877 та янги корхона жалб қилинган бўлиб, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун 60 та янги бозор очилди.

Хориж мамлакатлари билан алоқаларнинг тобора чуқурлашуви Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада ошиши учун қулай шароит сифатида баҳоланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 4–5 апрел кунлари Россияга уюштирган давлат сафари давомида умумий қиймати 16 млрд АҚШ долларига яқин бўлган 50 дан зиёд меҳнат миграцияси, нефт етказиб бериш, ҳудудлар ҳамкорлиги, агросектор, саноат, туризм, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги келишувлар имзоланганлиги бунга яққол мисолдир.

Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда инвестиция ва экспорт фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган янги фармон қабул қилинди. Шу билан бир қаторда, ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори кўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-ҳом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди. Жумладан, 2017 йилда 948 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6,5 трлн.сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши белгиланган. Шу билан бирга, 122 турдаги ўзлаштиришга таклиф этилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этадиган корхоналарни аниқлаш ва тегишли лойиҳаларни амалга ошириш белгилаб олинган.

15.3. Минтақаларда қўшма корхоналарни ривожланиши. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари

Ташқи бозорни тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг хорижий бозордаги стратегик линиясини ишлаб чиқиш учун, айниқса, янги товарларни ишлаб чиқариш ва уларни бозорларга киритишда зарур масаладир.

Бозорни батафсил ўрганиш уни истемолчилар гуруҳлари ва товарларнинг истемол хусусиятларига мувофиқ сигментлашни талаб қилади. Хорижий тажриба кўрсатадики, энг мувофиқ сигмент деб ушбу бозорнинг тахминан 20 % харидорлари фирма тақдим этган товар ҳажмининг 80 %ини харид қилганлари ҳисобланади. Товар билан боғлиқ бўлган масала уни олдиндан аниқланган бўлажак харидорларнинг айрим гуруҳларига аниқ мўлжаллаб лойиҳалаштиришнинг зарурлигидир

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг **Харакатлар стратегиясида** вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутоносиб ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворйўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” маърузасида айнан, “...иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш бўйича қайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима қилиш керак?” таъкидлаб ўтганлар[

Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи чет эл капитал иштирокидаги корхоналар учун қуйидаги қўшимча имтиёзлар жорий қилинган:

- уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредит олиш ҳуқуқи берилган, яъни бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва эр солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача муддатга кечиктирилади;

- “2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 854 миллион долларга этди. **Миллий валютаимизни эркин конвертатсия қилишга киришдик.** Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш

имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди оператсиялари ҳажми либерализатсия даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.”⁴⁴

Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланган устувор вазифаларни бажариш доирасида барра ва қайта ишланган мева-сабзавотчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини ва уларнинг турини ошириш, уларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

2016 йил якунларига кўра, Ўзбекистон корхоналари томонидан 818,5 минг тонна мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (2015 йилга нисбатан 38,3 фоизга кўпроқ), жумладан, сабзавотлар – 242,1 минг т (29,6 фоиз), мевалар – 229,6 минг т (28 фоиз), полиз экинлари – 6,8 минг т (0,8 фоиз), узум – 96,2 минг т (11,7 фоиз), дуккакли маҳсулотлар – 120,2 минг т (14,7 фоиз) ва қуритилган маҳсулотлар 124,5 минг т (15,2 фоиз) миқдорида экспорт қилинган.

65 турдаги мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт қилинган. Бунда экспортнинг асосий ҳажми гилос (14,4 фоиз), майиз (12,8 фоиз), ўрик (7,63 фоиз), узум (7,57 фоиз), мош (6,91 фоиз), помидор (6,86 фоиз), нўхат (6,51 фоиз), кўкатлар (5,65 фоиз), шафтоли (нектарин) (4,11 фоиз) ва хурмо (3,96 фоиз) меваларига тўғри келган. Ўзбекистон мева-сабзавотчилик маҳсулотлари дунёнинг 43 та давлатига экспорт қилинади. Ўтган йили бу давлатлар қатори яна 9 та давлат билан тўлдирилди: биринчи марта Италия ва Испанияга консерваланган каперс (ковул), Ливанга грек ёнғоқлари, Ветнамга майиз, Белгияга қуритилган сабзавотлар, Швейсарияга узум ва қовун, Голландияга туршак, Исроилга майиз, Чехияга қуритилган мевалар ва майиз жўнатилди.

Умумий ҳажмга кўра, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт қилувчи давлатлар ўртасида 48-ўринни эгалламоқда.

Шу билан бир қаторда, экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида Ҳиндистон, Германия, Полша, Латвия, БАА ва Беларусда савдо уйлари очиш бўйича ишлар якунланмоқда. 2017 йил охиригача бу савдо уйлари рўйхатдан ўтказилиб, ўз фаолиятини бошлайди.

2017 йилда 1,27 млн тонна мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт қилиш прогноз қилинмоқда. Бугунги кунда "Ўзагроэкспорт" АЖ бу режаларни амалга ошириш учун қатъий шартномаларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги қарори билан 12 турдаги буюм ва маҳсулотлар экспортига ўрнатилган тақиқ бекор қилинди.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Шундай қилиб, дон (буғдой, жавдар, сули, гуруч, маккажўхори, гречка), нон-булочка маҳсулотлари, ун ва ёрма, қорамол ва парранда, гўшт ва сут маҳсулотлари, уй паррандасининг озиқ-овқат сут маҳсулотлари, шакар, қадимги асори-атиқалар, ўсимлик ёғи, чарм, мўйна-жун (шу жумладан қоракўл) хом ашёси, лом ва рангли металл чиқиндилари, пилла, ипак хом ашёси (ўралмаган), ипак чиқиндилари ҳамда полиэтилентерефталат (ПЕТ) чиқиндилари, кесмалари ва скраплари кабиларни экспорт қилиш мумкин бўлади. Сурхондарёда 2017 йил давомида 30 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти томонидан қарийб 37 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россия, Беларус, Украина, БАА, Ҳиндистон, эрон, Покистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинди. Афғонистон Ўзбекистоннинг дуккакли маҳсулотларига асосий харидорлардан бири ҳисобланади. Йил давомида воҳадан хорижга экспорт қилинган 14,3 тоннадан ортиқ бу турдаги маҳсулотларнинг 12 минг тоннадан ортиғи, яъни салкам 84 фоизи айнан Афғонистонга этказиб берилди.

2017 йил 1 январидан ушбу маҳсулотлар ва буюмларнинг экспорт шартномалари давлат божхона хизмати идораларида қонунда белгиланган тартибда рўйхатга қўйилиши талаб этилади. Қонунчиликка киритилган ўзгартишлар Президентнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»га қарори ижроси юзасидан қабул қилинган. Эслатиб ўтамин, аввал хабар берилганидек, 2017 йил 1 январидан Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларида барча турдаги режадан ташқари текширишлар бекор қилинган. Фақатгина юридик шахсга барҳам бериш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари туфайли Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ўтказилувчи қисқа муддатли текширишлар бундан мустасно. Шу билан бирга, Президентнинг парламентга Мурожаатномасида белгиланганидек, 2018 йилда экспорт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга яна бир бор тўхталиб ўтилди. Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни бажариш бўйича қабул қилинган “йўл хариталари” ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларини божхона кўригидан ўтказишда хавф-хатардан огоҳ этиш тизимини жорий қилиш, божхона органлари томонидан бериладиган ортиқча ва замон талабига жавоб бермайдиган литсензия ва рухсатномаларни бекор қилиш лозим. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини йилига 10 миллиард долларга этказиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

XVI БОБ. ХУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ

Режа:

16.1. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.

16.2. Сув ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш

16.1. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.

Мустақиллик йилларида атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010-йилдан буён 2015 йилга қадар атмосферага чиқариб юбориладиган заҳарли моддалар миқдори 1,7 марта қисқарди. Лекин атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида амалга ошириш зарур бўлган ишлар кўлами катталигича қолмоқда.

Мамлакатимиз минтақаларида саноатининг бақарор ривожланишини таъминлаш қатор иқтисодий, ташкилий ва экологик муаммолар йечимини ҳал этишга боғлиқ. Жумладан:

минтақаларининг табиий ва меҳнат ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

саноатнинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда рақобатбардошлигини ошириш;

эски корхоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, янги замонавий корхоналар қурилишини жадаллаштириш,

ички тармоқ ва тармоқларора кооперация ва касаначиликни ривожлантириш;

саноат тармоқларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш;

хомашё ва энергия сиғимини камайтириш;

маҳсулотларнинг янги рақобатбардош, экспортбоп турларини кўпайтириш;

экологик ноқулай минтақаларда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида қатор тадбирларни амалга ошириб боришни тақозо этади.

2016 йил 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтида 22 май – Халқаро биологик хилма-хиллик кунига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси Экоҳаракат билан

ҳамкорлигидаги **“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришнинг қонунчилик асослари”** мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Миллий университети ходимлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати фаоллари, Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар уюшмаси, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти, экология соҳасида фаолият юритувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Таъкидландики, халқаро ҳуқуқ нормаларга кўра, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларни бошқариш ва бутлигини сақлаш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш давлатнинг биринчи даражали вазифаси сифатида эътироф этилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг ўта муҳимлига алоҳида аҳамият бергани ҳолда бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан 1995 йилда Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди ва республика ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга асосан мамлакат умумий ер майдонининг 10 фоизини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киритиш режалаштирилган. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш айнан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда тўлақонли амалга оширилишини эътироф этган ҳолда ҳукуматимиз томонидан мазкур ҳудудлар майдонини кенгайтириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг **“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”**ги Қонуни мазкур ҳудудларни ташкил этиш, бошқариш ва кенгайтириш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни белгилаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимига 8 та давлат қўриқхоналари, 1 та давлат биосфера резервати, 2 та табиат миллий боғи, 10 та давлат буюртма қўриқхоналари, 6 та табиат ёдгорликлари, 3 та ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича питомниклар, республика ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарёларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, республика ҳудудида жойлашган халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари рўйхатга киритилган 2 та (Денгизкўл ва Айдар-Арнасой кўллар тизими) кўллар тизими киради.

Таъкидлаш керакки, 2004 йилда янги таъхирда қабул килинган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига республикада мазкур ҳудудларнинг майдонини кенгайтириш мақсадида биосфера резервати тушунчаси киритилди. Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган “Бадай-тўқай” давлат қўриқхонаси негизида «Қуйи-Амударё» давлат биосфера резервати ташкил этилди. Биосфера резерватининг вазифаси резерват ҳудудидаги табиий ландшафтларни, тўқайга хос фауна ва флоранинг йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларини ҳамда ҳудудга хос бошқа табиий объектларини сақлаб қолиш, қайта тиклаш, экологик ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланишни ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш, табиат жараёнларини ўрганиш, экологик таълим ва тарбиянинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил топган. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бу соҳадаги қонунчилик асосларини ривожлантириш”, “Ўзбекистонда флора ва фауна хилма-хиллигини сақлашда миллий боғларнинг аҳамияти” “Ўзбекистонда флора ва фауна хилма-хиллигини сақлашда миллий боғларнинг аҳамияти” мавзуларида маърузалар қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнгги қисқа давр мобайнида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги, хусусан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш бўйича муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Бугунги кунда республикада атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича 30 га яқин муҳим қонунлар ва юзлаб қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон қарорини амалга ошириш мақсадида кейинги 15 йилда республикада мониторингнинг ягона тизими яратилди, атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи асосий табиий ва техноген манбаларнинг рўйхати шакллантирилди, ўлчашларни бажаришнинг замонавий методикалари ишлаб чиқилди, экоаналитик лабораторияларнинг моддий-техника базаси модернизация қилинди, мониторинг натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида давлат ахборот-таҳлил маркази ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда атроф табиий муҳит мониторинги 390 та саноат корхоналарида, 68 та ер усти сув оқимлари пунктларида, 87 та сув ташлама

коллекторларида, 1694 та ер ости суви қудуқларида, 74 та булоқларда ва 61 та атмосфера ҳавосини кузатиш постларида олиб борилмоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишга мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий массаси кўрсатиб ўтилган даврда 1,5 бараварга қисқарди, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг ўрганилган туманларида суғориладиган ерлар бонитети 0,9 дан 4,7 баллгача ошди.

Шу билан бирга, сув ресурслари ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги шуни кўрсатдики, баъзи тозалаш иншоотларида оқова ва ташламаларни тозалаш ишларини амалга ошириш самараси етарли даражада эмас, йирик саноат корхоналари атрофидаги баъзи тупроқлар ифлосланган. Экоаналитик лабораторияларнинг методик ва моддий-техника базаси янада такомиллаштиришни талаб қилади. Атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг иш сифатини янада ошириш ва ифлосланиш даражаси ҳолатини прогноз қилиш ва мунтазам равишда баҳолашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади: 1. 2016 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тасдиқланган Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар. 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган Дастурда белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур бўладиган маблағларни вазирликлар ва идораларнинг харажатлар сметасида назарда тутсин. Мамлакатимиз чўллари дунёдаги қурғоқчил чўл биомлари сақлаб қолинган ҳудудлардан ҳисобланади. Фикримизга ёрқин мисол сифатида флора ва фаунанинг йўқолиб бораётган кўплаб турлари мавжуд ҳамда юқори қимматли биологик хилма-хилликка эга бўлган Устюрт ясси тоғини келтириш мумкин. Ўз навбатида, мазкур жойдаги фойдали қазилмалар, жумладан, углеводород захиралари, нефть-газ тармоғининг жадал ривожига ёрдам беради ва ҳудуднинг ўзлаштирилишига сабаб бўлади.

Ушбу минтақада олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар нефть-газ конларини излаш, мазкур тармоқда мустаҳкам хом ашё базасини шакллантириш ва энергетика жихатидан мустақилликни таъминлаш, нефть-газ компанияларида экологик хавфсизликни таъминлаш, бўйича ижтимоий жавобгарликни ҳам талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон босқичма-босқич Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Конвенцияни ва Кўчиб юрадиган турларни сақлаш бўйича Конвенцияни ратификация қилди. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этилишининг аҳамияти эса юртимиз табиий биохилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсади билан изоҳланади. Қолаверса, “Олдини олиш – минималлаштириш – тиклаш - биохилмахилликни муқаррар/қолдиқ йўқотишларини қоплаш” тамойилидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 12 та қонунига ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, давлат экологик назоратини ўтказиш текширувларининг усуллари учун ҳужжатлар тўплами тайёрланди. Кўрилган бундай чора-тадбирлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланишни назорат қилувчи органлар келгусида янги нефть-газ лойиҳаларини ҳудуднинг биохилма-хиллигига таъсирини янада диққат билан ўрганиши мумкинлигини англатади.

Шунингдек, ҳам нефть-газ тармоғи мутахассислари, ҳам фаолияти биохилма-хилликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кадрларни ўқитиш дастури ҳам лойиҳага киритилди. Пировардида мазкур соҳада халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда “Нефть-газ секторини ривожлантириш ҳамда бошқа саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳудудларни ўзлаштиришда биохилмахилликни сақлаш” номли ўқув қўлланма нашр этилди. Ўз навбатида, табиий ресурсларга таъсирнинг олдини олиш ва минималлаштириш, биохилма-хилликни тиклаш, биологик турфа хилликнинг муқаррар йўқотишларини қоплаш тамойили бўйича нефть-газ компаниялари фаолиятининг барча жараёнлари лойиҳанинг яна бир наشري – “Ўзбекистоннинг арид экотизимларидаги нефть-газ секторида биохилмахилликни сақлаш услублари” номли қўлланмада ҳам ёритилган.

Лойиҳа доирасида ГИС форматида Устюрт ясси тоғи минтақасини зоналарга бўлиш харитаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, унга биологик хилма-хилликнинг қимматини ҳисобга олган ҳолда учта зона ҳам киритилган бўлиб, ҳар бирида ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами объектларига зарар етказмасдан ердан фойдаланиш ишларини олиб боришгақай тартибда даражада рухсат этилгани батафсил ёзилган.

Шу билан бирга, яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш жоизки, лойиҳа доирасида “Сайгачий” кўрикхонасини қайта ташкил қилишда зарур ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, кўрикхона учун керакли ускуна ва инвентарлар сотиб олинган. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масаладаги қарори лойиҳаси бешта манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тайёрланди.

16.2. Сув ресурслари ҳолати ва улардан фойдаланиш

Сайёрамиздаги барча сув захирасининг 97 фоиздан ортиғи истеъмол учун яроқсиз ҳисобланиб, чучук сув ҳажми жуда кам миқдорни ташкил қилади. Бугун дунёдаги кўплаб давлатларда обиҳаёт танқислиги оғриқли масалалардан бири экани барчамизга яхши маълум.

Сув ресурсларини олишга бўлган имкониятнинг нотекислиги, уларни тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича назорат қилишга эришиш борасидаги рақобат маҳаллий ва минтақавий низолар келиб чиқишига сабаб бўлиши бутун дунёда тан олинмоқда. Сув Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий - иқтисодий тараққиётида асосий омил ҳисобланади. Охириги 20 йил ичида минтақанинг баъзи ҳудудларида (айниқса Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмларида) кузатилаётган сув танқислиги ижтимоий - иқтисодий ҳолатга салбий таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгариши суръатларини ҳисобга олсак келажакда сув танқислиги ўсиши эҳтимоли юқори, бу эса нафақат чўл минтақалари, балки бутун минтақанинг барқарор тараққиётига тўсқинлик қилади. Қурғоқчил иқлим шароитига эга бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш барқарор тараққиётнинг энг асосий омилларидан ҳисобланади. Минтақадаги ер усти сувларининг катта қисми бир неча давлат территориясидан оқиб ўтиши трансчегаравий дарёларни бошқаришда ҳамкорлик қилиш эҳтиёжини туғдиради. Минтақанинг бешта асосий давлатларини бирлаштирувчи сув ресурсларининг асосий манбаи Орол денгизи ҳавзасидаги икки йирик дарё – Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда катта миқёсдаги ерларни ўзлаштирилиши Орол муаммосинининг асосий сабаби бўлди. Бундан ташқари, собиқ совет давлатлари сув-энергетика тизими бўйича ўзаро бир-бирига боғлиқ. Қиш мавсумида Қирғизистон ва Тожикистонга энергетикани етказиб бериш учун сув оқизилиши ёзда Қозоғистон ва Ўзбекистонда ирригация мақсадлари учун сув етишмаслигига олиб келмоқда. Афсуски, Марказий Осиёда трансчегаравий дарёларни бошқариш борасида мавжуд муаммоларни хал қилиш бўйича тузилган минтақавий ва халқаро ташкилотлар ҳозирча катта муваффақиятга эришмаяпти. Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари. бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан; ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир. Давлатлараро дарёлар - Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олибборилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar. Жамоат бирлашмалари, жамоалар ўз низомларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадilar. Сувнинг холатига таъсир ўтказадиган янги ва таъмирланган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек янги технология жараёнларини жорий этиш чоғида аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган талабларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш шарти билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим. Бунда сув объектларидан олинadиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувнинг зарарли таъсирини олдини олишни, ерларни сув босиш хавфини имкон қадар камайтиришни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади. Сувдан фойдаланиш тури икки хилдир: - сувдан умумий фойдаланиш - сувнинг холатига таъсир қилadиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш; - сувдан махсус фойдаланиш - иншоотларни ёки қурилмаларни қўлланиш йўли билан фойдаланиш.

Сувдан фойдаланиш лимитлари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланиб, унга риоя этиш идоравий бўйсинувидан қатъи назар, сувдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир. Сувдан фойдаланувчилар: - 10 - сув объектларидан оқилона равишда фойдаланишлари, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сувнинг сифатини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайғуришлари, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этишлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи: - сувдан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда ёки ундан воз кечилганда; - сувдан фойдаланиш муддати тугаганда; - корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда ёки унинг фаолияти тўхтатилганда; - сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда; - танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади. - табиат объектларига (ерлар, ўрмонлар, хайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказилишига йўл қўймасликлари; - сув ресурсларидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт. Сувдан

фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёки сув объектидан белгилаб қўйилганидан бошқа мақсадда фойдаланилган, сув ҳақи тўланмаган ҳолларда ҳам корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик сувга бўлган эҳтиёж ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустаснодир). Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ишлари қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкатларининг) бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг суғориладиган ерларида қулай сув режими вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади. Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги Сувдан фойдаланиш режалари сувдан бирламчи фойдаланувчилар томонидан тузилиб, ирригация тизимлари бошқармалари ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади. Қуйидагилар: - ирригация тизими бошқармаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишган ҳолда - сувдан бирламчи фойдаланувчи бўйича; - ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишган ҳолда - ирригация тизими бўйича: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси - ҳавза ирригация тизими ҳамда вилоятлараро ва республика аҳамиятига молик айрим йирик сув хўжалиги объектлари бўйича тўзилган ва умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда асосий эътибор сув иншоотларидан самарали фойдаланиш ва бирламчи сувдан фойдаланувчиларнинг сувни истеъмолчига етказиб беришдаги самарадорлигини оширишга қаратиш лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги учун етиштирилаётган маҳсулот айнан иккиламчи сувдан фойдаланувчилар томонидан ҳосил бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, шу бўғин учун техник, иқтисодий, маъмурий, ташкилий ва таклиф этилаётган экологик чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Техник чора-тадбирларни қўлланилиши натижасида каналларда буғланиш туфайли сув йўқотилиши камайтиради, экин майдонларида беҳудага сувни йўқотишларга чек қўйилади. Бизга маълумки, вилоят бўйича суғориш тизимининг фойдали коэффициенти 0,74 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич ҳозирча юқори эмас. Бундан ташқари экин майдонларини капитал текислаб туриш, ҳамда экишдан олдин жорий текислаш ишларини ўз вақтида бажарилиши ва экинларни турига қараб жойлаштирилиши сув сарфини камайтиришга олиб келади

Мамлакатимизда аҳоли томонидан ҳамда ишлаб чиқариш ва деҳқончилик тизимида сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига устувор эътибор қаратилиб, мазкур ресурснинг барқарор таъминотини кафолатлаш юзасидан

тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

2017 йил 17 апрель куни Тошкент шаҳрида Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) томонидан «Сув ресурслари назоратини яхшилаш борасидаги ташаббуслар» мавзусида семинар ва пресс-брифинг бўлиб ўтди.

Тадбир давомида МОМЭМ томонидан яқин беш йил ичида амалга ошириладиган бир қатор лойиҳалар муҳокама қилинди:

1-лойиҳа: «Марказий Осиёда сув, таълим ва ҳамкорлик» лойиҳаси АҚШнинг халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилади. Лойиҳа мақсади – сув хўжалигидаги кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш ва ходимлар малакасини ошириш, манфаатдор тузилмалар ўртасида касбий муносабатларни ўрнатиш ҳамда сув ресурсларини назорат қилишда ҳавзавий ёндашув ва минтақавий академик ҳамкорлик салоҳиятини намоёни этишдир. Амалга оширилиш муддати: 2015-2020 йиллар.

2-лойиҳа: «Марказий Осиёда сув ҳамкорлиги» лойиҳаси Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан молиялаштирилади. Лойиҳа мақсади – минтақавий сув ҳамкорлигини кучайтириш, Марказий Осиёда экология ва барқарор тараққиёт соҳасида ўзаро таъсирни мустаҳкамлаш, ҳамда сув ресурсларини назорат қилиш масалаларида инновацион усуллар ва амалиётни ўрганиш ва олға суриш. Амалга оширилиш муддати: 2015-2017 йиллар.

3-лойиҳа: «Ўзбекистонда барқарор сув ва экологик ривожланиш учун ҳамкорлик ва хабардорликни ошириш. Компонент 3» лойиҳаси Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш» дастури доирасида молиялаштирилади. Лойиҳа мақсади – иқлим ўзгариши шароитида сувдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳимлигига аҳоли эътиборини қаратиш ва хабардорлик даражасини ошириш. Амалга оширилиш муддати: 2016-2019 йиллар.

4-лойиҳа: «Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзасидаги ер усти сувлари сифатига бўлган таъсирини ўрганиш» лойиҳаси АҚШнинг халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилади. Лойиҳа мақсади – иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзасидаги ер усти сувлари сифатига бўлган таъсирини иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари, суғорма деҳқончилик амалиётлари ва сув ресурсларини бошқарув турларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш, иқлим ўзгаришининг Амударё сувларига бўлган таъсирга баҳо бериш ва ушбу ўзгаришларга қарши адаптация чораларини ишлаб чиқиш учун манфаатдор томонлар билан бўлишиш. Амалга оширилиш муддати: 2016-2018 йиллар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу қарор ер ости сувлари захираларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу асосда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сифатини янада яхшилаш ҳамда айрим шаҳар ва туманлар марказларида ер ости сувлари сатҳлари кўтарилишининг олдини олишга йўналтирилган. Ҳужжатда ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишда назоратни таъминлаш учун ваколатли давлат органлари, сувдан фойдаланувчилар ва истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажмини тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда унинг ифлосланиши ва камайишига йўл қўймаслик бўйича вазифалари белгиланган. Мазкур қарор билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури соҳада муҳим ўрин тутади. Ушбу дастур ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари комплексини, ер ости чучук сувлари захираларини кўпайтиришнинг мақсадли параметрларини ва бошқа шу каби масалаларни ўз ичига олади.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, бугунги кунда мамлакатимиздаги 69 шаҳар, 335 посёлка ва 2 минг 902 қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда. Шу билан бирга, сўнгги 40-50 йилда саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши чучук ер ости сувлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, бу эса конлардаги захираларнинг 35 фоизга қисқаришига ҳамда сув олиш иншоотларининг рухсатсиз қурилиши ва сувни назоратсиз олиш оқибатида айрим манбаларда сув захираларининг тугашига олиб келди. Республиканинг айрим ҳудудларида ер усти сувларини чиқариб ташлаш ва дренаж тизимларининг қониқарсиз ҳолати, ер ости сувлари сатҳининг интенсив кўтарилиши, шунингдек режали тарзда гидрогеологик мониторинг олиб борилмаганлиги оқибатида айрим шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг сувга ботиши кузатилмоқда. Ер ости сувлари мониторингининг 1465 кузатиш пунктдан иборат амалдаги тизими сув манбаларининг ифлосланишига, ер ости сувлари захираларининг камайишига ва аҳоли пунктлари ҳудудларининг сувга ботишига олиб келувчи салбий омилларни ўз вақтида ва тўлақонли баҳолаш имконини бермаяпти. Сифатли ичимлик сув тақчил бўлган айрим минтақаларда сувни индустриал чучуклаштириш қурилмаларидан етарли фойдаланилмаяпти, республикада уларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан шу йил февраль-март ойларида 10 мингтадан ортиқ сув қудуқлари хатловдан ўтказилганлиши натижалари кўрсатиб ўтилган салбий омилларнинг ер ости сувлари ҳолатига таъсири давом этаётганлигини кўрсатди. Булар: 60 фоиздан ортиқ қудуқлардан ер ости сувларининг назоратсиз олинishi ҳамда 59 фоиз қудуқлардан ер ости сувларини тасдиқланмаган захиралардан олинishi; яқин ўн йиллар мобайнида чучук ер ости сувлари мавжуд ресурсларининг ярмидан кўпини тиклаб бўлмас тарзда йўқотишнинг реал хавфи мавжудлиги. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган қарор ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга ва шу асосида республика аҳолисини сув билан таъминлаш сифатини яхшилашга ҳамда айрим шаҳарлар ва туман марказларини сувга ботишининг олдини олишга йўналтирилган. Жумладан, қарор билан: 2017 йил 1 июлдан қуйидагича тартиб жорий этилади, унга мувофиқ: белгиланган тартибда рухсат олинмасдан, бироқ техник талабларга риоя этилган ҳолда қазилган фойдаланиш қудуқлари кейинчалик белгиланган тартибда фойдаланиш учун тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан расмийлаштирилиши лозим; белгиланган тартибда рухсат олинмасдан ва техник талаблар бузилган ҳолда қазилган фойдаланиш қудуқлари, тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини муқобил сув манбаларига улашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда тугатилади; юридик ва жисмоний шахсларга сув олиш учун қудуқ қазिशга белгиланган тартибда гидрогеологик хулоса бериш фақат Давлат геология қўмитасининг гидрогеология корхоналари томонидан амалга оширилади; сув олиш учун қудуқ қазिशга рухсатномалар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик экспертизаси хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Давлат геология қўмитаси томонидан берилади. ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан назоратнинг таъминланиши учун ваколатли давлат органларининг ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажмини зарур тарзда ҳисобга олиш, уларнинг ифлосланиши ва камайишини олдини олиш каби сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг вазифалари белгилаб қўйилмоқда. 2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланмоқда.

Дастур 2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари комплексини;

2017-2021 йилларда чучук ер ости сувлари захираларини кўпайтиришнинг мақсадли параметрларини;

2018-2021 йилларда ер ости сувлари мониторинги кузатиш пунктлари тармоғини кенгайтириш дастурини;

2018-2021 йилларда Давлат геология кўмитаси гидрогеология корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини;

2018-2019 йилларда Давлат геология кўмитасининг ҳудудий гидрогеология станцияларининг ишлаб чиқариш базаларини қуришни ва жиҳозлашни;

2018-2020 йилларда шаҳарлар ва туман марказларида дренаж ва кузатув кудуқларини ҳамда коллекторларни қуриш ва мукамал таъмирлаш параметрларини ўз ичига олади.

Чора-тадбирлар дастурини молиялаштиришга 2017-2021 йилларда жами 395,9 миллиард сўм, шу жумладан 109,2 миллиард сўм Давлат бюджетидан, 286,7 миллиард сўм Давлат бюджетидан, халқаро молиявий институтлар ва маҳаллий бюджетлардан йўналтирилади.

Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш учун Ишчи гуруҳ тасдиқланган.

Шунингдек мамлакатимизда ишлаб чиқарилган чучуклаштириш қурилмаларини саноат даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улар билан тегишли аҳоли пунктларини жиҳозлаш учун 2017 йил охиригача Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида тажриба-эксперимент ишларини олиб бориш назарда тутилган.

Шу билан бирга Давлат геология кўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарни ихтисосли кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ирригация ва минерал сув институтида "Мелиоратив гидрогеология" таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилади.

Ушбу қарорнинг амалга оширилиши:

биринчидан – ер ости сувларидан фойдаланишни назорат қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳисобга олишнинг самарали механизмларини жорий этиш;

иккинчидан – чучук ер ости сувлари захираларини кўпайтириш бўйича гидрогеологик ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда қўшимча равишда 7 та шаҳар, 21 та посёлка ва 426 та қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминотини асослаш;

учинчидан – ер ости сувларини кузатиш тармоғини 1155 та кудуққа кўпайтириш ва уларда 500 та замонавий автоматлаштирилган тизимларни ўрнатиш билан ер ости сувларининг ҳолати устидан самарали мониторинг олиб борилишини ташкил этиш;

тўртинчидан – дренаж қудуқлар сонини 715 тага, кузатиш дренаж қудуқлари сонини 1369 тага, коллекторлар узунлигини – 280 километрга кўпайтириш, шунингдек 1650 та дренаж қудуқларида сарфларни ўлчаш қурилмалари ўрнатиш ҳисобига 132 та шаҳар ва туман марказларини сувга ботишининг олдини олиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2018.

1.2.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.

1.3.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель.

1.4.Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни, 2000 йил 25 май.

1.5.Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, 2012 йил 26 апрель.

1.6.Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни, 2014 йил 09 декабрь.

1.7.Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни, Т.:, 2015 йил 22 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли Қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги 3607-сон "Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сонли Қарори, 2018 йил 14 май.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция

дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067- сон Қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

3.1. Мирзиёев, Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

3.2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь,

IV. Махсус илмий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар

4.1. Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // Journal of Finance, Vol.58 No. 3, pp. 1301-1328.

4.2. Anna Motylska-Kuzma, (2017) "The financial decisions of family businesses", Journal of Family Business Management, Vol. 7 Issue: 3, pp.351-373.

4.3. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>)

4.3. Батухин Е. Call-центр в концепции CRM // Sales business/ Продажи. 2004, №3.

4.4. Бозоров Д. Синергетик парадигма. Монография. “Тафаккур”

4.5. Быков В.А.. Электронный бизнес и безопасность. - М.: Радио и связь, 2000.

4.6. Багиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской

деятельности. Учебное пособие/ Под общей ред. проф. ГЛ.Багиева. - СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2000.

4.7. Ведев Д. Российские реалии и перспективы. Рынок систем управления предприятием // Connect. Мир связи. 2001.№12. 42-44.

4.8. Benavides-Velasco, C.A., Quintana-Garcia, C. and Guzman-Parra, V. (2013), "Trends in family business research", Small Business Economy, Vol. 40, pp. 41-57.

4.9. Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, Вып. 2, с. 11-16.

4.10. Гамидов Г.С. и др. Основы инноватики и инновационной деятельности - С-Пб.: Политехника, 2000.

нашриёти. – Т.: 2010.

4.11. Daily C. M. and Dollinger M. J. (1992). An empirical examination of ownership structure in family and professionally managed firms // Family Business Review, Vol.5 No.2, pp.375-386.

4.12. Imomov H. H. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. (O'quv qo'llanma) –Т.:TDIU, 2010.

4.13. Календжян С. О. и Волков Д. А. (2011). Развитие семейного предпринимательства в России // Экономическая политика, № 5, с. 148-154.

4.14. Каримов Н.Ф. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор муханизмларини такомиллаштириш. // Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. – Т/: «СМИ-АСИА», 2011.

4.15. Karlibayeva R.X. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. –Т.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.

4.16. Kotlar, J., Fang, H., De Massis, A. and Frattini, F. (2014), "Profitability goals, control goals, and the R&D investment decisions of family and nonfamily firms", Journal of Product Innovation Management, Vol. 31 No. 6, pp. 1128-1145.

4.17. Kelly L. M., Athanassiou N. and Crittenden W. F. (2000). Founder Centrality and Strategic Behavior in the Family-Owned Firm // Entrepreneurship Theory and Practice, no. 25(2), pp. 27-42.

4.18. Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // Российский журнал менеджмента, № 5 (3), с. 145-174.

4.19. Курганов А. Результативность поддержки малого бизнеса // Государственная служба. – 2009. – № 1. – С. 83–85.

- 4.20. Копачев А.А., Электронная коммерция как фактор инновационного развития деятельности предприятия - Санкт-Петербург, 2009.
- 4.21. Кредит ташкилотлари ва банклар таркибий бўлинмалари сони. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/>.
- 4.22. Лихтенберг Г. К. Деградация философии. - М., 2004.
- 4.23. Материалы семинара по вопросам инновационной культуры. ЮНЕСКО - Париж, 28 феврал 1-март 2002.
- 4.24. Маматов Ф. Кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш тизимини синергетик ёндошув асосида такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т., 2012.
- 4.25. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2010.
- 4.26. Moliya: Korxonalar moliyasi. Darslik / J.R.Zaynalov, S.S.Alieva, Z.O.Axrorov va boshqalar. –Т.: Iqtisod-moliya”, 2018.
- 4.27. Муродова Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш механизминини такомиллаштириш йўналишлари. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов (Часть II) / под общ. Ред. д.э.н. А.М. Садыкова. – Т: ПРООН, ИПМИ, 2012.
- 4.28. Муратов С. Успех автоматизации: ключевые факторы // Бизнес-форум, I т. 2003. №11.
- 4.29. Нордстрем К.А., Риддерстрале И. Бизнес в стиле фанк. — СПб.: Стокгольмская школа экономики в Санкт-Петербурге, 280.
- 4.30. Ожегов Сергей Иванович. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978.
- 4.31. Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. - Самарқанд: СамКИ, 1999.
- 4.32. Пардаев О.М. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2017.
- 4.33. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2014. – 384 б.;
- 4.34.. Попов С.А. Комплексный анализ оценки эффективности управления программами поддержки малого предпринимательства. Фундаментальные исследования. №10, 2013.
- 4.35. Поливаев В. E-commerce: штрихи к портрету // CONNECT! Мир

связи. 2004, №6.

4.36. Соловяненко Н. И. Приоритеты законодательства в области электронной коммерции // Мир электронной коммерции. 2000. № 1. Янв.

4.37. Suhail Sultan, Andre de Waal, Robert Goedegebuure, (2017) "Analyzing organizational performance of family and non-family businesses using the HPO framework", Journal of Family Business Management, Vol. 7 No.3, pp.242-255.

4.38. Ташназаров С. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида синергетик ёндошувнинг намоён бўлиш хусусиятлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2016 йил (www.iqtisodiyot.uz).

4.39. Успенский И.В. Энциклопедия Интернет-бизнеса - СПб: Питер, 2001.

5.40. Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. .Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017.

4.41. Черницкий А. (2007). Семейный бизнес, или как работает с родственниками // Наша власть. Дела и лица, Вып. 6. (http://nashavlast.ru/article_description/64/223.html)

4.42. Chrisman, J.J., Chua, J.H., Kellermanns, F.W., Matherne, C.F. III and Debicki, B.J. (2008), “Management journals as venues for publication of family business research”, Entrepreneurship Theory and Practice, Vol. 32 No. 5, pp. 927-934.

4.43. Шавқиев Э., Каримов З.Тижорат банклари фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишда инновацион хизматларнинг роли.// Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Жанубий Корея Республикасининг Кангвон Университети ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро назарий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд, СамҚХИ, 2015.

4.44. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография - Т.: Фан. 2006.

4.45. Эрнандо де Сото Х. Загадка капитала. Почему капитализм торжествует на западе и терпит поражение во всем остальном мире - М.: «Олимп-Бизнес», 2002.

4.46. Электронный маркетинг: Учеб, пособие / под ред. Т.П. Данько, Н.Б. Завьяловой, О.В. Сатиновой. - М.: ИНФРА -М, 2003.

4.47. Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори (2017 йил якунлари бўйича). –Т.: “Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси”, 2018.

4.48. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо – Конибил. Таҳрир хайати М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. – Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.

4.49. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2004.

4.50. Ўзбекистонда хорижий капиталга эга 5517 корхона ишламоқда. // [www. Kun.uz](http://www.kun.uz). Ўзбекистон, 2018 йил 12 январь.

4.51. Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони маълум қилинди. // [www. Kun.uz](http://www.kun.uz). Ўзбекистон, 2019 йил 15 январь.

4.52. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. - Т.: Молия, 2003.

V. Статистик тўпламлар

5.1. O‘zbekistonda kichik tadbirkorlik. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018.

5.2. Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.

5.3. O‘zbekiston raqamlarda (statistik to‘plam). –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018,

5.4. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.

5.5. O‘zbekiston hududlarining yillik statistik to‘plami. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi, 2018.

VI. Интернет сайтлари маълумотлари

6.1. samrayarik.uz/uz/node/269

6.2. <https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha>

6.3. <https://uzse.uz/analytics> Биржевое обозрение” по итогам 2017 года

6.4. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси сайти.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I.	Минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети, мақсади	
БОБ	ва вазифалари.....	6
1.1.	Минтақавий иқтисодиёт фанида «жой» ҳудудий маконни ўрганиш долзарблиги.....	6
1.2.	Фан предмети доирасида ўрганиладиган муаммолар.....	8
1.3	Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиёт фанининг шаклланиш даври.....	10
II.	Минтақалар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш	
БОБ	қонуниятлари ва тамойиллари.....	15
2.1.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича хорижий назариялар.....	15
2.2.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари.....	30
2.3.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари.....	31
III.	Ўзбекистоннинг маъмурий ҳудудий бўлиниши.....	34
БОБ		
3.1.	Ўзбекистоннинг маъмурий - ҳудудий бўлинишининг тарихи ва ҳозирги ҳолати.....	34
3.2.	Маъмурий-ҳудудий бўлиниш масалаларини қонуний-ҳуқуқий асослари.....	36
3.3.	Аҳоли пунктларига шаҳар мақомини беришнинг қонуний масалалари.....	39
IV.	Минтақалар табиий-ресурс салоҳияти ва уларнинг	
БОБ	ҳудудий таракқиётда тутган ўрни.....	42
4.1.	Табиий ресурслар турлари ва улардан фойдаланиш.....	42
4.2.	Табиий ва минерал-ҳомашё ресурсларининг иқтисодий аҳамияти.....	45
4.3.	Табиий ва минерал-ҳом ашё ресурсларининг минтақалар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожланишига таъсири.....	46
4.4.	Табиий ресурслардан фойдаланишда қутиладиган муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	57
V.	Минтақалар аҳолиси ва меҳнат ресурслари.....	65
БОБ		
5.1.	Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати.....	65
5.2.	Меҳнат бозорининг ривожланиши ва уни тартибга солиш....	73
5.3.	«Ижтимоий сиёсат» тушунчаси, ижтимоий сиёсатнинг хусусияти, аҳамияти ва ривожланиш зарурияти ва унинг асослари.....	77
VI.	Минтақаларда саноат тармоғини ривожланиш	
БОБ	хусусиятлари.....	81
6.1.	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари.....	81

6.2.	Саноат тармоқлари ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари	85
6.3.	Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни.....	93
6.4.	Саноатга қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ҳолати	97
VII.	Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ихтисослашуви.....	101
БОБ		
7.1.	Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефи.....	101
7.2.	Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш. Агросаноат мажмуаси сиёсатдаги устуворликлар.	107
7.3.	Агросаноат мажмуини ривожлантириш муаммолари.....	111
VIII.	Транспорт, ахборот коммуникация инфратузилмасининг минтақавий ривожланиш хусусиятлари.....	115
БОБ		
8.1.	Транспортнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва унинг таркиби.....	115
8.2.	Темир йўл транспорти.....	119
8.3.	Автомобил транспорти.....	120
8.4.	Ҳаво ва сув транспортлари.....	121
IX.	Ўзбекистоннинг республика, минтақа ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш механизми.....	124
БОБ		
9.1.	Давлат ҳокимиятининг турли поғоналари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг вазифа ва тамойиллари Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати.....	124
9.2.	Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари.....	127
9.3.	Республика, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларнинг самарадорлигини ошириш йўллари.....	129
X.	Минтақавий иқтисодий сиёсат.....	135
БОБ		
10.1.	Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари.	135
10.2.	Минтақавий иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар	138
10.3.	Мустақиллик йилларида Ўзбекистон минтақавий иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари.....	141
XI.	Минтақалар молияси ва уни тартибга солиш.....	143
БОБ		
11.1.	Ҳудудий молиянинг моҳияти ва таркиби.....	143
11.2.	Маҳаллий бюджет-маҳаллий бошқарув органлари асосий молиявий манбаидир.....	144
11.3.	Бюджетлараро муносабатлар.....	146

XII.	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини	
БОБ	тартибга солиш.....	150
12.1.	Минтақалар иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари.....	150
12.2.	Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари.....	154
12.3.	Минтақавий ўсиш назарияларини таҳлил этиш масалалари...	157
XIII.	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш	
БОБ	стратегияси.....	163
13.1.	Худудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурияти.....	163
13.2.	Минтақаларнинг ривожланиш концепсиялари ва асосий тамойиллари.....	170
13.3.	Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари..	172
XIV.	Минтақалар рақобатбардошлиги ва рақобат устунлиги	176
БОБ		
14.1.	Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва шаклланиши тўғрисидаги илмий ёндашувлар.....	176
14.2.	Минтақа аҳолисини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг тутган ўрни	181
14.3.	Минтақада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.....	186
14.4.	Чет эл инвестициялари ва эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар иқтисодиётида тутган ўрни.....	191
XV.	Минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва	
БОБ	экспортни кўпайтириш йўллари.....	199
15.1.	Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти ва таснифи.....	199
15.2.	Минтақаларнинг экспорт салоҳияти.....	200
15.3.	Минтақаларда кўшма корхоналарни ривожланиши.Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари.....	205
XVI.	Худудлар таракқиётининг экологик жиҳатлари ва	
БОБ	табиатдан фойдаланишнинг минтақавий муаммолари...	208
16.1.	Ўзбекистон ва унинг худудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари.....	208
16.2.	Сув ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш.....	213
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	221

